

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**1**

---

**2017**

**Тошкент**

№1  
01/2017

Илмий журнал  
Научный журнал  
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

## Муассис:

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

## Таҳрир кенгаши раиси:

Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д. профессор.

## Таҳрир кенгаши

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и. ф. д., профессор  
Бегалов Баходир Абдусаломович – и. ф. д., профессор  
Бекмуродов Адхам Шарипович – и. ф. д., профессор  
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и. ф. д., профессор  
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и. ф. д., профессор  
Содиқов Авазбек Мадаминович – и. ф. д., профессор  
Ғайибназаров Баходир Каримович – и. ф. д., профессор

## Таҳрир ҳайъати

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор  
Йўлдошев Нуриддин Курбонович – и.ф.д., профессор  
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор  
Рашидов Октам Юнусович – и.ф.д., профессор  
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор  
Умурзаков Баходир Хамидович – и.ф.д., профессор  
Усманов Анвар Саидмахмудович – и.ф.д., профессор  
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор  
Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич – и.ф.н., доцент  
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.н., доцент  
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент  
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент  
Хакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент  
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.н., доцент  
Ташматов Рустам Хусанович – и.ф.н., доцент

ISSN 2010-6130

**Бош муҳаррир:**

Ражаббаев Ш.Р. – и.ф.н., доцент

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Рустамов Б.М.

**Масъул котиб:**

Турсунов М.Б.

**Адабий муҳаррир:**

Рустамов Б.М.

**Мусаҳислар:**

Абдуллаева М.С.

**Техник муҳаррир ва саҳифаловчи:**

Турсунов М.Б.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: <http://cedr.uz/ru/section/64>

E-mail: [ivt@cedr.uz](mailto:ivt@cedr.uz)

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0041-сон билан рўйхатга олинган.

# Мундарижа

## БАНК ИШИ Банковское дело

<b>Қорабоев Н.</b> Тижорат банклари рейтингига таъсир қилувчи асосий молиявий кўрсаткичлар.....	7
<b>Йўлдошев Р.З.</b> Аҳолига қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш – банклар барқарор фаолиятининг гаровидир.....	11
<b>Нафасов Д.Б.</b> Банк рискларини бошқаришнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.....	15
<b>Мамадияров З. Т.</b> Халқаро рейтинг агентликлари ва уларнинг тижорат банклари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари.....	20
<b>Одилов Ф. Ш.</b> Криптовалюталарнинг жаҳон молия бозорига таъсири..	24

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

<b>Холбеков Р.О.</b> Доннинг сифат харажатлари ва улар ҳисобиниташкил қилишнинг услубий асослари.....	29
<b>Азизов Ш.У.</b> Божхона тизимини такомиллаштиришда божхона аудитининг ўрни .....	34
<b>Калонов М.Б.</b> Ҳозирги шароитда автотранспорт корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.....	38
<b>Чориев И.Х.</b> Таҳлилий амаллар - аудиторлик хизматлари сифатини ошириш воситаси.....	42
<b>Дадабаев Ш.Х.</b> Қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва уларни қайта ишлашнинг босқичли тизими ҳисоби.....	45

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ Инновация и инвестиция

<b>Акрамов А.У., Джайдакбаев М.Т.</b> Миллий инновацион тизимлар ва илмий-технологик ривожланишнинг жаҳон тенденцияси.....	51
--	----

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ Экономика сельского хозяйства

<b>Абруев А.И.</b> Қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг истикбол кўрсаткичлари таҳлили.....	56
<b>Эргашева Ш.Т.</b> Экономика сельского и водного хозяйства в Узбекистане.....	60

**ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**  
**Математическое моделирование экономических процессов**

<b>Усманова Д.К., Рахмонов Т.</b> Прогнозирование показателей эффективности предприятий сферы обслуживания и основные направления их достижения.....	64
--	----

**МАРКЕТИНГ**  
**Маркетинг**

<b>Ахмедов И.А.</b> Повышение качества управления промышленных предприятий на основе бенчмаркинговой компетентности.....	68
<b>Хахимов З.А.</b> Наманган вилояти газламалар бозори конъюнктураси ва уни баҳолаш.....	73

**МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ**  
**Экономика труда**

<b>Умурзаков Б.Х.</b> Повышение эффективности занятости населения Узбекистана на основе требований принципов достойного труда.....	80
<b>Арабов Н.У.</b> Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро самарали алоқадорлиги.....	84

**МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР**  
**Финансы и налоги**

<b>Остоноқулов А.А.</b> Эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобининг хусусиятлари.....	89
<b>Турдыева Г.О.</b> Кредит қобилиятини баҳолашда қўшимча маълумот манбаларини шакллантириш .....	93
<b>Оқилов С.Қ.</b> Иқтисодиётда молиявий институтларнинг ўрни ва роли.....	97

**МЕНЕЖМЕНТ**  
**Менежмент**

<b>Умарова Д.М., Ибрагимова С.А.</b> Стратегии развития системы менеджмента качества и конкурентоспособности на предприятиях нефтегазовой промышленности.....	103
---	-----

**ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ**  
**Отраслевая экономика**

<b>Аюбжонов А.Х., Сайфуллаев С.Н.</b> Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг статистик таҳлили.....	106
<b>Саттаров Б.К.</b> Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг айрим масалалари.....	112
<b>Исаджанов А.А.</b> Глобал иқлим ўзгариши: хусусиятлари ва адаптацион механизмини шакллантириш муаммолари.....	116
<b>Сотволдиев Н.Ж.</b> Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва асосий вазифалари.....	120

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
**Образование, наука и производство**

<b>Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Алиева С.С.</b> Необходимость подготовки конкурентоспособных специалистов в условиях повышения качества инновационных образовательных услуг.....	125
<b>Файзиев Ш.</b> Технопарки – новая форма интеграции науки с промышленностью .....	129
<b>Каххоров О.С.</b> Особенности процесса подготовки и управления экономических кадров в системе высшего образования.....	132
<b>Порсаев Г.М.</b> Анализ систем оценок знаний и разработка критерия балльно - рейтинговой оценки с использованием весовых коэффициентов..	135
<b>Рахмонов Д.А.</b> Олий таълим тизимини молиядаштириш самарадорлиги - мамлакатлар инновацион ривожланиши омили сифатида.....	141

**ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИ**  
**Экономика регионов**

<b>Ешимбетов У.Х.</b> Научные основы регионального размещения и развития производства.....	146
<b>Абдувалиев А.А.</b> Худудий инновацион тизимни ривожлантиришнинг назарий асослари.....	151

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**  
**Зарубежный опыт**

<b>Юлдашев Н.Н.</b> Демографик сиёсат олиб боришнинг хориж тажрибаси: Хитой ва Ҳиндистон.....	157
<b>Исмаилова С.С.</b> Жаҳон лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияси (АҚШ ва Европа лизинг бозорлари мисолида).....	160

**САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ**  
**Экономика промышленности**

<b>Мирсаидова Ш.А.</b> Саноатни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва унинг самарадорлигини ошириш масаллари Ўзбекистон қора металлургия корхоналари мисолида.....	165
---	-----

**ЁШ ОЛИМ МИНБАРИ**  
**Трибуна молодого ученого**

<b>Юсупов Ш.Б.</b> Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва усуллари.....	169
--	-----

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

**Қорабоев Нодир Абдухамидович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси катта илмий ходим - изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада тижорат банкларининг халқаро рейтингига таъсир қилувчи асосий молиявий кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Шунингдек, қабул қилинган кўрсаткичларнинг ўртача таъсир килиш даражаси коэффициентларда аниқланган. Хулоса сифатида банклар молиявий ҳисоботларининг айрим кўрсаткичларига таъсир қилувчи сиёсат юритиш рейтинг даражасини яхшилаши тасдиқланган. Модельни тузишда таққослаш ва эконометрик таҳлил усуллари қўлланилган. Статистик маълумотлар Ўзбекистон тижорат банкларининг 2012-2015 йиллардаги кўрсаткичлари бўйича тўпланган.

**Таянч тушунчалар:** банк иши, банк рейтинги, рейтинг агентлиги, банк кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичлари, кўрсаткичлар таъсири.

**Аннотация.** В статье изучаются вопросы обеспечения финансовой устойчивости коммерческих банков. Там рассматривается новый единый надзорный механизм ЕС для банков. Мы проанализировали основные показатели финансовой устойчивости банковской системы Узбекистана на примере девяти крупных банков. В качестве инструмента анализа мы использовали стресс-тестирование. Качество активов и достаточности капитала были выбраны в качестве факторов для оценки банковского сектора. Мы пришли к выводу, что качество активов крупных банков Узбекистана можно оценить на приемлемом уровне.

**Ключевые слова:** банковское дело, финансовая стабильность, капитал, активы, прибыльность, стресс-тестирование.

Тижорат банклари ёки бутун банк тизмининг ижобий рейтинглари ҳақидаги янгиликлар аҳоли ва маҳаллий тадбиркорлар қизиқишини уйғотади. Чунки уларнинг кундалик молиявий фаолиятида қарорлар қабул қилишига бундай маълумотлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айниқса, улар банк акциядорлари ва инвесторлар, шунингдек, ҳукумат ҳамда бошқа молия институтлари чиқарадиган қарорларга таъсир кўрсатади. Рейтинг банк молиявий-иқтисодий ҳолатини ҳаракатлаб, капитал етарлиги кўрсаткичи каби энг оддий нисбатлардан фарқ қилувчи жаҳондаги етакчи рейтинг агентликларининг мураккаб кўрсаткичлардан иборат. Шунинг учун тижорат банклари рейтингини белгилаш тартибидини аниқлаш услубига бўлган қизиқиш жуда юқори. Бу услуб тижорат банклари орасида аниқ бир банкнинг ҳолатини қиёслаш имконига эга бўлиши керак. Молия фанида рейтинг – банклар фаолиятини баҳолашнинг асосий инструменти деб қаралади (Хау ва бошқ., 2013).

Жаҳонда банк рейтинглари жуда кўп аб агентликлар томонидан ишлаб чиқилади. Бирок салоҳияти юқори инвесторлар асосан жаҳондаги етук учта рейтинг агентлиги томонидан берилган рейтинг кўрсаткичларига эътибор қаратишни маъқул кўрадилар. Moody's ва Standard and Poor's рейтинг агентликларининг ҳар бири жаҳон рейтинг хизмати бозорининг 40 % улушларига эгаллик қиладилар. Fitch Ratings рейтинг агентлиги (қарз облигациялари бозоридаги улуши 14) эса топ учталикни яқунлаб турибди (VTV info, 2007).

Бу учта рейтинг агентликларининг рейтинглари эксперт даражасида деб қабул қилинган, чунки уларнинг қоидалари ва қабул қилган маълумотлари эпик маълумотлар саналади.

Рейтинг агентликлари рейтингларни шакллантириш вақтида ҳисобга олинган омилларнинг тор тавсифи келтирилган ҳолда чоп этишларига қарамасдан, банклар агентликлар томонидан ишлаб чиқилган рейтинг кўрсаткичларига айнан қайси омиллар таъсир кўрсатишини ва қайси кўрсаткичларнинг ўзгариши банк рейтингини жойбадор қила олишини топа олишлари мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мақолани тайёрлашда биз тижорат банкларининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари билан эълон қилинган рейтинг кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликларни тадқиқ этишни асосий вазифа сифатида белгилаб оламиз.

Аниқланган натижалар шундан далолат бериши мумкинки, молиявий сиёсатнинг эътибор қаратилган элементлари ёрдамида банк рейтингига таъсир кўрсатиш мумкин.

Мақоланинг асосий мақсади банкнинг ишлаб чиқилаётган рейтинг кўрсаткичи даражасига кўпроқ таъсир кўрсатаётган кўрсаткичлар ва йўналишларни аниқлашдан иборат. Бу ишда эконометрик ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилади.

**АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Рейтинг агентликлари томонидан аниқланган рейтинг кўрсаткичлари мамлакатнинг молиявий барқарорлиги учун жуда муҳим аҳамият касб эта-

ди. Рейтинг кўрсаткичи Ўзбекистон тижорат банклари халқаро молиявий институтлар кредит линияларини олиб келишда катта роль ўйнайди. Юзага келган халқаро молиявий инқироздан сўнг юзага келган молиявий йўқотишлар сабабли инвесторларнинг рейтинг кўрсаткичларига бўлган ишончи бир мунча пасаяди, шу сабабли, қатор мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мамлакат ичида рейтинг агентликларининг фаолиятини тартибга солиш чоралари кўриб чиқилди. Масала, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Молия вазирлигининг кўрсатмалари доирасида миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва уни доимий мониторинг қилиб бориш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ўзбекистон тижорат банклари рейтингини баҳоловчи рейтинг агентликларининг қисқартирилган рўйхати шакллантирилган.

Рейтинг агентликлари билан боғлиқ тадқиқотларга қизиқиш Банк назорати бўйича Базель Кўмитаси томонидан “Капитални баҳолаш ва капитал стандартларининг Халқаро мутаносиблиги тўғрисида”ги ҳужжат (Базель 2, 2004) қабул қилингандан кейин юзага келди. Ушбу ҳужжат тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича услубий тавсиялар, хусусан, банklar активларини ҳисобга олишда кредит олувчиларнинг барча даражада кредитлаш хавфини баҳолаш бўйича ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳоланадиган рейтингини ҳисобга олишда молиявий тартибга солувчи вазифасини бажарувчи ташкилотларга талаб ва тақлифлардан иборат. Аммо баъзи иқтисодчилар (Каната ва Куайларелло, 2010) ўз илмий ишларида Базель 2 талабларини танқид қилиб ўтадилар.

Ўзбекистонда 2015 йил 6 майда “Тижорат банклари ва уларнинг ресурслари базасини ривожлантириш ҳамда молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2344 сонли Фармони асосан ҳамда Базель 3 (Базель 3, 2009) талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Рейтинг ва рейтинг тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ услубий ва назариялар турли хилдир. Улар икки йўналишга бўлинади:

1) рейтингни аниқлаш бўйича тижорат банкларининг ўзлари томонидан илгари суриладиган фикрлар;

2) ташқи иштирокчилар (ҳукумат, инвесторлар ва мижозлар)нинг фикрлари.

Тадқиқотларнинг биринчи йўналишидан кўзланган мақсад рейтингларни моҳиятини очиб бериш ва уларни танқидий таҳлил қилиш ҳисобланади. Иккинчи йўналиш рейтингларнинг хусусиятлари ва қўлланиши тўғрисидаги гипотезаларни текширишга йўналтирилган. Бизнинг илмий мақоламиз иккинчи йўналишга тааллуқли.

Иқтисодчи олимлар Хау ва бошқ. (2013) ўзларининг мақоласида дунёдаги учта йирик рейтинг агентликларининг кўрсаткичларини прогноз қилиш ва уларнинг рейтинг тизими сифатини таққослашга ҳаракат қилган. Муаллифлар ўз тадқиқотларида рейтинглар сифати молиявий тизим ҳолатига боғлиқ эканлигини тасдиқлаганлар ва молиявий инқироз даври мобайнида турли хил рейтинг тизимлари жуда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилган. Уларнинг фикрича, банк ин-

вестиция рейтингини билган ҳолатда рейтингларга асосланган ҳолда кутилаётган “хавф”ни башорат қилиш мумкин эмас. Рейтинглار ҳисобланаётганда йирик рейтинг агентликлари мамлакатлардаги молиявий ҳисоботларга қўйилган талабларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олишлари керак. Агентликларнинг турли омилларга нисбатан сиёсати ҳам бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, Standard and Poor’s банк ҳажми таъсири ва давлатлар омилларини Moody’s ва Fitch рейтингига нисбатан қатъийроқ баҳолайди. Кўпгина ҳолларда банк рейтингини агентлик ва банк ўртасидаги алоқаларга, шунингдек, рейтинг қиймати, ҳажми ва банklar фаолиятига боғлиқ. Муаллифларнинг фикрича, банklarни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари (халис иштирок этиш, ҳукумат кафолатлари) банklarнинг рейтингига таъсир кўрсатмайди.

Инқироздан сўнг кўп тадқиқотлар банк рисклари ва банklar рентабеллиги бўйича тижорат банкларида самарадорлиги мавзусига қаратилди. Масалан, иқтисодчи олимлар Белтратти ва Шульц (2012 йил) капитал етарлигининг биринчи даражасига эга ва активларига нисбатан кредитлари ҳажми юқори бўлган тижорат банклари инқирознинг дастлабки босқичида яхши фаолият кўрсатганлигини аниқладилар. Иқтисодчи олимлар Бергер ва Боуманлар ўз илмий ишларида кўрсатиб беришдики (2012 йил), инқироз даврида капитал ҳажмининг юқори даражаси банklar самарадорлиги ошишига олиб келди ва депозитлар ҳамда ликвидликлиги йўқори активлар уларга кўпроқ даромад келтирди.

Бундан ташқари, банklar фаолияти билан боғлиқ ахборотларнинг ошқоралиги ва очиклиги омили ҳам катта таъсир кўрсатди. Ахборотларнинг ошқоралиги ва очиклиги омили таъсири иқтисодчи олим Ван Рой илмий изланишларида ҳам тадқиқ этилди (2006 йил). У интернет тармоқларида мавжуд ахборотлар оқими банк рейтингига (лекин фақат мустақил рейтинг агентликлари томонидан рейтинглар) таъсирини аниқлади. Рейтинг агентликларига рейтинг кўрсаткичинини аниқлаб бериш учун мурожат қилмаган, бироқ фаолиятига оид маълумотларни кенг қўламда ошқор этиш сиёсатини давом эттираётган тижорат банклари юқори рейтинг даражасини олишда катта ютуқларга эришиши мумкинлиги айtilган.

Дистингэн ва бошқ. (2013) илмий мақолада молия ҳисоботлар маълумотлари асосида ишлаб чиқилган рейтинг кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича прогнозлар тадқиқ қилинган. Муаллифлар қуйидаги фикрларни келтириб ўтадилар:

- Рейтинг кўрсаткичи пасайишидан кўра унинг ўсишини башорат қилиш осонроқ;

- Банк молиявий ҳисоботлари кўрсаткичлари ўзгаришларни башорат қилишда катта аҳамиятга эга, бироқ унинг аҳамияти катта ва кичик банklar учун ҳар хил;

- Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари молия бозорларида фаолият юритувчи молия институтларига қараганда анъанавий қарз-кредит аммалиётлари билан шуғуллаувчи банklarнинг рейтинг кўрсаткичлари ўзгариши истикболларини аниқроқ башорат қилиш имконига эга.

Рейтинг агентликлари ўртасидаги рақобат муҳити ҳам рейтинг сифатига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Ушбу масала Каманхо ва бошқ. (2010) ва Болтон ва бошқ. (2012) илмий ишларида ҳам ўрганиб чиқилган.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк

рейтинги молиявий ва сифат кўрсаткичларини умумлаштирувчи эмпирик ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланади. Шу мунособат билан, Хунжак ва Яковьевич (2001) банк самарадорлигини баҳолашнинг бир нечта мезонлар моделини тақлиф этади. Бу модель миқдорий маълумотларни ҳар томонлама баҳолаш, ички ва ташқи омилларни кўрсатиб берувчи АНР услубига асосланган. Думпас ва Зопонидис (1999) эса PROMETHEE II методологиясини биргаликда қўллашнинг батафсил тавсифини тақлиф қилувчи юнон банклари маълумотлари устида олиб борилган тадқиқотларни намойиш этдилар.

Бундан ташқари, биз илмий мақоламизда Ўзбекистон тижорат банклари жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан эконометрик моделларни қўллаган ҳолда баҳолаган рейтинг кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омилларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Эконометрик моделни шакллантириш жараёнида, дастлаб, 17 та Ўзбекистон тижорат банкларидан иборат рўйхат тузиб оламиз. Бу танланган 17 та банклар барча бизга керакли маълумотларга эга ва халқаро рейтингни олган. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг барча тижорат банклари халқаро рейтинг кўрсаткичига эга. Бу 17 та тижорат банкларининг 2012-2015 йилларга тегишли молиявий ҳисоботлари, шунингдек, 3 та халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳолари киритиб ўтилади. Банк маълумотларини ошқора этмаслик мажбуриятини олганлигимиз туфайли банк рейтинги ва маълумотлари мазмуни рақамларда намойиш этилмайди.

Рейтинг даражалари Карминский (2010) мақоласига асосан, ҳарфи рейтингга амал қилиш ёрдамида рақамли кийматга ўтказилди. Қанчалик юқори кийматга эга бўлса, шунчалик юқори рейтингга эга бўлади. Шубҳасиз, бошқалар кийматларни масштаблаштиришга нисбатан бундай ёндашув туфайли турли баҳслар юзага келиши мумкин. Рақамлар билан масштаблаштиришдан фойдаланишни оқлайдиган жиҳат шундаки, кам сонли банклар таҳлил қилинмоқда. Берилган рейтинг кўрсаткичининг рақамли киймати мустақил ўзгарувчини тақдим этади. Ахбор-рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилган банк ҳисобининг молиявий кўрсаткичлари тушинтирув ўзгарувчилари сифатида кўриб чиқилади. Барча ўзгарувчилар миқдорий киймат ҳарактерига эга.

Моделлаштириш жараёнида биз қуйидаги ўзгарувчилардан фойдаланамиз:

*act\_vol* – банк активлари ҳажмини ҳарактерлайди;

*own\_cap* – хусусий капитални ҳарактерлайди;

*cred-portf* – кредитларни жойлаштиришни ҳарактерлайди;

*cred\_vol* – муддати узайтирилган кредитлар ҳажмини ҳарактерлайди;

*inv\_portf* – инвестициялар (портфели) ҳажмини ҳарактерлайди;

*firm\_dep* – банкдаги юридик шахсларнинг омонатларини ҳарактерлайди;

*ind\_dep* – банкдаги жисмоний шахсларнинг омонатларини ҳарактерлайди;

*net\_profit* – жами йиллик соф фойдани ҳарактерлайди;

*act\_profit* – банк активлари рентабеллигини ҳарактерлайди;

*owncap\_profit* – хусусий капитал рентабеллиги-

ни ҳарактерлайди.

Мустақил ўзгарувчиларнинг чекланган миқдори маълумотларни аниқлашда банклар фаолиятига оид бошқа турдаги маълумотларни топиш иложи бўлмаганлиги билан изоҳланади. Моделдаги ўзгарувчиларнинг логарифмик шакли ўзгарувчилар миқдорини фоиз бирлигига ўтказиш билан ҳарактерланади. Айрим мустақил ўзгарувчилар Dickey-Fuller воситаси ва корелляция таҳлилда текшириб кўриш жараёнида ноаниқ қийматлар келиб чиққани сабабли моделга киритилмади.

### МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қуйидаги жадвал 2012-2015 йиллардаги банк рейтингларини эконометрик моделлаштириш натижаларини кўрсатади. Жадвал ишончлилик даражаси 5% дан 10% гача бўлган мустақил ўзгарувчиларнинг ишончлилик даражасидан иборат.

№	Ўзгарувчилар	Тушинтириш нисбати
1	<i>cred_portf/own_cap</i>	4.076%
2	<i>log(firm_dep)</i>	9.256%
3	<i>log(ind_dep)</i>	6.746%
4	<i>log(inv_portf)</i>	- 9.062%
5	<i>log(net_profit)</i>	2.242%
6	<i>owncap_profit</i>	0.187%
7	<i>act_profit</i>	4.973%
8	бошқалар	63.459%

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, барча кўрсаткичларнинг тушинтириш имконияти жуда паст. Таҳлил натижалари бундай бўлиши аввалдан маълум эди чунки, моделга биз, иқтисодий назарияга кўра, боғлиқ ўзгарувчиларни тушинтирувчига ҳамда биз фойдалана олишимиз мумкин бўлган маълумотларгагина мос келувчи ўзгарувчиларнигина ҳисобга олган эдик. Танланган ўзгарувчилар фақатгина молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида ҳисобланади, бошқа ҳеч қандай ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинмайди. Бироқ, рейтинг агентликлари ички ва ташқи омилларни ҳам ҳисобга оладилар. “Рейтингга таъсир кўрсатувчи молиявий омилларнинг қидирилиши банк бошқарувчилари учун мавқеини яхшилашга катта имкониятлар яратиб беради. Агар улар рейтинг агентликларлари томонидан қайси омиллар ҳисобга олинишини билганларида эди, айнан шу йўналишни ривожлантиришга барча имкониятларни сарфлашган бўлар эди” (Волкова ва Львова, 2016).

Моделнинг  $R^2$  қабул қилинган маъноси (бу моделдаги иқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро яқинликни кўрсатиб берувчи) 0,71 га тенг деб олинди. Моделларни турли тартибли омиллар билан бу тартибли омилларнинг  $R^2$  статистикасига таъсир этмаслигини таъминлаш мақсадида уларни таққослаш имкониятига эга бўлиш учун, одатда, қабул қилинган нисбат ҳам қўлланилади.

Бизнинг масаламизда белгиланган нисбат 0,64 га тенг. Квадрат қолдиқларининг йиғиндиси регрессияда энг кичик киймат сифатида олинади. Регрессиянинг стандарт ҳатолиги 0 га энг яқин деб қабул қилинади. F-statisticsнинг 0 га эҳтимолий тенглигини регрессиянинг ишончли-

лиги ва аниқлигини характерловчи энг муҳим омил сифатида қабул қилиш мумкин. OLS модели энг кичик қиймат шартда қуйидаги уч мезонга кўра танланади: Akaike info мезони, Schwarz мезони, Hannan-Quinn мезони.

The Durbin-Watson stat мезони идеал мезон бўлиб чиқди. OLS усули билан ҳисобланган Регрессион таҳлил Gaus-Markov ва бошқа мавжуд таҳлиллар билан текшириб чиқилди.

#### МУНОЗАРА ВА ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон тижорат банклари маълумотлари таҳлили натижасига таяниб қуйидаги хулосаларга келдик:

- Танланган ўзгарувчилар банклар ҳолатига берилган рейтинг кўрсаткичлари сифатини аниқлайди ва моделда ҳисобга олинган омиллар банк рейтингини ўртача 63,5 фоизгача тушунтиради деб ўйлаймиз;

- Ўзбекистон шароитида, банкда юридик ва жисмоний шахслар омонатлари қанча кўпроқ бўлса, натижада шу банк кредит рейтингини юқори бўлмоқда;

- шуни ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон тижорат банклари балансида бўлган корхоналар ва бошқа қиммат баҳоли қоғозлар банкка ҳар доим ҳам фойда келтиравермайди. Банк инвестициялари портфели юқори бўлса, бу паст рейтинг кўрсаткичига эга бўлади;

- тижорат банклари кредит портфелининг хусусий капиталига нисбати қанчалик баланд бўлса (таъсир даражаси  $\approx 4.076\%$ ), банк рейтингини шунчалик баланд бўлади;

- шунингдек, таҳлил қилинаётган йил учун банкнинг йиллик соф фойдаси ҳажми 2 % гача ўсиши кейинги йилги банк рейтингига таъсир кўрсатади;

- рейтингга умумий пул айланмасида банкнинг мавжуд хусусий капиталлар ҳажми умуман таъсир этмайди;

- активлар сифати ва уларнинг рентабеллиги рейтинг белгилашни оқлашда энг таъсири юқори бўлган омиллардан бири саналади.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда хулосалар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон тижорат банклари учун бир қанча тавсияларни илгари суриш мумкин: (1) банклар аҳолининг ва асосан, ушбу банкларга хизмат кўрсатаётган юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини фаол жалб этишда давом этишлари керак; (2) қисқа муддатли жорий активлар ҳажми қанчалик кўп бўлса, кўп фойда олинади ва юқорироқ рейтинг кўрсаткичига эга бўлади; (3) банкларга корхоналар қимматли қоғозларига кўп инвестиция киритишлари ва фонд бозорига инвестицион фаолият билан шуғулланиш тавсия этилмайди, бунинг ўрнига, анъанавий банк фаолияти билан шуғулланган яхшироқ.

Биз жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликлари рейтинг баҳоларини умумий қарашда таҳлил қилдик. Агар банк рейтингини ишлаб чиқишда асосий молиявий кўрсаткичларнинг таъсирини баҳолаш бўйича бундан кейинги тадқиқотларда ҳар бир агентлик алоҳида тўхталса, натижалар янаям батафсилроқ бўлар эди.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Basel Committee on Banking Supervision. 2010. *Basel II: International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards: a Revised Framework*. Access from <http://www.bis.org/publ/bcbs107.htm>
2. Basel Committee on Banking Supervision. 2010. *Basel III: International regulatory framework for banks*. Access from <http://www.bis.org/bcbs/basel3.htm?m=3%7C14%7C572>
3. Beltratti, A., Stulz, R. M. 2012. *Why did some banks perform better during the credit crisis? A cross-country study of the impact of governance and regulation*. *Journal of financial economics*.
4. Berger, A., Udell, S. 2012. *How does capital affect bank performance during financial crisis?* *Journal of financial economics*.
5. Bolton, P., Freixas, X., Shapiro, J. 2012. *The credit ratings game*. *Journal of finance*, 67(1).
6. Camanho, N., Deb, P., Liu, Z. 2010. *Credit rating and competition*. Working paper.
7. Cannata, F., Libertucci, M., Piersante, F., Quagliariello, M. 2010. *Regulatory impact assessment at the Bank of Italy*. *Questioni di Economia e Finanza*, 78, Bank of Italy, Economic Research and International Relations Area
8. Distinguin, I., Hasan, I., Tarazi, A. 2013. *Predicting rating changes for banks: how accurate are accounting and stock market indicators?* *Annals of Finance*, 2013. vol. 9 (9-10)
9. Doumpos, M., Zopounidis, C. 1999. *A Multicriteria Approach to Bank Rating*. Chapter: *Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria*. Part of the series *International Handbooks on Information Systems*. Pp. 563-587
10. Hau, H., Langfield, S. Marquess-Ibanez D. 2013. *Bank ratings: what determines their quality?* *Economic policy*, vol. 28 (74)
11. Hunjak, T., Jakovcovic, D. 2001. *AHP based model for Bank Performance Evaluation and Rating*. 6th ISAHP proceedings. 2001. Berne, Switzerland.
12. Karminsky, A.M., Sosyurko, V.V. 2010. *The Modelling of international banks' ratings*. *Upravlenie finansovymi Riskami*. No.4
13. Van Roy, P. 2006. *Is there a difference between solicited and unsolicited bank ratings and, if so, why?* Working paper, #79
14. Volkova, O., Lvova, I. 2016. *How Russian banks' financial performance affects their International Ratings*. *Journal Ekonomicheskaya politika*. Vol. 11 (1)
15. VTB info. *Bukvenniy kod: pod znakom finansovoy ustoychivosti*. *Corporative journal "Success of energy"*. #3 (9), 2007. Access on 01,11,2016: [http://www.vtb.ru/group/press/smi/energy\\_of\\_success/2007/9/4/315.php](http://www.vtb.ru/group/press/smi/energy_of_success/2007/9/4/315.php)

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – БАНКЛАР БАРҚАРОР ФАОЛИЯТИНИНГ ГАРОВИДИР

Йўлдошев Равшан Зокирович

Банк-молия академияси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари турлари, молия-банк тизимида тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишчанлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилаш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари, уларни ривожлантириш истикболлари ва такомиллаштириш йўлларига қаратилган ишлар кўриб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг расмий манбаларида чоп этилган маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** банк хизматлари; банк маҳсулотлари; банк карталари; SMS-banking; Internet-banking; Mobile-banking; DUET тизими; Click; Mbank; Payme; U-Pay тўлов тизимлари.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены виды услуг, оказываемых населению коммерческими банками, интенсивное развитие предпринимательства, всесторонняя поддержка частной собственности, качественное улучшение деловой среды, система дистанционного управления банковскими счетами, который является современным и удобным для клиентов видом безналичных расчетов, перспективы их развития и пути совершенствования в финансово-банковской системе а также проанализированы на основе данных опубликованных в официальных источника Комитета Статистики, Центрального банка и коммерческих банков Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** банковские услуги; банковские продукты; банковские карты; SMS-banking; Internet-banking; Mobile-banking; система DUET; Click; Mbank; Payme; платежной системе U-Pay.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида банклар муҳим ўрин тутди. Негаки истикболли инвестициявий лойиҳаларни уларнинг молиявий кўмагисиз муваффақиятли амалга ошириш қийин. Шунинг учун ҳам банклар иқтисодиётнинг қон томирига қийсланади.

Республикамизда молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш мақсадида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланаётганлиги туфайли банклар барқарор фаолият кўрсатмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда, унинг сифати ҳам тобора яхшиланиб бораёпти, мижозлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари 300 дан ортиқ банк хизмат ва маҳсулотларини таклиф этмоқда. Бунинг натижасида мижозларга турли қулайликлар яратилиб, молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжлар самарали қондирилиб бормоқда.


Эътироф этиш жоизки, бугун юртимизнинг қайси бир чеккасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, маиший хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларга гувоҳ бўласиз. Зеро, истиклол йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар энг аввало инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, пировардида аҳолининг турмуш даражаси йил сайин юксалиб бораёпти. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида унинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини янада мустаҳкамлаш имконини берувчи йирик ҳамда улкан иншоотлар қурилиши жадал давом эттириляпти. Ана шу жараёнларда молия банк тизими фаол қатнашяпти.

Шунингдек, молия-банк тизими томонидан тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишчанлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилашга қаратилган ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Утган йил охирида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб тизимини

янада ривожлантириш бўйича комплекс чоратадбирлар қабул қилинди [1]. Бунинг натижасида **нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий** ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини **масофадан бошқариш тизимининг** қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.


2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди.

1-расм  
Муомалага чиқарилган пластик карталар сони [2], минг дона



Банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йил давомида муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2 баробардан зиёдга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 16,3 млн. дондан ортиқни ташкил этди.

2-расм  
Тўлов терминаллари сони [3], минг дона



Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183 минг дондан ошди. Шунингдек, жойларда тўловларни узлуксиз қабул қилишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 2345 тага етди.

Унга кўра, тижорат банклари жорий йил охиригача чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги тўлов терминаллари 220 мингтага, пластик карточкалар сони 20 миллионга, инфокиоскларни 4,6 минг ҳамда банкоматларни 700 тага етказишни режалаштирилган. Бунинг учун эса банклар ўрганишлар натижаси ва мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда, пластик карточкалар ва тўлов терминаллари бўйича етарли миқдорда резерв шакллантирилиб, пластик карточка эгаларига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш чораларини кўради. Мобиль алоқа қамраб оладиган ҳудудлар ва алоқа каналларни кенгайтириш учун Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида йирик савдо мажмуалари, туманларда эса тақдим этилган алоқа каналларини тафтишдан ўтказилади.

Банклар аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида мобиль иловаларни фаол татбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хусусан, онлайн режимида ишловчи банк карточкаларидан кредитларни қоплаш, бюджет ва солиқ тўловларини амалга ошириш, товар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар қилиш бўйича янги дастур ҳамда хизматлар йўлга қўйилади. Пластик карточкаларнинг кўп функциялилигини таъминлаш учун тижорат банкининг мижози бўлган корхона ходимлари – жисмоний шахсларнинг сўм пластик карточкалари орқали кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун паспорт нусхаси, иш хақи тўғрисида маълумот, корхонанинг ўз ходими мажбуриятлари учун кафолатномаси бўлса, кифоя.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, жорий йилда мобиль иловалар орқали пластик карточкалари қайси банк эмитенти бўлишидан қатъий назар, бир пластик карточкадан иккинчисига пул кўчириш учун олинadиган хизмат хақи қайта

кўриб чиқилади.

“DUET” тизимидаги пластик карточкалар эса босқичма-босқич онлайн тизимида ишловчи “Smartvista EMV” карточкаларига алмаштирилиб, уларни ишлатиш муддати 5 йил қилиб белгиланади.

Ҳозирги вақтда мижозларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида **инфокиосклар** тармоғи фаолияти йўлга қўйилди. Молия муассасида улар орқали бажариладиган тўлов турлари кўламини кенгайтириш учун жорий йил якунига қадар инфокиосклар сонини янада ошириш режалаштирилган.

Республикаимиз тижорат банкларида бу борада ўзига хос рақобат муҳити шаклланган ва бу бугунги кунда банк хизматлари сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, республикаимизнинг йирик банкларидан бири АТ Туронбанкда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Uzkart-EMV” тўлов тизимидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, онлайн режимида ишловчи пластик карточкаларни муомалага чиқаришга доир мақсадли лойиҳалар ижросини ҳам жадал давом эттираётир. Пировардида “SMS-banking”, “Internet-banking” ва “Мобиль-банкинг” каби масофавий хизмат кўрсатиш турлари қамрови тобора кенгайиб борапти.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масаласи ҳам молия муассасасининг алоҳида диққат-эътиборида. Масалан, “Туронбанк”нинг ташқи иқтисодий фаолияти хорижий валютадаги банк активларини сифатли ва ишончли бошқаришга қаратилган. Бу ерда амалиётлар ҳажмини ошириш, валюта операциялари билан боғлиқ таваккалчиликни камайтириш, хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича амалий ишлар изчил давом эттириляётир. Шунингдек, банк вакиллик муносабатларини ривожлантиришда мижозлар талабларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича тизимли дастурлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ қилмоқда. Натижада мижозларнинг экспорт ва импорт шартномалари сони йилдан-йилга кўпайиб борапти. Шу билан бирга, “Жиззах” махсус индустриал зонасидаги мижозларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришда ҳам банк ҳақиқий кўмакчига айланган.

Яна бир муҳим маълумот: “SWIFT” ва “Thomson Reuters” ахборот-дилинг тизимлари орқали юқори тезликдаги банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда халқаро молия муассасалари билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаш имконияти мавжудлиги туфайли банк мижозлари ташқи савдо амалиётларини бажаришда кўшимча қулайликлардан баҳраманд бўлишяпти.

Бинобарин, молия муассасаси томонидан аҳолига чакана хизматлар кўрсатиш борасида ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Бунда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида иш олиб борилаётгани, мазкур йўналишда замонавий дастурлар амалиётга татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Хусусан, “Туронбанк” муомалага чиқарган “VISA” халқаро тўлов карточкалари ҳозир фойдаланувчиларга ҳар жиҳатдан манзур бўляётир. Бундан ташқари, муассаса ўз мижозларига “VISA Electron”, “VISA Classic”, “VISA Gold” юридик шахслар учун эса “VISA Business” корпоратив карточкаларини тақдим этмоқда. Маълумотларга кўра, 2016 йил давомида жисмоний

шахслар учун 2500 дондан зиёд “VISA” халқаро тўлов карточкалари эмиссия қилинган. Қолаверса, бошқа банкларга тегишли шу турдаги нақд пулсиз тўлов воситаларига ҳам хизмат кўрсатиляпти.

“Золотая Корона”, “Contact”, “Money Gram”, “Юнистрим” ва “Western Union” халқаро пул ўтказмалари тизимларини жорий этишга ҳам “Туронбанк” республикамызда биринчилардан бўлиб қўл урган эди. Ҳозир молия муассасасининг мамлакатимиз бўйича жойлаштирилган 26 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали дунёнинг барча нуқтасига тезкор равишда маблағ юбориш ҳамда қабул қилиш имконияти мавжуд. 2016 йил ҳолатига қўра, ҳар бир халқаро пул ўтказмаси шаҳобчасига тўғри келадиган пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 45 фоиздан ошиқроқ ўсгани ушбу хизмат тури жадал суръатда ривожланаётганидан далолат беради.

Энди бу борада анчагина инновацион технологияларни банк тизимига жорий этган ва амалиётда қўллаётган Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” фаолиятига назар ташлаймиз. Бинобарин, мазкур банк ўз сармоя ҳамда хизматлари орқали аҳоли орасига чуқур кириб борди. Ўз навбатида, унга мижозлар ишончи ҳам ортиб, ўзаро манфаатли алоқалар янада мустаҳкамланаяпти.

Айтиш керакки, “Алоқабанк” эришаётган муваффақиятларда мижозлар билан ишлаш борасида ўзига хос тажриба тўплангани қўл келаяпти. Масалан, кредит такдим этишда бизнес-режанинг қай даражада пишиқ-пухталиги, хусусан, тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган мижоз яшаётган ҳудуднинг иқтисодий имконияти, албатта, инобатга олинади. Ўтган йили банкнинг жами кредит портфели 2015 йилга нисбатан 1,2 мижозлар сони ҳам 1,2 баробар ошди.

Ҳозирги пайтда аҳолини кундалик турмушини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” да бу масалага ҳам жиддий аҳамият берилиб, мижозларга ҳар томонлама қулай бўлган, илғор хизматлар таклиф этиляпти. Мисол учун, бу ерда ўтган йили 310 мингдан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди. Қолаверса, пластик карточкалар эгаларига Пенсия жамғармаси, Ҳазначиликнинг “UZASBO” ҳамда банкнинг корпоратив мижозларига ўрнатилган “Банк-мижоз” дастурлари орқали автоматлаштирилган ҳолда, пенсия ва ойлик иш ҳақи юборилган электрон ведомостлар асосида тўлиқ қирим қилиш имконияти яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк жамғарма кассалари, турғун савдо, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ўрнатилган 6 мингга яқин тўлов терминаллари ёрдамида ҳам мижозлар ва аҳолига тезкор хизматлар кўрсатиляпти [4].

Бундан ташқари, Амалиёт бошқармаси ва филиаллар томонидан аҳоли гавжум жойларга 119 дона инфокиоск ва банкоматлар етказиб берилгани аҳолидан 3 миллиард сўмдан ортиқ коммунал ҳамда бошқа тўловларни, шунингдек, мижозлардан 23 миллиард 225 миллион сўмлик кредит тўловларини қабул қилиб олиш имконини берди. Қолаверса, “UZCARD” пластик карточкалардан электрон тўловларни ўтказиш учун хўжалик юри-

тувчи субъектларга 705 донга электрон терминал рўйхатга олинган бўлиб, ўтган вақт мобайнида улардан “Click”, “Mbank”, “Payme”, “U-Pay” мобил иловалари орқали онлайн режимида 196 миллиард сўм миқдорида тўлов ўтказилди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, банкнинг мижозлардан истеъмол кредитларини сўндиришга мўлжалланган “Payme” иловасини ишга туширганига ҳали қўп вақт бўлгани йўқ. У 2016 йилнинг 1 декабрида амалиётга киртилди. Бирок, шундай бўлса-да, мазкур хизматга қизиқувчилар сафи тобора ортаётир. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мижозларга янги электрон тижорат хизмати-“ALPay” мобил иловасини жорий этди. Бу хизмат тури аввалгиларидан ҳам афзалроқ. Яъни унинг ёрдамида қандай масофа бўлишидан қатъий назар, картадан картага пул ўтказиш, кредитларни сўндириш, тўловларни амалга ошириш (мобил оператор, интернет провайдерлар, рақамли телевидение, шаҳар телефони, умумий овқатланиш ва ресторанларга тўлаш мумкин), пластик карточкадаги қолдиқларни онлайн назорат қилиб бориш имконияти вужудга келади. 2017 йилнинг биринчи чорагида бюджет тўловларни ўтказиш модули ишга тушириладигани, бу пировардида мижозларга янада қулайлик яратиши шубҳасиз.

Бу йўналишда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тизимидаги тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва ажратилаётган маблағлар ҳам халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Халқимиз учун жуда муҳим бўлган вазифаларни изчил бажариш мақсадида Миллий банк томонидан жорий йилда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиладиган бўлади [5]:

Биринчидан, бириктирилган маҳаллаларда барча турдаги банк хизматларини кўрсатувчи банк инфратузилмаларини ташкил этиш орқали аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш;

Иккинчидан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ҳар бир хонадонга соддалаштирилган бизнес-режалар ҳамда тушуниш осон бўлган тарқатма материаллар такдим этиш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратиш;

Учинчидан, аҳолига тадбиркорликни ташкил қилиш учун бериладиган микрокредитлар турларини кўпайтириш, ажратиладиган кредитлар имтиёзли фоиз, яъни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда бўлишини таъминлаш.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган банк хизматлари ва маҳсулотлари авваломбор, мижозлар ва аҳоли манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Қолаверса, янги хизмат турлари банк даромадлари ва актив операциялари диверсификациясини ошишига олиб келади. Янги банк хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш замон талаби бўлиб, унинг ривожланишидан ҳар икки томон ҳам манфаатдордир.

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли қарори.
2. Халқ сўзи газетаси 13 январь 2017 йил №9 (6703)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
5. [www.diydoraziz.uz](http://www.diydoraziz.uz)

**Иқтибослар:**

1. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
2. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
3. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 18-сон, 217-модда
5. Халқ сўзи газетаси 13 январь 2017 йил, №9 (6703)

**Нафасов Дониёр Бахтиёрвич**

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада банк рискларининг бошқаришнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти ёритилган, шунингдек банк рискининг тамойиллари аниқланган ва муаллифлик таърифи шакллантирилган.

**Таянч тушунчалар:** Банк, риск, рискларни бошқариш, банк фойдаси, миллий валюта, миллий иқтисодиёт.

**Аннотация.** В статье раскрыто экономическое содержание и значение управление банковских рисков, также определены принципы банковских рисков и сформировано авторские определение.

**Ключевые слова.** Банк, риск, управление рисков, банковские прибыли, национальная валюта, национальная экономика.

Банк фаолияти билан боғлиқ рисклар булар вужудга келган даврлардаёқ пайдо бўлган. Бироқ, улар боғлиқ муаммолар, шунингдек, банк рискларини бошқариш зарурияти бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви ва халқаро иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида муҳим масалалардан бирига айланди. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари омонатчилар, инвесторлар, қарз (кредит) олувчилар, мижозлар билан ўзаро муносабатлари доимо кенгайиб боради, бу ўз навбатида рискларни самарали бошқаришга бўлган эҳтиёжни чуқурлашувига олиб келади.

Иқтисодий манбаларга кўра, банк рискларини бошқаришга бўлган эҳтиёж халқаро банк амалиётида XX асрнинг 70 йилларидан кейин, мамлакатимиз тижорат банкларида эса XX асрнинг сўнгги йилларида жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Чунки, банкларнинг, нафақат банкларнинг балки барча молия-кредит муассасаларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятдан фарқли ўлароқ, турли даражадаги рисклар билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг асосий сабабларидан бири, банклар иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш асосида ўз фаолиятини ташкил этади ва тегишли даромадларни шакллантиради. Шундай экан, банк рисклари хусусида гап кетганда, асосий эътиборни ушбу рискларнинг табиати, моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий – иқтисодий оқибатларига қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк рисклари жуда кенг қамровли иқтисодий тушунча бўлиб, унинг таркибига банк фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, фойда олиш ва бошқа жараёнларда вужудга келадиган барча рисклар кирди.

Бизнинг назаримизда, банк рискларини таснифлашда уларнинг актив ва пассив операциялари билан боғлиқ рискларга гуруҳлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, банклар актив операцияларни амалга ошириш учун етарли даражада молиявий ресурсларни шакллантириши зарур. Бу жараён, маълум даражадаги рисклар билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, инвесторлар, кредиторлар ва омонатчилар ўз маблағларини келишилган муддатдан илгари қайтариб олиши билан боғлиқ рисклар, ажратилган захиралар ҳажмининг беқарорлиги, молия бозорларида банк акциялари ва облигациялари баҳосининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рисклар шулар жумласидандир.

Халқаро банк амалиётида рисклар билан боғлиқ муносабатлар асосан актив операциялар жараёнида рўй беради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг барча актив операциялари риск билан боғлиқ бўлмайди. Хусусан, тижорат банкларининг рискга боғлиқ бўлган асосий актив операциялари сифатида кредит ва инвестиция операцияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Банкларнинг ушбу актив операциялари юқори даражада рискга боғлиқлигининг боиси шундаки, банклар ушбу операциялар орқали ўзининг даромадларини шакллантиради.

Банк рисклари тушунчасига тўхталишдан олдин инсоният фаолиятининг барча босқичларида уни таъкиб қилиб келаётган рискларни умумиқтисодий категория сифатида тадқиқ қилиш ва уларни банклар фаолиятидаги таъсири доираси ўрганиб чиқишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

Тарихан риск тушунчаси дастлаб инсонларга табиий ҳодисалар вақтидаги ижтимоий-иқтисодий жараённинг салбий оқибатлар сифатида ўз таъсири кўрсатиб келган бўлса, кейинчалик товар-пул муносабатларининг юзага келиши билан риск тушунчаси иқтисодий категория сифатида амал қила бошлади. Риск тушунчаси иқтисодий категория сифатида бир қанча хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилиниб, унинг иқтисодий моҳияти хусусида турлича таърифлар келтирилган.

Россиялик иқтисодчи А.В.Беляков риск тушунчасига иқтисодий категория сифатида қуйидаги таърифни берган: “Ҳолатни қизиқиш билан кузатиб турган субъект учун ҳолат ривожланиб боришининг натижаси ноаниқлиги шароитида иштирокчини салбий оқибатларга олиб келувчи вариантлар мавжудлиги ушбу ҳолатнинг рискка боғлиқлигини билдиради” [1].

Бизнинг фикримизча, муаллифнинг мазкур таърифида иқтисодий категория сифатида айнан “риск” тушунчасига эмас, балки “риск билан боғлиқ ҳолат” тушунчасининг моҳияти кенгрок очиб берилган. Чунки, таърифта кўпроқ ҳолатни кузатаётган шахс хусусида сўз юритилган, ушбу шахс “ҳолатни кузатиш билан унинг иштирокчисига айланади ва бу ҳолат уни салбий натижалар”га олиб келиши таъкидланади.

Б.А. Райзберг ва Л.Ш. Лозовский нашри остидаги замонавий иқтисодий лугатда “риск – иқтисодий фаолият шароитлари ва ноқулай ҳолатлар ўзгариши ҳисобига қутилаётган фойда, даромад, мулк ёки пул маблағларини йўқотиш

хавф-хатари” [2], дея таърифланади.

Юқорида келтирилган таърифда асосий эътибор, рискни иқтисодий жараёнлар ва ноқулай шароитда кутиладиган даромад, фойда, мулк ёки пул маблағларини йўқотиш хавф хатари сифатида баҳолайди. Бизнинг назаримизда, иқтисодий луғатда рискга берилган ушбу таърифда иккита ҳолат эътибордан четда қолган.

Биринчидан, таърифда “кутиладиган даромад, фойда, мулк ёки пул маблағларини йўқотиш хавф хатари” масаласига эътибор қаратилиб, банклар томонидан берилган кредитларнинг асосий суммасини тўлиқ қайтмаслиги билан боғлиқ риск масаласи эътибордан четда қолган. Чунки, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳисобидан олинadиган фоиз даромадларини тўлиқ ундириб олиш муаммоси мавжудлиги билан бирга, унинг асосий суммасини қайтариш rischiётади.

Иккинчидан, Б.А. Райзберг ва Л.Ш. Лозовский наشري остидаги иқтисодий луғатда рискга берилган таърифда риск муносабатларида иштирок этаётган субъектларнинг фаолияти инобатга олинмаган. Ваҳоланки, рискларни вужудга келиши ва унинг даражасига унда иштирок этувчи томонлар алоҳида аҳамияти касб этади. Хусусан, уларнинг молиявий ҳолати, мажбуриятларни бажаришдаги масъуллиги кабилар шулар жумласидандир.

Иқтисодчи Е.Б. Стародубцева фикрига кўра “риск - бу йўқотишларга олиб борувчи ҳодисалар эҳтимолининг қийматдаги ифодасидир. Риск даражаси қанчалик юқори бўлса, фойда олиш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар натижасида юзага келади. Улар ижобий бўлиши билан бирга, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, агар йўқотишларга йўл қўйиш мумкинлиги олдиндан кўзда тутилса ва ундан ўзини эҳтиёт қилинсагина фойда олиш мумкин бўлади” [3], деб талкин қилади.

Е.Б. Стародубцева томонидан рискнинг иқтисодий моҳиятига берилган таъриф жуда кенг қамровли бўлиб, муаллиф унинг моҳиятини очиб бериш учун узундан-узун жумлани келтирган. Шунингдек, биз муаллифнинг “рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар натижасида юзага келади” деган фикрига ҳам тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки, миллий иқтисодиёт ва миллий валютанинг барқарорлиги шароитида рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ сифатида намоён бўлмаслиги ҳам мумкин.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар натижасида иқтисодий адабиётда, шу пайтгача риск тўғрисида аниқ фикр мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Риск тўғрисида келтирилган фикрлар, шунингдек, бошқа манбалардаги ўрганишлар асосида рискга таъриф берган иқтисодчи олим ва назариячиларни қуйидаги учта йўналишда гуруҳлаш мумкин деган ҳулосага келдик.

*Биринчи гуруҳга* – рискни ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида қарайдиган гуруҳга кирувчи иқтисодий назариячи ва иқтисодчи олимларни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга кирувчи иқтисодий таълимот вакиллари рискни ноаниқ ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида баҳолаб, натижаси фойда ёки зарар билан яқунлиниши мумкинлиги ҳақидаги таълимотни илгари суради [4].

*Иккинчи гуруҳга* рискни фаолият сифатида таърифлайдиган иқтисодчи олимларни киритиш мумкин. Уларнинг фикрига кўра, бошланадиган фаолиятнинг якуний натижаси самарали туғашига умид боғлаб қилинадиган жараён риск ҳисобланади.

Сўнгги, *учинчи гуруҳ* иқтисодчи назариячилар рискни хатолар ёки муваффақиятлар эҳтимоли эканлигини таъкидлайди. Рискга иқтисодий таъриф берган олимларнинг асосий қисми учинчи гуруҳга киради, уларнинг кўпчилиги молиявий муассасаларда активлар ва пасивлар ўртасида ўзаро мутаносибликнинг бузилиши оқибатида йўқотишлар эҳтимолининг вужудга келиши – риск эканлигини уқтиришади [5].

Энди иқтисодий категория ҳисобланган “риск”нинг бирмунча хусусийлашган кўриниши, яъни “банк рисклари” ва “банк рискларини бошқариш” тушунчаларининг иқтисодий мазмунини очиб беришга, уларнинг турларини таснифлашга ва аҳамиятини кўрсатиб беришга эътиборимизни қаратмоқчимиз.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда банк рискларини бошқариш масаласи узок тарихга эга эмас. Маълумки, 1990-йилларга қадар банклар давлат мулк асосида ташкил қилинганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини асосан давлат корхоналари ва ташкилотлари билан боғлиқ ҳолда олиб борганлиги боис уларда риск муаммоси мавжуд бўлмаган, бу ўз навбатида уни чуқур таҳлил қилишга зарурият туғдирмаган. 1990-йилларга келиб банкларда бозор иқтисодиётига интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви банк рискларини баҳолаш ва уларни бошқаришга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Бу борада хорижлик ва маҳаллий иқтисодчилар ўз ишларида “банк рисклари” тушунчасини тадқиқ қилиб, турлича таърифларни шакллантирган. Хусусан, Хорижий иқтисодчилар Е.В. Иода, Л.Л. Мешкова, Е.Н. Болотиналар томонидан банк рискларига таъриф беъришда икки томонлама ёндашилган. Абсолют маънода “риск - ўлчанилиши мумкин моддий нарсалар (жисмоний) ва қиймат (пул маблағлари) кўринишидаги йўқотишлар миқдорини аниқлайди” дея қаралса, нисбий маънода “риск - тижорат банкининг молиявий ҳолатига, фаолиятдаги ресурсларининг умумий харажатларига ёки кутиладиган даромадига (фойдасига) таъсир қилиши мумкин бўлган йўқотишлари миқдори” [6], дея таъкидланган.

Банк рисклари тушунчаси маҳаллий иқтисодчи Ш. Абдуллаева томонидан ҳам тадқиқ қилинган бўлиб, унда “банк rischi – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмастик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир” [7], деб таъриф келтирилган. Шу билан бирга, олиманинг фикрига кўра, банк рисклари вужудга келиши, намоён бўлиши жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларнинг барчаси пул соҳибининг кредит сифатида йўналтирилган қийматининг ва унга тўланадиган фоиз тўловларининг тўлиғича қайтиб келмаслиги билан изоҳланади.

Халқаро Базель қўмитаси капитал етарлилигини баҳолашда кредит рискни таърифлаб, “контрагент томонидан мажбуриятларни бажармаслик rischi” сифатида қаралади [8]. Кўриниб туриб-

дики, халқаро Базель кўмитаси томонидан шакллантирилган таърифда асосий эътибор кредит рискларига қаратилган бўлиб, банк рискларини иқтисодий моҳиятини очиб берадиган таъриф берилмаган.

Россиялик иқтисодчи олимлар томонидан нашр этилган юридик луғатда “Кредит rischi – қарз олувчининг кредитор олдидаги узоқ муддатли мажбуриятларни бажармаслик rischi, яъни берилган қарз (кредит) қайтарилмасдан қолади” [9], дея асосий эътиборни банк фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган, кредит rischiга қаратмоқда. Албатта, бу фикрга биз ҳам қўшилаемиз, бироқ масаланинг иккинчи жиҳати, риск фақат кредит билан эмас, балки банкнинг пассив операциялари билан ҳам боғлиқлиги эътибордан четда қолган.

Худди шунингдек, Россиянинг бошқа иқтисодчи олимлари ҳам “кредит rischi – контрагент шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажармаслиги натижасида кўриши мумкин бўлган йўқотишдир. Қарз олувчи томонидан асосий сумма ва тўланган суммани чиқариб ташлангандан сўнг қолган фоиз тўловини тўлолмаслиги кредит учун йўқотилган зарар тарзида баҳоланади” [10], деган тарзда, rischiни фақат кредит жараёни билан боғлаб қўйган.


Амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлиллардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар тижорат банклари рисклари хусусида фикр юритганда, асосий эътиборни кредит рискларига қаратган, шу билан бирга, иқтисодий адабиётларда банк рисклари хусусидаги тадқиқотлар кам учрайди. Шу-

ларни эътиборга олиб, тижорат банклари рискларига қуйидагича муаллифлик таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб топдик. **“Банк rischi – бу банкнинг алоҳида актив ва пассив операциялари бўйича келажакда асосий суммани ва даромадни йўқотиш ёки тўлиқ ололмаслик эҳтимоли билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий воқелиқдир”**.

Банк рискларини бошқаришда асосий эътибор, жалб этиладиган маблағларни riskли активларга жойлаштирилган молиявий ресурсларни тўлиқ қайтиши ва тегишли фойдани шакллантиришга қаратилади. Банк рискларини бошқаришда эҳтимоллар назарияси ва банк рисклари назариясини бириктирган ҳолда тадбиқ этиш механизми асосида вужудга келади.

Банк рискларини бошқаришнинг субъектлари сифатида банклар ва кредит олувчилар, омонатчилар, инвесторлар, мижозлар ва давлат бўлса, унинг объекти эса пул маблағлари, фоиз тўловлари ҳисобланади.

Банк рискларини бошқаришни турли меъёрий мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Дастлаб банк рискларини бошқаришни субъектлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни микродаражада қарайдиган бўлсак, банк рискларини мамлакат даражасида таъсирини пасайтириш юзасидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар макродаражада ўрганилиши мумкин.



Рисм. Банк рискларини бошқаришнинг асосий тамойиллари (рисм муаллиф томонидан тайёрланди).

Банк рискларини бошқариш сиёсатининг олдида қўйилган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда тегишли тамойилларга риоя этиш лозим. Шу билан бирга, банк рискларини бошқариш тамойилларини ишлаб чиқишда ва уларни амалиётга жорий этишда ҳар бир мамлакат қатор омишларни ҳисобга олиши зарур деган фикрга келдик. Хусусан, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**-миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги.** Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги тижорат банклари молиявий ресурслари базасига, уларнинг кредитлари ҳолатига, шунингдек, банк мижозларининг молиявий ҳолатига бевосита таъсир қилади. Буларнинг барчаси тижорат банклари операциялари бўйича риск даражасининг паст ёки юқорилигида намоён бўлади;

- **миллий валютанинг барқарорлиги.** Мамлакат миллий валютасининг барқарорлиги, унинг сотиб олиш қобилиятининг мустаҳкамлиги тижорат банклари рискларининг объектлари ва субъ-ектлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, маҳаллий ҳисоб-китоблар ва барча банк операциялари айнан миллий валютада амалга оширилиб, ушбу операциялар натижаси бўйича кўриладиган иқтисодий зарар ёки риск даражасининг юқори ёки пастлиги айнан миллий валютадаги қиймат билан ўлчанади;

- **аҳоли ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончининг мустаҳкамлиги.** Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланган ишонч банк рискларини самарали бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, аҳоли ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончи қанчалик юқори бўладиган бўлса уларнинг ресурс базаси шу даражада мустаҳкам бўлади, бу ўз навбатида тижорат банкларини ликвидлик билан боғлиқ риск даражасини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ва омиллардан келиб чиқиб, ҳар бир мамлакатда банк рискларини бошқаришда тегишли тамойиллар қўлланилади. Уларнинг асосийлари юқоридаги расмда келтирилган.

1. **Банк рискларининг шаффофлигини таъминлаш тамойили.** Банк рискларини бошқаришда мўлжалдаги самарага эришишда уларнинг шаффофлигини таъминланганлиги муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда асосий эътибор банкларнинг фаолиятида вужудга келиши билан боғлиқ бўлган рискларни эътироф этишга қаратилади. Бирок, халқаро аудит ва рейтинг компаниялари йирик банкларнинг фаолияти бўйича қабул қилинаётган қарорлар бўйича етарли даражада шаффофликни таъминламаганлиги, шунингдек, айрим ҳолатларда банкларнинг ички бухгалтерия ҳисоботларини юритишда ҳаққонийликга риоя этилмаслиги оқибатида турли даражадаги рискларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2008 йил сентябрь ойида рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири сифатида Америка Қўшма Штатлари банклари фаолияти юзасидан амалга оширилган аудит текширувларининг натижалари бўйича Артур-андерсон халқаро аудит фирмасининг нопок ҳисоботларини келтириш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур масала бўйича мамлакатимиз тижорат банклари бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда ҳам айрим ҳолларда шу каби ҳолатлар учраб туради.

2. **Банк рискларини бошқариш самарадорлигини таъминлаш тамойили.** Банк рискларини бошқаришда мўлжалдаги самара ва иқтисодий натижага эришилмайдиган бўлса, амалга оширилган барча ишлар ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам банк рискларини бошқариш юзасидан қабул қилинган ҳар қандай қарор банк рискларини бошқаришда тегишли самарани таъминлаши мақсадга мувофиқ. Албатта бунга қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан, банк рискларини бошқариш бўйича банкнинг ички сиёсати, банк рискларини бошқаришга жалб этилган мутахассисларнинг билим кўникмалари, мамлакатда мавжуд қонуний-ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги ва бошқа шу кабилар банк рискларини бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим

аҳамият касб этади.

3. **Банк рискларини бошқаришда мустақилликнинг таъминланганлик тамойили.** Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан мамлакатимиз банк тизимида ҳам рискларни бошқариш юзасидан қабул қилинадиган қарорлар ва уларни амалга оширишда мустақилликнинг таъминланмаганлиги ҳолатлари кузатилади. Бу ўз навбатида, банк рискларини бошқариш, улар билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш юзасидан тегишли самарали механизмларни ишлаб чиқиш имкониятини бермайди.

Бизнинг назаримизда, банкларда рискларни бошқариш бўйича масъул ходимларни тўғридан-тўғри банк акциядорлари кенгашига ҳисобдорлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг банк фаолиятида вужудга келадиган қарорларни қабул қилиш, шунингдек, банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир қиладиган операцияларни бажармаслик юзасидан мустақил фаолият юритиш имкониятини беради.

4. **Рискларни бошқаришнинг таққосланувчанлик тамойили.** Банк фаолияти билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг турли туман йўллари мавжудки, банкнинг масъул мутахассислари уларнинг энг самарали ва оптимал вариантларини танлаш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Бунинг учун ушбу жараёнда қўлланиладиган рискларни бошқариш бўйича усуллар таққосланувчанлик ҳолатига эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, у ёки бу даражадаги банк рискларни қўллаётган йўқотишлар микдори банкнинг рисклар натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захира фонди (капитали) га мутаносиб равишда бўлиши керак. Акс ҳолда, рискли ҳолатнинг салбий оқибатлари юзага келиши банкнинг даромади ёки фойдасига таъсир кўрсатиш орқали банкнинг олдида турган ривожланиш имкониятларини пасайтиради.

5. **Рискларни бошқаришнинг даромадлилиги ва вақт тежамкорлигини таъминланганлиги тамойили.** Банк рискларини бошқариш бўйича қабул қилинадиган қарорлар охир оқибатда банк учун тегишли иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши мақсадга мувофиқ. Банк рискларини бошқариш асослари банк фаолиятидаги рискли ҳолатларнинг салбий оқибатлари вужудга келиши мумкин бўлган ҳолларда улардан қочиш имкониятларини излаб топиш ҳисобланади. Банк томонидан қабул қилинган рискларни бошқариш учун қиладиган харажатлари микдори эса ушбу рискларнинг салбий оқибатлари натижасида йўқотилиши мумкин бўлган қийматдан ошмаслиги лозим. Банк томонидан амалга ошириладиган операция қанчалик узоқ муддат давом этса ушбу операция бўйича уни таъкиб қилувчи риск ҳам шунга мувофиқ узоқ муддат яшайди. Натижада, ушбу рискларни бошқаришни ҳам узоқ муддат давомида олиб борилишига бўлган зарурият юзага келади. Бу эса рискларни бошқаришдаги тежамкорлик мезонига қарама-қарши тарзда намоён бўлади.

Баъзи қабул қилинган банк рисклари бўйича уларни бошқариш имкониятлари мавжуд бўлмаслиги мумкин. Ундан ташқари, рискли операцияни амалга ошириш банкнинг фаолият йўналиши ва стратегиясида асосий шарт сифа-

тида белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қабул қилинган рискларни фақатгина уларни бошқа бир суғурта ташкилоти ёки мазкур операциядаги ҳамкорларга ўтказиб юбориш имконияти бўлгандагина банкнинг риск портфелига киритиш мумкин бўлади.

Шунингдек, банк рискларининг таснифига кўра ҳар бир рискнинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб, уларни бошқариш бўйича алоҳида тамойилларни санаб ўтиш мумкин бўлади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқорида кўрсатиб ўтилгани каби тамойиллар асосида мамлакатнинг банк тизими учун банк рискларини бошқариш юзасидан қарор ва низомлар қабул қилинган. Ушбу қарор ва низомлар талаблари асосида эса ҳар бир тижорат банки ўзининг банк рискларини бошқариш юзасидан сиёсати ёки бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларини шакллантирган.

Ўтиш даври мамлакатларидан ҳисобланган републикамиз банк тизимида ҳам ушбу амалиётни жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, рискларни бошқаришга бўлган талабни меъёрий ҳужжатлар билан аниқ белгилаб қўйиш тижорат банкларининг фаолиятида юзага келаётган рискли ҳолатлар муаммосини камайтиришга, рискларни салбий оқибатлари юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, қолаверса мазкур чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи ва амалиётга тадбиқ этувчи масъул субъектларни аниқлаб олиш

имконини беради.

Иқтисодиётда банк рискларини бошқариш муҳим аҳамият касб этиб, уларни микродаражада ва макродаражада кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк рискларини бошқаришнинг микродаражадаги аҳамияти сифатида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминланганлиги, банкларнинг аҳоли ва миқозлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариш имкониятини бериши ва уларнинг ишончини мустаҳкамланганлигини, банкларнинг иқтисодий жихатдан тегишли иқтисодий манфаатдорликни олиши ва кўплаб бошқа жихатларни келтириш мумкин.

Банк рискларини бошқаришнинг макродаражадаги аҳамияти сифатида мамлакат миллий иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга банк тизимининг ижобий таъсири, миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамланиши ва инфляциянинг меъёрий даражасини таъминланганлиги, мамлакат савдо ва тўлов балансида ижобий қолдиқнинг вужудга келиши каби ҳолатларни келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, банк рисклари ва уларни бошқариш жуда кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённи самарали йўлга қўйилиши тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг фойда даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования (2-е изд.). Управленческая методическая разработка. - "БДЦ-пресс", 2004 г.
2. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш. Современный экономический словарь. — 2-е изд., -М.: ИНФРА-М, 1999.
3. Стародубцева Е.Б. Основы банковского дела: Учебник. — М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005.
4. A.Guide to the Project Management Body of Knowledge . Project Management Institute PMI, 2009.
5. Дж.Синки. Управление финансами в коммерческих банках. —М.: "СиФ". 2007.
6. Классификация банковских рисков и их оптимизация / Под общ. ред. проф. Е. В. Иода. 2-е изд., испр., перераб. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002.
7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.
8. International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards Basle Committee on Banking Supervision. Basel: Guli, 2004. R 4.10.
9. Ерманов В.Н., Крылова. Большой юридический словарь. —М.: "Инфра-М", 1999.
10. Лобанова А.А., Чугунов А.В. Энциклопедия финансового риск-менеджмента. —М.: "Юрайт", 2006.

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мамадияров Зокир Тоштемирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Банк иши" кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.**Мақолада халқаро рейтинг агентликлари фаолияти, уларнинг зарурлиги, рейтинг кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг баҳолари берилиши келтирилган. Халқаро рейтинг агентликлари кўрсаткичлари борасидаги муаллифнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган.

**Таянч тушунчалар:** рейтинг; рейтинг агентликлари; спекулятив даража; дефолт ҳолат; ликвидлик; Базель III; банк барқарорлиги; риск.

**Аннотация.** В статье изучена деятельность международных рейтинговых агентств, показана их важность, приведены показатели, используемые ведущими международными рейтинговыми агентствами для оценки деятельности коммерческих банков в Республики Узбекистан, изложен подход автора к оценке деятельности международных рейтинговых агентств.

**Ключевые слова:** рейтинг; рейтинговые агентства; спекулятивный уровень; условие дефолт; ликвидность; Базель III; устойчивость банка; риск.

Ўзбекистон Республикасида халқаро банк назорати тамойилларига асосланган ҳолда тижорат банклари фаолиятини халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳолаш тизимини бозор тамойилларига мос такомиллаштириб бориш, маҳаллий тижорат банкларни халқаро талабларга жавоб бераоладиган банклар даражасига етказишни талаб этмоқда. Хусусан, миллий банк тизимининг Базель III талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда банклар фаолиятини баҳолашни такомиллаштириб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов эътироф этганларидек, "сўнгги йиллар давомида "Standard & Poor's", Moody's ва Fitch Ratings каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини "барқарор" деб баҳоламоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди".[1]

Бунга асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 1438-сонли Қарорида белгилаб олинган вазифаларнинг бажарилиши деб баҳоласак бўлади.

Хусусан, тижорат банкларнинг молиявий бақарорлигини баҳолаш умумжаҳон аҳамиятга эга бўлган жиҳат бўлиб, бу иқтисодий тараққиёт даражалари ва имкониятларин белгилайди. Шу ўринда ҳозирги кунда, жаҳоннинг йирик халқаро рейтинг агентликларидан "Standard & Poor's", Moody's ва Fitch Ratings лар республикамиз тижорат банклари фаолиятини ўрганиб, уларга рейтинг баҳоларини бериб келмоқда. Лекин уларнинг ҳар бирида банклар фаолиятини рейтинг баҳолашни ташкил этиш тамойилларида ўхшашлик бўлсада, баҳолашдаги баъзи жиҳатлари ва улар учун белгиланган мезонларга ёндашиш ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

Рейтинг агентликлари жаҳонда 1900 йилдан

1909 йилга қадар кредит рейтингини баҳолаш натижасида юзага келган. Кейинчалик, 1924 йилда Америка фонд бозорларида муомалада бўлган барча облигацияларни Moody's агентлик томонидан рейтинг (баҳо)га эга бўлишга олиб келган. Шу йилдан бошлаб Япония, Хитой, Австралия, Англия, Германия, Франция, Канада ва Аргентина давлатлари эмитентларининг облигацияларига Moody's томонидан рейтинг бериш халқаро тусга киришига тўртти бўлди.[2]

Рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳолари кредит ташкилотининг ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги борасидаги билдирилган ҳулосадир.

Мамлакатимиз банклар фаолиятини халқаро рейтинг агентликлари томонидан "халқаро рейтинг" баҳоларини беришда халқаро мезонларни кенг жорий этишда, миллий шкалаларни кенг жорий этиш ва унинг такомиллаштириш билан боғлиқ асосий ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу аввало Марказий банк зиммасига келгусида мамлакатимиз банк тизими фаолиятини самарасини ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётдаги ўрнини ошириш, уларнинг фаолияти натижаларини халқаро андозаларга жавоб бериш ва бошқа асосий вазифаларни бажаришли мукамал ишлар юқлатилмоқда.

Мамлакатларнинг бир ёки бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган, юқори баҳоланган суверен кредит рейтингига эга бўлиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга еврооблигацияларни эмиссия қилиш имкониятини тақдим этади. 2015 йилда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг суверен кредит рейтингини мос равишда, яъни Хитой – А+, Гонг-Конг – АА+, Бразилия – ВВ, Сингапур – ААА, Россия – ВВВ-, Чили – А+, Ҳиндистон – ВВВ-, Индонезия – ВВВ, Колумбия – ВВВ, Қозоғистон – ВВВ берилган.[3]

Т.Қоралиев "Рейтинг бўлмаса, на бутун амалий ҳаётни, на шахсий ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Чунки «Кимга қараб иш тутиш керак, ким билан битим тузса бўлади, менинг ишончли шеригим ким?» деган муаммоларга дуч келамиз"[4] деб таъкидлаган. Дарҳақиқат тижорат банклари фао-

лиятига рейтинг бериш банкларнинг мижозлари учун ҳам пул маблағларининг қанчалик ишончли қўлларда турганлигидан далолат беради.

Мамлакат суверен кредит рейтингини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида ЯИМ, инфляция, аҳолининг иш билан бандлиги, ялпи ташқи қарз ва хорижий инвестицияларга хизмат кўрсатиш, давлат бюджети самарадорлиги, мамлакат тўлов баланси натижалари ҳисобланади.

Халқаро рейтинг агентликлар банкларга халқаро рейтинг баҳосини бераётганда маҳаллий банкларимиз фаолиятининг натижалари ижобий бўлсада, фақат Ваа 1 (паст ўрта даража) халқаро баҳони бермоқдалар. Халқаро рейтинг агентликлари миллий банк тизимига ижобий баҳо берсада, банклар кесимидаги халқаро рейтинг беришда мамлакатнинг суверен рейтингига эга эмаслиги билан боғлиқ муаммо мавжуд.

1-жадвал

Энг йирик рейтинг агентликларини кредит рейтинг кўрсаткичлари [3]

Қарз мажбурияти эмитентини ишонччилик даражаси	Moody's	S&P	Fitch IBC	Рейтинг даражасининг рақамдаги ифодаси
Энг юқори ишонччилик даража	Aaa	AAA	AAA	100
Юқори даража	Aa1	AA+	AA+	95
	Aa2	AA	AA	90
	Aa3	AA-	AA-	85
Юқори ўрта даража	A1	A+	A+	80
	A2	A	A	75
	A3	A-	A-	70
Паст ўрта даража	Baa1	BBB+	BBB+	65
	Baa2	BBB	BBB	60
	Baa3	BBB-	BBB-	55
Спекулятивли даража	Ba1	BB+	BB+	50
	Ba2	BB	BB	45
	Ba3	BB-	BB-	40
Юқори спекулятивли даража	B1	B+	B+	35
	B2	B	B	30
	B3	B-	B-	25
Катта рискга эга	Сaa1	CCC+	CCC	20
Жуда юқори спекулятивли даража	Сaa2	CCC		15
Дефолт ҳолат: бироз соғломлаштириш умиди мавжуд	Сaa3	CCC-		10
	Ca	CC		
	C	C		5
Дефолт ҳолат	/	D	DDD	0

Юқоридаги жадвалдан шуни кўришиб турибдики, Moody's, S&P ва Fitch IBC рейтинг агентликлар банкларни баҳолашда ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, эмитентнинг қарз мажбуриятини ижро этиш билан боғлиқ рейтинглар харфли шкаласи ва рақамлардаги миқдорий даражалари берилган. Мазкур рейтинг агентликлари тижорат банкларига энг юқори ишонччилик даража (AAA) дан ториб то дефолт (DDD) ҳолатгача рейтинг кўрсаткичлари орқали ифодалайди.

Халқаро амалиётда банкни халқаро рейтинглар томонидан баҳолашнинг жуда кўп турлари

мавжуд. Улар ичида қуйидаги икки усул энг кўп тарқалган:

- миқдорий кўрсаткичлар орқали баҳолаш;
- сифат кўрсаткичлари орқали баҳолаш.

Миқдорий кўрсаткичлар орқали баҳолаш усули асосан банклар фаолиятининг ривожланишини таҳлил қилиш мақсадида қўлланилиб, улар активлар суммаси, депозитлар, кредитлар, ўз капиталининг суммаси ва даромад суммаси.

Бу кўрсаткичлар орқали банклар фаолияти омалаштирилади.

Баҳолашнинг оммавий ахборот воситалари ёрдамида иккинчи тури сифат кўрсаткичлари бўлиб, улар банкнинг ишончлилиқ даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткичлар туркумига қуйидагилар киради:

- капиталнинг етарлилиги;
- активлар сифати;
- даромадлилик даражаси;
- банк ликвидлиги.[4]

Юқоридаги, кўрсаткичларни таҳлил этиш яъни кўрсаткичларни Базель III талаблари бўйича таҳлил этиш орқали уларни фаолияти натижаларига баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарорларига асосан, молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, хусусан замон талаблари ва халқаро нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш республиканинг молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари Moody's, S&P ва Fitch IBC каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга.

2015 йилда S&P ва Fitch IBC рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини яна бир бор «барқарор» деб баҳолади.

2015 йилнинг июль ойида Moody's халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларига кетма-кет олтинчи йил «барқарор» рейтинг баҳосини берди.

Ўзбекистон банк тизими ривожланиши прогнози «барқарор» бўлиб қолмоқда. Moody's Investors Service халқаро агентлигининг бугун эълон қилинган ҳисоботида айтилишича, «барқарорлик» прогнози Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳукумат йирик банклар орқали мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада катта миқдорда инвестиция йўналтирмоқда.

Ўзбекистоннинг тўққизта банки «РИА Рейтинг» агентлиги эълон қилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 200 та йирик банки йиллик рейтингига кирди. МДХ давлатларида мавжуд 1100 та банкдан 10 та мамлакат: Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия (2009 йили МДХдан чиқиб кетди), Қозоғистон, Молдова, Россия, Туркменистон ва Украинанинг 200 та йирик банки ушбу рўйхатга кирди.

Ўзбекистон банклари ўртасида рейтингдаги биринчи ўринни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (умумий рейтингдаги ўрни - 43, 1 январь ҳолатига кўра активлари - 5,3 млрд доллар, яъни мамлакат банк тизими капиталининг 22,8

фоизи), иккинчи ўринни Ўзсаноатқурилишбанк (61, 3,23 млрд доллар, 13,9 фоиз), учинчи ўринни «Асака» банки (86, 2,17 млрд, 9,3 фоиз) эгаллади.

Тўртинчи ўринни «Қишлоққурилишбанк» (122-ўрин, 1,41 млрд, 6,1 фоиз), бешинчи ўринни «Ипотека-банк» (126-ўрин, 1,35 млрд, 5,8 фоиз), олтинчи ўринни Халқ банки (133-ўрин, 1,23 млрд, 5,3 фоиз), еттинчи ўринни «Агробанк» (136-ўрин, 1,18 млрд, 5,1 фоиз), саккизинчи ўринни «КДБ банк Ўзбекистон» (162-ўрин, 870 млн, 3,8 фоиз) ва тўққизинчи ўринни «Ҳамкорбанк» (191-ўрин, 720 млн, 3,1 фоиз) банд этди.[5]

Тижорат банклари фаолиятини ХРА (халқаро рейтинг агентликлари) томонидан баҳолашни самарали ташкил этиш қуйидаги ижобий натижаларга олиб боради:

- тижорат банкларни халқаро бозорларда фаолияти кўлами ошиб боради;

- ўз мажбуриятларни халқаро талабларга жавоб берувчи мезонлар орқали ижро этиш имкониятларига баҳо бериш кенгайиб боради. Натижада банкларимиз фаолиятини кенгайитиш ва хорижий банклар билан рақобатлашиш имкониятлари кенгайиб боради.


Қуйидаги расмга асосан Moody's халқаро рейтинг компанияси банкнинг молиявий барқарорлик рейтингини (А-Е)ини ҳисоблаш учун молиявий кўрсаткичлар, бозордаги ўрни ва истиқболлари, ҳатарлар бўйича жойлаштириш, операцион муҳит ва тартибга солиш элементларидан фойдаланган ички омилларни ҳисобга олади.

Рейтинглар қуйидаги хусусиятлари билан бири-бирдан фарқи шуки текширувларнинг чуқурлиги ва даврийлиги билан изоҳланади.

Бундан ташқари ташқи омиллар таркиби ҳисобланган яъни миллий валютадаги депозит ва қарз мажбуриятлар рейтингини (Ааа С) ва хорижий валютадаги депозит ва қарз мажбуриятлар рейтингини (Ааа С)ни ҳисобга олишда, депозитлар бўйича рейтингларнинг миллий валютадаги юқори даражаси 1/(Ааа - С)ни, ва ташқи қўллаб-қувватлаш омиллари ҳисобланади.

Фикримизча, рейтинг тизими асосида баҳолаш билан шуғулланаётган компанияларга тижорат банклари томонидан бериладиган маълумотларнинг миқдори, меъёри, стандартларини белгилаб бериладиган тартибга солувчи қоидалар Марказий банк томонидан жорий қилиниши лозим.

Ҳозирги вақтда, банк рейтингларини тузиш ва улардан фойдаланишга жиддий тўсиқ бўлиб турган омиллардан бири рейтинг учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни олишнинг қийинлиги ҳисобланади. Кейинги омил эса рейтингларни тузишда турлича услублардан фойдаланилаётганлигидир.



1-расм. Moody's агентлигида ишлаб чиқилган банкларга халқаро рейтингни тақдим этиш услуби [6]

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодий тизимда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиз”. “Халқ сўзи” газетаси, 19 январ 2015 йил, 11-сон.
2. Андрианова Л.Н. Рейтинг ценных бумаг: основы теории и практика. Диссертации на соискание учёной степени кандидат экономического наук. 2012 йил. ФА при Правительстве России.
3. <http://www.tradingeconomics.com/analytics/api.aspx?source=ratings> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
4. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010 йил, 532 бет.
5. <https://www.gazeta.uz/uz/2015/10/01/rejting/> сайти маълумотлари асосида
6. Request for Comment: Incorporation of Joint-Default Analysis for Systemic Support into Moody's Bank Rating Methodology, October 2005 [В порядке обсуждения. «Включение анализа вероятности совместного дефолта для системной поддержки в методологию рейтингования банков агентством Moody's», октябрь 2005 года - на англ. яз.]
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эриштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори

Одилов Фазлиддин Шамситдинович

Тошкент молия институти “Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада электрон пулларнинг замонавий шакли криптовалюталар ва уларнинг жаҳон молия бозоридagi ўрни ҳамда иктисодий таъсири ҳамда бугунги кунда пулнинг эволюцион ривожланишида инновацион кўриниши Биткоин ва унинг янги молиявий-иктисодий концепция сифатида жаҳон молия бозорига кўрсатган таъсири келтирилган.

**Таянч тушунчалар:** валюта, биржа, рақамли валюта, криптография, криптовалюта, виртуал валюта.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются криптовалюты как современный вид электронных денег и их роль и экономическое влияние на мировой финансовый рынок и эволюционное развитие денег в контексте инновационного отражения Биткоина и его влияние в качестве новой финансово-экономической концепции на мировой финансовый рынок.

**Ключевые слова:** валюта, биржа, цифровая валюта, криптография, криптовалюта, виртуальная валюта.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишлар иктисодиётнинг турли соҳалари қаторида пул-кредит, электрон тижорат соҳасида эришилаётган салмоқли натижалар кўзга ташланмоқда. Бунга мисол қилиб МДХ мамлакатларида биринчилардан бўлиб, пул ислохотларининг амалга оширилиши, миллий пластик карточкаларининг муомалага киритилиши ва шу каби турли тизимли асосларга эга бўлиши лозим бўлган ютуқларни келтириш мумкин. Эришилган натижалар салмоқли бўлишига қарамадан бу соҳадаги халқаро амалиёт, айниқса, алоҳида ривожланган мамлакатлар амалиёти уларда инновацияларни қўллаш бўйича бир қанча янгиликларнинг яратилаётгани ва амалиётда муваффақиятли қўлланилаётганлиги чуқур илмий таҳлилий тадқиқотларни ўтказишга омил бўлиб хизмат қилмоқда. Пул ўз тарихига эга бўлган иктисодий категория сифатида доимий ҳаракат бўлиб, ривожланишда давом этмоқда. Уни тадқиқ қилиш эса доимо бугунги куннинг энг муҳим вазифаси сифатидаги аҳамиятини сақлаб келмоқда. Пул ўз тарихида кўплаб босқичларни босиб ўтган ва кўплаб кўринишларда намойён бўлган. Дастлабки товар кўринишидаги шаклдан то ҳозирги кундаги шаклига эришгунча пул ривожланишдан бир сонияга ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Пул - бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Пул умумий товарларни айирбошлашда асосий вазифасини бажаради.

Пулнинг эволюцион ривожланишида инновацион кўринишининг пайдо бўлишига: жамиятимизда мавжуд пуллардан тез ва қулай фойдаланишга бўлган эҳтиёж борган сари ошиб бориб, пулнинг қулай эволюцион шакли электрон пулларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бугунги кунда электрон пуллардан - пулларни узатиш ва сақлаш ҳамда тизимли компьютер тармоқларидаги воситачи сифатида фойдаланиш мумкин.

Бозор иктисодидаги ўтиш шароитида пулнинг аҳамиятининг ошиши шундаки, жамиятимизда мавжуд ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолияти ва уларнинг натижаси - даромади пул билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам пул барча иктисодий ривожланиш поғоналарида одамларни ўзига жалб қилиб келган [1].

Иктисодиётда пулнинг зарурлиги, моҳиятини тадқиқ қилишдан кўра, пулнинг ишлаб чиқаришга,

бандликка таъсирини тадқиқ қилиш жамиятимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтиш зарур.

Таъкидлаб ўтганимиздек, пулнинг турлари ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлаб чиқарилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пулларни уч турга бўлиб ўрганимиз:

- ҳақиқий пуллар;
- ҳақиқий пул издошлари (қиймат белгилари);
- электрон ва виртуал (таъминланган ва таъминланмаган) пуллар.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айлана (шу шаклда металл емирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган. Тарихий маълумотларга кўра, биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, VII асрларда ҳозирги Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев Руссида зарб қилинган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тангалар, асосан, олтиндан зарб қилинган, кейинчалик, олтин ва бошқа қимматбахо металлларни қазиб чиқариш қийинлашуви, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўлов, муомала воситасига бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида муомалага қиймат белгиларини киритиш зарур бўлиб қолди. Олтин ва кумуш тангалар муомаладан чиқиб кета бошлади.

Қоғоз пуллар – пулнинг бу тури ҳақиқий пулларнинг вакили бўлиб, пулнинг муомала функцияси ривожланиши натижасида юзага келган. Қоғоз пуллар юзага келиш сабабининг уч босқичи мавжуд:

- биринчи босқич, тангаларнинг узок вақт муомалада бўлиши, қўлдан-қўлга ўтиши натижасида емирилиши;
- иккинчи босқич, тангадаги металл таркибининг бузилиши. Давлат томонидан онгли равишда давлат хазинасига тушумни ошириш мақсадида тангалар металл (олтин, кумуш) микдорининг камайтирилиши;
- учинчи босқич, давлат томонидан эмиссион даромад олиш мақсадида хазина билетларининг чиқарилиши билан изоҳланади.

Биринчи қоғоз пуллар XII асрда Хитойда чиқарилган, деб кўрсатилади. Лекин тарихий манбаларга кўра, 700 йилларда кумуш тангалар

чиқарилгунга қадар, Бухоро давлатида қоғоз материаллардан пул сифатида фойдаланилган экан.

Қоғоз пуллар Америка ва Европада XVII-XVIII асрларда, Россияда 1769 йилда муомалага чиқарила бошлаган[2].


Жамиятимизда мавжуд пуллардан тез ва қулай фойдаланишга бўлган эҳтиёж борган сари ошиб бориб, пулнинг қулай эвалюцион шакли электрон пулларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Электрон пуллардан - пулларни узатиш ва сақлаш ҳамда тизимли компьютер тармоқларидаги воситачи сифатида фойдаланиш мумкин. Электрон пуллар - муомалада бўлган миллий бирликдаги пуллар ёки нодавлат хусусий(шахсий) пул бирликлари. Электрон пуллардан фойдаланиш ва уларни тартибга солиш - мамлакатнинг Марказий банки томонидан белгиланган ва қабул қилинган тартиб қоидалар асосида ёки нодавлат тўлов тизимлари қоидалари асосида амалга оширилади.

Электрон пуллар концепсиясини ўрганишимиз натижасида, бугунги кунда мавжуд криптовалюталар ва уларнинг ишлаш тизими, қулайлиги, афзаллик ва камчиликларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Бугунги кунда мавжуд крип-

товалюталарни таҳлил қилар эканмиз улардан, Биткойн (Bitcoin), Лайткойн (Litecoin), Пейкойн (Paycoin), Доджкойн (Dogecoin), Деш (Dash), Спидкойн (Speedcoin), Редкойн (Reddcoin), Поткойн (Potcoin), Фезеркойн (Feathercoin), Веткойн (Vertcoin), Верикойн (Vericoин), Пикойн (Peercoin) электрон (виртуал) пулларнинг таҳлилий кўрсаткичларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Электрон(виртуал) пулларни: пул назариясида пулнинг яна бир эвалюцион кўриниши деб атасак ҳам бўлади[3].

Криптовалюта - эмиссия ва ҳисоб даражаси марказлашмаган, рақамланган актив бўлиб, айирбошлашнинг электрон механизми. Белгиланган компьютер тармоқлари доирасида тизимнинг функционал бошқаруви амалга оширилади[4].

Криптовалюталарнинг ноананавий валюта сифатида шаклланганлиги ва унинг ишлаш механизмининг соддалиги, кўплаб мутахассислар ва шу турдаги валюталар фойдаланувчиларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Компьютер тармоқларида криптовалюталарнинг намунавий ишлаш механизмини биз, 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Компьютер тармоқларида криптовалюталарнинг ишлаш механизми(намуна)[5]

Криптовалюталар инфратузилмасининг ишлаш жараёни: биринчи шахс ўзининг тизимга кириш калитидан фойдаланган ҳолда Кеш(маълумотларни математик рақамларга айлантириб занжирли блокларда жойлаштириш)дан ўтиб, дастлабки шахснинг электрон имзоси билан тасдиқланган транзакцияларнинг доиравий айланиши. Биринчи шахс тизимга кириш калити ёрдамида тармоқдан чиқиб кетиши ёки савдоларни амалга ошириб ўзининг шахсий имзоси ёрдамида транзакцияларни амалга ошириши мумкин. Кейинги фойдаланувчи яъни, иккинчи шахс ўзининг тизимга кириш калитидан фойдаланган ҳолда кешдан ўтиб, биринчи шахснинг электрон имзоси билан тасдиқланган транзакцияларнинг доиравий айланиши ҳамда иккинчи шахснинг тизимга кириш калити ёрдамида тармоқдан чиқиб кетиши ёки савдоларни давом эттириб ўзининг шахсий (электрон) имзоси ёрдамида транзакцияларни

амалга ошириши мумкин. Худди шу жараён учинчи, тўртинчи ҳамда бошқа фойдаланувчиларнинг тизимдаги транзакцияларини доиравий айланиши кузатишимиз мумкин.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари электрон пул айланмасида криптовалюталар бирликлари асосан 76 фоизи АҚШ долларларида айирбошланмоқда, орада катта фарқ билан юан 16 фоизини ва евро эса 4 фоизини мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб турибди. Криптовалюталар дунёнинг турли электрон биржаларида сотилиши мумкин. Савдолар амалга ошириладиган кўплаб биржалар орасида энг кўзга кўринган “бозор”лари: MtGox, BTC-e, CryptoXChange, CampBX, ICBIT, Bitstamp, UpBitдир.

Криптовалюталар савдолари амалга оширилдиган етакчи биржалар ўзининг мавжуд сифатлари билан ажралиб туради:[6]

- MtGox – айирбошлаш биржаси, битимлар-

нинг амалга оширилиши даражасига кўра етакчи ўринларни эгаллаб келади. Узоқ йиллик тажрибасига қарамадан ушбу биржа ўз тарихида битимларнинг бажарилиши юзасидан кўпгина муаммоли вазиятларга учраган ва бир неча марта хаккерлар(тизимдаги блокни бузадиганлар) хужумига дуч келганлиги билан;

- BTC-e – биржа, рус тилини қўллаб-қувватлайди. Бу биржа ресурсларни киритиш ва чиқаришнинг қулайлиги ва тез амалга ошириши билан;

- CryptoXChange – Австралиянинг йирик биржаси, битимлар амалга оширилишининг кўплиги сабабли вақти-вақти билан тизимдаги техник муаммолар мавжудлиги билан;

- CampBX – биржа 2011 йилда очилган бўлиб, ушбу биржа ўзига жалб қиладиган веб-сайти мавжуд бўлиб, ўзининг техник муаммолари ва унча қулай бўлмаган функционал кўрсаткичлари мавжудлиги билан;

- ICBIT – ёш ва илғор биржа бўлиб, ушбу биржа билан боғлиқ паралел ҳамкор веб-сайтлари - [deerbit.net](http://deerbit.net) йирик ҳамкорларидан бири [augumxchange.com](http://augumxchange.com) (етақчи тўлов воситачиси) мавжудлиги билан;

- Bitstamp – АҚШнинг янги биржаси, тез ривожланиб ҳамда кенгайиб келаётганлиги билан;

- UpBit – электрон савдоларни, жумладан, биржада Биткоин (Bitcoin) ва Лайткоин (Litecoin). Лайткоин – 2011 йилнинг 7 октябрида пайдо бўлган[7]) савдоларини рубл, АҚШ доллари ҳамда еврода амалга оширилиши билан ажралиб туради.

Ушбу келтирилган биржаларда криптовалюталар транзакцияларининг умумий ҳиссаси 94 фоизни ташкил этади. Утган 2014-йилнинг ноябр ойида MtGox биржаси криптовалюталар транзакциялари бозорининг 66-67 фоиз улуши билан яқка пешқадами бўлиб турган эди. Аммо, қисқа вақт оралиғида рақобатчилар криптовалюталар транзакцияларини амалга оширишда олдинга

ўтиб кетишди. Бунга сабаб эса, MtGox хизматларининг қийинлашиб кетгани билан изоҳласак бўлади. Масалан ҳозирда MtGoxдаги транзакцияларнинг нархлари бошқа биржалар нархларидан қимматроқ эканлигини ва криптовалюталарнинг нақд пулларга айирбошлашнинг секинлашиб кетганини ҳамда шунга ўхшаш сабаблар бунга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида ҳисобланмоқда. Албатта бу нарса ўз сўзини айтди ва бу ердаги фаол савдогарлар бошқа майдончалар хизматидан фойдаланишга ўтиб кетдилар. 2015 йил якунларига кўра етакчиликни тахминан 27 фоиз улуш билан BTC-e эгаллаб келган. Бу биржанинг асосий устунлик томони шундаки, криптовалюталарни тезкор тарзда нақд пулга ёки бошқа моддий товарга айлантириб бера олаётганлигидадир. Қолганлар эса молия бозорининг 6 фоизли улушни эгаллаб келмоқда. Ҳозирги пайтда криптовалюта иқтисодиёти ҳақида бирор аниқ, қатъий фикр айтиш қийин. Чунки бу бозор фақат ва фақат талаб ва тақлиф қонунлари асосида иш юритиб келмоқда[8].

Илмий изланишларимиз натижаси сифатида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда дунё мамлакатлари электрон пул айланмасида криптовалюталар ўз иқтисодий кўрсаткичларини тобора яхшилаб бормоқда. Криптовалюталар қулайлиги ва афзаллиги ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида молиявий тармоқларда ўз фаоллиги билан ажралиб келаётган биткоин криптовалюта бирлиги сифатларини кўриб чиқишни маъқул кўрдик. Биткоин ўта мураккаб криптографик блокчи занжирлардан иборат бўлиб, ҳар бир транзакция ҳақидаги маълумотлар ана шу занжирларда қайд этиб борилади ва шунинг натижасида бир марта ишлатилган биткоинлар қайта ишлатилиши олди олинади. Бу мураккаб технологик ишланмалар натижасида операциялар ишончлилиги ортиб боради. Албатта ишонч ортиб борган сари унга талаб ҳам мос равишда ошиб боради.



2-расм. Биткоин ва пул оқими жараёни[9]

Биткоин эгаси бўлгандан сўнг, ундан қандай, қай даражада фойдаланиш мумкинлигини билиш ва унинг ёрдамида инсон ўз эҳтиёжлари учун электрон тарзда тўловларни амалга ошириш ҳамда уни қай тарзда нақдлаштириш жараёнини аниқлаш кўпчиликти ҳали ҳамон қизиқтирмоқда. Масалан, меҳмонхона харажатлари тўловларини амалга ошириш, турли хилдаги озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулот(зебу-зийнат, қимматбаҳо

буюм)ларини харид қилиш ва умумий овқатланиш жойларида тўловларни амалга оширишда маълум чегараларнинг бор ёки йўқлиги, жараёнларнинг қандай ўтиши, ишончлилик даражаси муҳимлиги билан ажралиб туради. Ушбу келтирилган товар, иш ва хизматларга электрон тўловлар қай тарзда амалга ошади, унинг ишлаш тизими қанақа бўлади, шунга ўхшаш саволларга биз 2-расм орқали жавоб топишга ҳаракат қилдик.



3-расм. VISA, Master Card билан Биткоин транзакцияларининг солиштирилган ҳолати[10]

Биткоиннинг ишлаши ва ундан фойдаланиш жараёнларининг турли босқичлардан иборатлигини биз, келтирилган 2-расмда кузатишимиз мумкин. Биткоин юборувчи ўзининг шахсий калити ёрдамида ҳамён(биткоин ҳамёни - одатдаги шахсий ҳамённинг биткоин тармоқларидаги шакли бўлиб, занжирли блокларда жойлаштирилган биткоин пул birlikларини шахсий калитдан фойдаланган ҳолда ишлатиш(харажат қилиш) имконини беради)идан биткоинларни занжирли блоклар ёрдамида биткоин майнинг(биткоин майнинг - биткоин тизимининг хавфсизлигини таъминлаш ва транзакцияларни тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида маълумотларни компьютер тармоғида математик рақамларга айлантириш) асосида назоратини таъминлаб уни қабул қилувчига юборди ҳамда биткоинларни занжирли блоклардан қабул қилиб олиб қайта узатиши мумкин. Тармоқлардаги умумий жараёнлар бирлашиб биткоин ва пул оқими доирасини шакллантиради. Биткоин ва пул оқимларининг параллел айланиши натижасида уларни олди-сотди бозорлари пайдо бўлади. Занжирли айланишлар натижасида биткоин эгалари ўз биткоин birlikларини пул ўтказиш хизматлари ёрдамида қайта сотиш ёки электрон пулларга алмаштиришлари мумкин.

Биткоиннинг тез ва қулай айирбошланиши билан биргаликда тўлов транзакцияларининг арзон-

лиги билан харидорни ўзига жалб қила олган. Бугунги кунда биз, дунёда машҳур халқаро VISA ва Master Card тўлов пластик карточкалари ёрдамида ва биткоин birlikлари ёрдамида харидорнинг ўз тўловларини амалга оширишининг солиштирилган ҳолатини 3-расмда кўришимиз мумкин.

Истеъмолчи товар ва хизматлар учун 100 АҚШ доллари миқдоридаги тўловни амалга оширганда у дастлаб ўз харажатини VISA ва Master Card халқаро тўлов пластик карточкалари ёрдамида амалга оширса, ҳар 100 АҚШ долларидан умумий қиймати камида 2,3 фоиз(ёки 2,3 АҚШ доллари)га тенг бўлган яъни, 0,35 АҚШ доллари транзакция хизмати харажати, 0,2 АҚШ доллари карта хизмати харажати ва 1,75 АҚШ доллари эмитент харажатларига тўғри келади. Истеъмолчи томонидан худди шундай харид учун 100 АҚШ доллари сарфланганда биткоин транзакциялари харажатларининг умумий қиймати 1,0 фоиз(ёки 1,0 АҚШ доллари)га тенг эканлигини кўриб ўтдик. Ушбу солиштиришни биз ҳали бор йўғи 100 АҚШ доллари мисолида келтирдик, хариднинг суммаси ошган сари унинг умумий хизмат тўлови харажатлари ҳам ошиб боради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, пулнинг эвалюцион ривожланишида яна бир янги концепциянинг яратилиши, криптовалюталарнинг шаклланиши ва амалиётда ишлаши билан изоҳланади. Бугунги кунда криптовалюталар, электрон ва виртуал пуллар тушунчалари кенг омаллашиб бормоқда. Дунё молия бозорида юзага келаётган молиявий ўзгаришларда криптовалюталар ва уларнинг капитализация даражаси ҳанда молиявий операцияларда иштирокининг ортиб бориши, унинг молиявий тармоқларда мустаҳкам ўрин егаллаётганлигидан далолатдир. Бугунги кунда биз илмий ўрганган криптовалюталарнинг

жами капитализация даражаси 10 млрд. АҚШ доллардан ортиқ. Бу ҳолат, жаҳон иқтисодиётида криптовалюталарнинг роли тобора ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шундай экан истикболда ушбу тизимнинг самарали фаолият юритишига қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш унинг истеъмолчиларига боғлиқ деб ўйлаймиз. Бугунги инновацион дунё, фан ва техниканинг жамият учун яратаётган қулайлик ва афзалликларидан керакли даражада фойдаланиш ва уларнинг ижобий кўрсаткичларидан зарурий мақсадларда ишлатиш замонамизнинг асосий ютуқларидан бири ҳисобланади.

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. "Пул, кредит ва банклар". Дарслик. (Ш.Абдуллаева) Тошкент, Тошкент Молия институти, 2003. 6 бет
2. "Пул, кредит ва банклар". Дарслик. (Ш.Абдуллаева) Тошкент, Тошкент Молия институти, 2003. 11 бет
3. [www.inliberty.ru](http://www.inliberty.ru)
4. [bits.media/bitcoin-forks/](http://bits.media/bitcoin-forks/)
5. [www.nakamotoinstitute.org](http://www.nakamotoinstitute.org)
6. <http://kudavlozidengi.adne>
7. "[ANN] Litecoin — a lite version of Bitcoin. Launched!". Post on [Bitcointalk.org](http://Bitcointalk.org) internet forum.
8. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org), [www.ecb.europa.ue](http://www.ecb.europa.ue).
9. [www.bitcoinsnitch.com](http://www.bitcoinsnitch.com)
10. [www.bitcoinmaster.co](http://www.bitcoinmaster.co)

ДОННИНГ СИФАТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Холбеков Расул Олимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д.

**Аннотация.** Ушбу мақола донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида қабул қилиб олинган хомашёни яъни, доннинг сифатини белгиланган даражага олиб келишгача сарфланган харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда сифат кўрсаткичлари таъсирида дон миқдорининг ўзгаришини аниқлаш усуллари, қабул қилиб олинган доннинг сифати натижаси асосида содир бўладиган бонификация ва рефакция операцияларини ҳисобга олиш борасида таклифлар берилган. Шунингдек, сифат харажатларига таъриф берилди ва тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиқиб сифат харажатлари гуруҳланди. “Сифат харажатлари” сўзи “Маҳсулот сифати” ёки “Хом ашё сифати” сўзларидан мантиқан фарқ қилиши илмий асослаб берилди. Миқдор ва сифат кўрсаткичларининг бир-бирига боғлиқлиги формула орқали ифодалаб берилди. Бонификация ва рефакция операцияларидан олинган молиявий натижаларни тақсимлаш ва қоплаш борасида таклифлар келтирилган. Дон сифати билан боғлиқ операциялар бўйича қўшимча сўтлар ва улардан фойдаланиш услублари тавсия этилди.

**Таянч тушунчалар:** Ғалла мустақиллиги, сифат кўрсаткичлари, сифат харажатлари, намлик, ахлатли аралашма, захарли ўсимликлар уруғининг аралашмаси, пуч дон аралашмаси, сўтлар, бонификация ва рефакция.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы организации и совершенствования учёта затрат связанные с доведением нормативного качества зерно. Вней изложены предложения по учёту операции бонификации и рефакции происходящие на основании результата качества принятых зерн. Так же данна определения на расходы по качеству исходя из особенностей отрасли. Даны предложения распределения финансовых результатов от операций бонификации и рефакции. Рекомендованы использования дополнительных счетов по операциям, связанным с качеством зерно.

**Ключевые слова:** Показатели качества зерно, расходы на качество, влажность, загрязненность зерна, смесь зёрен ядовитых растений, смесь пустые зерна, дополнительных счетов, бонификация, рефакция.

Мустақиллигимизнинг илк бор куртак отиши давридаёқ биринчи Президенти-миз И.А.Каримов, «Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча» каби жумлаларида дон етиштириш ва аҳолини дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаш соҳани ривожлантириш ҳамда бу соҳада иқтисодий ислохотларни оғишмай амалга ошириш вазифаларини белгилаб берган эди. [2.17-б.]

Бундай вазифаларни бажаришда бир-бирига боғлиқ икки соҳада иқтисодий ислохотларни оғишмай амалга оширишга тўғри келади. Улардан биринчиси, қишлоқ хўжалигида илғор фан-техника ютуқларини қўллаш билан дон етиштиришдаги ҳосилдорликни ошириш, иккинчиси, донни сақлаш ва қайта ишлашда замонавий технологиялар асосида самарадорликка эришишдир.

Донни сақлаш ва қайта ишлашда самарадорликка эришиш бевосита сифат кўрсаткичларига ҳам боғлиқдир. Сифатнинг луғавий маъносига ҳар хил таърифлар берилган бўлиб, жумладан: «Сифат - бу хусусият бўлиб, у шахс ёки нарсанинг барча моҳиятини ўзида намоён қилади. Сифат «Қандай?» деган савол асосида буюмнинг яхши ва ёмон томонларини, ранги ва бошқа хусусиятларини белгилайди». [3.32-б.]

«Маҳсулот сифати - бу буюмни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқлигини белги-

ловчи хусусиятлар мажмуидир». [4.44-б]

Сифат ва миқдор кўрсаткичлари бир-бирини инкор қилмайдиган кўрсаткичлар бўлиб, улар қўп ҳолларда тескари мутаносиб равишда муносабатда бўладилар, яъни сифатнинг пасайиши миқдорнинг ўсишига ёки миқдорнинг ўсиши сифатнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Айниқса, сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичларига қўпроқ ўз таъсирини ўтказади.

Ҳозирги кунда жаҳонда маҳсулотнинг барча ишлаб чиқариш ва техник ҳолатлари сифатини баҳолашда ўн битта кўрсаткичдан фойдаланилади. Шулардан асосий сифат кўрсаткичларига қуйидагилар қиради:

- вазифа ва хизмат кўрсаткичлари;
- ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари;
- ишончилиқ кўрсаткичлари;
- ягона ва стандартлаш кўрсаткичлари;
- технологик кўрсаткичлар;
- эстетик кўрсаткичлар;
- экологик ва бошқа кўрсаткичлар.

Келтирилган сифат кўрсаткичларини аниқлаш аниқ маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида намоён бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги сифат кўрсаткичларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- хом ашё ва бутловчи буюмларнинг сифат кўрсаткичлари;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифат кўрсаткичлари;
- маҳсулот тайёрлаш жараёнини ифодаловчи, жумладан, технологик жиҳозлар ва ишчилар ма-лакисининг сифат кўрсаткичлари.

Сифат даражаси умумий ва алоҳида кўрсаткичлар билан ҳам белгиланади. Умумий кўрсаткичларга маҳсулот сифатини нисбий таққослаш йўли билан баҳолаш усули киради. Умумий кўрсаткичлар куйидаги ҳолларда қўлланилади:

- республикамызда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан солиштирилганда;
- маҳсулот намунасининг келажаги белгиланганда;
- анъанавий ва халқаро стандартлар ҳамда техник шароит талаблари таққосланганда;
- одатдаги маҳсулот ўрнини янги маҳсулот эгаллаган даврда.

Алоҳида даражадаги сифат кўрсаткичларига аниқ бир ишчи жойи ва технологик жараён учун белгиланган меъёр, талаб, миқдор кабилар киради. Алоҳида олинган ёки белгиланган сифат кўрсаткичлари нисбий таққосланмайди. Улар ҳам ашё ва маҳсулот хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ҳар бир тармоқ маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сифат кўрсаткичларининг ҳам умумий, ҳам алоҳида олинган кўринишларидан фойдаланиши мумкин. Масалан, донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида донни қайта ишлашдан олинган уннинг умумий сифат кўрсаткичлари белгиланган бўлиб, унинг навлари бўйича таққосланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган уннинг сифатини аниқлашда олий, биринчи, ик-

кинчи, учинчи ёки ёрма каби нав кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу навлар ўртасида фарқ бўлиб, улар истеъмол даврида намоён бўлади. Бундай сифат кўрсаткичларини истеъмолчининг талаби асосида технологик босқичларга боғлиқ ҳолда ўзгартириш мумкин. Шунингдек, бу тармоқда шундай сифат кўрсаткичлари ҳам борки, уларни бошқа кўрсаткичлар билан солиштириб ёки уларни истеъмолчиларнинг талабларига ҳамра ўзгартириб бўлмайди. Улар табиий шароит ҳамда хом ашё ва маҳсулотнинг ўзига хос хусусияти асосида аниқланади. Бундай сифат кўрсаткичлари алоҳида бошқа тармоқларда учрамайдиган хусусиятга эгадир.

Қабул қилинган доннинг сифат кўрсаткичлари махсус лабораторияларда аниқланади ва уннинг натижалари иловада келтирилган 36-сонли “Қабул қилинган дон миқдори ва сифатини ҳисобга олувчи китоб” ҳужжати билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжат бухгалтерияда ҳар бир сақланиш жойи бўйича очилиб, дон сифати ва миқдорининг ўзгариши назорат қилиб турилади. Қабул қилинган доннинг намлилиги ва бошқа аралашмаларнинг белгиланган меъёрдан ошиб кетиши, яъни сифат кўрсаткичларининг пасайиши дон миқдорининг ошиб кетишига олиб келади. Тармоқда бу кўрсаткичлар салбий натижа ҳисобланиб, унинг олдини олиш бугунги кундаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Қабул қилинаётган доннинг сифат кўрсаткичлари [1. 283- б.]

№	Сифат кўрсаткичлари	Дон турлари бўйича меъёри (%) гача	
		Бугдой	Жавдар
1.	Намлилиги	14	14
2.	Ахлатли аралашма	2	2
3.	Захарли ўсимликлар уруғининг аралашмаси	0,05	0,05
4.	Бошқа дон аралашмалари	5	5
5.	Пуч дон аралашмаси	1	1
6.	Табиий оғирлиги (г/л)	750	700
7.	Ёпишқоклик даражаси	23	23

Сифат кўрсаткичларининг тўғри баҳоланмаслиги, улар тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш асосиз йўқотишларни келтириб чиқаради. Донни сақлаш ва қайта ишлаш тармоғида белгиланган технологик тартиб бўйича қабул қилинган доннинг сифат кўрсаткичи даражасига етказиш учун унга биринчи ишлов берилди. Сифатсиз дон махсус технологиялар асосида қурилади ва ҳар хил аралашмалардан тозаланади. Дон турли мол етказиб берувчилардан қабул қилиниб олинганлиги туфайли, уларнинг сифати ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда сифати белгиланган сифат кўрсаткичлардан юқори бўлган дон партиялари ҳам қабул қилинади. Бундай сифатли дон партияларига ҳеч қандай бирламчи ишлов берилмасдан сақлаш омборларига жойланади. Бу ерда икки ҳолатни кўриш мумкин. Биринчиси, қабул қилинган сифатсиз донни сифат кўрсаткичлари даражасига етказиш учун маълум миқдорда харажат қилиш. Бу харажатларга асбоб-ускуналарнинг эскириши, сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, меҳнат ҳақи харажатлари ва унга нисбатан ажратиладиган мажбурий ажратмалар, электр энергия ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар киради. Иккинчи ҳолат эса сифатли

хом ашё қабул қилиш ҳисобига харажатларни тежаб қолиш.

Дон сақланиш даврида юқори намлик ва ҳар хил аралашмалар ҳисобига ўз миқдорини ўзгартиради, яъни технологик қайта ишлов натижасида уннинг миқдори камаёди. Уртадаги фарқни аниқлаш учун дон сифати кўрсаткичларини ҳисобга олувчи 36-сонли “Қабул қилинган дон миқдори ва сифатини ҳисобга олувчи китоб” ҳужжат маълумотларидан фойдаланамиз. Сифат кўрсаткичлари таъсирида дон миқдорининг ўзгариши белгиланган тартиб бўйича куйида келтирилган 1 ва 2- формулалар орқали аниқланади:

$$X = \frac{100(a - b)}{100 - b}, \quad [1]$$

бу ерда X - аниқландиган миқдор;  
a - қабул қилишдаги намлилиқ даражаси;  
b - бирламчи қайта ишлов берилгандан кейинги намлилиқ даражаси.

$$X = \frac{(e - z) \times (100 - d)}{100 - z},$$

бу ерда  $X$  - аниқланадиган миқдор;  
 $v$  - қабул қилинадиган ахлатли аралашма даражаси;  
 $g$  - бирламчи қайта ишлов беришдан кейинги даража;

$d$  - биринчи формула асосида намлилиқнинг пасайишидан кўрилган йўқотиш.

Мисол. Бугдой дони қабул қилингандаги миқдори 9020 тонна, баҳоси 150000 сўм,

намлилиқ даражаси - 15,1 фоиз, ахлатли аралашмаси - 1,5 фоиз. Биринчи ишлов берилгандан кейинги намлилиги - 14,0 фоиз, ахлатли аралашма 1 фоизни ташкил қилди.

$$X = \frac{100(15,1 - 14,0)}{100 - 14,0} = \frac{110}{86} = 1,28\%$$

$$X = \frac{(1,5 - 1) \times (100 - 1,28)}{100 - 1,0} = \frac{0,5 \times 98,72}{99} = \frac{49,36}{99} = 0,49\%$$

$$\text{Жами} = 1,28 + 0,49 = 1,77\%$$

Демак, қабул қилинган дон партиясининг белгиланган сифат даражаларига келтириш даврида, унинг миқдори 1,77 фоизга камайди.

Миқдор ва сифат кўрсаткичларини бири-бирига боғлашда куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\sum X = (\sum D \times \sum d) : 100, \quad [3]$$

бу ерда  $\sum X$  - аниқланаётган сумма;

$\sum D$  - қабул қилинган доннинг жами суммаси;

$\sum d$  - аниқланган фарқлар миқдори.

Бизнинг мисолимизда:

$$\sum X = \frac{(1353000000 \times 1,77)}{100} = 23948100 \text{ сўм}$$

Демак, бу ерда бонификация ва рефакция маблағи 23 948 100 сўмни ташкил қилади. Бу сумма сифатсиз дон топширган мол етказиб берувчилардан чегириб қолинган сумма ҳисобига қопланади.

Келтирилган мисол асосида шунини айтиш мумкинки, сифатга берилган таъриф, уни баҳолаш ва қўллаш кўрсаткичлари ҳамда меъёрларидан ташқари сифат харажатлари ҳам мавжуддир. Сифат харажатлари билан бир қаторда уларнинг ҳисоби ҳам майдонга чиқади. Шу кунгача сифат харажатлари ва ҳисоби кам ўрганилган бўлиб, бу борада аниқ фикрлар деярли билдирилмаган. Шу сабабдан биз энг аввало сифат харажатлари тўғрисида тушунча, уларни гуруҳлаш, ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш борасида фикр билдиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. “Сифат харажатлари” сўзи “Маҳсулот сифати” ёки “Хом ашё сифати” сўзларидан мантиқан фарқ қилади ва улардан ажралмасдир. Чунки бу харажатлар фақат хом ашё ва маҳсулотларнинг сифати учун хизмат қилади. Кўриб ўтилганидек, ишлаб чиқариш жараёнидаги сифат кўрсаткичларидан биринчиси - бу хом ашё ва бутловчи буюмларнинг сифат кўрсаткичларидир. Албатта, бу кўрсаткич ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати

ва миқдорини белгилашда катта аҳамиятга эга ҳамда бу кўрсаткич айнан ишлаб чиқариш жараёнига тегишлидир. Шу туфайли бу жараён айнан ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам тегишлидир деган фикрни билдириш мумкин.

Тармоқнинг бугунги кундаги муаммоларидан яна бири - бу дон сифат кўрсаткичлари даражаси туфайли содир бўладиган фарқларни ҳисобдан чиқариш тартибини назарий, амалий ва илмий асосланган ҳолда аниқлаб олишдир. Сифат харажатлари ва унинг ҳисобини ташкил қилиш бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзига хос технологик хусусиятлари асосида амалга оширилиши ҳамда сифат харажатларини ҳисобга олиш учун тармоқ корхоналари ишчи счётлар режасида кўшимча счётлардан фойдаланиш мумкинлиги, бу счёт маълумотларидан фақат ички фойдаланувчилар фойдаланиши, унинг маълумотлари корхона балансида кўрсатилмаслиги, шунингдек, сифат харажатлари ва унинг ҳисоби маълумотлари сир сақланиши кабилар ишлаб чиқариш ҳисоби белгиларини ўзида намоён қилади. Ишлаб чиқариш ҳисобида харажатлар маълум бир даврдан кейин чегараланганлиги туфайли, ишлаб чиқариш харажатлари таркибига асосан хом ашё ва бутловчи буюмларга тааллуқли сифат харажатларини киритиш катта аҳамиятга эга.

Бу тармоқ хўжалик фаолиятида бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам харажатлар содир бўлиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифат кўрсаткичларига донни қайта ишлашдан олинган урни харидорга жўнатишдан олдин белгиланган технологик тартиб бўйича маълум бир муддатда тиндириш жараёнини киритиш мумкин. Бу жараёнда ҳам албатта, маълум миқдорда харажатлар содир бўлади. Лекин бу харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга тайёрлаш босқичига кирганлиги туфайли, уларни сотиш харажатларига ёки сотилган маҳсулот таннархига киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маҳсулот тайёрлаш жараёнини ифодаловчи, жумладан, технологик жиҳозлар ва ишчилар малакасининг сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ харажатларнинг ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли қисмини ишлаб чиқариш ҳисобида кўриб ўтиш мумкин. Бу харажатларга янги технологияни ўзлаштириш харажатлари, ишчи, ходимларнинг янги технологияни қўллаш бўйича малакасини ошириш харажатлари киради.

Тармоқда асосий сифат харажатлари шартли тўғри харажатлар ҳисобланади, лекин аниқ бир маҳсулот таннархига киритилмайди. Бу харажатлар олдиндан сифатсиз хом ашё топширган мол етказиб берувчилар ҳисобидан ташкил қилинган маблағлардан қопланади. Бундан ташқари айрим хом ашё ва маҳсулотлар таркибини белгиламайдиган сифат харажатлари, яъни таъкидлаб ўтилган янги технологияни ўзлаштириш ва ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш харажатлари ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари ҳамда навлари ўртасида мутаносиб тақсимланиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сифат харажатларига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Сифат харажатлари - бу қабул қилинган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни белгиланган технологик меъёр ва талабларга жавоб берадиган даражага келтириш ҳамда ишлаб чиқаришни замон талабларига мос ҳолда ўзлаштириш учун

сарфланган чиқимлар йиғиндисидир». Сифат харажатлари ҳам ишлаб чиқариш ҳисоби усуллари ва тамойиллари асосида ҳисобга олинади ва бу харажатлар миқдори тармоқда белгиланган тартиб ҳамда меъёр асосида амалга оширилади. Донни сақлаш ва қайта ишлаш тармоғида бундай тартиб ва меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20 мартдаги 137-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан бўладиган операциялар ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома» сида келтирилган. Қабул қилинган доннинг сифатини яхшилашдаги бирламчи қуритиш ва тозалаш харажатлари муомала харажатлари деб аталиб, уларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш усуллари бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришдагилардан фарқ қилади. Аънавий тармоқ бухгалтерия ҳисоби ва услубий қўлланмаларда бундай харажатларни қоплаш учун 42-«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича бонификация ва рефакция» счёти очилиб муомала харажатлари шу счёт ҳисобига қопланиши кўрсатиб ўтилган. Агар қабул қилинаётган доннинг сифат даражаси белгиланган меъёрлардан паст бўлса рефакция қўлланилади, сифати юқори бўлса, бонификация қўлланилади. «Бонификация» мол етказиб берувчини рағбатлантириш бўлса, «Рефакция» уни моддий жазолашдир. Бонификация ва рефакция суммаси тармоқда қабул қилинаётган дон шартнома баҳосига нисбатан фоизларда белгиланади.

Ҳозирги кунда кўп мутахассислар бонификация ва рефакция операциялари бўйича суммаларни корхонанинг молиявий натижасида ёки резерв фондида ифодаламоқдалар. Бундай қарашлар белгиланган аънавий тартиб ҳамда маблағлардан тўғри фойдаланиш тамойилларининг бузилишига олиб келади. Шунингдек, БХМСнинг 21-стандартида ҳам «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича бонификация ва рефакция» счёти кўрсатилмаган. Бизнинг фикримизча, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда донни сақлаш ва қайта ишлашда бонификация ва рефакция операцияларининг қўлланилиши табиий ҳолдир. Шу сабабли бу тармоқ ўз ишчи бухгалтерия ҳисоби счётлар режасига бонификация ва рефакция операцияларини ҳисобга олувчи счётларни киритиши ва ўз ҳисоб сиёсатида кўрсатиб ўтишини зарурий шарт деб биламиз.

Бонификация ва рефакция операцияларини ҳисобга олиш ҳамда ҳисобдан чиқаришда куйидаги счётларни таклиф қиламиз:

1800-«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича бонификация ва рефакция харажатлари»;

1810-«Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция»;

1820-«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда тармоқ ичидаги бонификация ва рефакция»;

1830-«Айирбошлаш операциялари бўйича бонификация ва рефакция»;

1840-«Бошқа операциялар бўйича бонификация ва рефакция»;

1850-«Бонификация ва рефакция харажатларини қайта таксимлаш»;

1860-«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш билан боғлиқ қуритиш, тозалаш ва бирламчи ишлов беришдаги харажатлар»;

1870-«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш билан боғлиқ

қуритиш, тозалаш ва бирламчи ишлов беришдаги йўқотишлар»;

1880-«Донни сақлаш ва қуритишда янги технологияга ўтиш билан боғлиқ бонификация ва рефакция маблағларига қирадиган харажатлар»;

1890-«Бонификация ва рефакция бўйича бошқа харажатлар».

Кўрсатиб ўтилган счётларнинг дебет томони бонификация операцияларини ифодаласа, кредит томони рефакция операцияларини ифодалайди. Агар бонификация операциялари содир бўлса, дебет «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция» счёти, кредит «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти, рефакция операциялари содир бўлса, дебет «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти, кредит «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция» счётлари бўйича кўрсатилади. Бонификация суммаси ҳисобдан чиқарилса, дебет «Хом ашё ва материаллар» счёти, кредит «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция» бўйича акс эттирилади. Агарда қабул қилинган донни қуритиш, тозалаш ва бирламчи ишлов бериш амалга оширилган бўлса, дебет «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш билан боғлиқ қуритиш, тозалаш ва бирламчи ишлов беришдаги харажатлар» счёти, кредит «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоб» счёти, «Давлатнинг мақсадли фондлари ва суғурта бўйича тўловлар» счёти, «Ёқилғи» счёти, «Асбоб ва ускуналарнинг эскириши» счёти, «Умумишлаб чиқариш» каби счётлар бўйича ифодаланади. Ҳисобот даврининг охирида бу харажатлар дебет «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция» счёти, кредит «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш билан боғлиқ қуритиш, тозалаш ва бирламчи ишлов беришдаги харажатлар» счёти каби бухгалтерия ёзувлари асосида ҳисобдан чиқарилади. Бонификация ва рефакция бўйича бошқа операциялар ҳам шу каби бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади.

Бонификация ва рефакция операциялари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш ҳамда ҳисобдан чиқариш дон ва дон маҳсулотлари қийматларининг сунъий ошиб ёки камайиб кетишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бундай бажарилган ишларни амалга ошириш учун сарфланган харажатларни ҳисобга олишнинг бошқа бир вариантини ҳам таклиф қилиш мумкин. Бунинг учун юқорида таклиф қилинган сифат счётлари деб аталувчи счётлар қаторига 2315- «Донни сақлаш учун қуритиш, тозалаш ва биринчи ишлов бериш» номли счёт киритилади. Ой давомида ушбу счётнинг дебет томонида донни қуритиш, тозалаш ва биринчи ишлов бериш харажатлари йиғилади ҳамда ойнанинг охирида бу харажатлар рефакция маблағлари ҳисобидан қопланади. Бу ҳолда донни қуритиш, тозалашдаги харажатлар дебет «Донни сақлаш учун қуритиш, тозалаш ва биринчи ишлов бериш» счёти, кредит харажат счётлари бўйича бухгалтерия ёзувларида ҳисобга олинади. Бу счёт харажатларини ҳисобдан чиқариш дебет «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишдаги бонификация ва рефакция счёти», кредит «Донни сақлаш учун биринчи ишлов бериш» счёти бўйича акс эттирилади.

1800 - «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича

бонификация ва рефакция» счёти ва унинг тизимидаги счётлар йиғиб-тақсимловчи счётлар ҳисобланиб, таъкидлаб ўтганимиздек, бу счёт маблағлари сифатсиз хом ашё топширган мол етказиб берувчилар ҳисобидан шаклланади ҳамда унинг маблағларидан сифат харажатларини қоплашда фойдаланилади.

Тармоқда тасдиқланган йўриқнома бўйича дон сифати кўрсатилган меъёрлардан паст бўлганда куйида келтирилган 2- жадвал бўйича рефакция операциялари амалга оширилади. Ушбу жадвалда донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг асосий хом ашёси бўлган буғдой дони учун рефакция миқдори келтирилган. Қолган дон турлари бўйича ҳам алоҳида рефакция миқдори белгиланади. Рефакция операциялари 2-жадвалда кўрсатилган миқдор асосида ҳар бир қабул қилинган дон партиялари бўйича алоҳида-алоҳида

қўлланилади. Ҳар бир қабул қилинган дон партиялари бўйича рефакция операциялари юқорида келтирилган 1 ва 2- формула бўйича ҳисоб-китоблар натижалари асосида амалга оширилади. Рефакция операциялари фақат сифати белгиланган меъёрдан паст бўлган дон партиялари учун қўлланилади. Қабул қилиб олинаётган дон сифати белгиланган меъёрда бўлса, ундай дон партиялари учун белгиланган тартибда бонификация операциялари амалга оширилади. Кўриб ўтилган сифат кўрсаткичларининг ишлаб чиқариш жараёнида миқдор кўрсаткичларига айланиши тармоқ миқёсида сифат харажатлари ва унинг ҳисобини ташкил қилиш усулларига бўлган талабнинг янада ошишига олиб келади.

## 2- жадвал

Сифат меъёрдан паст бўлган буғдой партиялари учун рефакция тартиби бўйича миқдор [1. 289-б.]

№	Сифат кўрсаткичлари	Ҳар бир фоиз учун	Рефакция миқдори (%)
1	2	3	4
1	Белгиланган меъёрдан юқори намлилиқ	0,1	0,1
2	Белгиланган меъёрдан юқори ахлатли аралашма	0,1	0,1
3	Ортиқча шағал ва металл аралашмаси	0,01	0,05
4	Аччиқ мия ва чирмович уруғи аралашмаси	0,01	0,1
5	Бошқа захарли ўсимликлар аралашмаси	0,1	0,03
6	Бошқа дон аралашмалари	0,1	0,01
7	Табиий оғирлиги белгиланган меъёрдан паст бўлса	10 г/л	0,1
8	Пуч дон миқдори 10 % дан ошса		0,5
9	Ўпишқоқлик даражаси 23 % дан кам		2,0

Бундан ташқари сифатли дон партиялари учун бонификация тартиби қўлланилади. Масалан, қабул қилиб олинган буғдойнинг намлилиқ даражаси белгиланган меъёрдан паст бўлса, ҳар бир 0,1 % намлик учун (12 % дан кам бўлмаган ҳолда), ахлатли аралашма белгиланган меъёрдан кам бўлса ҳар 0,1% учун 0,1 % миқдорда кўшимча қаўланади.

Юқорида билдирилган таклиф ва фикрлар, жумладан тармоқда сифат харажатларини ҳисобга олувчи «Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари бўйича бонификация ва рефакция» счётларининг амалиётга жорий қилиниши ва корхона ҳисоб сиёсатида ўз аксини топиши сақланаётган дон сифатини яхшилаш учун қилинган харажатлар тўғрисида аниқ маълумот олиш ҳамда бу маълумотлар асосида қабул қилиб олинган дон сифатини назорат қилиб туриш натижасида асоссиз йўқотишларнинг

олдини олишга имкон яратилади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби фани назарияси ҳамда ишлаб чиқариш ҳисобида янги харажат турлари ва ҳисобининг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозир кун амалиётида «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компаниясига қарашли корхоналар ҳисоб тизимида юқорида кўриб ўтилган бонификация ва рефакция маблағлари, резерв фонди таркибига кирувчи 8912- «Бонификация ва рефакция маблағлари» номли счётда ҳисобга олиб борилмоқда. Бу эса бухгалтерия ҳисобининг «Харажатларнинг қопланиши» ёки «Резервнинг шаклланиши» таъминининг мантқан ва мазмунан бузилишига олиб келади. Чунки бу маблағлар ҳеч қандай захира фондига кирмайди. Аксинча, улар бир-бирини қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган харажатларнинг бир тури холос.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ва донни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар билан бўладиган операциялар ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 20 мартдаги 137-сонли қарори. - Т.: «Шарқ», 2001, 320 б.
2. Қаримов И.А. Илғобий ишларимизни охирига етказайлик.-Т.:«Ўзбекистон»,1994,17 б.
3. Барамзин С.В. Мастеру о качестве продукции.-М.:«Машиностроение», 1987, 104 с.
4. Моисеев А.В. Экономический словарь-справочник рабочего.- М.: Политиздат, 1984, 240 с.

## БОЖХОНА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА БОЖХОНА АУДИТИНИНГ ЎРНИ

Азизов Шерзод Уктамович

Тошкент молия институти катта илмий ходим-изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш масалалари - ташқи савдони тартибга солиш, оптималлаштириш ва давлат бюджети даромадлар қисмини тўлдириш ҳамда божхона сиёсати қонунчилик базасини такомиллаштиришда божхона аудитининг ўрни таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, божхона назорати, божхона расмийлаштируви, божхона декларацияси, божхона имтиёзлари, божхона аудити.

**Аннотация.** В статье проанализированы вопросы развития внешне экономической деятельности - урегулирование и оптимизация внешней торговли и пополнение доходной части государственного бюджета, а также роль таможенного аудита в совершенствовании законодательной базы таможенной политики.

**Ключевые слова:** внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, субъекты внешнеэкономической деятельности, таможенный контроль, таможенная оформление, таможенная декларация, таможенные льготы, таможенный аудит.

Давлатлар иқтисодиётининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан халқаро иқтисодий муносабатлар ва ташқи савдо фаолияти билан боғлиқ. Иқтисодий атамаларни назарий жиҳатдан, аниқ моҳиятини қонунчиликда келтирилган тартибда талқин этилиши, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, амалдаги ҳуқуқий-меъёردа [1]: “Ташқи иқтисодий фаолият” деганда - Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади”, дейилган бўлса, “Ташқи савдо фаолияти - халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир”, дея эътироф этилган. Ташқи савдо фаолияти - ташқи иқтисодий фаолиятнинг таркибий қисми ёки унинг бир йўналиши ҳисобланса, ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият - халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмларидан биридир. Шу боис, ташқи савдони тўғри ва адолатли тартибга солиш ҳамда назорат қилиш экспорт-импорт операциялари самарадорлигини сезиларли даражада юқори бўлишини таъминлаб беради. Қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларини тўғри талқин қилиш, унга амал қилиш - мамлакатга товарлар кириши ва чиқишида - мамлакат иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир этувчи куйидаги ҳолатлар (божхона рисклари)ни бартаф этилишини таъминлайди:

- Божхона қонунчилигига риоя қилмаслик ёки бўйсунмаслик;

- Божхона тўловлари - ҚҚС, акциз солиғи, божхона расмийлаштируви учун ундириладиган йиғим, товар ва транспорт божхона қиймагидан ҳисобланадиган божхона божини тўлашдан қочиш;

- Товарларни контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб чиқиш;

- Транзит товарларни республика ҳудудида тушириб қолдирилиши ва ҳ.к.лар.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларга чек қўйилиши, мамлакатимизда биринчидан, қонун устуворлиги (қонунларга итоаткорлик)ни таъминласа, иккинчидан, давлат бюджетининг даромад

қисмини янада тўлдиришга шарт-шароитлар ярадади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда мустақиллик йилларида ташқи савдони янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, маҳсулотларни экспортга чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан:

- ТИФ субъектлари маҳсулотларни четга экспорт қилиш натижасида олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилинганлиги;

- 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш” жамғармаси томонидан токи ҳозиргача уларга товар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш бўйича ҳуқуқий, молиявий, ташкилий хизматлар кўрсатилаётганлиги;

- Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий этилганлиги;

- тадбиркорлик субъектлари фаолият юртишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги (жумладан, агар тадбиркорлик субъекти солиқ ва божхона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мулки фақат суд қарорига асосан мусодара қилиниши мумкинлигини белгилайдиган қонун нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддатлари ҳам сезиларли равишда қисқартирилди);

- микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжалиқлари фаолияти 4 йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти 3 йилда бир марта, фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан режали текширилиши белгилаб қўйилиши;

- Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 календарь кунидан

га қадар қисқартирилганлиги;

- Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш ҳолатлари учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилганлиги ва ҳ.к.лар.

Демак, божхона тизимида ҳам ТИФ субъектларига нисбатан амалга оширилаётган молиявий назорат – божхона назоратининг янгича шакли – инновацион методларга асосланган божхона аудитини жорий этиш зарурияти вужудга келди.

**1-жадвал**  
**Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо таркиби[3]**

№	Ташқи савдо таркиби	1990 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил
1.	Ташқи савдо айланмаси, млн.долл.	805,6	6212,1	9500,1	21842,2	24885,1
2.	Экспорт, млн.долл.	442,7	3264,7	5408,8	13044,5	12468,5
3.	Импорт, млн.долл.	362,9	2947,4	4091,3	8799,7	12416,6
4.	Сальдо (+,-), млн.долл.	79,8	317,3	1317,5	4244,8	51,9

Ушбу жадвалдан кўринадики, ташқи савдо айланмаси 1990 йилга нисбатан 2000 йилда 7,7 баробарга, 2005 йилда 11,7 баробарга, 2010 йилда 27,1 баробарга ўсди, шу жумладан, 2010 йилда экспорт ҳажми 29,5 баробар, импорт ҳажми эса 24,2 баробарга ошди. Бу жараёнда ташқи савдонинг ижобий сальдоси 53 баробар ортиб, олтин-валюта захираларининг юқори даражада ўсиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлади. Бирок, 2010 йилга нисбатан 2015 йилда ташқи савдо айланмаси гарчи ижобий натижа +3042,9 млн АҚШ долл.ни, қарийб 14 %га ўсиш кузатилган бўлсада, таркиб жиҳатдан кўрилганда, экспорт ҳажмида 2010 йилга нисбатан 2015 йилда 576 млн АҚШ долл. ёки 4,4 %га пасайиш кузатилди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов томонидан, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: “Биринчи навбатда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир кўшимча чоралар кўриш лозим. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий этиш керак”[2], дея таъкидлаиб, истиқболдаги вазифа аниқ белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов томонидан эътироф этилган қуйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ: “Жаҳон миқёсида савдо-сотик шаклининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустралгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди”[2] (1-жадвал).

Фикримизча, асосан экспортёр корхоналар фаолиятига жиддий эътибор қаратиш, уларга кўплаб солиқ ва божхона тўловларидан имтиёз ва приференцияларни тақдим этилиши жуда тўғри, оқилона сиёсат, чунки, мамлакатда валюта захирасини янада оширишга хизмат қилади. Бирок, бу ҳолат, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ёки яратишнинг иложи бўлмаган маҳсулотларни импорт қилувчи импортёр хўжалик субъектларининг ички бозорда янада кучли рақобатга дуч келишига, импорт маҳсулотларининг нархи ошишига олиб келади, иқтисодий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис, импорт фаолияти билан шугулланувчиларга ҳам маҳсулот импорти билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этиш, рухсат бериш таомиллари, расмийлаштириш тартибини электрон шаклда амалга оширишни жорий этиш, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, божхона расмийлаштируви ва назорати билан боғлиқ жараёнларни халқаро битим ва келишувларга мувофиқ, янада соддалаштириш ва енгиллаштиришга хизмат қилади, бу божхона сиёсатини янада шаффофлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли Фармони ва унинг иловаси келтирилган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилганлигини эътироф этиш лозим (2-3-жадваллар):

Ушбу ПФ-4848-сонли Фармондан келиб чиқадиган устувор вазифалар замирида мамлакатда ташқи савдони янада соддалаштириш ва оптималлаштириш, яъни, ташқи савдога рухсат берувчи божхона тартиб таомилларини яна қайтадан кўриб чиқиш, ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланишини таъминлаш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш учун халқаро божхона амалиётида кенг қўлланилаётган назоратнинг янги шакл, усул ва принципларидан самарали фойдаланиш зарур. Халқаро даражада тан олинган назорат шакллари билан бири - божхона аудитидир. Чунки, божхона аудитини жорий этиш, нафақат, давлат ёки хусусий мулк манфаати нуқтаи-назаридан, балки, ҳар иккала томоннинг ўзаро уйғунлашган манфаатини ортишига сабаб бўлади.

Энг асосийси, божхона аудити ташқи савдо операцияларини тезлаштиришга кўмаклашиши хисобига ташқи савдо субъектига божхона расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни минималлаштириш, божхона рискларини пасайти-

риш, давлат бюджетига ундириладиган божхона тўловларини оптималлаштиришга эришилади, натижада, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши кузатилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4848-сонли 05.10.2016 й.даги Фармонидан келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси зиммасига юклатилган вазифалар[4]

№	Амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар	Амалга ошириш муддатлари
1.	Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг вазифа ва ваколатларини танқидий таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорликни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш, уларга йўл қўймаслик борасидаги тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга доир асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.	2016 йил ноябрь
2.	1. Тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб, валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно. 2. «Экспорт» божхона режимга амалга оширилмайдиган жойларда жойлаштирилган товар учун божхона расмийлаштируви йиғим ставкаларини амалдагига нисбатан икки марта камайтириш (энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 5 фоизгача).	2016 йил декабрь
3.	1. Товарнинг келиб чиқиш сертификатини, ветеринария, фитосанитария, экологик, санитария-эпидемиологик хулосаларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларига руҳсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имконини берадиган «Ягона дарча» идоралараро ахборот тизимини тўлиқ жорий қилиш. 2. «Ўзбекэкспертиза» АЖ томонидан тадбиркорлик субъектларига экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизмати кўрсатиш ягона портални интеграциялаш йўли билан: товарлар келиб чиқишини сертификатлаштириш. 3. Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиладиган технологик ускуналарни ва унинг эҳтиёт қисмларини, шунингдек таркибий қисмлари, хом ашё ҳамда материалларини олиб киришда хулоса бериш бўйича электрон хизматларни жорий этиш.	2017 йил I чораги
4.	«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда қуйидагиларни назарда тутиш: 1. Давлат органлари бошқарув фаолияти ташкил этилишини такомиллаштириш. 2. Асосли ва тезкор қарорлар қабул қилиш орқали самарали давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш. 3. юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этиш.	2017 йил II чораги
5.	Барча тартиб-таомиллардан ўтиш ҳамда «ягона дарча» принципи бўйича электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатиш ва транзакцион хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини берадиган «Солиқ» ва «Божхона» ахборот тизимлари мажмуининг идоралараро интеграциялашган платформаси орқали босқичма-босқич интеграциялаштириш.	2017 йил IV чораги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4848-сонли 05.10.2016й.даги Фармонида келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалар[4]

№	Амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар	Амалга ошириш муддатлари
1.	<p>Куйидагиларга йўналтирилган асосли таклифлар киритиш:</p> <p>1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;</p> <p>2. Республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;</p> <p>3. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;</p> <p>4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;</p> <p>5. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида, аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;</p> <p>6. Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;</p> <p>7. Банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.</p>	2016 йил декабрь

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 2000 йил 26 май, 77-II-сон Қонуни. (3, 11-моддалар, 9-модда).
2. И.Каримов. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришидир. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2016 йил 15 январь, -Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 53 б.(22 б., 42 б.).
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. -140 б.(60 б.).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишибилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли Фармони. «Халқ сўзи», 2016 й., 197 (6632)-сон; ЎР ҚХТ, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

## ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Калонов Муҳиддин Баҳритдинович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги шароитда автотранспорт корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва барча харажатлардан олинган фойдани баҳолашда, биринчи галда, тўғридан-тўғри харажатларни ажратиш масалалари ёритилган. Автотранспорт корхонасида тўғридан-тўғри харажатларни ҳисобга олишни тўғри ташкил этиш учун уларнинг илмий жиҳатдан асосланган таснифи катта аҳамиятга эга.

**Таянч тушунчалар:** автотранспорт, маҳсулот таннархи, даромадлар, харажатлар, самарадорлик, концепция, баҳолаш, калькуляция.

**Аннотация.** Статья раскрывает вопросы текущих условий транспортных средств с учетом затрат на производство, а также себестоимость продукции и оценки всех затрат, прибыли, в первую очередь, отражается в распределении прямых расходов. Транспортные предприятия учитывают прямые затраты по созданию научно обоснованной классификации.

**Ключевые слова:** транспорт, производственные расходы, доходы, затраты, эффективность, концепция, оценка, калькуляция

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни ва мамлакатни ўрта муддатли истикболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2017 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражасини ва сифати ошишини таъминлаш бу энг муҳим долзарб вазифаларимиздан биридир.

2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар тамонлама таҳлил қилиш ҳамда республика Ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил яқунлари бўйича атрофлича маъруза қилди. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” деди мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида. 2016 йил йил яқунлари бўйича ЯИМ 7.8 фоиз ўсганлиги қайд этиб ўтилди [1].

Транспорт тизимини янада такомиллаштириш ва автотранспорт хизматларидан самарали фойдаланиш мақсадида 2017 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2724-сонли Қарори қабул қилинди. [2]

Ушбу Қарорнинг асосий мақсадларидан бири автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтиришдир.

Қарорнинг 10-бандида ёқилғи қиймати ва бошқа иқтисодий шароитлар ўзгарган тақдирда йўлқира тарифларини ўз вақтида қайта кўриб

чиқиш зарурлиги кўриб ўтилган. Бунда ёқилғи ва эҳтиёт қисмларидан самарали фойдаланиш билан ташиш хизматлари таннархини пасайтириш кўзда тутилган.

Автотранспорт корхонасида тўғридан-тўғри харажатларни ҳисобга олишни тўғри ташкил этиш учун уларнинг илмий жиҳатдан асосланган таснифи катта аҳамиятга эга. Маҳсулот таннархини аниқлаш ва барча харажатлардан олинган фойдани баҳолашда, биринчи галда, тўғридан-тўғри харажатларни ажратиш зарур – бу уларни бевосита транспорт хизматларининг ташувлар ва бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муайян турга киритиш мумкин бўлган харажатлардир. Транспорт маҳсулотининг бирлигига тўғридан-тўғри харажатлар миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига деярли боғлиқ эмас ва уни фақат фаолият кўламларини ошириш йўли билан камайитириш мумкин.

Автотранспорт корхоналарида харажатлар жумласига қуйидагилар қиради:

- автомобиллар ҳайдовчилари ва автобуслар чиптачиларининг иш ҳақи;
- моддий харажатлар (автомобиль ёқилғиси, мойлаш ва бошқа фойдаланиш материаллари, автомобиль резинасининг эскириши ва уни таъмирлаш);
- ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар;
- ҳаракатдаги таркибнинг амортизацияси;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- бошқа тўғридан-тўғри харажатлар.

Товар-моддий бойликлар автомобиль ташувлари харажатларининг асосий калькуляция моддаларидан бири ҳисобланади. Автотранспорт корхоналарида товар-моддий бойликлар таркибига кирувчи қуйидаги асосий гуруҳлар ажратилади:

- ёқилғи (нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ);
- эҳтиёт қисмлар;
- мойлаш ва тозалаш учун ишлатиладиган материаллар (тосол, тормоз ва бошқа суюқлик);
- автомобиль шиналари.

Хизматлар бўйича чекланган таннарх ва қоплаш суммалари ҳақида ҳисоб юритишга доир (маржинал даромад тўғрисида) ахборотга эга

бўлиб, кўрсатиладиган ташиш хизматларининг ассортиментини мақбуллаштириш, одатдагига караганда паст нархлар бўйича қўшимча буюртмаларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, корхонада таъмирлашни амалга ошириш ёки четдан хизматлардан фойдаланиш, асбоб-ускуналарни танлаш ва алмаштириш каби бошқарув вазифаларини ҳал этиш мумкин.[3]

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, таннархга норматив ишлаб чиқариш харажатлари кириши керак, лекин амалиётда таннархга хомашё, материаллар ва ҳоказоларнинг нормативдан ортиқча сарфи киради. Таннарх иқтисодий унсурларни (иқтисодий йўналиши бўйича бир хил харажатларни) кўшиш ёхуд у ёки бу харажатларнинг бевосита йўналтирилишини тавсифловчи калькуляциялаш моддаларини жамлаш йўли билан аниқланади, таннархни калькуляциялаш учун тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар таснифи қўлланилади.

Доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндисидир ялпи харажатларни – муайян хизмат турини кўрсатиш учун пул харажатлари суммасини ҳосил қилади.

Умумий ёндашув айрим моддаларни муайян таснифлаш бўйича фарқларни истисно этмайди.[4]

Ғарб мамлакатларида харажатларни доимий ва ўзгарувчан турларга бўлиш қўлланилади, бунда тўғридан-тўғри харажатлар ва билвосита харажатларнинг бир қисми ўзгарувчан харажатларга, билвосита харажатларнинг қолган (ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган) қисми эса доимий харажатларга киради. Билвосита харажатларнинг юқорида кўрсатилган қисмларидан биринчиси кўпинча алоҳида гуруҳга – қисман ўзгарувчан харажатларга ажратилади, чунки ушбу харажатлар ўз миқдорига кўра ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради. Харажатларни тўғридан-тўғри ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш қўшилган қиймат (маржинал даромад) кўрсаткичига эга бўлиш имконини беради. Шундай қилиб, қўшилган қиймат доимий харажатлар ва соф фойдадан таркиб топади. Мазкур кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳажмининг миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган ўзгарувчан харажатлардан қатъий назар ишлаб чиқариш ва сотишнинг умумий самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистонда харажатларни иқтисодий унсурлар бўйича ҳисоблаб чиқариладиган шартли-доимий ва шартли-ўзгарувчан турларга бўлиш техник-иқтисодий омилларнинг таъсиридан эришилган тежашни ҳисоблашда қўлланилади. Бундай ҳисоб-китоблар хизматларнинг келгуси режадаги таннархини мавжуд ҳақиқий таннарх асосида аниқлаш учун бажарилади. Бундай ҳисоб-китобларни қўллаш ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки шартли-доимий харажатлар кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри мутаносиб ошган тақдирдагина харажатларнинг ошганлигини аниқлаш имконини беради (деярли мумкин бўлмаган вазият).

Реал ишлаб чиқариш фаолиятида нафақат ҳақиқий пул харажатларини, балки у ёки бу иқтисодий қарорлар ўртасида танлаш мумкинлиги туфайли юзага келадиган муқобил харажатларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, корхона эгаси мавжуд пулни турли усуллар билан сарфлаши: уни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириши

ёки шахсий истеъмол учун сарфлаши мумкин. Муқобил харажатларни нафақат бозор муносабатлари учун, балки товар ҳисобланмайдиган объектлар учун ҳам ўлчаш зарур. Тартибга солинмайдиган хизматлар бозорида муқобил харажатлар ҳозирги вақтда белгиланган жорий бозор нархига тенг бўлади. Агар бозорда бир-бирига одатда яқин бўлган бир неча турли нархлар мавжуд бўлса, у ҳолда хизматларни, албатта, сотувчига харидорлар томонидан таклиф этилган нархларнинг энг юқориси бўйича сотишнинг муқобил харажатлари барча қолган таклиф этилган нархларнинг (энг юқорисидан ташқари) энг каттасига тенг бўлади.

Қандайдир турдаги хўжалик фаолиятининг умумий иқтисодий харажатлари, оддий пул ва моддий харажатлардан ташқари, мавжуд (меҳнат, пул, моддий) ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги эҳтимолий муқобил қарорлардан энг яхшисининг қийматини баҳолашни қамраб олувчи муқобил харажатларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Энг кўп фойда олиш учун кўрсатиладиган хизматларнинг зарур миқдорини аниқлаш лозим. Энг юқори харажатлар категорияси иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб хизмат қилади. Энг юқори харажатлар ушбу ҳажм билан солиштирилганда, ҳар бир қўшимча хизматлар бирлигини кўрсатиш учун қўшимча харажатларни ўзида намоён этади. Улар ялпи харажатларнинг ёнма-ён қийматларини чегирма қилиш орқали ҳисоблаб чиқилади. Тақомиллашган рақобат (ҳар бири бозор нархига таъсир кўрсатмайдиган айнан бир хил хизматларни кўрсатувчи майда ташкилотларнинг кўплиги) шароитида охириги қўшимча кўрсатилган хизматдан олинган даромад ушбу хизматлар бирлигининг энг юқори харажатларидан ортиқ бўлар экан корxonанинг фойдаси ортиб боради. Ҳар қандай корхона учун қўшимча даромад ва энг юқори харажатлар тенглиги мавжуд бўладиган хизматлар ҳажминини кўрсатиш энг катта фойда келтиради. Охириги кўрсатилган хизмат энг юқори харажатларни хизматлар бирлигининг нархи билан тенглаштиради, чунки қўшимча ташиш хизмати турини кўрсатиш қўшимча фойда келтирмайди. Корхона энг юқори харажатлари бозор нархидан паст бўладиган хизматларни кўрсатишда, энг юқори харажатлари бозор нархидан юқори бўлган ташиш хизматларини кўрсатишни тўхтатган ҳолда энг юқори фойда олишга интилади. [5].

Ҳар бир тармоқда энг кўп фойда кўриш билан энг юқори харажатлар ўртасидаги мувофиқлик умумий самарадорлик ва ижтимоий фаромонликни ошириш учун зарур. Ресурсларни тақсимлаш самарадорлигига рақобат натижасида энг юқори харажатлар ва бозор нархи тенглаштирилган тақдирда эришилади (унга юқори фойда кўриб ишлаш тенг).

Умуман олганда, тақсимлаш самарадорлиги концепцияси ҳар қандай жамиятга маҳсулот ҳажмини ошириш имконини беради. Энг юқори харажатлар ва бозор нархи тенг бўлган тақдирда маҳсулот энг кам ялпи харажатлар билан ишлаб чиқарилади.

Юқорида таъкидланганидек, Ғарб корxonаларида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таннарх тўғрисидаги турли ахборотдан фойдаланилади. Баъзан таннарх иккита усул билан ҳисоблаб чиқилади: барча харажатларни тақсимлаш асосида ва «директ-костинг» тизими бўйича. Назаримизда, мамлакатимиз корxonала-

рининг ҳозирги босқичда иккита тизим бўйича ҳисоб юритишига ҳожат йўқ. Келгусида «директ-костинг» тизимини қўллайдиган корхоналар учун тўлиқ таннархни тизимдан ташқари даврий равишда (бошқарув мақсадларига қараб) ҳисоблаб чиқишнинг ўзи кифоя қилади. Ғарб мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай таннарх ҳақидаги маълумотлардан қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин.[6]

Асосий ғоя шундан иборатки, ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган миллий бухгалтерия стандартлари – бухгалтерия ҳисобига доир қоидаларда корхоналар харажатлар ҳисобини юритишни ташкил этишнинг у ёки бу вариантини танлашда амал қилиши лозим бўлган асосий тамойилларни белгилаб олиш ҳамда аста-секин корхоналарга таннархни ҳисоблаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда имкон қадар эркинлик бериш зарур.

Қайси таннархни ҳисоблаш, қўшимча харажатларни қандай тақсимлаш каби масалалар корхонанинг тижорат сирини ташкил этиши ва корхонанинг ўзи томонидан ҳал этилиши лозим.

Бугунги кунда айрим корхоналарда иш ҳақи улушининг оширилиши муносабати билан қўшимча харажатларнинг иш ҳақиға мутаносиб равишда тақсимланиши туфайлигина ассортиментнинг айрим позициялари зарар келтириши муаммоси сунъий тарзда юзага келди.

Харажатлар турлари бўйича гуруҳлаш умумий қабул қилинган усул бўлиб, иккита таснифни ўзида мужассам этади: иқтисодий мазмун бўйича ва харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.

Харажатларни иқтисодий унсурлар бўйича бўлиш «Ташкилотнинг харажатлари» бухгалтерия ҳисоби қоида-асосида асосланади. Харажатларнинг ушбу таснифи таннарх таркибини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун харажатлар ҳар бир турининг улуши билан бутун таннарх ўртасидаги фоизли нисбат ҳисоблаб чиқилади. Бунда таъкидлаш лозимки, ҳар бир гуруҳ харажатлар қаерда амалга оширилганидан қатъи назар тўпланадиган бир хил харажатларни ўзида бирлаштиради.[7]

Харажатларни калькуляцион моддалар бўйича гуруҳлаш корхона фаолиятининг турига қараб ўзига хос хусусиятга эга, шунинг учун харажатлар таркиби тармоқ йўриқномалари ва методикаларида белгиланади. Мазкур харажатлар юзага келиш жойига қараб гуруҳланиб, хизматларнинг ҳар бир турига тўғридан-тўғри ёки билвосита усул билан киритилади.

Ушбу гуруҳлаш хизматлар алоҳида турларининг таннархини аниқлаш имконини берувчи калькуляцияни тузиш учун қўлланилади. Харажатларни калькуляция бўйича аниқлаш ҳар қандай даражада хизматлар таннархининг ҳар бир таркибий қисмини аниқлаш имконини беради.

Автомобиль ташувлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун биз қуйидаги номенклатуранинг тақлиф этдик:

а) ташувлар билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, шу жумладан:

- автомобиллар (юк автомобиллари, автобуслар, энги таксилар) ҳайдовчилари ва автобуслар чиптачиларининг иш ҳақи;

- ягона ижтимоий солиқни ҳисоблаш;

- автомобиль ёқилғиси;

- мойлаш ва бошқа фойдаланиш материаллари;

- автомобиль резинасининг эскириши ва уни

таъмирлаш;

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

- ҳаракатдаги таркибнинг амортизацияси.

б) Умумий хўжалик харажатлари, улар қуйидаги турларга бўлинади:

- бошқарув аппаратини сақлаб туриш харажатлари, шу жумладан: маъмурий-бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи; ижтимоий ва тиббий суғурта учун, Пенсия жамғармасига ажратмалар; алоқа (почта-телеграф харажатлари, АТС ва коммутаторларни, шаҳар телефонларини сақлаб туриш, халқаро сўзлашувлар, радио, телевидение, технологик алоқа воситалари) харажатлари; бинолар, иншоотлар, маъмурий-бошқарув асбоб-анжомларини сақлаб туриш, таъмирлаш ва уларнинг амортизацияси; канцелярия ва типография буюмлари учун харажатлар; бошқа (меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳисоблаш марказлари хизматлари ҳақини тўлаш, техник кутубхоналарни комплекшлаш учун) харажатлар;

- қуйидагиларни ўз ичига оловчи умумий ишлаб чиқариш харажатлари: чипта сотувчи кассачилар, назоратчилар, ёрдамчи ишчилар корхонага хўжалик ва техник хизмат кўрсатувчи автомобиллар ҳайдовчилари, таъмирлаш ишчиларининг иш ҳақи, ижтимоий ва тиббий суғурта учун, Пенсия жамғармасига тегишли ажратмалар, дастгоҳ асбоб-ускуналарини жорий таъмирлаш харажатлари; меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир харажатлар; кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (ҳаракатдаги таркиб ва маъмурий-бошқарув фондлари бундан мустасно); сув таъминоти; технологик эҳтиёжлар учун ёқилғи ва электр энергияси сарф-харажатлари; реклама харажатлари; лицензияларни қўлга киритиш; маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматлари; ҳисоботлар бланкларини сотиб олиш харажатлари, ёнғинга қарши тадбирлар, тезкор-диспетчерлик алоқаси ва бошқа харажатлар.

- қуйидагиларни ўз ичига оловчи йиғимлар ва ажратмалар: мол-мулк, йўлдаги юклар ва йўловчиларни суғурталаш тўловлари; автомобилларни техник кўриклардан ўтказиш ҳақини тўлаш; давлат рақами белгилари нархини тўлаш; йўллар ва йўл иншоотларидан ўт ҳақи; корхона томонидан ташувларни бажариш ва бошқа транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатиш чоғида тўланадиган маҳаллий рўйхатга олиш йиғимлари. [8]

- қуйидагиларни ўз ичига оловчи беҳуда харажатлар: ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, шиналар ва бошқа нарсаларнинг йўқлиги туфайли ишчиларнинг бекор туришига ҳақ тўлаш; табиий камайиш нормалари доирасида моддий бойликлар камомadini тўлдириш; ишлаб чиқаришда шаклланиш туфайли ходимларга шкаст, жароҳат етказилган ҳолларда зарарни қоплаш харажатлари.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги шароитда қўлланилаётган автотранспорт корхоналарида хизматлар таннархини ҳисобга олиш ва калькуляциялаш усуллари ягона тизимга эга эмас, бунга таннархни шакллантиришга доир турли тармоқ Методик тавсияларидан фойдаланиш, харажатлар таркибининг турли хиллиги сабаб бўлди, бу ташиш хизматларининг

таннархи ҳақида турли ахборот олишнинг релевантлигига таъсир кўрсатади.

Ушбу номенклатура ҳисоб юритиш-таҳлилий регистрларда акс эттириладиган транспорт корхоналарининг харажатлари тўғрисидаги маълумотларни таққослаш имконини беради, бу самарали бошқарув қарорларининг қабул қилинишида бевосита ўз аксини топади.

Бундан ташқари, ушбу муаммони ҳал этиш учун ҳисоб юритишга доир иқтисодий ахборотнинг дастлабки манбаларига дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда кейинги ишлов бериш мақсадида уларни такомиллаштириш зарур, бу иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, материаллар ва ёқилғини сарфлаш норматив базасини яратишни талаб қилади. [9]

Автотранспорт корхоналарида ҳужжатларга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш талабларига унчалик ҳам жавоб бермайдиган бир қатор дастлабки ҳужжатлар шакллари қўлланилади. Масалан, йўл варақаси асосида ёқилғини ҳисобдан чиқариш ва иш ҳақини ҳисоблаш амалга оширилади, ҳужжат ягоналиги туфайли, бу ҳол ҳужжатлар айланишининг қўшимча босқичларини келтириб чиқаради ва ҳисоб юритишга доир маълумотларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Бошқарувнинг турли даражалари ўртасида ахборот алмашуви асосан техник-иқтисодий ахбо-

ротнинг классификаторлари ёрдамида таъминланади. Ушбу классификаторларда объектлар муайян таснифланадиган гуруҳлар, уларнинг белгилари ва кодлари бўйича тизимлаштирилади. Автотранспорт корхоналарининг амалиётида 30 дан ортик моддий захиралар классификатори қўлланилади. Уларнинг деярли барчаси статистик, ҳисоб юритиш, прејскурант ва бошқа гуруҳлашларга асосланади. Корхонада яратиладиган классификаторлар фақат ушбу корxonанинг талабларини ҳисобга олади ва умумий классификатор билан боғлиқ эмас. Шунинг учун давлат хўжалигининг барча бўғинларини ахборот билан таъминлаш имконини берувчи иқтисодий ахборотнинг локал классификаторларини ишлаб чиқиш зарур.

Илмий жиҳатдан асосланган прогрессив нормалар ва нормативларни ишлаб чиқиш ички захираларни аниқлаш ва сафарбар этишнинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланиб, моддий-техник ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш самарадорлиги уларнинг сифатига боғлиқ. Бир қатор автотранспорт корхоналарида қўлланиладиган материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар сарфининг нормалари техник жиҳатдан асосланмаган ҳисобланади, айниқса бу автомобиль шиналарига тааллуқли.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. *Халқ сўзи газетаси* 2017 йил 16 январь №11(6705).
2. *Халқ сўзи газетаси* 2017 йил 12 январь №8(6702).
3. Мирзиёев Ш.М. *Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак Тошкент "Ўзбекистон" НМИУ 2017 йил.*
4. Холбеков Р.О. *Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти.* - Т.: "ФАН", 2005. - 198 б.
5. Талалаева Ю.Н. *Бухгалтерский учет расходов на содержание и эксплуатацию собственных автотранспортных средств предприятия // Консультант бухгалтера, 2002. - № 4.*
6. Ткач В.И., Ткач М.В. *Управленческий учет: международный опыт.* — М.: Финансы и статистика, 1994. — 144 с.
7. Уорд Кит. *Стратегический управленческий учет / Пер. с англ.* - М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2002. - 448 с.
8. Уралов Д.И. *Учет затрат по сферам деятельности.* - М.: Финансы и статистика, 1991.- 174 с.
9. *Финансовый менеджмент: теория и практика: Учебник / Под ред. Стояновой Е.С.* -М.: Перспектива, 1996.- 405 с.
10. Шишкова Т.В. *Управленческий и финансовый учет: сравнительный аспект// Бухгалтерский учет.* - 1996. - №3. - с.52-56.
11. Koch H. *Zur Diskussion ueber den Kostenbegriff// Zeitschrift fuer handelswissenschaftliche Forschung.* - 1958. - № 10. - S. 355-399.

Чориев Исроил Ҳамзаевич

Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада рақобатдош иқтисодиёт шароитида республикада яратилган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишда, таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** рақобатдош иқтисодиёт, аудитор, аудиторлик ташкилоти, аудиторлик фаолияти миллий стандарти, аудиторлик хизматлари, молиявий ҳисобот, аудиторлик текшируви, аудиторлик ташкилотининг турдош хизматлари, таҳлилий амаллар, молиявий коэффициентлар, бозор ҳолати таҳлили, корхона молиявий ҳолатининг экспресс таҳлили, дастлабки ҳисобот шакллари таҳлили.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены теоретические и практические аспекты применения аналитических процедур в целях повышения качества аудиторских услуг на основе нормативно-правовой базы, сформированной в условиях конкурентоспособной экономики.

**Ключевые слова:** конкурентоспособная экономика, аудитор, аудиторская организация, национальный стандарт аудиторской деятельности, аудиторские услуги, финансовая отчетность, аудиторская проверка, профессиональные услуги аудиторских организаций, аналитические процедуры, финансовые коэффициенты, анализ рыночной позиции, экспресс-анализ финансового состояния предприятия, предварительный анализ отчетности.

Республикада рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш жараёнида ҳўжалик субъектлари фаолиятини тўғри баҳолаш, уларнинг фаолиятини акс эттирувчи маълумотларнинг ишончлигини таъминлашда аудиторлик хизматларининг роли ошиб бормокда. Республикада бундай хизматларни кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизми яратилган бўлиб, бу иқтисодиёт субъектлари тўғрисида ишончли ва аниқ маълумотлар олиш билан бир қаторда уларнинг фаолияти узлуксизлигини баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқ ва тақлифлар ишлаб чиқиш имкониятларини яратади. Рақобатдош иқтисодиётда ҳўжалик субъектларининг сифатли аудиторлик хизматларига бўлган эҳтиёжи ортиб бормокда.

Республикада кейинги вақтларда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда аудиторлик ташкилотлари хизматлари сифатини ошириш мақсадида бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ПК-615-сон қарори ҳамда унга илова сифатида “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низом, 2008 йил 2 июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор, “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова), 2008 йил 18 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича” Низом, “Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги Низом (Молия вазирининг 2007 йил 1 августдаги 73-сонли буйруғи билан тасдиқланган), “Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида”ги Низом

(Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан тасдиқланган ЎЗР АВ 09.09.2008 й. 1668-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР ДМБДҚ ва МВ Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) каби меъерий ҳужжатлар аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, 2013 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан аудиторлик фаолиятининг янада такомиллашуви йўналишида қатор қонун нормалари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-615-сон Қарорида Республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилгани, уни равожлантириш учун амалий-иқтисодий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилганлиги, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилгани ва либераллаштирилганлиги қайд этилган. Шу билан бир қаторда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств баъзи ҳолларда сифатсиз тағбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермаслиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўла олмайётганлиги таъкидланган[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада равожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолиселиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончли ошириш мақсадида “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низом аудиторлик ташкилотларини ташкил этишнинг лицензия талаблари ва шартларини ҳам белгилайди.

Шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ, аудиторлик ташкилотларини ташкил этишда уларнинг миждоз олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек, аудиторлик текширувларининг сифатини ошириш мақсадида бир қатор шартлар белгилаб қўйилди[4].


Ҳозирги рақобатдош иқтисодий шакллантириш шароитида аудиторлик ташкилотлари зиммасига ҳўжалик субъектлари молиявий ҳисоботлари ишончилиги тўғрисида объектив хулоса бериш билан бир қаторда уларнинг фаолияти узлуксизлигини баҳолаш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш резервларини аниқлаш, солиқларнинг тўғри ҳисобланганлигининг таҳлили, корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, даромад ва харажатларни оптималлаштириш бўйича таклифлар бериш, ички бошқарувга турли иқтисодий масалаларни ҳал қилишда маслаҳат хизматларини кўрсатиш каби вазифалар ҳам юкланади. Бундай шароитларда аудиторлик фаолияти бўйича бойорижий тажрибаларни ўзлаштириш асосида аудиторлик хизматларининг аҳамиятини янада ошириш талаб этилади.

Аудиторлик хизматлари бозорида кундан кунга рақобат кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари мавжуд ми-

ждозларни йўқотиб қўймаслик ҳамда янги миждозларни жалб этишда ўз хизматларининг нархини назорат қилиб туришлари зарур. Бунинг учун аудиторлик текширувларида юзага келадиган харажатларни бошқариш ва оптималлаштириш, ўзини оқламайдиган харажатларни максимал даражада пасайтириш талаб этилади.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан юқорида қайд этилган хизматларни кўрсатишда ҳамда аудиторлик далилларини йиғишда меҳнат сарфини максимал даражада пасайтиришга эришиш, шу орқали хизматлар самарадорлигини ошириш учун таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ, изланишлар натижаси шунини кўрсатадики, Республикамизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ҳамда турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида таҳлилий амаллардан етарли даражада фойдаланилмапти.

“Таҳлилий амаллар” номли халқаро ҳамда миллий аудиторлик стандартларида (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 1999 йил 4 августдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган 13-сонли АФМС) ҳам аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашнинг муҳимлиги таъкидланган.



1-расм. Аудитда таҳлилий амаллардан фойдаланиш чизмаси

Аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллаш таҳлил этилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқадорлиги мавжудлигига асосланади. Таҳлилий амалларни қўллашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик фаолиятининг эҳтимолли таваккалчиликлар соҳасини белгиловчи ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлари ва натижаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиш;

- молиявий ҳисобот бузилиши фактларини аниқлаш;

- муфассал аудиторлик тадбирлари сонини қисқартириш;

- юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тестдан ўтказишни таъминлаш.

Таҳлилий амалларни қўллаш аудиторга аудитни режалаштиришда мижозни яхшироқ тушуниш ва бухгалтерия балансларини текшириш орқали аудитдаги таваккалчилик даражасини белгилаш, бошқа аудиторлик тадбирлари сони ва ҳажмини қисқартириш имконини беради. Шунингдек, қўшимча аудиторлик тадбирларини талаб этувчи текширув соҳалари аниқлаб бериши мумкин бўлган молиявий муаммоларнинг мавжудлигини узил-кесил текшириш вазифасини бажаради.

Аудитор томонидан таҳлилий амаллардан нафақат корхона молиявий аҳволини баҳолашда, балки молиявий ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлашга йўналтирилган аудиторлик текширувининг барча босқичлари (режалаштириш, асосий босқич ҳамда якуний хулоса бериш босқичлари) да ҳам кенг фойдаланиш мумкин (1-расм).

Аудиторлик текширувларининг дастлабки режалаштириш босқичида мижоз бизнеси билан танишиш муҳим аҳамиятга эга. Мижоз бизнеси билан танишиш жараёнида турли таҳлилий амал-

лардан фойдаланган ҳолда унинг бозордаги ҳолати, асосий рақобатчилари, харидорлари, таъминотчилари, бозор конъюнктураси ва унинг ўзгариш тенденциялари ўрганилади. Шунингдек, экспресс-таҳлил ёрдамида хусусий капитал рентабеллиги, меҳнат ҳақи ва меҳнат унумдорлиги даражаси, молиявий қўйилмалар даромадлиги, солиқ юки даражаси каби бир қатор кўрсаткичларига баҳо берилади ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасини ўрганиш асосида хатоликлар мавжуд зоналар аниқланиши мумкин. Дастлабки ҳисобот шакллари моддаларини таҳлил қилиш асосида корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси ўрганилиб, раҳбарият томонидан қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлиги ҳақида тахминий хулосалар шакллантирилади. Молиявий коэффициентлар таҳлили асосида молиявий хатарлар юқори бўлган зоналар аниқланиб, аудиторлик текширувларининг асосий йўналишлари белгиланади. Бу деталлашган аудиторлик текширувлари ҳажмини қисқартириб, меҳнат сиғими ва ортиқча харажатларни камайтириш имконини беради. Яъни текширувларда асосий эътибор таҳлилий жараёнда аниқланган юқори хатар зоналарига қаратилади. Масалан, корхона фойдасини кескин пасайиши, солиқ базаларининг қисқариши, баланс моддалари ва сотиш ҳажмининг кескин қисқариши, кечиктирилган мажбуриятларнинг қўпайиши, даргумон дебитор қарзлар суммасининг ортиши каби ҳолатлар молиявий ҳисоботда муҳим хатолар мавжуд, деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади ҳамда шу моддаларни синчиклаб ўрганишни тақозо қилади. Буларнинг барчаси аудиторда мижоз бизнеси ҳақидаги дастлабки хулосаларнинг шаклланишига ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга имкон яратади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарорига 2-илова “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” Низом.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарори – “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарорига илова “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида” Низом.
5. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. I қисм. 2-жилд. Тошкент: ЎБАМА, 2014.-1039 б. Б.623.
6. Бычкова С.М., Итыгилова Е.Ю. Международные стандарты аудита: учеб. пособие. М. ТК Велби, Изд-во Проспект. 2008.-432с.
7. Дусмуратов Р.Д. “Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт”. Т.: “Молия” нашриёти, 2007. 108-бет.
8. Мельник М.В., Когденко В.Г. Экономический анализ в аудите. Учебное пособие. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. –543 с.
9. Шеремет А. Д., Суйц В. П. Аудит. Учебник. –М.: “ИНФРА-М”, 2005. –448 с.

## ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТГА ЭГА БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМИ ҲИСОБИ

Дадабаев Шавкат Хамидович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси

**“...ички имконият ва захираларимизни ишга солишни энг муҳим йўналиши бизнинг заминимиздаги бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлашни бошқичма-бошқич ошириб бориш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтиришдан иборат бўлиши керак.”**

**Ислом Каримов**

**Аннотация.** Ушбу мақолада юқори қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларнинг таннархини камайтиришда бошқичли усул яъни бўлимли усулдан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш тартиби баён этилган. Шунингдек, соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг ёндошувлари акс эттирилган. Бошқичли усул халқаро ҳисоб талабларга мувофиқ бошқарув ҳисобининг асосий элементи эганлиги илмий ва амалий жиҳатдан кенг ёритиб берилди. Қайта ишлаш бошқичли тизимининг афзалаллик ва камчилик томонлари кўрсатиб берилди.

**Таянч тушунчалар:** Хомашё ва материаллар, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни, тайёр маҳсулот, бошқарув ҳисоби, маҳсулот таннархи калькуляцияси, ҳисобварақлар режаси, бошқичли усул, устама харажатлар.

**Аннотация.** В данной статье описывается производство продукции с высокой добавленной стоимостью, чтобы снизить затраты на их стадии, используются методы, которые разделяют описываемую процедуру для его рассмотрения. Кроме того, использованы высказывания экономистов нормативно методические документы. Пошаговый метод в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности сведен к ключевым элементам в счете управления и освещен с научно-практической точки зрения. Показаны преимущество и недостатки обработки при двухуровневой системе.

**Ключевые слова:** Сырье и материалы, процесс закупок, производственный процесс, готовый продукт, управленческий учет, калькуляция себестоимости продукции, план счетов бухгалтерского учета, по процессное, накладные расходы.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “...автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатдошлигини, энг аввало, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш бўйича принципиал жиҳатдан янги тизим зарур. Бу борада мен «отвертка билан машина йиғиш» эмас, балки асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартиришни назарда тутяпман” (Ш.Мирзиёев, 2017).

Бу эса саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришда қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларга эътиборни қаратишг мумкинлигини белгилайди, жумладан ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш. Уз навбатида Президент Ш.Мирзиёев томонидан “Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим

маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда” деб таъкидлаб ўтади.

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, уларнинг рентабеллик даражасини ошириш, шунингдек, ўзимиздаги бой табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ҳам ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш - бош вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб берилган эди.

Бугунги кунда жонажон диёримиз ҳар томонлама бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларига эга. Биз бу билан жаҳон миқёсида ҳар қанча фахрлансак ва ғурурлансак арзийди. Айниқса, иқтисодиёти юксак даражада ривожланган бўлишига қарамасдан, хомашё ресурслари кам ёки умуман йўқ бўлган Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар бизга ҳавас билан қараб келмоқда.

Бизнинг асосий вазифамиз – ана шу табиатнинг бебаҳо инъомларидан оқилона фойланган ҳолда дунё эшикларини биз учун очиқ бўлишига ҳаракат қилмоғимиз лозим бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам биз учун қадрли бўлган хомашё ресурсларни сув текинга бериб юбориш эмас, уларни чуқур қайта ишлашни бошқичма-бошқич оши-

риб бориш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажмини, уларнинг турли хиллигини кенгайтиришни заруриятга айлантирмоқда. Биринчи Президентимиз И. Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030 йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.” (И. Каримов, 2016).

Албатта бундай юксак марраларни эгалаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланишда, уларни ўз вақтида ишончли ва тўлиқ ахборотлар билан таъминлаб боришни ҳам тақозо этади. Бунда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш ва улар ҳақидаги маълумотларни шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни бекиёсдир.

Чунки, хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлаш жарёни Президентимиз таъбири билан айтганда 3-4 босқичли тизимига ўтишимизни зарурият қилиб қўймоқда. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки;

у **биринчи** босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш; кейинги **иккинчи** босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш;

**учинчи**, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутлади.

Демак, биз ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хомашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини – циклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғлиқ ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлашимиз керак бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, хомашёни тайёр маҳсулотга айлангунга қадар бўлган ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиб, уни тегишли ҳисобварақларда ҳаракатини ҳисобга олиб бориш, бухгалтердан катта масъулиятни талаб этади. Буни одатда назарий жиҳатдан бошқарув ҳисобининг

элементи сифатида қаралиб, маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлимли усули деб ҳам аталади.

Бухгалтерия ҳисобида хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар товар-моддий бойликлар ёки захиралар номи билан айланма маблағлар таркибида акс эттирилади. Жорий активлар (айланишдаги маблағлар) доиравий айланишнинг икки босқичида материал шаклини олади: биринчи босқичда, яъни таъминот жараёнида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат предметлари (хом-ашё ва материаллар, ёкилгилар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) сотиб олинади; меҳнат предметларининг бир қисми бевосита аввалги босқичда яратилган ўз маҳсулоти ҳисобига тўлдирилади; доиравий айланишнинг иккинчи босқичида ишлаб чиқариш жараёни натижасида тайёр маҳсулотлар яратилади.

Агар биринчи ҳолатда айланма маблағлар меҳнат предметлари сифатида намоён бўлса, иккинчи ҳолатда улар меҳнат маҳсули ҳисобланади. Бироқ, ҳар иккала ҳолатда ҳам уларда айланиш тавсифи бир хилдир: улар айланма маблағларнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиб, бир босқич давомида тўла айланишни амалга оширилади.

Товар - моддий захиралар иқтисодий категория сифатида илмий - услубий ва меъёрий манбаларда турлича таърифланган. Жумладан, 4-сонли «Товар-моддий захиралар» номи бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида қуйидаги тушунча берилади: «товар-моддий захиралар – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар» (БҲМС 4).

Бу борада молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидаги берилган таъриф ёки тушунчалар деярли бизнинг амалиётимизга яқин келади. Халқаро стандартларда товар-моддий захираларга қуйидагича ёндошилган: “Товар-моддий захиралар– бу қуйидаги активлардир: одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган, бундай сотув учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хомашё ва материаллар кўринишидаги активлар” (БҲХС 2).



1-расм. Товар-моддий захиралар турлари

қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга келтириладиган хомашёлар таъминот жараёнида амалга оширилади. Таъминот жараёни корхонанинг таъминот режаси (графики) асосида ташкил этилиб, унинг

асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- сотиб олинадиган хомашёнинг миқдори;
- сотиб олиш муддати;
- хомашё турлари ва ҳоказо.

«Текстил» корхонасида таъминот жараёни  
(минг сўмда)

Т/р	Хомашёноми	Хомашёга талаб	Талабни қоплаш манбаи		Тузилган шартнома	Шартнома бўйича талаб қопланиши (%)	Хомашё олиними	Шартнома бажарилиши (%)
			Ички	Ташқи				
1.	Пахта	5500	500	5000	4000	72,7	3500	87,5

Шунингдек, таъминот жараёнини ҳисобга олишда асосий эътибор унинг ҳақиқий ҳажмини ва сотиб олинган хомашёнинг ҳақиқий таннархиди аниқлашга қаратилади. Бухгалтерия ҳисобининг ишчи ҳисобварақларида сотиб олинган хомашёларнинг миқдори ва турлари тўғрисидаги маълумотлар шаклланиб, улар таъминот жараёнини миқдор ва қиймат жиҳатидан назорат қилишни таъминлайди ҳамда бухгалтерия ҳисобидан корхонанинг барча турдаги товар-моддий қийматликларини сотиб олиш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Корхоналарда хомашёларнинг ҳаракатини акс эттирадиган дастлабки ҳужжатларда фақат уларларнинг шартнома баҳоси бўйича қиймати кўрсатилади. Транспорт-тайёрлов харажатлари эса барча хомашёларга тааллуқли жами суммаси билан ёзилади.

Ушбу харажатларнинг ҳар бир хомашё турига тўғри келадиган улуши ой охирида бир марта ҳисоб-китоб йўли билан аниқланиб, алоҳида хомашё турларининг ҳақиқий таннархиди аниқлаш учун, уларнинг шартнома баҳолари бўйича қийматига қўшиб борилади.

Хомашёларни қайта ишлаш бўйича олиб келинаётган транспорт-тайёрлов харажатлари корхона харажатларга жорий ойда сарфланган материаллар қиймати мутаносиб равишда корхона харажатларига тақсимланади. Бунинг учун сарфланган хомашёларнинг ҳар бир уруҳи бўйича қуйидаги формуладан фойдаланиб, даставвал товар-транспорт харажатлари коэффицентини (К<sub>ТТХ</sub>) аниқланади:

$$K_{ТТХ} = \frac{C_{ТТХ} + ТТХ}{C_M + X_{и.}}$$

Бу ерда: С<sub>ТТХ</sub> – ТТХнинг жорий ой бошига қолдиғи;

ТТХ – жорий ой давомида олинган хомашёлар бўйича ТТХ суммаси;

С<sub>м</sub> – хомашёнинг харид баҳоси бўйича жорий ой бошига қолдиғи;

Х<sub>ш</sub> – жорий ой давомида олинган хомашёнинг харид баҳоси бўйича қиймати.

Сўнгра жорий ойда сарфланган хомашёга тақсимланган транспорт -тайёрлов харажатлари суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sum ТТХ = M_c \cdot x K_{ТТХ}$$

Бу ерда: М<sub>с</sub> – жорий ойда ҳисоб баҳоси бўйича сарфланган хомашё қиймати.

Биз хомашёларни сотиб олиш жараёнини қуйидаги мисол асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Масалан, «Текстил» корхонасида таъминот жараёни бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади. Бу ерда корхонанинг «Ҳисоб юритиш сиёсати»га мувофиқ ишчи счётлардан фойдаланиш мумкин бўлади:

1. Мол етказиб берувчиларга шартномага мувофиқ 15 фоизлик бўнақ суммалари ўтказилганда:

Дебет 4300-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар» – 750 минг сўм.

Кредит 5110- «Бандаги ҳисоб-китоблар счёти» – 750 минг сўм.

2. Мол етказиб берувчилардан пахта хомашёси корхонага келтирилганда:

Дебет 1510 «Хомашёни тайёрлаш ва сотиб олиш» – 6000 минг сўм.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»- 6000 минг сўм.

3. Пахта хомашёсини темир йўл станциясидан корхона омборига ташиб келтирилганлиги учун транспорт ташкилотига ҳисобланганда:

Дебет 1510 «Хомашёни тайёрлаш ва сотиб олиш» – 250 минг сўм.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»- 250 минг сўм.

4. Сотиб олинган материаллар шартнома баҳоси бўйича омборга кирим қилинганда:

Дебет 1010 «Хомашё ва материаллар» (пахта) – 5000 минг сўм.

Кредит 1510 «Хомашёни тайёрлаш ва сотиб олиш» – 5000 минг сўм.

5. Мол етказиб берувчилардан олинган пахта хомашёси бўйича транспорт тайёрлов харажатларига тўғри келадиган фарк сумма аниқланишига:

Дебет 1610 «Пахта хомашёси қийматидаги фарқлар» – 1000 минг сўм.

Кредит 1510 «Хомашёни тайёрлаш ва сотиб олиш» – 1000 минг сўм.

Бизнинг фикримизча хомашёни қайта ишловчи корхоналарда таъминот жараёни ҳисобининг кўрсаткичлари корхонада таъминот режасининг бажарилишини назорат қилиш имконини яратди. Бунинг учун ҳақиқий сотиб олинган хомашёлар режа билан таққосланади. Ҳақиқий транспорт-тайёрлов харажатларининг белгиланган нормативларига мослигини ҳам шундай тарзда аниқлаш мумкин бўлади.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни маълум бир харажатларни талаб этади. Ушбу харажатлар маҳсулот таннархига киритиладиган харажат элементлари сифатида баҳоланади ҳамда куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Хомашё ва материал харажатлар;
2. Меҳнат ҳақи харажатлари;
3. Ижтимоий суғуртага ажратмалар;
4. Асосий воситалар амортизацияси;
5. Ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлар.

Номлари юқорида қайд қилинган харажатлардан ташқари корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳам амалга оширилади. Улар бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақлари, биноларни иситиш ҳамда ёритиш харажатлари ва бошқалардан иборат бўлиб, уларнинг пул кўринишидаги ифодаси ишлаб чиқарилган қўшимча қийматли маҳсулотларнинг таннархини ташкил этади.



2-расм. Ишлаб чиқариш жараёни ҳисобининг умумий тархи

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобининг муҳим участкаларидан бири ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш резервларини топиш, материаллар, пул маблағлари ва меҳнат ресурслари устидан мунтазам назорат ўрнатишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.


Корхоналарда хомашёни қайта ишлашда технологик жараёнга нисбатан харажатлар ҳисоби куйидагича ташкил этиш мумкин:

- қайта тақсимлаш ёки жараёнли усул бўйича;
- буюртмалар усули бўйича.

Қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда харажатлар ҳисобини қайта тақсимлаш (жараёнли усули)да тайёр маҳсулот дастлабки меъёрни алоҳида технологик танаффусли босқичларда, фоизларда ёки қайта тақсимлашда обдон ишлов бериш натижасида олинади. Қайта

ишлов ишлаб чиқариш технологик операцияларини шундай малакасига айтиладики, у орalik маҳсулот (ярми тайёр маҳсулот) га ишлов бериш ёки тугал тайёр маҳсулот олиш билан ниҳоясига етади.

Биринчи президентимиз И. Каримовнинг маърузаларида ҳам юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юқоридаги жиҳатлар батафсил ёритиб берилган, яъни биринчи босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш асосида ярим фабрикатларни тайёрлаш. Кейинги босқичда эса, саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш ҳамда сўнги босқичда истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат.



1-чизма. Қўшимча қийматли маҳсулотлар таннархини босқичли (жараёнли) ҳисобга олиш тартиби

Биз ушбу фикрларни амалий жиҳатдан куйидаги мисолда тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда харажатлар ҳисоби қайта ишлов усулининг икки хил кўриниши (варианти) мавжуд:

- ярим маҳсулотли ҳисобга олиш тартиби;
- ярим тайёр маҳсулотсиз ҳисобга олиш тартиби.

Қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ярим тайёр маҳсулотли усулда

ҳар бир олдинги қайта ишлов маҳсулоти кейинги қайта ишлов учун ярим тайёр маҳсулот саналади ёки ташқарига сотиши мумкин. Бу ярим тайёр маҳсулотларни ҳақиқий, норматив ёки режавий таннарх бўйича, ёхуд ҳисоб-китоб ёки маҳсулотни чиқариб юбориш баҳолари бўйича баҳолаш заруратини белгилайди. Бу вариантда ярим тайёр маҳсулотлар қиймати алоҳида - “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” деган моддада акс эттирилади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз усулида ҳар бир қайта ишлов бўйича, асосан, фақат ишлов беришга кетган харажатлар олинади. Тайёр маҳсулот таннархи хом-ашё, дастлабки материаллар харажатлари, ишловга берилган барча қайта ишловлар харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштириш билан ҳисоб қилинади. Бунда фақат тайёр маҳсулот таннархи калькуляция қилинади.

Агар ишлаб чиқариш корхонаси бир неча босқичда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган бўлса, ҳар бир босқичда олинган маҳсулотлар бўйича ярим тайёр маҳсулотлар омбори ташкил этилади. У ҳолда қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот таннархи куйидаги формула асосида аниқланади:

$$T = \frac{X1}{Y1} + \frac{X2}{Y2} + \dots + \frac{XD}{TM}$$

Бу ерда, T – тайёр маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи;

X1, X2... – бўлимлардаги қайта ишлаш харажатлари;

Y1, Y2... – ҳар бир босқичда тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;

XD – маҳсулот бирлигига кетган жами харажатлар миқдори;

TM – ишлаб чиқилган бир бирлик тайёр маҳсулот.

$$T = M + \frac{X1}{Y1} + \frac{X2}{Y2} + \dots + \frac{XD}{TM}$$

Биринчи усул: ярим тайёр маҳсулотсиз ҳисобга олиш.

1-цех бўйича 2010- счёт		2-цех бўйича 2010-счёт		Омбордаги тайёр маҳсулот 2810- счёт	
Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
1) 50000000					
2) 20000000					
	3) 70000000		5) 100000000		
	4) 30000000				

Бунда биринчи ёки бошқа босқичларда (тайёр маҳсулот яратилгунга қадар) яратилаётган маҳсулотлар ярим тайёр маҳсулотлар номи билан ҳисобга олинади. Ушбу усулнинг фойдали жиҳати шундаки, ярим тайёр маҳсулотларнинг харидорлари тайёр маҳсулотлар қийматига тенг нархни таклиф этиши мумкин. Натижада корхонада кей-

Бу ерда, M – биричи босқичда сарфланган хомашёлар;

Масалан: “Текстил” корхонасида қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни 4 босқичдан иборат деб олайлик. Яъни корхонада 4 та цех (жавобгарлик марказлари) мавжуд бўлиб, унинг охириги цехида тайёр маҳсулотлар яратилади. Бизнес режа бўйича тайёр маҳсулотнинг ҳажми 20000 дона.

Корхонада тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун:

1-цехдаги харажатлар: хомашё (пахта) – 50000000 сўм, қайта ишлов харажатлари (иш хақи, ягона ижтимоий тўловлар, амортизация ва бошқа харажатлар) – 20000000 сўм.

2-цехдаги харажатлар: қайта ишлов харажатлари (ярим тайёр маҳсулотлар, иш хақи, ягона ижтимоий тўловлар, амортизация ва бошқа харажатлар) – 30000000 сўм.

3-цехдаги харажатлар: қайта ишлов харажатлари (ярим тайёр маҳсулотлар, иш хақи, ягона ижтимоий тўловлар, амортизация ва бошқа харажатлар) – 15000000 сўм.

4-цехдаги харажатлар: қайта ишлов харажатлари (ярим тайёр маҳсулотлар, иш хақи, ягона ижтимоий тўловлар, амортизация ва бошқа харажатлар) – 10000000 сўм.


Охириги босқичда яратилган тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати (жами харажатлар) – 125000000 сўмга тенг. У ҳолда бир дона тайёр маҳсулот таннархи – 6250 сўмни ташкил этади (125000000 сўм : 20000 дона).

Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир босқичдан кейин, цехлардан олинган маҳсулотларни харидорларга ярим тайёр маҳсулотлар кўринишида ҳам сотиш мумкин бўлади. Масалан, 1-цехда ёки босқичдан кейин унинг маҳсулотларига харидор топилди. Натижада ушбу босқичдаги олинган ярим тайёр маҳсулот қиймати 700000000 сўм (бир доннасининг таннархи 3500 сўм) кўринишида корхона омборига қабул қилинади.

Корхона бухгалтери қўшимча қийматга эга бўлган ушбу маҳсулотларни ҳисобга олиш учун “Ҳисоб сиёсати”га мувофиқ куйидаги икки усулдан бирини танлаши мумкин бўлади:

инги (2 ёки 3) босқичларда харажатларни амалга ошириш, яъни қайта ишлов бўйича харажатларни қилмаслиги мумкин. Аммо, масаланинг бошқа бир жиҳати шундаки, кейинги босқичлардаги ёки цехлардаги ишчи ва ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Иккинчи усул: ярим тайёр маҳсулотни қўллаш асосида ҳисобга олиш.



Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бўлимли ёки босқичли усулида “Текстил” корхонасида умумий қуйидаги маълумотларни олиш мумкин:

1-босқичда яратилган маҳсулотларнинг умумий таннархи – 70000000 сўм (1 донаси 3500 сўм);

2-босқичдаги қайта ишлов бериш харажатлари – 30000000 сўм (1 донаси 1500 сўм);

3-босқичдаги қайта ишлов бериш харажатлари – 15000000 сўм (1 донаси 750 сўм);

4- босқичдаги қайта ишлов харажатлари - 10000000 сўм (1 донаси 500 сўм).

У ҳолда тайёр маҳсулотнинг бир донасининг таннархи – 6250 сўмга тенг бўлади (3500+1500+750+500).

Қайта ишлов усули харажатлар ҳисоби қайта ишловлар (жараёнлар) бўйича, уларнинг ичкари-сида эса калькуляция моддалари ва маҳсулот турлари бўйича олиб борилади. Бу усулда бевосита харажатлар ҳар бир қайта ишлов бўйича, бевосита харажатлар эса цех, ишлаб чиқариш, бутун корхона бўйича ҳисобга олинади, кейин эса базалар қабул қилган тақсимотга биноан қайта ишлов берилган маҳсулот таннархи ўртасида тақсимланади.

Хулоса қилиб таъкидланганда, ташқи бозорларда харидорғир, юқори қўшимча қийматга

эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда қайта ишлашнинг босқичли тизимга ўтиш ўзининг самарали эганлигини кўрсатиб турибди. Натижада, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда сарфланган хомашё, ярим фабрикатлар ва бошқа харажатлар тўғрисидаги маълумотларни аниқ ва ўз вақтида, шунингдек, халқаро стандартлар талаблари асосида ҳисобга олиш тартибини узлуксиз такомиллаштириб бориш лозим.

Демак, корхоналаримизда ҳар бир турдаги истикболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узок йилларга мўлжалланган янги дастурий комплекс ёндашув асосида ташкил этилиши натижасида, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, тез фуратлар ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида икки баробар ошириш имконияти яратилади. Зеро, Мухтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис этмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ”

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. (2016) Бош мақсадимиз - иқтисодийтимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016. 88 б.
2. Мирзиёев Ш.М. (2017) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 йил 14 февраль.
3. Товар моддий захиралар (2004) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, БҲМС 4.
3. Товар-моддий захиралар (2011) Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, МҲХС 2.

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМЛАР ВА ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ  
ЖАҲОН ТЕНДЕНЦИЯСИ**Акрамов Акмал Улмасович**

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар Институтининг лойиҳа раҳбари ўринбосари, мустақил изла-  
нувчи

**Джайдакбаев Мурат Тургунович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси магистранти

**Аннотация.** Маколада инновацион ривожланиш йўлига ўтишда миллий инновацион тизимнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг ривожлантиришдаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилган. Шунингдек, миллий инновацион тизимини шакллантиришда жаҳоннинг айрим мамлакатларида соҳада эришилган ижобий натижаларини мамлакатимизда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкинли-  
ги келтирилган.

**Таянч тушунчалар:** миллий инновацион тизимлар, инновациялар, инновацион инфратузилма, ИТТК, комер-  
циализациялаштириш, венчур фондлар, ЯИМ, инновацион дастурлар.

**Аннотация.** В статье рассматривается роль и значение национальных инновационных систем для перехода на инновационный путь развития, а также существующие проблемы и пути их решения. Также в статье приводится опыт некоторых стран мира по формированию и развитию национальных инновационных систем и возможного использования этого опыта в дальнейшем развитии инновационной деятельности нашей страны.

**Ключевые слова:** национальные инновационные системы, инновации, инновационная инфраструктура, НИОКР, коммерциализация, венчурные фонды, ВВП, инновационные программы.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг ри-  
вожланиши илмий-тадқиқот ва тажриба-  
конструкторлик (ИТТК) ишланмаларнинг яратиш  
жараёнига инвестицияларни кенг жалб этиш,  
турли хил замонавий информация технология-  
ларни, корпоратив бошқарувнинг янги методла-  
рини жорий этиш, янги ўқув услубларини фаол  
ривожланиши ва илғор таълим стандартларини  
жорий этилишини таъминлаш талаб этилмоқда.  
Глобаллашув жараёнида жадал ривожланаётган  
шароитда кўпгина мамлакатлар ИТТК ишланма-  
ларига кўпроқ маблағ жалб этишни кенгайтириб,  
мамлакат ЯИМга нисбатан ушбу соҳа улушини  
ошиши таъминлаб келмоқдалар. Натижада дунё-  
нинг кўпгина мамлакатларида хўжаликларни  
ишлаб чиқариш ва инфратузилмавий базасини  
технологик қайта қуроллантирилиш ва модерни-  
зациялашга эришилмоқда.

**Ривожланган мамлакатлар тажрибаси.**  
Янги билимлар ва инновацион технологиялар-  
га эга бўлиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ри-  
вожланишда, аҳоли турмуш даражаси, миллий  
хавфсизликни таъминлашда қай даражада са-  
марали қўлланилиши, мамлакатнинг жаҳон  
хамжамиятидаги ўрни ва ролини аниқлашда  
муҳим аҳамият касб этади.

Саноати ривожланган давлатларда ЯИМ  
ўсишини асосий қисми (80-95%) янги билимлар-  
ни техника технологияларга жорий этиш ҳисобига  
тўғри келмоқда. Бундай инновацион ривожла-  
ниш йўлига ўтиш асосан мамлакатларда миллий  
инновацион тизимни (кейинги ўринда МИТ) шак-

ллантиришда намоён бўлмоқда. МИТ ҳаракатчан  
тизимли инфратузилмавий институт сифати-  
да ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини  
рақобатбардошлигини таъминлаш ва технологик  
жихатдан юксалишига кенг йўл очиб бермоқда.

Инновацион иқтисодиётни тез суръатлар билан  
ривожланиши, капитал бозорлари ва янги техно-  
логиялар ўртасидаги боғлиқликнинг ўсиши, иж-  
тимоий йўналтирилган янги технологияларнинг  
кучайиши, янги билим, технология, маҳсулот ва  
хизматларнинг янги шакллари яратилиши ва  
улардан кенг фойдаланиш, мамлакатларни инно-  
вацион ривожланишининг институционал пойде-  
вори сифатида МИТларнинг вужудга келишига  
асос бўлди.

МИТларни барпо этишда умумий методологик  
қоида сифатида Й.Шумпетернинг корпорация-  
ларда инновациялар асосида рақобат-  
иқтисодий ўсишнинг асосий омилдир, деган ғоясига риоя  
қилиш мумкин.

МИТларни барпо этиш мафқураси АКШ, Япо-  
ния ҳамда кўпгина Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо  
мамлакатларда кенг тарқалди. Аммо бугунги  
кунга қадар МИТ тушунчасининг ягона таърифи  
мавжуд эмас. МИТларни шакллантиришнинг ягона  
методологияси ишлаб чиқилмаган. Шу билан  
бирга ҳар хил мамлакатларнинг МИТ олдида тур-  
ли хил мақсад ва вазифалар қўйилиши мумкин.  
Масалан, Францияда МИТларнинг мақсади этиб  
қўшимча иш ўринларини барпо этиш, Германияда  
эса прогрессив технологияларни ривожлантириш  
кўрилган.

МИТларнинг ривожланиш стратегияси ҳар бир аниқ ҳолатда давлатларнинг макроиктисодий сиёсатини олиб борилиши, меъёрий ҳуқуқий таъминланиши, давлат томонидан тартибга солишнинг тўғридан-тўғри ва билвосита шакллари, илмий-технологик ва саноат салоҳияти ҳолати, ички товар бозорлари, меҳнат бозорлари, шунингдек тарихий ва маданий анъаналари ва хусусиятлари билан аниқланади.

Шунга қарамасдан ривожланган малакатларда аниқ МИТларнинг умумий тузилмаси ва уларнинг элементлари таркибида функционал таснифи ва бир-бири билан алоқадорлик чизилмалари мавжуд.

МИТлар пойдеворини яратувчи миллий иқтисодиётларнинг базавий соҳалари куйидагилардир:

- билимлар генерацияси ( илм, фан ва уларнинг бошқа тармоқлардаги сегментлари);

- билимларнинг жорий этилиши ва тарқатилиши (тадқиқот ва ишланмалар, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш);

- янгиликларни комерциализациялаштириш (бозор институтлари, илмий-техник маҳсулоти бозори);


- профессионал кадрлар тайёрлаш ва таълим;

- инновацион инфратузилма, шу жумладан молиявий таъминот;

- бошқарув ва тартибга солиш (ҳуқуқий база, давлат макроиктисодий ва инновацион сиёсати, корпоратив бошқарув, бозор механизмлари).

Бу соҳалардаги корхона ва ташкилотлар уларнинг инновациявий даражасига қараб, тизим, сегмент сифатида, алоқадорлиги бўйича бутун ёки қисман МИТ тузилмасига киради.

Бундай тузилмани турли хил мамлакатлар МИТ умумий моделининг шартли чизмаси 1- расмда кўрсатилган.



Манба: хорижий тажриба асосида муалифнинг фикри  
1-расм - Миллий инновацион тизимнинг шартли тузилмаси

Расмда кўрсатилган элементларнинг алоқадорлигини ёритиладиган энг оддий модель шуни кўрсатадики, яъни хусусий тадбиркорлик соҳасини роли йирик корпорациялар илмий марказларидаги ва кичик инновацион корхоналардаги ўз тадқиқотлари ва ишланмалари асосида яратилган технологиялар ҳамда инновацияларни ўзлаштиришнинг бозор механизмидан иборат.

Давлатнинг роли - фундаментал билимларни (университетларда) ва юқори технологиялар мажмуини ишлаб чиқаришда кўмаклашиш ҳамда инфратузилма ва инновацион фаолият юритиш учун соғлом, институционал муҳит яратишдадир.

Ушбу умумий модел доирасида МИТнинг мил-

лий хусусиятлари шаклланади. Тадбиркорлик муҳити МИТларининг фаол фаолият кўрсатишида ўз таъсирини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда инновацион жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, йирик бизнес кўпроқ инновацион фаолликни намоён этмоқда. ЕИ мамлакатларида 80 % йирик корхоналар ва кичик корхоналарнинг фақатгина 1/3 қисми инновацион фаол корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда, кичик бизнесни кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда ЕИ корхоналарининг ҳар бир иккинчиси инновацион фаолликни намоён этмоқда. Ҳуқуматлар тадбиркорлик секторини инновацион ишланмаларини молиялаштиришда иштирок этишини ўсишини

рағбатлантирмоқда. Натижада бугунги кунда ушбу сектор тадқиқот ва ишланмалардаги ички харажатларни ақсарият қисмини таъминланмоқда: ЕИ мамлакатларида 56%ни, АҚШда 63 %ни, Японияда 74 %ни. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) мамлакатларида корпорацияларнинг миллий тадқиқот ва ишланмалар умумий ҳажмидаги харажатлари ўртача 70 %га яқинлашмоқда.

Юқори технологиялар соҳаси жўшқинлик билан ривожланмоқда. ЕИ мамлакатларида 25 та юқори технологик соҳалар 137 мингга корхонани ўз ичига қамраб олган. ЕИ мамлакатларида юқори технологик бизнесда банд бўлганлар улуши санатда - 7% ни , хизмат кўрсатиш соҳасида - 3,5 %ни ташкил этади. Унда меҳнат унумдорлиги ўртача саноат бўйича нисбати қарийб 1,5 мартага кўпдир.

Юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича етакчилар бўлиб Германия (11 % банд бўлганлар) ва Словения (8,9%) ҳисобланса, юқори технологик хизматлар кўрсатиш соҳасида Швеция (4,9%) ва Финляндия (4,7%) мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ривожланган мамлакатларда МИТларнинг фаолият кўрсатиш жараёнида инновацияларни (илмий ишланмаларни) яратувчи соҳадан ишлаб чиқаришга ўтказиш, яъни уни жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу жараён интеллектуал мулк объектлари бозори ва инновацион инфратузилмани ташкил этиш орқали эришилади. Инновацион инфратузилма ўз ичига технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, консалтинг фирмалари, телекоммуникацион ва савдо нукталари, молиявий (венчур) ва бошқа тузилмаларни қамраб олади.

ЕИ мамлакатларида университетларнинг санат ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияси фаол қўллаб қувватланмоқда. Бу жараён университетларнинг инновацион марказлари, технологиялар трансфери агентликлари, технологик брокер-

лик марказлари, янги технологияларни ҳудудий марказларининг ривожлантириш йўли орқали амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар инновацион менеджментга ўқитишни фаоллаштирмоқдалар. Буни мисол тариқасида Германия университетларида инновацион тадбиркорлик бўйича кафедралар сонини ошириш, Буюк Британияда олий ўқув юртлари битирувчиларига илмий ҳажмдор корхоналари муаммоларига бағишланган курсларни ташкил этилиши, Португалияда раҳбар ходимларни инновацион менеджмент ва инновацион сиёсат бўйича махсус курсларни, Белгияда кичик корхоналар эгалари ва менеджерларга мўлжалланган тадбиркорлик курси бўйича тренинг курслари мавжудлигини айтиб ўтиш мумкин.

МИТларнинг фаолият кўрсатишида илмий-техник ахборот тизими, инновацион фаолиятни ахборот-коммуникацион технологиялар орқали маълумот билан таъминланиши, бизнес ва давлат фаолиятида электрон муҳит яратиш, Интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

МИТларни шакллантиришда энг муҳим ўрин давлатга тегишлидир. Чунки давлат МИТларни фаолият кўрсатиши қоида ва тартибларини белгилайди ҳамда уларни керакли ресурслар билан таъминлаб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга молиялаштириш кўламини ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатлар илмий тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирилган маблағлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 3% даражасига таъминлаб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Мазкур кўрсаткич бўйича, яъни ЯИМга нисбатан 3-4 фозини таъминлашга эришиб келаётган илғор мамлакатлар ўртасида биринчи ўнталikka Жанубий Корея, Исроил, Япония, Финляндия, Швеция ва бошқалар қиради [1].

1-жадвал

Дунёнинг турли мамлакатларида ЯИМга нисбатан ИТТК ишланмаларига сарфланган харажатлари (фоизда)

Мамлакатлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Корея	3,47	3,74	4,03	4,15	4,29
Исроил	3,93	4,01	4,13	4,09	4,11
Япония	3,25	3,38	3,34	3,47	3,58
Финляндия	3,73	3,64	3,42	3,3	3,17
Швеция	3,22	3,25	3,28	3,31	3,16
Дания	2,94	2,97	3	3,06	3,05
Германия	2,71	2,79	2,87	2,83	2,84
АҚШ	2,74	2,76	2,7	2,74	2,80
Хитой	1,73	1,79	1,93	2,01	2,05

Манба: <http://stats.oecd.org/>

Ушбу мамлакатларда юқори технологик корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш, шу жумладан давлат инвестицияларини венчур фондларига йўналтириш, солиқ имтиёзлари бериш орқали ҳам амалга оширилади. МИТларнинг кейинги ривожланиши ҳудудий ва глобал тизимларни бирлашиши

билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ва ЕИ аъзо мамлакатларнинг умумий инновацион ривожланиш стратегиясини ва уни амалга ошириш механизмларини, шу жумладан инновацион тизимлар, ишбилармонлик муҳити, ахборот-коммуникацион технологиялари соҳаларида ишлаб чиқиш бўйича

фаоллик кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида инновацион хавф хатарларни суғурта қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

#### **Россия ва бошқа МХД тажрибаси.**

Россияда 90 йиллардаги илмий-техник соҳасини барча сегментларини оғир инкирозидан сўнг, кейинги йилларда аста-секинлик билан инновацион фаолиятни устувор яъни, янги бозор шакли яратила бошланди. Лекин Россияда МИТнинг замонавий ҳолати жиддий таркибий номунаносибликлиги, бу соҳада давлат сиёсатини изчил эмаслиги, тадбиркорлик соҳасини инновацион фаолигини нисбатан пастлиги билан характерланади.

Юқорида 1-расмда кўрсатилган барча намунавий элементларнинг мавжудлигига қарамасдан Россияда давлат секторини улушини жуда баландлиги, йирик илмий ҳажмдор корпорацияларнинг суфт шаклланиши, кичик инновацион бизнесни, фонд бозори ва венчур капиталини нисбатан секинлик билан ривожланиши билан принципиал фарқ қилади. Россиянинг инновацион тизими мослашиши биринчи навбатда инновацион фаолият моделини алмашиши билан намоён бўлади. Россияда янги инновацион бизнес ва давлат текширилган жаҳон тажрибасининг МИТ моделига йўналтирилган.

Бунда далил сифатида тадқиқотларни танлов орқали молиялаштириш талабларини киритиш, инновацион бизнесни ташкилий ва иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари пайдо бўлиши, фан ва инновацияни аста секинлик билан солиқ томонидан рағбатлантириш тизимини шакллантирилиши, жозибатор тижорат аҳамиятига эга инновацион лойиҳалар ишлаб чиқарувчи янги инновацион корхоналарни шакллантирилиши мисол бўла олади.

Шу билан бирга давлат сиёсатининг бу соҳадаги янги вазифалари, айниқса ҳукуматнинг инновациявий, таркибий, инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш тўлиғича амалга оширилмаган. Шунинг учун 2010 йил 3 март “Россия Федерациясининг 2020 йилга мўлжалланган Инновацион ривожланиш Стратегияси” қабул қилинди. Мазкур ҳужжат “Россия Федерациясининг 2020 йилга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш Концепцияси” асосида ишлаб чиқилган[2].

Мазкур Стратегиянинг мақсади тадқиқот ва ишланмалар сектори ва самарали инновацион тизимини мутаносиблигини шакллантириш, иқтисодиётни илғор технологиялар ва технологик модернизация асосида рақобатбардошлигини, илмий салоҳиятни, иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш асосий манбага айлантиришдан иборат.

Янги Стратегияда Россия иқтисодиётини 2020 йилга бориб инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, яъни жаҳон бозорида юқори технологик товар ва хизматларни (жумладан: атом энергетикаси, авиатехника, космос техникаси ва хизматлари, махсус кemasозлик ва б.қ.) 5-7 ва ундан кўп тармоқлардаги улушини 5-10 % ўсиши, технологик инновацияларни амалга оширувчи корхоналар сонини 40-50 фоизга ўсишини, тадқиқот ва ишланмаларга ички харажатларнинг мамлакат ЯИМ нисбатан 2,5-3 фоизга етказишни таъминлаш белгилаб қўйилган [3].

Инновацион ривожланишнинг устувор йўналишлари этиб авиакосмос технологиялари,

нанотехнологиялар, композит материаллари, атом ва водород энергетикаси, биомедицина технологиялари ва бошқалар этиб белгиланган.

Ушбу кўзланган мақсадлар бизнинг мамлакатимизда ҳам инновацион ривожланиш Стратегиясини ишлаб чиқишда амалий аҳамият касб этади.

**Инновацион иқтисодиётни тадқиқот қилиш ва МИТ ташкил этиш муаммолари МХД бошқа мамлакатлари учун ҳам долзарбдир.** 2011 йилда Белоруссия Республикасининг 2011-2015 йилларда инновацион ривожланиш давлат дастури қабул қилинган. Дастурнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: инновацион юқори технологик, рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш; иқтисодиётни илмий ҳажмдор секторларини (биотехнология, нанотехнология, микроэлектроника, ахборот технология, лазер-оптика технологиялари, ахборот ва коммуникацион технологиялар, муқобил энергетика, генинженерия, янги материаллар ишлаб чиқариш) ташкил этиш; технологик янгиланиш асосида ишлаб чиқаришда максимал даражада қўшимча қиймат олишни ўсишига эришиш; кўптармоқли холдинглар, кластер тузилмаларини ташкил этиш. Шунингдек миллий иқтисодиётни технологик ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишда (жумладан тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва венчур капитали) ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий қулай муҳитни шакллантириш; илмий-техник ва инновацион маҳсулот бозорини ривожлантириш; интеллектуал мулк объектларини самарали ҳимоялашни ошириш, инновацион фаолият натижаларини коммерциялаштириш механизминини такомиллаштириш; ҳудудларни инновацион ривожланишини тезлаштириш; инновацион жамиятни шакллантириш, инновацион иқтисодиёт учун раҳбар ва мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини оширишнинг самарали механизминини яратиш кўзда тутилган. Дастурда янги юқори технологик илмий ҳажмдор корхона ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш белгиланган[4]. Мазкур дастур доирасида 2011-2015 йилларда янги инновацион маҳсулотларни ўзлаштиришга мўлжалланган 985 та объект фойдаланишга топширилди, шу жумладан 131 янги корхона ташкил қилинди, 352 та фаолият кўрсатаётган корхоналарда янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилди ва 502 та ишлаб чиқаришларда модернизация ишлари амалга оширилган.

Шу билан бирга 2015 йилда Белоруссия Республикасининг 2016-2020 йилларда инновацион Ривожланишининг давлат дастурининг концепцияси қабул қилинган[5].

Козоғистон Республикасида 2013 йилда “Козоғистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган инновацион ривожлантириш Концепцияси” қабул қилинган. Концепцияда мақсад этиб янги технология ва хизматларни ривожлантириш асосида инновацион иқтисодиётга ўтиш, жаҳоннинг 30 та рақобатбардош юқори технологик ривожланган мамлакатлари қаторига кириши белгиланган. Шунингдек концепцияда қуйидаги вазифалар белгиланган: янги материаллар ва технологиялар истеъмолини кенгайтиришда инновацияларни юзага келтириш (генерация); Козоғистон Республикаси энергетика балансида муқобил энергия манбалари улушини ошириш; етакчи инновацион кластерларни янада ривожлантириш, шу жумладан «ЕХРО-2017» халқаро кўргазмаси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

истикболли технологик ривожланиш энг мақбул сценарияларини аниқлаш; худудий иқтисодий интеграция жараёнлари ва ички марказлаштирмаган бошқарув жараёнларни ҳисобга олган ҳолда худудий инновацион тизимни кучайтиришни таъминлаш; хом ашё салоҳиятидан фойдаланган ҳолда янги технологияларни жалб этиш ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвесторлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Бундан ташқари, мамлакатда диверсификация, модернизация ва иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш жараёни кенг қўламли қабул қилинган “Индустриал-инновацион ривожлантиришни тезлаштириш давлат дастури” асосида амалга оширилмоқда[6].

Ушбу дастурлар тузилиши жиҳатидан амалиётда бир бирига тўғри келади ва уларда илмий салоҳият, инновацион тадбиркорлик, инновацион ва молиявий инфратузилма чора-тадбирларини ривожлантиришни ўз ичига олган. Шу билан бирга дастурларда энг муҳим ҳисобланган МИТ элементларини алоқадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Миллий инновацион тизимлар ва илмий-технологик ривожланишнинг жаҳон тенденцияси ўрганишда охириги йилларда жаҳон хўжалигини барча субъектларига дахлдор бўлган бир қатор қуйидаги қонуниятларни кўриш мумкин:

**Биринчидан,** инновацияларнинг роли мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ҳамда рақобатбардошлигини таъминловчи омил сифатида аста секин кучайиб бормоқда. Давлат ва корпоратив тузилмаларининг ИТТКга инвестициялар

ҳажмини кўпайтиришга қизиқишлари ортмоқда.

**Иккинчидан,** иқтисодий ўсиши билан инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг нодавлат манбаларини улуши ортиб бормоқда. Давлат улуши асосан МИТларнинг элементлари бўлмиш инновацион инфратузилмаларни шакллантириш, уларга тегишли имтиёзлар, преференциялар ва зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Инновацияларни ривожлантириш йўлини мақсад қилиб олган мамлакатларнинг давлат бошқарув органлари инновацияларни тўғридан-тўғри молиялаштириш усулидан, инновацион тадбиркорликни рағбатлантириш ва уни фаоллаштириш усулини жорий этиш йўлига ўтмоқдалар.

**Учинчидан,** инновацион ишланмаларни яратувчилар, инвесторлар, инженерлар, олимларни боғловчи, яъни уларни интеграциясини таъминловчи турли хил махсус фондлар (венчур, инновацион ва бошқалар), технологияларни тижоратлаштириш марказлари, технопарклар инновацион соҳада пайдо бўлиши ва уларни ривожланиши тенденциясидир.

**Хулоса** қилиб шуни таъкидлаш жоизки, юқорида ўрганилган хорижий мамлакатларда МИТ барпо этишнинг жаҳон тажрибаси, уларни мазкур соҳада эришилган ютуқлари, муаммо ва камчиликлари мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятидан янада кенг фойдаланишда, уни оптималлаштирилишида ҳамда самарали МИТ яратишда қўланилиши мумкин. Мамлакатимизда самарали МИТ барпо этилиши миллий иқтисодийтимизни рақобатбардошлигини янада оширишда хизмат қилади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. <http://stats.oecd.org/>
2. [https://www.economy.gov.ru/proekt\\_strategii\\_innovacionnogo\\_razvitiya.doc](https://www.economy.gov.ru/proekt_strategii_innovacionnogo_razvitiya.doc)
3. <http://www.gosbook.ru/node/13850> [http://miptic.ru/publications\\_inv/a](http://miptic.ru/publications_inv/a). «Инновационная Россия – 2020»: стратегия развития инновационной политики.
4. <http://www.belta.by/economics/view/gosprogramma-innovatsionnogo-razvitija-na-2011-2015-gody>
5. [http://belisa.org.by/pdf/Publ/Art1\\_i33.pdf](http://belisa.org.by/pdf/Publ/Art1_i33.pdf)
6. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/> О Государственной программе по форсированному индустриально-инновационному развитию Республики Казахстан на 2010-2014 годы.

ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИСТИҚБОЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Абруев Акмал Исмаилович

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти катта илмий ходим-изланувчиси

**Аннотация.** Илмий мақолада қишлоқ хўжалигида сервис хизматларини муқобил ривожлантириш асосида қорамолчиликда сут ишлаб чиқариш истиқбол кўрсаткичларининг ечимлари топишган. Маълумки, чорвачиликда сут ва гўшт маҳсулотларини етиштиришда агросервис хизматларининг таъсирини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Масалани ечишда математик статистика усуллари қўлланилган. Кўп омилли карреляцион боғланиш усуллари ёрдамида Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари маълумотлари асосида қорамолчиликда сут маҳсулотлари миқдориға турли сервис хизматларини ташкиллаштиришнинг таъсирини ифодаловчи эмпирик функциялар тузилган, қорамолчиликда сут ишлаб чиқаришни прогнозлаштириш ва режалаштириш имкониятлари яратилган, фермерларға амалий тавсиялар берилган.

**Таняч тушунчалар:** қорамолчилик; озиқ-овқат; сут; озуқа базаси; ягона ер солиғи; вақтинча ишчилар; ветеринария; сунъий уруғлантириш; ёқилғи мойлаш материаллари.

**Аннотация.** В данной научной статье на основе оптимального планирования сервисных услуг в сельском хозяйстве найдены решения перспективных показателей производства молока в скотоводстве. Известно, что в животноводстве определение роли сервисных услуг при производстве молочных и мясных продуктов являются одним из актуальных задач. При решении поставленных задач применялись методы математической статистики. С помощью метода многофакторных корреляций на основе данных фермерских хозяйств Самаркандской области составлены эмпирические функции обозначающие влияние уровня оказания сервисных услуг на производство молока, изложена роль различных сервисных услуг на производство молока, это даст возможность прогнозировать и планировать производство молока. А также приводятся практические рекомендации для фермеров.

**Ключевые слова:** скотоводство; продовольствие; молоко; кормовая база; единый земельный налог; временная занятость; горючие материалы.

Қорамолчилик қишлоқ хўжалигида самарали ва сермахсул тармоқлардан бири ҳисобланади. Қорамолчилик маҳсулотлари оксил, углевод моддаларига жуда бой бўлиб, аҳолини зарур сут, гўшт ва сариёғ билан, саноатни эса қимматли хом ашёлар билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шундай экан, мамлакатимизда сут ва гўшт маҳсулотларини аҳоли истеъмоли учун белгиланган тиббий меъёрларға мос равишда ишлаб чиқаришға эришишда уларға ўзига хос агросервис хизматларини кўрсатиш борасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларининг илмий асосланган бир кишиға ўртача ойлик ва йиллик нормалари белгилаб қўйилган. Шунга кўра ҳар бир киши ўртача 3,9 кг пишлок, 3,9 брынза кг, 140 кг сут маҳсулотлари, 26 кг мол гўшти, 4,8 кг қолбаса маҳсулотлари истеъмол [5] қилиниши белгилаб қўйилган. Айни вақтда аҳоли сони ўсиб бораётган бир вақтда 2015 йилда мамлакатимиз БМТининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)ға аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун мукофотға сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди [4]. Мамлакатимиз 5 йиллик стратегик мақсадларига эришиш учун 2020 йилгача экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида дехқончиликда озуқа экин майдонларини кенгайтириш, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ

етиштиришни 2,5 мартаға ошириш кўзда тутилмоқда [5].

Олдимизга қўйилган мақсадларға эришиш йўлида мамлакатимиз томонидан бир қатор ислохотлар [1; 2; 4] олиб борилмоқда ва улар ижроси ҳар бир худуднинг чекка-чекка қишлоқ ва овулларида ҳам амалға оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида 19466 та фермер хўжаликлари 518,574 минг гектар, 511151 та дехқон хўжаликлари 90,9 минг гектар майдонда, ёки ҳар бири ўртача 0,177 гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, чорвачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган жами хўжаликларда қорамоллар сони 1425,18 минг бош, сигирлар 610,5 минг бош, қўй ва эчкилар 2150,7 минг бошға етказилган.

Вилоят Фермерлар кенгаши маълумотларига асосан, 2017 йилда 277 та кўп тармоқли фермер хўжаликлари 54313 миллион сўмлик 5650 бош қорамолчиликни ташкил этиш ҳисобига 1062 та янги иш ўринларини яратиш; 6 та кўп тармоқли фермер хўжаликлари 3790 миллион сўмлик 6 та сутни қайта ишлаш лойиҳаларни жалб этиш ҳисобидан 78 та янги иш ўринлари, 70 миллион сўмлик 1 та гўштни қайта ишлаб бўйича лойиҳани амалға ошириш ҳисобига 5 та янги иш ўринларини яратишни режалаштирилмоқда. Қорамолчиликда 1 та яратилган янги иш ўрниға 51,1 миллион сўм, сутни қайта ишлашда 48,6 миллион сўм ва гўштни қайта ишлашда 14 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар асосида нафақат қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, балки уларни тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини ҳам ошириб, мамлакат экспорт им-

кониятларини кенгайтиради.

И.А. Каримовнинг мамлакатимизда 2014 йил июнь ойидаги “Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмапти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда [3, 301-б]”- деб таъкидлаб ўтган. Қорамолчилик маҳсулотларидаги оксилларнинг қимматлиги ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги туфайли жаҳон халқларининг тахминан 50%и илмий асосланган меъёрга нисбатан кам чорва оксилли истеъмол қиладилар.

Шунингдек, ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут йилдан-йилга кескинлашиб бораётгани [3; 302-б] алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мамлакатимизда аҳоли сонининг табиий ўсиш суръатлари йилдан-йилга ошиб бориши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг табиий равишда ошишига таъсир этади. Аҳолининг ўсиши ҳисобига талабнинг ортиб боришини инобатга олиб чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда анъанавий усуллардан фойдаланишни ривожлантириб – замонавий, янгича ёндашувлар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бориш долзарб вазифалардан биридир. Бозор иқтисодиётига ўтишда қорамолчиликни ривожлантириш - шахсий, ёрдамчи ва деҳқон фермер хўжаликларига ўта масъулиятли вазифа қўйилган. Бир қатор хўжаликларда қорамолчилик маҳсулотларини истеъмолчиларга арзон ва сифатли қилиб етказиб беришда анчагина машаққатлар ва муваффақиятсизликларга учрашмоқда. Аммо, шу билан бирга, тажрибали деҳқон ва фермер хўжаликлари фаол меҳнат олиб боришмоқда. Масалан, К. Ҳайитов томонидан ўрганилган [12; 32-б.] кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбарининг ишлаб чиқариш тажрибаларидан-чорвада юқори маҳсулдорликка ем-хашак жамғариш билан эмас, фан ютуқларига ва илғор тажрибаларга асосланиш, жумладан, қорамоллар наслини яхшилашга эришиш лозимлиги таъкидланган. Худаяров Р., Абдолниёзов Б. [14; 30-б.] олиб борган изланишларида четдан келтирилган наслдор қорамолларга селекция ишларини кучайтириш билан бирга сақлаш шароитларини ва озиклантиришга алоҳида эътибор қаратилиш хулосасига келанади. Б. Муҳаммедов мақоласида [10; 31-б.] Гиждувон туманида эл назари тушган хўжаликлардан бирида бўлганида ишчиларга яратиб берилган сервис хизматлари билан ҳам танишган. Жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиги ўзида чорвадорлар учун махсус ювиниш хоналари, овқатланиш хоналарини ташкил этилган. Бу эса албатта чорвадан олинадиган маҳсулдорликда ўз аксини топган. Албатта, бугунги кунда ҳеч бир ишлаб чиқариш омилини, хизмат турини кам-қўст қилмасдан, керакли вақтда сифатли қилиб етказиб берилиши қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигига ва маҳсулдорлиги кўрсаткичларини ошишига олиб келади.

Озуқа базаси чорвачилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг 55-60 фоизини кафолатлайди [11, 78-б; 7, 148-б]. Чорвачиликда озуқа базаси қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик тармоғида ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари сифатида иш-

лаб чиқарилади. Мамлакатимизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига тўйимли озуқаларни узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида 2050 дан ортиқ ем сотиш шахобчалари ташкил қилиниб, улар орқали омухта ем, шрот ва шелуха етказиб берилмоқда. Агросаноат мажмуида ем-хашак экинлари етиштириш мустақил тармоқ сифатида фаолиятини ривожлантириш ва озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин миқдори юқори бўлган озуқа майдонларини кенгайтириб бориш муҳим аҳамият касб этиши тўғрисидаги хулосаларга келиш кўпгина чет эл илмий ишларда ҳам учратишимиз мумкин [9, 131-б; 15, 1022-б.].

Шу ўриндан айтиш лозимки, юқорида кўрсатилган сервис хизматларини ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур маблағ топиш муаммоларига дуч келаётганлиги аниқланди. Бу ҳолат аксарият уй хўжаликларида ишлаб чиқариш ва оила тадбиркорлигини кенгайтиришда, фермер хўжаликларида ҳам сезилмоқда [8, 7-б.; 13, 59-б.].

Барча соҳаларда шундай масалалар учрайдики, жадвал ҳолида берилган кузатув натижаларига кўра ундаги ўзаро боғлиқ параметрларнинг аналитик боғланишини топишга тўғри келади. Масалан, қишлоқ хўжалигида бундай масалалар жуда ҳам кўп, жумладан бирор экин турига турли миқдорда берилган ўғит миқдорининг ҳосилдорликка таъсири, ёки сув миқдорининг ҳосилдорликка таъсири, ёки сарфланган харажатнинг ялпи даромадга таъсири, ёки чорва маҳсулотлари етиштиришда турли тўйимли озуқа моддаларининг таъсири каби масалаларни келтириш мумкин.

Кузатув натижаларида олинган жадвал кўринишидаги маълумотлардан фойдаланиб, ўзаро таъсир этувчи омилларнинг боғланишнинг эмперик функциясини тузиш муҳим бўлиб, натижада дастлабки маълумотларнинг турли қийматларида ҳам натижавий маълумотларни аналитик усулда оддий ҳисоблашлар ёрдамида олишга имконият яратилади.

Қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бошқа омиллар билан биргалликда турли сервис хизматларининг ҳам таъсири мавжуд, шунинг учун ушбу ҳолатда кўп омилли корреляцион боғланиш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аввало регрессия тенгламасининг типини ва маҳсулот ишлаб чиқаришда таъсир этувчи асосий омилларни белгилаб олишимиз талаб этилади. Фермер хўжаликлардан олинган маълумотлар таркиби шуни кўрсатадики, регрессия тенгламасини физикли боғланиш кўринишида олиш мақсадга мувофиқдир.

Чизиқли ҳолда регрессия тенгламасини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\bar{y} = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n \quad (1)$$

бу ерда,

$a_0, a_1, \dots, a_n$  – регрессия коэффциентлари;

$x_1, x_2, \dots, x_n$  – маҳсулот миқдорига таъсир этувчи омиллар миқдори;

$y$  – маҳсулот миқдори.

Самарқанд вилоятида олиб борилган сўровномалар асосида чорвачилик хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари асосида олинган жадвал кўринишидаги маълумотлардан фойдаланиб, ўзаро таъсир этувчи омилларнинг боғланишнинг эмпирик функциясини тузиб, қорамолчиликда сут ишлаб чиқаришни башоратлаш ва режалаштириш имкониятлари яратилди. Хусусан, қуйидаги илмий таклиф ва тавсиялари амалиётга жорий этилди:

Фермер хўжаликларидасутишлабчиқариш-сервис

хизматларини тўғри ташкил этилиши ва улардан самарали фойдаланиш орқали самарадорликни ошириш мумкин эканлиги аниқланди. Сўрономада фермер хўжаликлари томонидан сут асосан қўшни хўжаликларга, бозорларга, шартнома асосида мактабгача таълим муассасаларига, ўрта мактаб, етимхоналарга, қаровчисини йўқотганлар уйига, ногиронлар уйларига ва қайта ишлаш корхоналарига сотилиши аниқланди. Сут маҳсулотларини сотиш баҳолари ва сотиш каналлари ўртасидаги фарқ 10-12% ни ташкил этаётганлиги аниқланди. Функцияни сут ишлаб чиқариш суммасига нисбатан ўргандик. Сут ишлаб чиқаришга кўп омилли сервис хизмати қаторида сўғориладиган ер майдони ва ундан фойдаланганлик учун тўланадиган ягона ер солиғи суммаси (сўмда) ўрганилди.

Ўрганилган илмий ишларда ер омили таъсирини ўрганишда ўлчов бирлиги сифатида гектар олинган. Биз, унинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олишни инобатга олиб, бевосита чорвачиликда фойдаланилган ер майдони бонитет бали, сув билан таъминланганлиги ва бошқа бир қатор параметрлардан келиб чиққан ҳолда тўланадиган ягона ер солиқ суммасидан фойдаландик. Мазкур омил сут ишлаб чиқаришга корреляцион боғлиқлиги мавжудлиги аниқланди. Демак, ҳар бир birlik ер учун тўланаётган ягона ер солиғи миқдорининг ошиб бориши, сут ишлаб чиқариш ва уни сотишдан келадиغان даромадни оширади.

Қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермерхўжалиги ижарага берилган еручасткаларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ягона ер солиғи миқдорининг 1 миллион сўмга (ернинг кадастр баҳоси ошиши, яъни ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир-чоралари ҳисобига) оширилиши сут етиштиришни 10 миллион 760 минг сўмга, гўшт етиштиришда 1 миллион 820 минг сўмга кўпайиши таъминланди. Изоҳ: гўшт йўналишидаги қорамолчилик хўжаликлари бозордан омукта ем сотиб олиш орқали озиклантирилиши аниқланди.

Ерни иқтисодий баҳолаш, унинг асосида табиий ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитларидан келиб чиқадиган ернинг сифати, иқтисодий унумдорлигини ошиб бориш озикабоп экинлар ҳосилдорлигига ва моллар маҳсулдорлигига таъсири аниқланди.

Фермер хўжалигига вақтинча ва мавсумий жалб қилинган ишчиларга тўланадиган хизмат ҳақлари, ёки мукофотлар, рағбатлантиришлар орқали оширилиб борилса сут ишлаб чиқаришда пировард муҳсулотни, даромаднинг оширишига олиб келиши аниқланди.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос томонларидан бири бу- унинг мавсумийлик хусусиятига эга эканлигидадир. Фермер хўжаликларида ёлланма, мавсумий ишчилардан асосан даладаги ем- хашакни қисқа вақтда йиғиштириб олишда фойдаланиб келмоқдалар. Бу ҳолат, мазкур ишларни бажаришда техника воситаларнинг эскирганлиги, мавсумда уларнинг етишмаслига ёки кичик майдонларда иш кучидан фойдаланишни афзал билиш билан изохлаш мумкин. Олинган ишлаб чиқариш функциясида мавсумда ёлланма ишчиларга иш ҳақини 1 млн сўмга ошириш ҳисобига йил якунида қўшимча 14 млн 130 минг сўмга сут ишлаб чиқаришни ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бу имкониятлар меҳнат бозорида ишчи кучи тақлифини ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда. Дунё мамлакатларида, меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни

кенг жалб этишга эришилаётганлиги сир эмас. Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликлари моддий-техника базаларини янгилашда лизинг, кредит муассасалари хизматларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бунгаалбатта уларнинг даромадларининг йилдан-йилга ошиб бориши ҳисобига эришилади.

Ветеринария хизматлари чорвачиликда, аҳолини сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда жуда муҳим ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш функциясида келиб чиқиб, ветеринария хизматлари коэффиценти сут ишлаб чиқаришдан келаётган даромадларининг ошишига боғлиқлиги аниқланди. Фермер хўжаликлари худудига яқин жойлашган ветпунктлар томонидан бириктирилган ветврачлар уларнинг чорваларини назорат қилиб борилаётганлиги, касалликларни олдини олиш ва уларни даволаш, керакли дори- дармонлар билан таъминланаётганлиги гувоҳи бўлди. Ветеринария хизматларига қилинадиган харажатларни 1 млн сўмга ошириш ҳисобига сут ишлаб чиқаришни қўшимча равишда 2 млн. 159 минг сўмга ошириш имкони мавжудлиги аниқланди.

Афсуски, чорвадорлар қорамолларда учрайдиган касалликларни олдини олиш ўрнига касалликнинг аниқ аломатлари пайдо бўлгандан кейин ветпунктларга муурожаат этишлари кузатилди, натижада касалликни даволашга жуда катта маблағ сарфлашларига сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, фермаларда хусусий ветеринар врачлар томонидан қорамоллар доимий равишда назоратини олиб бориш, ўриндошлик асосида ветврач штатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Навбатдаги учта ўзгарувчиларга қилинадиган харажатларни эса ўз навбатида камайтириш мақсадга мувофиқ, чунки ушбу хизматларга қилинадиган харажатлар ҳисобига сут ишлаб чиқаришдан келадиغان даромадга тескари таъсир кўрсатади.

Сунъий уруғлантириш хизматлари- сут ишлаб чиқаришни оширади, қорамолларнинг ирсий маҳсулдорлик кўрсаткичлари ортади, ҳар хил ирсий касалликларга чалинишини олди олинади. Демак, сунъий уруғлантириш хизмати қорамолларнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра ушбу хизматнинг коэффиценти манфий бўлиб, унга қилинаётган харажатлар ўзини қопламаётганлиги, ёки бўлмасам хизматни чорвачилик фермаларига етказишда маълум камчиликларга йўл қўйилиши билан асослашимиз мумкин. Масалан, жами кузатилган фермер хўжалиklarининг 42 таси тўлиқ сигирларни сунъий уруғлантириш хизматидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, 48 та хўжалиқда ушбу хизматдан умуман фойдаланмаганлиги, 58 та хўжалиқда қисман ёки ўртача жами сигирлар сонининг 30-70 фоизда қўлланилганлиги аниқланди. Аввало, ушбу хизматни кўрсатишда асосан давлат монополиясининг ҳукм суриши, хизмат кўрсатиш нархини ва сифатини бозор иқтисодиёти шароити талабларига жавоб бера олмаслиги аниқланди. Фермер хўжаликлари ушбу сервис соҳаси нархининг юқорилиги ва айрим ҳолларда уруғни сақлаш талабларининг бузилганлик ҳолатларининг кузатилганлиги, сифатининг талабга жавоб бермаслигидан шикоят қилганликлари аниқланди. Айрим ҳолларда томонларнинг қарздорлик ҳолатлари кузатилганда уларга етказилиши кутилаётган хизматлар сунъий равишда кечиктирилиши ҳоллари ҳам кузатилди. Носиров У.Н. ва бошқ. [11] монографиясида Зангиота туман фермер хўжаликларида наслчилик ишлари, селекция ҳисоботлари, саралаш, яхшиловчи буқаларнинг

сунъий уруғлантиришда кенг фойдаланиш қоникарсиз аҳволда эканлиги топилган. Демак, соғлом рақобат муҳитини ташкил этиш мақсадида, бозорга хусусий сунъий уруғлантириш пунктларини кириб келишини рағбатлантириш қорамолларда маҳсулдорликни оширишга олиб келади.

Ёқилғи мойлаш материаллари хизматлари саноат асосида ишлаб чиқаришда муҳим ўринни эгаллайди. Уни - сут ишлаб чиқаришга боғлиқлиги ҳам ўрганиб чиқилди ва манфий коэффициентга эга эканлиги аниқланди. Демак, ушбу хизмат турига сарфланаётган харажатларни камайтириб бориш мақсадга мувофиқ. Кўпгина ҳолларда ёқилғи сарфлари кичик ва йирик фермер хўжалиқларида сарфи ва унинг қопланиш даражаси ҳар хил бўлади. Ёқилғига кетаётган сарфлар икки нарсага боғлиқ. Аввало уларнинг миқдорига, яъни қай даражада мақсадли фойдаланилганлигига, режага мувофиқ сарфланганлигига боғлиқ. Иккинчидан, ёқилғи мойлаш материалларининг бозор нархларининг ўзгариб туришига боғлиқдир. Ижтимоий сўровномаларда аниқланишича кўпгина фермер хўжалиқлари асосий сарф бўлаётган ёқилғининг давлат нархларидан анча баландроқ нархларда сотиб олинганлиги, бу эса ишлаб чиқариш харажатларини сунъий равишда ошириб юборилганлигини таъкидланди. Демак, хўжалиқларнинг юқори маҳсулдорликка ва самарадорликка эришишларида ишлаб чиқариш жараёнига альтернатив энергияларни киритиб бориш, кам сарфлайдиган тежамкор технологияларни киритишни йўлга қўйиш орқали сарфланадиган ёнилғи ва электр-энергия, газ кўмир каби инфратузилма коммуникацияларга қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқариш жараёни ошиб бориши уни сервис хизматларига, энергияга бўлган талабини доимий

равишда ошириб боради. Самарқанд вилоятида ижтимоий сўровнома ўтказишимиз давомида юқори даражада механизациялашган, замонавий сут соғиш аппаратларидан кенг фойдаланилаётган пилот фермер хўжалиқларини ҳам қузатдик. Жумладан, “Сиеб Шавкат Орзу” чорвачилик комплекси, “Дил ойнаси” наслчилик фермер хўжалиқларида ўртача бир соғин сигирдан бир кунда 3 марта соғиш йўлга қўйилган бўлиб уларнинг сут маҳсулдорлиги 6546 кг/йил ва 7328 кг/йил ташкил этмоқда.

Келгусида аҳолини оқсилга бой чорвачилик маҳсулотлари билан тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги хулосаларга келинди:

Фермер хўжалиқлари ижарага олинган ер участкаларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш мақсадида 2021, 2026 ва 2031 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини (алмашлаб экиш, органик ўғитлар солиш, томчилатиб- ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий этиш) ишлаб чиқиш ва бизнес режага киритиш.

Бозорда ем-хашак тури ва сифатини ошириш мақсадида ем-хашак ишлаб чиқаришга ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини йўлга қўйиш.

Ҳар бир қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳайвонлар учун тури, жинси, йўналиши ва ёшидан келиб чиқиб ҳисоблаш хизматларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқилган рацион асосида озиқлантириш йўлга қўйиш.

Фермер хўжалиқларига банк хизматларини кўрсатишни янада кенгайтириш, кредит тарихини инобатга олиб узоқ муддатли имтиёзли кредитлар салмоғини ошириб бориш.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони 20.10.2008 йилда ПФ 4041 “Озиқ-овқат экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида”.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори 26 январ 2009 йил ПҚ-1047 “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар- биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22- жилд. “Ўзбекистонда озиқ- овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилик маросимидаги нутқи. (301-бетда) “Ўзбекистон”. Тошкент 2014. 350 б.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 17.01.2016.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 03-32-26 сонли ҳамда 2009 йил 8 июндаги 03-32-38 сонли баёнларида белгиланган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бир қишга ойлик ҳамда йиллик истеъмол нормалари тўғрисида маълумот
- 6) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 23 август 2012 йил №252 “2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”.
- 7) Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асослари. “Noshir” 223-б. Тошкент-2010.
- 8) Ахмедов У.Қ. Қишлоқ уй хўжалиқларининг инфратузилма ташкилотлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш йўллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2015. 9-б.
- 9) Baba S.H., Wani M.H., Bilal A. Zargar. Dynamics and Sustainability of Livestock Sector in Jammu & Kashmir:// Agricultural Economics Research Review.Vol.24 January-June 2011 pp. 119-132.
- 10) Муҳаммедов Б. “Тер тўқсанг – дур тўқаман”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2015
- 11) Носиров У.Н., Досмухамедова М.Х., Атабаева Х.Н. Қорамолчилик фермер хўжалиқларини модернизациялашнинг селекция ва технологик асослари. 158-б. Тошкент-201.
- 12) Ҳайитов К. Тадбиркор фермер ҳиммати. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2015
- 13) Ходжибоева И., Тожаҳмедов А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида фермер хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. //“Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. 56-59-бетлар. №4, 2014
- 14) Худайров Р., Абдолниёзов Б. Наслдор моллар – асл моллар. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2015
- 15) Wilkinson J.M. Re-defining efficiency of feed use by livestock. UK. Animal (2011), 5:7, pp. 1014-1022.

Эргашева Шахло Тургуновна

Доцент кафедры "Бухгалтерский учет" Ташкентского государственного экономического университета, к.э.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмаларида амалга ошириладиган таркибий ислохотлар, соҳани қўллаб қувватлаш, рағбатлантириш реал сектор қорхоналаридаги амалга ошириладиган модернизация ва диверсификация масалалари ёритилган

**Таянч тушунчалар:** иктисод, қишлоқ хўжалиги, молиялаштириш, банк кредитлари, назорат, фермер хўжалиги.

**Аннотация.** В работе рассмотрены вопросы реализации мер по углублению структурных преобразований, стимулированию и поддержке предприятий реального сектора в осуществлении модернизации и активной диверсификации инфраструктуры сельского и водного хозяйства Узбекистана.

**Ключевые слова:** экономика, сельское хозяйство, финансирование, банковский кредит, контроль, фермерское хозяйство.

Республика Узбекистан расположена в междуречье Амударьи и Сырдарьи. Свыше 70% территории приходится на равнины, межгорные и речные долины, степи и пустыни. Земледелие здесь основано на орошении. 96% продукции сельского хозяйства здесь получают с орошаемых земель и более 60% населения республики проживает в сельской местности, сельское хозяйство обеспечивает рабочими местами около 33% трудоспособного населения республики. Основным лимитирующим фактором дальнейшего расширения орошаемой пашни является ограниченность водных ресурсов.

Реализация мер по углублению структурных преобразований, стимулированию и поддержке предприятий реального сектора в осуществлении модернизации и активной диверсификации ведущих отраслей промышленности, укреплению материально-технической базы и инфраструктуры сельского хозяйства, ускоренному развитию современных видов услуг способствовала росту в 2015 году валового внутреннего продукта на 8%, промышленной продукции – на 8,0%, продукции сельского хозяйства – на 6,8% и подрядных строительных работ – на 17,8% [1, 8].

Финансирование аграрного сектора осуществляется недостаточно, если оценивать значение сельского хозяйства в масштабе всей экономики страны. Доля сельского хозяйства в совокупном объеме всех инвестиций в основной капитал имеет тенденцию к сокращению, если в 1999 г. на аграрный сектор приходилось 8,2%, то в 2015 году этот показатель составил 4,7%. В распределении иностранных инвестиций наблюдается аналогичная ситуация: если в 2015 году удельный вес сельского хозяйства составлял 5,9%, то в 2006 году он составил лишь 3,1%. При такой тенденции сокращения уровня инвестиций в сельское хозяйство возникает проблема поиска альтернативных и дополнительных источников финансирования, а также формирования и принятия мер по стимулированию участия различных финансовых институтов в процессе кредитования сельскохозяйственных производителей.

В рамках технического и технологического обновления сельского хозяйства в 2015 году: созданы новые интенсивные сады на площади 9,7 тыс. га и виноградники на 9,2 тыс. га, теплицы на 444 га, а также проведена реконструкция садов на площади 12,3 тыс. га, виноградников – на 7,5 тыс. га. В истекшем году введено 110 новых холодильных

камер с объемом хранения плодоовощной продукции 76,5 тыс. тонн, модернизированы 4 холодильные камеры на 1,35 тыс. тонн.

В результате принятых мер в 2015 году произведено 3361,3 тыс. тонн хлопка-сырца, 8176,6 тыс. тонн зерновых культур, 10128,1 тыс. тонн овощей, 2696,7 картофеля, 1853,1 тыс. тонн бахчевых, 2746,2 тыс. тонн плодов и ягод, 1579,0 тыс. тонн винограда. поголовье крупного рогатого скота достигло свыше 11,6 млн. голов, произведено 2033,5 тыс. тонн мяса, 9028,2 тыс. тонн молока, 5526 млн. штук яиц [2].

В настоящее время основными источниками инвестиций в сельское и водное хозяйство являются бюджетные средства, средства Фонда закупки сельскохозяйственной продукции для государственных нужд, а также средства коммерческих банков, внебюджетных фондов, кредитных союзов и иностранных кредитных линий. Финансовые средства, полученные из этих источников, в основном используются в пяти направлениях: содержание водного хозяйства; финансирование ирригационных и мелиоративных работ; финансирование закупок сельскохозяйственной продукции для государственных нужд; финансирование производства сельскохозяйственной продукции для собственных нужд производителей; финансирование лизинговых операций.

В прошлом году доля государственного финансирования сельского хозяйства составила 4,7%. При этом основными статьями расхода являются содержание водного хозяйства и проведение ирригационных и мелиоративных работ. В основном финансирование данного вида мероприятий осуществляется через Министерство сельского и водного хозяйства. Система государственной поддержки, основанная, на безвозмездном финансировании водного хозяйства характеризуется слабым контролем целевого использования государственных средств, отсутствием материальной заинтересованности сельскохозяйственных производителей и руководителей подведомственных структур этого министерства в экономике водных ресурсов.

Еще одним способом финансирования сельского хозяйства из государственного бюджета являются различные, и, в частности, льготы, освобождение от налогов. В целях снижения затрат на производство сельскохозяйственной продукции и оказания государственной поддержки фермерским и ширкатным хозяйствам 17.03.2006 было

принято постановление «О мерах по дальнейшей государственной поддержке сельскохозяйственного производства». Согласно этому постановлению предприятия ассоциации "Узагромашсервис" и альтернативные машинно-тракторные парки в порядке исключения на период 2006-2007 годы освободили от уплаты таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) при импорте сельскохозяйственной техники, комплектующих, запасных частей, сельскохозяйственных шин и ремонтных материалов, ввозимых по решениям Правительства, а также от налога на добавленную стоимость при реализации их сельскохозяйственным производителям и машинно-тракторным паркам, в том числе альтернативным; от уплаты налога на добавленную стоимость за работы и услуги, выполняемые по заявкам сельскохозяйственных предприятий. Ассоциации "Узагромашсервис" и альтернативным машинно-тракторным паркам при реализации фермерским хозяйствам сельскохозяйственной техники и материально-технических ресурсов предусмотрена сбытовая наценка не более 5 % от их стоимости.

Основными задачами и направлениями деятельности ассоциации «Узагромашсервис» является определение перспектив развития машинно-тракторных парков страны, изучение опыта развитых стран и внедрение в практику сельского хозяйства современных методов механизированных услуг и других видов сервисного обслуживания, изучение спроса на сельхозтехнику и запасные части к ней, включая завозимые в республику, формирование единой нормативной и тарифной базы по сервисному обслуживанию машинно-тракторных парков сельскохозяйственных товаропроизводителей и соблюдение контроля с участием Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации и развитию конкуренции, привлечение иностранных инвестиций и создание совместных предприятий.

Предприятия, входящие в систему ассоциации «Узагромашсервис», являются одними из основных организаций, оказывающих механизированные, сервисные и ремонтные услуги сельскохозяйственным товаропроизводителям. В республике 35-40 процентов пахотных работ ведется с помощью тракторов, 50-55 процентов уборки зерновых культур осуществляется с помощью зерноуборочных комбайнов.

Объем оказываемых механизированных услуг с помощью сельхозтехники, находящейся на балансе ассоциации, растет из года в год. Сегодня машинно-тракторные парки располагают 2341 пропашным трактором, в том числе, 2014 высокопроизводительными пахотными тракторами, 1891 высокопроизводительным зерноуборочным комбайном, 471 хлопкоуборочным комбайном марки «Кейс-2022» и 67 марки «МХ-1,8».

Согласно утвержденной программе, за десять месяцев 2012 года на предприятиях ассоциации создано 87 новых рабочих мест, в том числе надомных.

Всего в системе ассоциации «Узагромашсервис» 264 предприятия. За годы независимости значительно вырос объем механизированных услуг, оказываемых предприятиями «Узагромашсервис».

В ее учредительстве с дилерскими предприятиями компании «Узавтосаноат», районными отделениями банков и районными машинно-трак-

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир» номли асарига “Бизнес оламида энг катта муаммо нимада, деб сўрасангиз, маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотиш, сотиш, яна бир бор сотиш, ҳаридор топиш, деб айтган бўлардим” [2] деган фикрлари билан бугунги шароитда маркетинг мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий асоси эканлиги ўз тасдиғини топди.

Самарали маркетинг тамойиллари асосида истеъмол товарлари бозорини ўрганиш бўйича ўзига хос бўлган услубий шакллантириш ва бу борада тизимли тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Истеъмол товарлари бозори – аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондирувчи ва ҳаёт кечириш учун харид қилинувчи асосий ва зарур бўлган маҳсулотларни олди-сотди муносабатлари мажмуини ўз ичига олади. Истеъмол товарлари бозори ўз навбатида жуда оқпаб махсус бозорларга бўлиб ҳам ўрганилади: озиқ-овқат, кийим-кечак, хўжалик, маданий моллар ва бошқалар. Бу бозорнинг моддий-техника асоси (инфраструктураси) бўлиб: улгуржи савдо базалари, дўконлар ва барча чакана савдо-сотик билан шуғулланувчи шахобчалар ҳисобланади.

Истеъмол товарлари бозори – «Ҳазрати ин-

сон» учун, унинг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида ташкил этилади, шунинг учун ҳам **бош бозор** дейилади. Қолган ҳамма бозорлар, ана шу истеъмол товарлари бозорининг мўлқулчилигини, унда талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлашга қаратилган асосий омил ҳисобланади [3].

Истеъмол товарлар бозорини тадқиқ этиш даставвал аҳолини мос товарларга бўлган талабини аниқлашда ўз аксини топади. Талабни ўрганиш бозор сиғимини ва таркибини, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни прогноз қилишга ёрдам берувчи маълумотларни акс эттириши лозим [4].

Истеъмол товарлари бозорининг сиғими – ҳажми туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида чакана товар айланиш (сотиш) кўрсаткичи билан аниқланади. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб, истеъмол товарлари бозорини, хусусан ноозиқ-овқат товарлар бозори савдосини ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Газламалар - Ўзбекистон аҳолиси учун эҳтиёжи юқори бўлган истеъмол товарлари ҳисобланганлиги, аҳоли истеъмол таркибидаги ўзгаришларга боғлиқлигини ўрганишни тақозо этади. Шу боис, газламалар истеъмоли шаклланиши ва унинг ривожланиши бўйича муаммоларга жиддий ёндашув талаб этилади.

Газламалар истеъмол бозорини тадқиқ этиш даставвал аҳолининг ушбу маҳсулотларга талабини аниқлашда ўз аксини топади. Талабни ўрганиш бозор сиғими ва таркиби, товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни истиқболда белгилашга ёрдам берувчи маълумотларни акс эттириши лозим.

Газламалар бозорининг сиғими – ҳажми туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида чакана товар айланиш (сотиш) кўрсаткичи билан аниқланади. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб, аҳолининг асосий истеъмол товари ҳисобланган газламалар савдосини ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудударида, газламаларга ихтисолашган бозор комплекслари, чакана савдо шахобчалари кенг қўламда, эркин ва сифат-

ли фаолият олиб боришига етарлича шароит ва имкониятлар яратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, газламалар бозори ҳолатининг таҳлили ва истиқболдаги ўзгаришларини аниқлаш масалалари ўта муҳим масала сифатида қўйилмоқда.

Газламалар чакана савдосининг ҳисобини юри-тиш Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади. Давлат статистика қўмитаси томонидан “Асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари балан-сини тузиш бўйича услубий низом”, “Барча сотиш тармоқлари бўйича чакана савдо товар айланмаси ва товар захираларини статистик ҳисоби бўйича услубий низом”ида[7] танишиш мумкин.

Наманган вилояти газламалар чакана савдо айланмаси динамикасини аниқлаш учун вилоят статистика бошқармаси томонидан 1-савдо шакли “Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида” статистик ҳисоботшакллариининг йиғма ахборотларидан фойдаланилади. Унда чакана савдо айланмасининг товар таркиби ва товар захира-ларининг вилоят миқёсидаги умумий ҳажмлари

ифодаланади.

Чакана савдо айланмасининг статистик ҳисобида Наманган вилояти аҳолисига бир йил давомида сотилган барча турдаги газламаларнинг миқдор ва қиймат ҳажмлари, нарх даражаси, то-варлар захираларининг йил бошига ва охирига қолдиқ қийматлари ҳамда корхоналарга қайта со-тилган товарлар ҳажмлари ифодаланади.

Наманган вилоятининг газламалар истеъмол товарлари бозори ҳолатини ифодалаб берув-чи маълумотларни юқоридаги манбалар орқали аниқлаш мумкин.


Газламаларга бўлган истеъмол талабини унинг натура қийматларида аниқроқ ифодалади. 1-жад-валда газламалар чакана савдо айланмаси 2008-2015 йиллар давомида 2,2 мартага, хар йили ўртача 112,9 % га ўсганлиги аниқланган. Чакана савдо айланмасини ошишига бир қатор омиллар таъсир этган: аҳоли сонини ошиши, даромадлари кўпайиши, кийиниш маданияти, чакана савдо ша-хобчаларини кўпайиши, савдо маданиятини оши-риш ва бошқалар.

1-жадвал

Наманган вилоятида газламалар чакана савдоси таҳлили (минг п.м.)[5]

Газламалар	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й
Пахта ипи газламалари	2216,2	3913,9	4064,7	2834,9	3533,7	3779,48	3935,08	4090,68
Жун газламалар	55,3	89,7	135,7	139,6	221,2	242,81	280,98	319,15
Ипак газламалар	1241,5	1931,4	2374,3	3349,3	1998	3058,17	3351,26	3644,35
Жами	3513	5935	6574,7	6323,8	5752,9	7080,46	7567,32	8054,18

Газламаларнинг асортимент гуруҳлари бўйича таҳлил йилларида талаб ўзгаришида ип газламалар 1,8 мартага, жун газламалар эса 3 мартага, ипак газламалар эса 2,3 мартага ўсган. (1-расм).




1-расм. Газламалар чакана савдосининг таркибий ўзгариши[6].


Газламалар чакана савдосининг ҳажми ошиши ўсиши вазминлик характериға эға эка эканлигини ўсиш тренди белгиламоқда ( $y = 4015,7x0,3263$ ). Чакана савдо айланмаси ҳажмини ошириш йўналишларини белгилаш ва бу борада аниқ стратегик мақсадларни белгилаш ва талабнинг истиқболлигини белгилашда ушбу тренд натижа-ларидан фойдаланилади. Газламалар чакана сав-до айланмасида асортимент гуруҳлари ҳолати ўзгаришини баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб эта-

ди. Унинг таркибий жихатдан ўзгариши аҳолининг истеъмол хулқ-атворларидаги ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш имконини беради.

Наманган вилоятида 2008-2015 йилларда жун газламаларнинг улушини бошқа турдаги газла-маларга нисбатан юқори ўсган. Бу ўз навбатида истиқболда истеъмол таркибида жун газламалар-дан тикилган кийимларнинг улушини ошиб бори-шини белгилаб беради (3-расм).



2-расм. Газламалар чакана савдосининг таркибий ўзгариши [6].



3-расм. Наманган вилояти газламалар бозорида асортимент ўзгаришлари [6]

Истеъмолчиларнинг газламаларга талаби ўзгаришига янада аниқроқ баҳо беришда аҳоли жон бошига газламалар сотиш кўрсаткичларини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга (2-жадвал). Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмасини аниқлаш орқали истеъмолчиларнинг ушбу маҳсулот тури бўйича талабининг ўзгариш хусусиятларига баҳо берилди. Шунингдек, бошқа мамлакатлар аҳолисининг ушбу турдаги маҳсулотларга талаби билан таққослаш, истеъмолга қилинган жами

ҳаражатлардаги улуши, истеъмолнинг меъёрий даражаси ва бошқа бир қатор ҳолатлар бўйича баҳолаш имконини беради.

Наманган вилоятида 2008 йилда аҳоли жон бошига 1,6 п.м газламалар истеъмол қилинган бўлса, 2015 йилда 3,2 п.м ни ташкил этиб, таҳлили йиллари давомида 2 мартага ўсган, ўз навбатида, аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси ҳар йили ўртача 135 % ўсиш тенденцияси кузатилган.


2-жадвал  
Наманган вилоятида аҳоли жон бошига газламалар чакана савдоси ривожланиши [5]

Йиллар	Аҳоли сони	Газламалар чакана савдоси			
		Жами (минг.п.м)	Аҳоли жон бошига п.м.	Жами (минг.сўм)	Аҳоли жон бошига (сўм)
2008	2174,3	3513,0	1,6	8054514,0	3704,4
2009	2217,2	5935,0	2,7	12699040,0	5727,5
2010	2258,5	6574,7	2,9	20296824,0	8986,9
2011	2379,5	6323,8	2,7	34798891,0	14624,5
2012	2420,6	5752,9	2,4	35078606,0	14491,7
2013	2458,7	7080,5	2,9	45029985,0	18314,6
2014	2504,1	7567,3	3,0	52644789,0	21023,4
2015	2554,2	8054,2	3,2	60259592,0	23592,4

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Газламалар чакана савдо айланмаси аҳоли жон бошига натура ва қиймат ўлчамларида таққолов натижалари эса 2008-2015 йиллар давомида нархларнинг меъёрлашиб бораётганлигини англатади.

Аҳолининг газламаларга талаби олдинги йилларга нисбатан кам сарф-харажат эвазига кўпроқ қондирилаётганлиги кўрсатади (4-расм).



4-расм. Наманган вилоятида аҳоли жон бошига газламалар чакана савдосининг динамикаси [6]

Наманган вилоятида аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси таркибида газламалар улуши 2008 йилдаги 1,1 % дан, 2015 йилда 1,4 % га ошган. (3-жадвал). Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 2008-2015 йилларда ўртача 121,6 %, аҳоли жон бошига газламалар чакана савдоси эса

128,3 % дан ўсган. Наманган вилоятининг аҳоли жон бошига чакана савдо айланмасига нисбатан газламалар чакана савдосининг барқарор ўсиши, талабнинг ички бозордаги хиссаси барқарорлигини англати.

Наманган вилояти жами чакана савдо айланмасида газламалар улуши [6]

3-жадвал

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Чакана савдо айланмаси (млрд.сўм)	758,9	990,7	1318,8	1678,9	2166,2	2853,5	3440	4166,7
Доимий аҳоли сони (минг киши)	2174,3	2217,2	2258,5	2379,5	2420,6	2458,7	2504,1	2554,2
Аҳоли жон бошига чакана савдоси айланмаси (мингсўм)	349,0	446,8	583,9	705,6	894,9	1160,6	1373,7	1631,3
Аҳоли жон бошига газламалар чакана савдоси (минг сўм)	3,7	5,7	8,9	14,6	14,4	18,3	21,1	23,5
Улуши (%)	1,1	1,3	1,5	2,1	1,6	1,6	1,5	1,4

Чакана савдо айланмасини аҳоли жон бошига ҳисоблаш натижалари истеъмол бозоридаги газламаларнинг талаб ва таклиф балансини янада аниқроқ ҳулоса чиқариш имконини беради. Наманган вилояти 2008 йилда истеъмолчилар аҳоли жон бошига 2918,9 сўмлик газламалар ташқи манбалар ҳисобидан қондирилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 5356 минг сўмни ташкил этган. Динамикага эътибор қаратганимизда таҳлил йиллари давомида таклиф талабдан кам. Талаб эса бошқа вилоятлар, товар захиралари, норасмий: ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт, чакана савдо ва товар захиралари ҳисобига қондирилган.

Наманган вилояти газламалар истеъмол бозорининг конъюктурасини 9-расмда янада аниқроқ кузатиш мумкин. Бирок, ушбу тренднинг сақланиши истикболда талаб ва

таклифнинг мувофиқ бўлишини динамика орқали асосламоқда. 5-расм ҳолати Наманган вилояти газламалар бозоридаги рақобат муҳитига ташхис қўйиш имконини ҳам белгилаб беради. Наманган вилоятида 2008 йилда ишлаб чиқариш ички талабга нисбатан 19,6 % ни ташкил этганлиги ва 2015 йилда бу кўрсаткич 86 % га етганлиги назарда тутилганда таҳлил йиллари давомида Наманган вилояти газламалар бозорида рақобат кучининг кескинлигини асослайди. Шу билан бирга, ички бозор барқарорлиги ташқи бозорларга чиқиш имкониятларининг доимий рағбатлантирувчи кучга эга эканлигидан далолат беради. Натижалар эса истикболда Наманган вилоятининг газламалар экспорти юқори суръатларда ошиши мумкинлигини тасдиқлайди.

4-жадвал

Наманган вилояти газламалар бозоридаги талаб ва таклиф баланси [6]  
(аҳоли жон бошига сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Экспорт	83,7	84,3	282,2	1723,7	1368,8	3051	3814,2	5937,6
Импорт	25,6	100,9	178,4	857,5	769,9	2936,9	5544,9	8038,2
Ишлабчиқариш	727,4	1292,2	4461,6	6796,2	8124,5	14544,9	20649,7	20336,1
Чаканасавдо	3704,4	5727,5	8986,8	14624,4	14491,7	18314,5	21023,4	23592,3
Талаб	3730	5828,4	9165,2	15481,9	15261,6	21251,4	26568,3	31630,5
Таклиф	811,1	1376,5	4743,8	8519,9	9493,3	17595,9	24463,9	26273,7
Талабни бошқа манбалар ҳисобидан таъминланиши*	2918,9	4451,9	4421,4	6962	5768,3	3655,5	2104,4	5356,8

\*бошқа вилоятлар, товар захиралари, норасмий: ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт, чакана савдо ва товар захиралари.



5-расм. Наманган вилоятида газламалар бозоридаги талаб ва таклиф баланси [6]

Газламалар бозори конъюктураси ҳолатини баҳолашда чакана товар айланиши ҳажмига алоҳида омилларнинг таъсирини ўрганиш талаб этилади.

Газламалар чакана савдо ҳажмига таъсир этувчи бир қатор омилларни келтириб ўтиш мумкин:

- аҳоли даромадаларининг ошиб бориши;
- мавсумийлик
- мода ўзгариш тенденциялари
- ташқи савдо, экспорт, импорт
- давлат томонидан корхоналарга берилган имтиёзлар, солиқ ставкаларнинг ўзгариши;
- янги технологиялар ва инновацияларни жо-

рий этилиши

- демографик ҳолат
- аҳолининг билим савияси ва бошқалар

Чакана товар айланиши ҳажмига бевосита кучли таъсир этувчи омил аҳоли даромадларининг ўзгариши ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия, турли хил ёрдам шаклидаги пул тушумлари, мулкдан фойз, дивидент, рента шаклидаги даромадлардан, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, хунармандчилик, касаначилик, турли хил

хизматлар кўрсатиш ва молия кредит, банклардан келадиган даромадлардан ташкил топади.

Наманган вилояти аҳолисининг жон бошига тўғри келувчи даромадлари 2008 йилда 571,8 минг

сўмни ташкил этиб, ундан газламаларга харажатлар улуши 1,4 %ни, 2015 йилда 0,9 % ни ташкил этди.


5-жадвал

**Наманган вилояти аҳолиси даромадларини газламаларга сарфлашнинг меъёрий кўрсаткичлари[6]**

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Аҳолижон бошига тўғри келувчи даромадлар, (минг сўм)	571,8	753,5	1263,4	1579,8	1980,2	2376,6	2736,4	3102,6
Газламаларга харажатлар (сўм)	8005,2	11302,5	10107,2	11058,6	19802	26142,6	35573,2	37451,4
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар газламалар улуши	1,4	1,5	0,8	0,7	1	1,1	1,3	0,9

Наманган вилояти газламалар бозори ривожланишига аҳоли даромадлари ўзгаришининг боғлиқлиги куйидаги функцияни ифодаламоқда:


$$y = 0,0151x - 5,4501 \quad (R^2 = 0,8364)$$



6-расм. Наманган вилояти аҳолиси даромадларига газламалар харидининг боғлиқлиги[6].

Аҳоли даромадларининг бир бирлик, яъни бир сўмга кўпайиши натижасида газламалар хариди 15тигинга ошиши чизикли боғланиш функциядан маълум бўлмоқда. Аҳоли даромадалари билан газлама харидлари ўртасидаги ўзаро боғланиш

тенгламаси асосида аҳоли даромадаларига кўра газламалар бозоридаги талаб миқдорининг истиқболдаги ҳажмини аниқлаш имконияти мавжуд.



7-расм. Наманган вилоятида газламалар ишлаб чиқариш ва чакана савдосининг истиқболдаги ўзгаришлари [6]

Истикболда Наманган вилоятида газламаларга талаб таклифга нисбатан юкори ўсиш тенденцияси сақланади. Шунинг учун, вилоятдаги аҳоли жон бошига талаб бошқа манбалар (бошқа вилоятлар, товар захиралари, норасмий: ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт, чакана савдо ва товар захиралари) ҳисобидан таъминланиши давом этади. Вилоят аҳолисининг 2025 йилда аҳоли жон бошига газламаларга талабининг 93,2 % (2015 йилда 74,6 %) ички манбалар ҳисобидан таъминланади.

Наманган вилояти газламалар бозорини ўрганиш ва истиқболини белгилаш натижларидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мамлакатимизда яратилган бизнес муҳити, маҳаллий аҳолининг азалий-тарихий тадбиркорликка, газлама тўқишга хоҳиш истаклари – қизиқишлари мавжудлиги сабабли, ип газламаларни ишлаб чиқариш 2008-2015 йилларда 10,5 мартага, ипак-шойи газламаларни ишлаб чиқариш 5,2 мартага кўпайган. Мазкур кўрсаткичлар Республика бўйича 1,7 ва 0,79 % ташкил этган. Аҳоли жон бошига 2015 йилда вилоятда 14,6 м<sup>2</sup> пахта ва шойи газламалари ишлаб чиқарилган бўлса, Ре-

спубликада 5,8 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

2. Наманган вилояти ип газламалар бозорида маҳаллий корхоналар улуши 95,7 %, қолган вилоятлар улуши 3,3 %, импорт улуши 1 %. Бозордаги ипак газламаларнинг 8,2 % вилоятда ишлаб чиқарилиб, 0,5 % импорт ва қолган бошқа вилоятлардан олиб келинган.

3. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг (пахта ипи) 3,3 %и ички савдога, 48,1 % маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва 48,6 % хорижга экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилган жами ипак газламаларнинг 77,9 % ички чакана савдода сотилмоқда, 7,1 % ишлаб чиқариш корхоналари томонидан истеъмол қилинмоқда ва 3,8 % экспорт қилинмоқда.

4. Наманган вилояти газламалар бозорининг 2025 йилга прогнози аниқланди ва мазкур кўрсаткичлар асосида, махсус дастур ишлаб чиқиш, энг кўп импорт қилинаётган ассортиментдаги газламаларни ишлаб чиқариш, инвестицияларни олиб келиш масалаларини ечимини ҳал этишга эришилади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. / “Халқ сўзи”, 2016 йил. 15 январь.
2. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2015, 165 бет.
3. А.Солиев. “Маркетинг”. Тошкент. “Иқтисод-молия” – 2010 йил 7-17 б
4. А.Абдурашидов. Истеъмол товарлари бозори ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2012 йил
5. Наманган вилояти статистика қўмитаси маълумотлари
6. Наманган вилояти статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари
7. <https://lib.stat.uz/e-stat/ushuga/n-4-chakana-savdo.pdf>

## ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ ПРИНЦИПОВ ДОСТОЙНОГО ТРУДА

Умурзаков Баходир Хамидович

Заведующий сектором «Демография и рынок труда» Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистан» при ТГЭУ, профессор кафедры «Экономика труда и управление» Филиала Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова

**Аннотация.** Ушбу мақолада меҳнат ижтимоий муносабат сифатида кўрилган. Меҳнат учун тўланадиган иш ҳақи хусусиятлари таҳлил қилинган. Меҳнатнинг ҳуқуқий асосларига урғу берилиб "Пенсия таъминоти", "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш", "Аҳолини иш билан таъминлаш" тўғрисидаги қонунларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Таянч тушунчалар:** миллий иқтисодиёт, меҳнат, меҳнат жамоаси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ХМТ Конвенцияси, янги иш ўринлари, глобаллашув, хавсиз иш шароитлари.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены труд, как социальное явление. Проанализированы характерные особенности наёмного труда. Особое внимание обращается на правовую основу труда, рассмотрены важные законы «О занятости населения», «Кодекс законов о труде», «О социальной защите населения», «О пенсионном обеспечении граждан».

**Ключевые слова:** национальная экономика, труд, коллективный труд, социальная защита населения, Конвенция МОТ, новые рабочие места, глобализация, безопасные условия труда

С первых дней Независимости Первый Президент И.Каримов Республики Узбекистан определил основные приоритеты реформирования национальной экономики и общественного развития страны. Начиная с самых первых законодательных актов, принятым Олий Мажлисом Узбекистана главным субъектом реформ стоял труд человека – создатель материальных ценностей государства, основной фактор производительных сил страны и основной его потребитель.

Труд, как социальное явление, порождает общественную организацию труда, представляющую собой систему связей по управлению процессами труда для создания материальных и духовных благ. Прежде всего, речь идет об использовании собственниками средств производства наёмного труда, подразумевающего применение труда отдельного человека в интересах таких собственников на основе трудового договора. Следует отметить, что потребительские ценности (блага) создаются путем объединения умений и способностей многих лиц, их кооперации в процессе трудовой деятельности, что объективно порождает появление социальных общностей, вовлеченных в обозначенный трудовой процесс.

По этому поводу российский экономист Л.Ю. Бугров полагал, что «коллективный труд – не просто соединение труда личностей, а труд, обладающий специфическими свойствами, например, разделения и кооперации труда. Отрицать специфику свойств коллективного труда невозможно, следовательно, нельзя не признавать социальные объединения трудящихся своеобразными субъектами отношений именно по поводу труда. В свою очередь, этот вывод обуславливает и более общий – существуют особые отношения по поводу труда коллективов трудящихся» [1]

Эффективное функционирование трудовых отношений, отражающих подчиненный характер наемного труда, требует наличия системы защиты

работника от ухудшения его социального положения.

Условия жизни и условия труда этого труженика были во главу принятых наиболее важных законов «О занятости населения», «Кодекс законов о труде», «О социальной защите населения», «О пенсионном обеспечении граждан».

Связи с принятием Международной Организацией Труда в 2011 году «Конвенции о достойных условиях труда» в научной общественности всё чаще стали появляться понятие «Стандарт достойного труда».

В 2014 году, в связи с подписанием Республикой Узбекистан Конвенции МОТ «О достойных условиях труда», Правительством Узбекистана совместно с Федерацией профсоюзов Узбекистана были приняты соответствующие меры по введению национальных законодательных, отраслевых норм и нормативов в соответствие с этой Конвенцией.

На современном этапе общественного развития обозначенную функцию призвана выполнить концепция достойного труда, предложенная Международной организацией труда (МОТ) как воплощение гуманистических идеалов, признание высшей ценности человека труда.

Отправной точкой формирования нового подхода к пониманию условий достойного труда послужили отчеты Генерального директора на 81-ой сессии (1994), где было обрисовано новое видение проблем либерализации регулирования трудовых отношений в сочетании с уважением прав и основных свобод человека и гражданина» [2]. Правовой основой данного подхода выступают «коренные конвенции» МОТ: Конвенция МОТ №87 о свободе ассоциаций и защите права на организацию; Конвенция МОТ №98 относительно применения принципов права на организацию и ведение коллективных переговоров; Конвенция МОТ №100 о равном вознаграждении мужчин и женщин за

труд равной ценности; Конвенция МОТ №29 о принудительном или обязательном труде; Конвенция МОТ №105 об упразднении принудительного труда; Конвенция МОТ №111 о дискриминации в области и занятии; Конвенция МОТ №138 о минимальном возрасте приема на работу, а также Конвенции МОТ №182 о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда.

Предполагается, что обозначенная концепция реализуется посредством решения четырех стратегических задач МОТ, основанных на признании равной ценности труда мужчин и женщин: создание новых рабочих мест; всеобщие гарантии прав в сфере труда; расширение прав в сфере социальной защиты; содействие эффективному социальному диалогу, способному согласовать интересы наемных работников и собственников средств производства во имя достижения социального компромисса. Программа достойного труда отражает приоритеты в социальной, экономической и политической повестке дня отдельных стран и международной системы. В относительно короткие сроки данная концепция призвана обеспечить международный консенсус среди правительств, работодателей, трудящихся и гражданского общества по поводу того, что производительная занятость и достойная работа являются ключевыми элементами достижения справедливой глобализации, сокращения масштабов нищеты и достижение справедливого, всеобъемлющего и устойчивого развития.

В рамках проекта создания новых рабочих мест МОТ определяет направления политики, которые помогают создавать и поддерживать рабочие места, обеспечивающие возможность получения справедливого дохода, что нашло свое отражение в Глобальной программы занятости, разработанной при содействии трехсторонних участников МОТ – национальных правительств, работодателей и работников» [3].

Основной целью повестки дня на современном этапе экономического развития Узбекистана является проведение эффективной социально-экономической политики.

МОТ стимулирует развитие отношений трипартизма в государствах-членах путем поощрения социального диалога, в целях помощи в разработке и осуществлении национальной политики. Достижение справедливых условий занятости, достойные условия труда и развития на благо всех невозможно без активного участия самих работников, работодателей и правительства, включая широкие усилия общественных организаций (в Узбекистане это - Махалля, Советы женщин, молодёжное движение «Камалот»).

Поощрение такого подхода выступает в качестве одной из стратегических целей МОТ, что дает возможность субъектам социального диалога (партнерства) адаптировать национальное трудовое законодательство для удовлетворения изменяющихся экономических и социальных потребностей и улучшения управления трудовыми ресурсами.

В этих целях в 2016 году был Олий Мажлисом Узбекистана принят закон Республики Узбекистан « Об охране труда» в новой редакции, где определено понятие «Стандарт достойного труда».

Установлено, что «Стандарт достойного труда»- это нормативный документ, устанавливающий требования, комплекс правил и норм, следование которым обеспечивает конкурентоспособность страны и повышение качества труда и социальной жизни населения Республике Узбекистан.

В чём заключается современный феномен понятия «достойный труд»? Ранее в научных трудах предпринимались попытки раскрыть содержание понятия «достойный труд». Еще в литературе XX века существовали правовые исследования, затрагивавшие проблему достойного труда и вознаграждения за него. Так, П.И. Новгородцев и И.А. Покровский подчеркивали юридическое значение естественного права человека на существование и прямо связывали его с «достойным вознаграждением» за труд на уровне не ниже прожиточного минимума и социальной поддержкой со стороны государства [4].

В наше время, в частности, Л.А. Костин характеризует «достойный труд» как «высокоэффективный труд в хороших и безопасных производственных условиях, дающий работнику удовлетворение, возможность в полной мере проявить свои способности, навыки и мастерство, труд с достойной оплатой и справедливым распределением плодов прогресса, труд, когда права

трудящихся защищены, и они активно участвуют в деятельности организации, внося максимально возможный вклад в общее благополучие». [5] Сущность достойного труда в трудо-правовой сфере следует искать не просто в прямом правовом закреплении притязаний работников к труду, predetermined пониманием «собственного человеческого достоинства», а в корреспондировании подобного восприятия в деятельности государства, других субъектов нормотворчества, работодателей по установлению и реализации юридических гарантий трудовых прав и свобод, воспринимаемых работниками через призму «собственного достоинства» как адекватный и защищаемый уровень безопасности и защищенности.

Таким образом, трудовое право использует регулятивное и охранительное воздействие на отношения, возникающие по поводу реализации права на достоинство личности работника в процессе труда».

При анализе данных подходов, представляется, что достойный труд выступает в качестве сложного социального явления, лежащего в плоскости права, политики, экономики, духовной сферы жизни общества. При этом важнейшую роль в его реализации играет трудовое право в части установления императивных гарантий для работников, а также для обеспечения прав и законных интересов социальных партнеров в целом.

На основании изложенного, нам представляется, что достойный труд всегда следует охарактеризовать как многоаспектное понятие, охватывающее собой экономические, политические и правовые явления, связанные с процессом управления трудом. Эти определения создают условия для эффективного и производительного труда, содействующее достижению общественного, культурного и технического прогресса в целях социальной защиты трудящихся и их семей, способствующее развитию сущностных сил человека,

раскрытию творческого потенциала каждого.

Государство как субъект, наделенный социальной властью, занимает ведущее место в регулировании отношений, возникающих в сфере труда, являющийся гарантом реализации концепции достойного труда.

Для создания наиболее благоприятных условий организации эффективной занятости населения Узбекистана на основе принципов и Стандарта достойного труда приняты следующие понятия:

1. Понятие «Стандарты достойного труда» – это, совокупность многих социально-экономических, политических, финансовых и культурных условий, способствующих внедрению таких условий труда работников, которые в определяющей степени повышали бы привлекательность предприятия или территории;

2. Достойный труд – это, прежде всего безопасный, высокопроизводительный, хорошо организованный труд, предусматривающий высокую и справедливую оплату.

3. Достойный труд немыслимо без понятия «Достойная заработная плата», которая обеспечивало бы расширенное воспроизводство человеческого и трудового потенциала, путём увеличения удовлетворения в финансовых, материальных и духовных благ работающему человеку и его семье.

4. Эффективная занятость – это такая степень развития занятости населения, которая обеспечивает достойный доход, стабильное здоровье, постоянный рост образовательного и профессионального уровня каждого члена общества на основе роста общественной производительности труда.

5. Эффективное социальное партнёрство – система взаимоотношений работников, их представителей, работодателей, их представителей, органов государственной власти Республики Узбекистан, органов местного самоуправления муниципальных образований Республики Узбекистан, позволяющая учитывать и согласовывать в равной и справедливой степени интересы каждой из сторон и обеспечивает стабильное социально-экономическое развитие Республики Узбекистан.

6. Безопасные условия труда, как совокупность факторов производственной среды и трудового процесса, оказывающих прямое влияние на работоспособность и здоровье работника, в условиях, когда практически исключаются воздействия на работающих вредных или опасных производственных факторов, либо уровни их воздействия не превышают установленные нормы.

7. Институциональной основой достойного труда – в ближайшие годы станут принимаемые в Узбекистане совокупные правила, которые станут законодательной и исполнительной базой для организации и обеспечения достойного труда на предприятиях и трудовых коллективах национальной экономики.

8. Непосредственным субъектом Стандартов достойного труда становятся работники и работодатели, а также их представители, территориальные государственные органы, контролирующие выполнение требования Стандартов достойного труда для всего экономически активного населения Республики Узбекистан.

9. Трудовые ресурсы – часть населения страны,

которая по физическому развитию, приобретённому образованию, профессионально-квалификационному уровню способна заниматься общественной полезной деятельностью.

Разумеется, что повышения эффективной занятости населения будут видоизменяться в соответствии с новыми, более сложными задачами, подходами, требованиями и стратегией социально-экономического развития Республики Узбекистан.

Главной экономической базой формирования Стандартов достойного труда должны стать экономически оправданные мероприятия государства и общества, в пределах финансовых возможностей Республики Узбекистан.

В условиях дальнейшего углубления либерализации рыночных отношений в Узбекистане основными направлениями развития эффективной занятости населения на основе принципов достойного труда должны быть следующие:

- компетентные и целевые формы содействия эффективной занятости населения, с учётом местных, квалификационных, экономических, и климатических особенностей населения;
- стабильное и гарантированное повышение заработной платы работникам, с учётом роста производительности труда;
- гарантированное обеспечение безопасных условий труда;
- формирование пакетов гарантированных социальных услуг
- развитие надёжных, взаимопригодных отношений социального партнёрства.

Важно отметить, что разработана, утверждена и принята к исполнению Стратегия социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года, которая является основополагающим документом стратегического планирования Республики Узбекистан на долгосрочную перспективу и определяет миссию, стратегические приоритеты, стратегические цели и задачи развития Республики Узбекистан.

Также разработана, утверждена и принята к исполнению Стратегия развития трудовых ресурсов в соответствии с потребностями социально-экономического развития Республики Узбекистан на период до 2030 года, которая направлена на эффективное привлечение и использование трудовых резервов трудоспособного населения Республики Узбекистан, по обеспечению инновационной экономики квалифицированными трудовыми ресурсами.

Учитывая особую социальную направленность Стандартов достойного труда в Республике Узбекистан для дальнейшего совершенствования управления социально-трудовой сферой, повышения качества и уровня жизни населения, уменьшения числа безработных на основе принципов, предлагаются:

1. Провести широкую разъяснительную работу в трудовых коллективах, среди кадровых служб и специалистов по труду органов государственного управления, среди профсоюзных лидеров и негосударственных и некоммерческих организаций по основным Стандартам и принципам достойных условий труда.

При обсуждении и принятии условий Коллективных договоров на общих собраниях трудовых коллективов на 2017 и последующие годы исхо-

дить из требований «Стандартов достойного труда»

2. На основе принятых коллективных договоров разработать и принять комплексные отраслевые и территориальные программы регулирования Стандартов достойного труда в решении вопросов эффективной занятости населения, учитывая научно обоснованные прогнозы демографического развития, приоритетные направления и особенности социально-экономического развития и качества уровня жизни населения по Узбекистану.

3. Пересмотреть действующую практику планирования создания новых рабочих мест на территории, привлекая к материальной ответственности

должностных лиц, создавших новые рабочие места без учёта требований «Стандартов достойного труда»

4. Внедрить с 2017 года практику заслушивания итогов деятельности территориальных Центров по содействию занятости населения, по организации и укомплектованию новых рабочих мест, по регулированию спроса и предложения на местном рынке труда и повышения форм эффективной занятости населения Узбекистана на основе принципов и Стандартов достойного труда.

#### Источники и литература:

1. Бугров Л.Ю. Проблемы свободы труда в трудовом праве России / Перм. гос. ун-т; Информационно-правовое агентство ИНПЭА. Пермь, 1992. 236 с.
2. Официальный сайт Международной организации труда. URL: <http://www.ilo.org/global/about-the-ilo/decent-workagenda/lang--it/index.htm> (дата обращения: 21.02.2014).
3. Официальный сайт Международной организации труда. URL: <http://www.ilo.org/global/about-the-ilo/decent-workagenda/lang--it/index.htm> (дата обращения: 21.02.2014).
4. Novgorodtsev P.I., Pokrovskiy I.A. Opravenasushchestvovaniye: Sotsialno-filosofskiyeetyudy [About the right for existence: Social and philosophical etudes]. M.; SPb.:Izd. t-va M. O. Volf, 1911. 48 s. (In Russ).
5. Костин Л.А. Достойный труд в XXI веке// Достойный труд – высшая цель и жизненная необходимость: круглый стол «Достойный труд в XXI веке». Юбилейные Ломоносовские чтения, посвященные 250-летию Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова. (25 ноября 2005 г.). М.: ТЕИС, 2005. 422 с.

## МЕХНАТ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО САМАРАЛИ АЛОҚАДОРЛИГИ

Арабов Нурали Уралович

Самарқанд давлат университети "Иқтисодиёт" кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисми асосий элементлари, иш билан бандликка кўмаклашиш давлат ва нодавлат тузилмалари фаолиятининг ривожланиш йўналишлари, таснифи ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги тадқиқ этилган.

**Таянч тушунчалар:** меҳнат бозори инфратузилмаси, таркибий қисм, давлат ва нодавлат бандлик хизматлари, рекрут тизими, кадрлар агентликлари, меҳнат қонунчилиги, корхоналар, фирмалар, самарали иш билан бандлик.

**Аннотация.** В данной статье исследованы основные элементы составной части рыночной инфраструктура рынка труда, тенденции, классификация развития деятельности государственных и негосударственных инфраструктур по содействию к занятости работой, и их взаимосвязь и взаимозависимость.

**Ключевые слова:** инфраструктура рынка труда, составная часть, государственная и негосударственная служба по занятости, система рекрут, кадровое агентство, трудовое законодательство, предприятия, фирмы, занятость с эффективной работой.

Меҳнат бозори инфратузилмаси иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим элементи ҳисобланади. Меҳнат бозорида меҳнат воситачилиги билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолиятининг тажрибалари шуни кўрсатадики, у ёки бу бозор субъектлари ўртасидаги ишчи кучига талаб ва таклиф бўйича юзга келадиган муносабатлар самарадорлигини ошириш учун ривожланган инфратузилма зарур. Иккала томоннинг манфаатлари мувофиқлиги учун давлат номидан чиқувчи мустақил ташки тартибга солувчи тузилма керак. Кўпчилик мамлакатларда меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий ташкилий шакли бўлиб, давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Навбатдаги муҳим вазифа – бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат".

Шунга кўра, мамлакатимизда ҳозирги кунда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши билан боғлиқ бозор муносабатларининг амал қилиши шароитида меҳнат бозорининг самарали ривожланишига алоқадор муаммолар, яъни ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришишнинг ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий механизмларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

1. Қ.Х.Абдурахмонов "Меҳнат иқтисодиёти" бўйича дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий ҳоҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

2. С.Бейсенов, Т.Мухамбетовлар "Инфраструктура рынка труда" мақоласида меҳнат бозори инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган бўлиб, унинг ташкилий таркиблари ва устқурмавий элементлари, вазифалари ва функциялари, даражавий

бўлимларининг поғонали тизими ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асослари илмий жиҳатдан асосланган.

3. О.А. Варфоломеева "Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике" номли монографиясида меҳнат бозори инфратузилмаси шаклланишининг илмий асосларини ёритган бўлиб, унда меҳнат бозори инфратузилмаси институтлари тизими сифатида давлат ва нодавлат иш билан бандликка кўмаклашувчи тузилмалари фаолияти, меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш механизми тадқиқ этилган. Шунингдек, асарда меҳнат бозори инфратузилмасининг иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида турли даражалардаги таркибий қисмлари ва элементлари ҳамда давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифланган.

4. В.Кабалина ва И.Козиналар "Посредничество в трудоустройстве: сравнение эффективности государственных и частных структур" мақоласида ишга жойлаштириш бўйича меҳнат воситачилигининг ташкилий тузилмалари, яъни давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари, нодавлат иш билан бандлик хизматини турли йўналишдаги мезонлари бўйича таснифи ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати самарадорлигини таққослама таҳлили ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этган.

5. С.Смирнов "Методы оценки государственной политики занятости" номли мақоласида иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиёсатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолини самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган.

Тадқиқот жараёнда меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, киёсий таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Меҳнат бозорида барча қатнашчиларнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштирувчи ривожланган тузилмавий таркибларнинг мавжудлиги жамиятда ходимлар учун конъюнктура ўзгаришларининг таъсирини юмшатиш, ишлаб

чиқаришни оқилона ташкил этиш ва фойдани кўпайтириш имконини берадиган шарт-шароитлар яратишга қодир бўладиган меҳнат бозорини шакллантириш имконини беради.

Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисми асосий элементларига қуйидагилар киради: давлат муассасалари, иш билан бандликка кўмаклашувчи нодавлат тузилмалар, корхоналар ва фирмаларга кадрлар билан хизмат кўрсатиш, хусусий воситачи фирмалар, самарали иш билан бандликни таъминлайдиган жамоат ташкилотлари ва жамғармалар қабилар.

Бизнингча, аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш ва меҳнат бозорини бошқаришда мазкур бозор инфратузилмаси таркибий қисмининг объектлари иш билан бандлик соҳасидаги ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги қуйидаги шарт-шароитлар асосида юзага келади [8]:

- 1) меҳнат қонунчилиги;
  - 2) иш билан бандлик соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик механизмининг яратилиши;
  - 3) республика миқёсида ягона иш билан бандлик сиёсатининг юритилиши;
- Таҳлил ва натижалар  
Маълумки, миллий меҳнат бозорларида давлат

иш билан бандлик хизматининг пайдо бўлиш тарихи 1919 йилдан ХМТининг яратилишидан бошланади. ХМТининг дастлабки ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конвенциясида (ХМТининг 1919 йилдаги 2-сонли ишсизлик тўғрисида) иш билан бандлик бўйича бепул давлат бюросини ташкил этиш тўғрисида низом қабул қилиш масаласи қўйилди [6].

Республикада давлат иш билан бандлик хизмати таркиби уч даражадан иборат: мамлакат миқёсида ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини юритувчи Меҳнат вазирлиги, унинг ҳудудий даражалардаги бошқармалари ва шаҳар ва туманлар миқёсидаги марказлар. Ушбу ташкилотда иш билан бандликка кўмаклашиш дастурларининг молиялаштирилиши ва ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш функцияларининг амалга оширилиши асосан республика бюджет маблағлари ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, нодавлат иш билан бандлик хизматини бир неча турларга таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат бозорида нодавлат воситачи фирмаларнинг турлари бўйича таснифи\*

Агентликлар турлари	Тавсифи
1. Ишга жойлаштириш бўйича агентлик	Барча категориядаги ишчилар ва мутахассисларни иш жойларига танлаш ва йўналтиришни амалга ошириш бўйича энг кўп сонли гуруҳ. Ушбу ташкилий тузилма таркибида чекланган гуруҳдаги мутахассисларни ишга жойлаштиришга ихтисослашган агентликларга ажратиш мумкин.
2. Хорижда ишчи кучини ёллаш ва меҳнат ресурсларининг ёшлар маркетинги бўйича агентлик	Малакали ишчи кучига талабни ўрганишда хорижий ҳамкорларни излаш. Тест ўтказиш, резюме тузишга кўмаклашиш, ўқиш ва ўқитиш (асосан хориж тилига), ишчи визаларини ва яшаш жойлари билан боғлиқ тартибларни расмийлаштириш.
3. Кадрлар маслаҳати бўйича маслаҳат агентлиги	Юқори малакали мутахассисларни ишга ёллашга кўмаклашади, фирманинг кадрлар муаммоси таҳлилини олиб боради.
4. Қисқа ихтисослашган агентлик	Алоҳида категориядаги фуқароларни (бушатилган заҳирадаги ҳарбий хизматчилар) ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш; махсус фаолият соҳалари учун (масалан, оилада персонални танлаш) персонални танлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.
5. Персонал аутстаффинги бўйича агентлик	Буюртмачи компания штатида персонал ҳулосаси ва уни компания провайдер штатида расмийлаштиради.
6. Персонал аутсорсинги бўйича агентлик	Агентлик штатида турувчи ишчилар, буюртмачи ташкилотга хизмат кўрсатиб, ўзларининг меҳнат функцияларини бажаради.
7. Таълим бериш ва сўнг ишга жойлаштириш марказлари	Иқтисодиёт, юристпруденция, дастурлаш, туризм, хизмат кўрсатиш соҳалари учун мамлакат ва хорижда қафолатланган ишга жойлаштириш бўйича энг замонавий мутахассисликлар бўйича тайёрлашни таклиф этадилар.
8. Бошқалар	Тадбиркорлик фаолиятининг бошқа кўринишлари билан персонални танлаш ва ишга жойлаштириш бўйича алоҳида хизматларни бирга олиб боради.

\*Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишга жойлаштириш бўйича нодавлат хизматлар кўпинча аҳолининг меҳнатга лаёқатли муайян категориялари билан, яъни бошқарувнинг юқори ва ўрта бўғинларига юқори малакали мутахассислар, заҳирага бўшатилган ҳарбийлар, муайян касбларда юқори малакали ишчилар билан ишлашга ихтисослашади. Уларнинг хизматидан фойдаланишни миллий ва хорижий хусусий компаниялар афзал кўрадилар. Давлат иш билан бандлик хиз-

матида нисбатан агентликларнинг иш берувчилар билан алоқалари етарлича узвий ва аҳамиятли равишда ишончлидир.

Кейинги пайтларда меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг давлат ва нодавлат тузилмаларининг шаклланиш самарадорлигини баҳолаш масалаларига кўпчилик тадқиқотчилар ўз эътиборларини қаратмоқдалар [1, 2, 3, 5]. Бунда асосан тадқиқот объекти бўлиб, мувофиқ равишда

мижозларига хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-демографик ва касбий-малака тавсифи ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар бўйича натижаларни умумлаштириш шунини кўрсатмоқдаки, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари меҳнат бозорининг турли сегментларида хизмат кўрсатади. Хусусий хизматлар мижозларининг кўпчилигини ёшлар (уларнинг ўртача ёши 26 ёш, бу вақтда давлат иш билан бандлик хизмати мижозлари 40 ёшни ташкил этади) ва кўпчилиги юқори даражадаги маълумотга эга (хусусий агентликлар орқали ишга эга бўлган юқори маълумотга эга номзодлар ҳиссаси давлат иш билан бандлик хизмати орқали ишга жойлашганларга нисбатан 1,8 марта ортик) бўлганлар ташкил этади. Умуман хусусий хизматлар мижозлари ичида ёшларнинг солиштирма миқдори давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан 1,5-2 марта юқори.

Давлат иш билан бандлик хизмати мижозлари ўртасида умумий 20дан 30 йилгача меҳнат стажига эга фуқаролар кўпчиликни ташкил этади. Бу вақтда тижорат хизматларида 1 йилдан 10 йилгача ташкил этади (2 йилдан 5 йилгача бўлган гуруҳлар иш стажига устунлик қилади).

Кўшимча мутахассисликка эга давлат иш билан бандлик хизмати мижозларининг солиштирма миқдори тижорат хизматларининг мижозларига нисбатан анча паст, чунки улар ишга жойлаштириш бўйича хусусий агентликларнинг потенциал имкониятларини юқори баҳолайдилар.

Хусусий агентликлар кам ҳолларда меҳнат бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари (касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар билан; узоқ вақт ишсиз бўлганлар билан ва ҳ.к.) билан ишлайдилар.

Хусусий хизматлар мижозлари моддий имконияти юқорироқ одамлар ҳисобланади: давлат иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар ўртасида ўтказилган тадқиқот маълумотлари бўйича ўртача киши ҳисобига оилавий даромадга эга шаҳарнинг яшаш минимумидан паст бўлганлар ҳиссаси 65,6 %ни ташкил этган, хусусий агентликларга мурожаат қилганлар ўртасида бундайлар 16,8 %ни ташкил этади [4].

Таққосланаётган ташкилий тузилмалар мижозлари ўртасидаги жиддий фарқ бўлиб, хусусий агентликларга кўпинча янги иш излаш мақсади билан ишлайдиган фуқаролар, давлат иш билан бандлик хизматига эса кўпинча иш жойига эга бўлмаган фуқаролар мурожаат қилади. Шундай экан, давлат иш билан бандлик хизматини хусусий тузилмаларга солиштирганда, асосан меҳнат бозорида етарлича юқори ресурс имкониятига эга фуқаролар мурожаат қиладилар: олий маълумотга, иш жойига, муайян фаровонликка эга ёшлар; нафақат иш қидирувчилар, балки кўшимча иш

ҳақи олишга эга бўлмоқчи бўлганлар.

Давлат иш билан бандлик хизматининг ютуқларидан бири сифатида хусусий хизматлар фойдаланадиган маълумотлар базаси сифатида миқдорий кўрсаткичлар бўйича мавжуд бўш иш жойлари маълумотлар банки ҳисобланади. Ўз навбатида, хусусий агентликлар иш берувчилар ва иш қидирувчи фуқароларга тақдим қилаётган бўш иш жойлари сифати ва тўлиқ ахборотларга эгаллиги билан давлат иш билан бандлик хизматига нисбатан устундир.

Айтиш керакки, давлат иш билан бандлик хизмати мижозларининг тахминан тўртдан биттаси “универсал” категорияга тегишли, яъни ҳам давлат иш билан бандлик хизмати рўйхатида, ҳам хусусий агентликлар рўйхатида туради. Бирдан бир ундайдиган сабаб, тижорат воситачилигига мурожаат қилган давлат иш билан бандлик хизматининг мижозлари бўлиб, меҳнат фаолиятини янгидан бошлаш учун мақбул иш ҳақи даражаси бўйича бўш иш жойларига талаб ва таклиф номувофиқлиги ҳисобланади. Бунда давлат иш билан бандлик хизматининг маълумотлар базасига эга ўртача 16-18 %га эга бўш иш жойлари яшаш минимумидан юқори даражадаги иш ҳақини қафолатлайди.

Бўш иш жойларини бир-бирини такрорланиши “универсал” мижозлар ҳиссасини юксалтириб, турли иш билан бандлик хизматлари ўртасида уларнинг тақсимланиш механизмини такомиллашмаганлигини шартлайди, давлат иш билан бандлик хизмати ишчиларига кам бўлмаган ортиқча юкни оширади. Бу мутлақо ишсизларни ишга жойлаштириш самарадорлигининг ўсиш имкониятини бермайди. Шунинг учун самарали иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишнинг дастлабки шарт бўлиб, айниқса маҳаллий даражада иш билан бандликни кенгайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга иш берувчилар ва ишга жойлаштириш соҳасида фаолият юритувчи давлат ва хусусий барча ташкилий тузилмалар маъсулиятининг умумийлиги ҳисобланади. Қўйилган мақсад йўлидаги амалий қадам бўш иш жойлари таркиби ва иш қидирувчи кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори сегментланиши ва фаолиятнинг мувофиқлигига асосланган иш билан бандликка кўмаклашувчи иш берувчилар, давлат ва тижорат хизматлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари амал қилиши мумкин.

Меҳнат бозорида нодавлат иш билан бандлик хизмати сифатида рекрут хизматлари юқори малакали мутахассисларни танлаш ва ўқитиш хизматларини кўрсатади. Бу фирмалар фақат буюртмачилар олдида мажбурият оладилар ва фаолияти иш берувчи ташкилотлар билан ишлашга йўналтирилган.

2-жадвал

Рекрут агентликлари таснифи\*

Таснифлаш белгилари	Агентликларнинг ихтисослашуви
1. Фирма ичидаги иерархия даражаси	Юқори менежерларни танлаш
	Универсал танлов
2. Касбий мансублик ёки танланаётган персонал фаолияти соҳаси	Бир нечта ўзаро алоқадор касблар бўйича қисқа профилдаги мутахассисларни танлаш
	Кенг доирадаги касблар бўйича ишчиларни танлаш
3. Ёллаш тури	Персонал лизинги (ижараси)
	Доимий ишга персонални танлаш

\*Муаллиф ишланмаси.

Ривожланган мамлакатларда персонални танлаш бўйича мавжуд рекрут хизматлари тизими меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш белгиси ҳисобланади. “Palmen Institute” (АҚШ) маслаҳат фирмаси маълумотларига кўра, барча америка компанияларининг 98 %и рекрут хизматларига таянадилар.

Рекрутмент – бу иш берувчи компаниялар буюртмаси бўйича мустақил ташкилий тузилма сифатида фаолият юритадиган персонални танлаш бўйича пуллик хизматлардир. Мувофиқ равишда рекрут агентликларига персонални танлаш бўйича потенциал иш берувчиларга хизматларни таклиф этувчи меҳнат бозорида ҳар қандай фаолият тегишлидир. Рекрут агентликларини бир қатор белгилари бўйича таснифлаш мумкин (2-жадвал).

Биринчи гуруҳ рекрут агентликлари энг кўп оммалашган бўлиб, бошқарув соҳасининг ҳар қандай даражаси учун персонални танлашга тайёр универсал агентликлар ҳисобланади. Бунда асосий диққат бошқарувнинг паст ва ўрта даражалари учун ишчиларни танлашга қаратилади.

Юқори менежерларни танлаш бўйича агентлик рекрут бизнесининг элетаси ҳисобланади. Улар бўлим бошлиғи ўринбосари даражасидан бошлаб дунё штаб-квартирасида корпорация президенти даражасига етадиган лавозим билан шуғулланувчи компания фаолиятининг бутун йўналишларига маъсул муҳим менежер маъсулларни кидириш билан шуғулланади.

Ҳар қандай хусусий агентликлар мақсади мустақил равишда учта масаланинг ечимидан иборат: 1) буюртмачи-компаниянинг кадрларга эҳтиёжини тушуниш; 2) бу эҳтиёжларга энг кўп даражада мувофиқ келадиган таклифлар ичидан топиш; 3) келгуси ишчиларнинг максимал омиликорлиги ва тартиблилиги бўйича буюртмачига кафолат бериш мақсадида олдинги номзодларни текшириш.

Корхоналарни ўрганиш лойиҳалари доирасида USAID Ассоциацияси томонидан ўтказилган сўров маълумотларига кўра, кўпгина миллий, қўшма ва хорижий компанияларнинг (33,10 ва мувофиқ 52) 79 % сўралганлари кадрлар агентликлари хизматидан фойдаланадилар. Бу режада энг фаоли малакали мутахассислар ва менежерларни олишнинг энг самарали канали сифатида ҳаётини тасаввур қила олмайдиган хорижий компаниялар вакиллари (87 %) ҳисобланади. Рекрут агентлигидан танлашда асосий мезон сифатида нафақат хизматлар баҳоси ва буюртманинг бажарилиш муддати, балки компания “ёши” ҳамда ходимларнинг

обрўси ҳам ҳисобга олинади.

Рекрут агентликларининг ривожланиши меҳнат бозорининг самарали шаклланиш имконини беради. Бироқ бунда мамлакатдан хорижга юқори малакали ишчи кучи чиқиш кетиши амал қилади, модомики, кўпчилик ҳолларда бундай агентликларнинг миқдорлари бўлиб, қўшма корхоналар ёхуд хорижий фирмалар ҳисобланади.

Меҳнат бозорида турли хил ташкилий тузилмаларнинг фаолият соҳалари етарлича аниқланган. Бунда давлат ташкилотлари аҳолининг барча категориялари учун амалда кенг миқёсда бепул хизматларни кўрсатади ҳамда меҳнат бозорида ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Меҳнат бозори инфратузилмасининг меҳнат воситачилиги соҳасида давлат ва нодавлат хизматлари бир вақтнинг ўзида ривожланмоқда ва мутлақо турли хил фаолият билан шуғулланади.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорида давлат ва нодавлат тузилмаларнинг ривожланишида бир қатор жиддий фарқларни келтириш мумкин:

Биринчидан, агарда иш билан бандликка кўмаклашиш давлат тузилмаларининг ривожланиши давлат томонидан муайян дастур асосида амалга оширилса, унда иш билан бандликка кўмаклашишнинг нодавлат тузилмалари ривожланиши давлат дастурлари доирасида эмас, балки хусусий ҳолда фаолиятини ташкил этади.

Иккинчидан, меҳнат бозори инфратузилмаси давлат объектларининг шаклланиши ишга жойлаштиришнинг олдинги тузилмаларини қайта шакллантириш йўли билан ривожланаётган бўлса, меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича нодавлат ташкилотлар кўпчилик турининг шаклланиши янги тузилмаларнинг яратилиши йўли билан амалга оширилди. Бу ўз навбатида турли инфратузилмавий фаолиятни амалга ошириш методологияси ва ресурсларидаги фарқини юзага келтиради. Шундай қилиб, давлат ташкилотлари моддий-методологик базага ва меҳнат бозори контрагентлари вакиллари билан муайян кўникмаларга эга.

Аксинча, иш билан бандликка кўмаклашувчи янги тузилмалар “бўш жойда” яратилади ва меҳнат муносабатлари иштирокчилари манфаатларини мувофиқлаштиришнинг муқобил йўллари кидириш ва фойдаланишга мажбур, шунинг учун улар меҳнат бозори тенденцияларига энг ҳаракатчан ва оператив равишда таъсир кўрсатади.

### 3-жадвал

Меҳнат бозорида иш билан бандликка кўмаклашиш давлат ва нодавлат тузилмаларининг таққослама тавсифи\*

Таққослаш мезонлари	Давлат	Нодавлат
Ривожланиш дастури	Мавжуд	Мавжуд эмас
Меърий-ҳуқуқий ва ташкилий-иктисодий таъминоти	Махсус қонунлар ва қоидалар	Амалда мавжуд эмас
Иш билан бандлик давлат сиёсатидаги қамрови	Тўлиқ	Амалда йўқ
Меҳнат бозори сегментларининг қамров даражаси:	Барча сегментлар	Алоҳида сегментлар
ишчи кучи таклифи бўйича	Барча сегментлар қамраб олинган	Анча рақобатбардош сегментлар
ишчи кучи таклифи бўйича	Барча мулк шаклидаги корхоналарни масимал қамраб олишга интилиш	Нисбатан чегараланган ва ихтисослашган
Қўшимча ташкилий бирликларнинг зарурлиги	Амал қилади	Амал қилади

\*Муаллиф ишланмаси.

Афтидан охириги ҳолат меҳнат бозори инфратузилмасида давлат ва нодавлат элементлари амал қилиш самарадорлигидаги жиддий фарқни юзага келтиради.

Меҳнат бозорида воситачилар объектларининг такослама тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштиришни зарурат этади.

**Биринчидан**, фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш юзасидан “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги” қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

- корхона профилининг ўзгариши, хусусийлаштириш, мулк эгасининг алмашиши натижа-сида унинг таркибидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда сақлаш бўйича қўшимча ўзгартиришлар киритиш;

- муҳандис-техник таркиб, юқори малакали мутахассислар ва ишчилар ҳамда ноёб касбларни асраб қолиш бўйича қўшимчалар киритиш;

- тармоқ тамойилидан келиб чиққан ҳолда ишдан бўшатилган ва ишга жойлашганларни ҳимоялаш нормаси. Масалан, фақат яшаш жойи ҳудудида касбга қайта тайёрлаш ва ишга жойла-шишга мурожат қилиш меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қийинлаштиради, модо-мики, аниқ ҳудуд доирасида ва тармоқ кесимида бўш иш жойлари ҳақида ягона маълумотлар база-сининг мавжуд эмаслиги ишчи кучига талаб ва та-клиф ўртасида номутаносибликни юзага келтира-ди. Бу охир оқибатда ишчи кучининг ҳудудлараро миграциясини юзага келтиради, кўр-кўрона бошқа соҳада иш излашга ёки бошқа мутахассисликка ўқишга мажбур этади;

- меҳнат бозоридаги ҳолатга мувофиқ равишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари.

**Иккинчидан**, амалдаги қонунчиликда аниқ ва-колат чегаралари, функциялар, молиялаш манба-лари, миллий, ҳудудий ва муниципал ҳокимият органлари ўртасида иш билан бандлик соҳалари ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш масала-ларига таъсир этиш соҳаларининг аниқ йўналишлар бўйича таснифланмаганлиги.

**Учинчидан**, ҳалигача меҳнат бозорида нодав-лат ташкилотлар фаолиятини аниқ қатъий белги-

ловчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги.

Нодавлат иш билан бандлик хизматларининг ривожланиши (асосан персонални танлаш бўйича кадрлар агентлиги) меҳнат бозорининг чегара-ланган, ихтисослашган сегментларида ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозо-ри инфратузилмаси давлат органларига юқни қисқартириши ва уларнинг диққат эътиборини бир ерга тўплашни юзага келтириши мумкин. Бироқ бу кам рақобатбардош ва кам ижтимоий ҳимоя қилинган сегментда амал қилади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ҳудудий меҳнат бозорлари инфра-тузилмасининг ҳозирги ҳолатида уларни мувофиқ равишда шаклланиш жараёнларини фаоллаши-шига олиб бормоқда. Шунга кўра меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши қуйидаги чо-ра-тадбирларни амалга оширишни зарурат этади:

- “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Қонуннинг моддаларига ҳозирги иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш талабларига мос ўзгартиришлар киритиш;

- инфратузилма элементлари томонидан турли хил кўринишдаги ахборот ва маслаҳат хизматла-рини шакллантириш;

- ҳудудий даражада меҳнат бозори инфратузил-масининг ривожланиш тамойилларини такомил-лаштириш;

- турли инфратузилма элементлари ҳаракатининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

- меҳнат бозори инфратузилмаси алоҳида ти-зимларини комплекс ривожлантириш.

Меҳнат бозорининг инфратузилмавий тузили-ши уни тартибга солиш механизмларини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. У меҳнат муноса-батлари соҳасида бозорга ўтишнинг бир вақтда индикатори ва меҳнат бозорининг ривожланиш омили ҳисобланади. Меҳнат бозори инфра-тузилмаси унинг иштирокчилари манфаатларини мувофиқлаштириш ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида номутаносиблик юзага келиши-ни юмшатиш вазифасини бажаради. Меҳнат бозо-ри инфратузилмасини ривожлантириш самарадор-лигини ошириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган давлат иш билан бандлик сиёсатини ўтказишнинг пирो-вард натижаларига боғлиқ.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. 117-118 б.
2. Бейсенов С, Мухамбетов Т. Инфраструктура рынка труда // Человек и труд. - 1999.-№1. -С. 25-28.
3. Варфоломеева О.А. Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике. – СПб., Издательство СПбУЭФ. 2001. – С. 25.
4. Кабалина В., Козина И. Посредничество в трудоустройстве: сравнение эффективности государственных и частных структур // Человек и труд. - 2000.-№12.
5. Руднева Л.Н. Формирование и регулирование инфраструктуры рынка труда. // дисс. д.э.н. –Екатеринбург, 2006. –С. 60.
6. Сиденко А.В., Нопов Г.Ю., Матвеева В.М. Статистика: Учебник. - М.: Изд. «Дело и Сервис», 2000. 150 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).
8. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -55 б.

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Остоноқулов Азамат Абдукаримович

Тошкент молия институти, катта илмий ходим изланувчиси

**Аннотация.** Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни жалб этиш бўйича солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича алоҳида имтиёзлар белгиланган. Ушбу жиҳатлар бошқа ҳудудлардан фарқ қилади. Солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, улар бўйича имтиёзларни аниқлаш ва ҳисобда акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларни алоҳида урганиш талаб этилади. Ушбу мақолада солиқ ва мажбурий тўловлар ҳамда улар бўйича имтиёзларни ҳисобда акс эттиришнинг хусусиятлари ва тартиби ёритилган. Шунингдек, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни ҳисобга олиш бўйича шахсий фикрлар келтирилган.

**Таянч тушунчалар:** божхона тўловлари, бухгалтерия ҳисоби, имтиёзлар, мажбурий тўловлар, солиқлар, эркин иқтисодий зона.

**Аннотация.** Утверждены особые льготы на определённые налоги и обязательные платежи по привлечению инвестиций в свободных экономических зонах. Эти качества отличаются от других регионов. Имеется особенность правильного расчета налогов и других обязательных платежей. Требуется особенное изучение определения льгот по налогам и другим обязательным платежам. В данной статье рассматриваются налоговые льготы и выплаты, а также порядок и особенности отражения их учёте. А также, в статье приведены личные мнения по учёту налоговых льгот и других обязательных платежей.

**Ключевые слова:** таможенная пошлина, бухгалтерский учёт, льготы, обязательные платежи, налоги, свободная экономическая зона.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир жамиятнинг ривожланишидаги устувор йўл бўлиб хизмат қилган. Шундай экан, мамлакатимиз ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бозор иқтисодиётига асосланган ҳамда унинг маданийлашган шакли - ижтимоий йўналтирилган иқтисодий бошқарувга ўтиш мақсад қилинди. Бу йўналиш барқарор йўл бўлиб, унга эришиш объектив заруриятдир. Ушбу мақсадга эришишда иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантиришда солиқ сиёсатидан ҳамда иқтисодий ривожланишнинг халқаро тажрибаларидан ўринли фойдаланиш учун эса ҳудудий тажриба сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан фойдаланилмоқда.

Маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркин иқтисодий зоналардан иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳудудий услуги сифатида фойдаланиш ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибаларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси (2008 йил), “Ангрен” (2012 йил) ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари (2013 йил) ташкил қилинди.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ), “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари (МИЗ)да рўйхатдан ўтган хўжалик юртувчи субъектларнинг фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш учун уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига боғлиқ равишда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар турлича белгиланган эди(1-жадвал).[1-3]

Қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, эркин иқтисодий зоналарда бир қанча солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бир

вақтнинг ўзида белгиланган бўлиб, ушбу имтиёзларнинг амал қилиш шартлари ва даври келтирилган. “Навоий” ЭИИЗда реинвестиция билан боғлиқ қўшимча имтиёз ставкалари ва қўшимча имтиёз даврлари ҳам мавжуд бўлган. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар фаолият муддати давомида амал қилувчи божхона имтиёзлари ва уларнинг тартиби ҳам белгиланган.

Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони билан эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишни янада рағбатлантириш, улар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш мақсадида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари бирхиллаштирилиб “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари деб, номилаш ҳамда ушбу зоналарда хорижий инвесторларга инвестиция киритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ягона ҳуқуқий режим белгиланди ва барча имтиёзлар бирхиллаштирилди(2-жадвал). [4]

Ҳозирда барча эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бирхиллаштирилиб, улар самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Шундай имтиёзларга эга бўлган эркин иқтисодий зоналарда хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши, улар фаолиятини ташкиллаштиришда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тўғридан-тўғри хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш замонавий ёндашувларни талаб этади. Бу бухгалтерия ҳисоби тизимини мазмунан бойитади ҳамда эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда ўзига хос жиҳатларни келтириб чиқаради.

## Олдин эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар

“Навоий” ЭИИЗ	“Ангрен” ва “Жиззах” МИЗ
<b>Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар</b>	
1. ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун); 2. фойда солиғи; 3. ер солиғи; 4. мол-мулк солиғи; 5. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; 6. Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлар.	1. ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун); 2. фойда солиғи; 3. мол-мулк солиғи; 4. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; 5. Республика йўл жамғармасига ажратмалар.
<b>Инвестициялар ҳажмига боғлиқ тарзда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар даври</b>	
1. 3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга; 2. 10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; 3. 30 миллион евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.	1. 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда - 3 йил муддатга; 2. 3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда - 5 йил муддатга; 3. 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.
<b>Божхона имтиёзлари</b>	
Асосан экспортни рағбатлантиришга эътибор қаратилиб фаолият юритадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом-ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.	Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида МИЗ ҳудудига олиб кириладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллардан олинадиган божхона тўловларини тўлашдан озод этилади (божхона йиғимлари бундан мустасно).

## Ҳозирда эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар

“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” ЭИЗ
<b>Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар</b>
1. ер солиғи; 2. даромад солиғи; 3. юридик шахслар мулк солиғи; 4. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; 5. микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови; 6. Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этилган.
<b>Инвестициялар ҳажмига боғлиқ тарзда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар даври</b>
1. 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга; 2. 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга; 3. 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга; 4. 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга.
<b>Божхона имтиёзлари</b>
Ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этилган (божхона расмийлаштируви учун йиғимларидан ташқари).

Эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисоби мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари иқтисодиёт тармоқларидаги каби юритилади. Аммо, ҳеч бир соҳа ёки тармоқда эркин иқтисодий зонадаги каби махсус имтиёзлар бир вақтнинг ўзида берилмайди. Бундан ташқари, инвесторларни жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш бўйича солиқ ва мажбурий тўловлар, божхона тўловлари ва маъмурий имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналарда жорий қилинган. Ушбу имтиёзлардан тўғри фойдаланиш, имтиёз натижасида бўшаган маблағларни мақсадли сарфлашни ташкил этиш ва бошқаришда бухгалтерия ҳисоби асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Бу эса, эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобининг хусусиятларини комплекс ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини тартибга солиш, назоратини самарали ташкил этиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчилар молия-хўжалик фаолиятига ижобий таъсирини таъминлаш, инвестициялар самарадорлигини таъминлашда солиқ ва мажбурий тўловлар ҳамда улар бўйича имтиёзлар ҳисобини тўғри ҳамда ўз вақтида юритилиши керак.

Эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг ҳисоби "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида юритилади.[5]

Маълумки, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар корхоналарга **бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ва мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан** (мақсадли имтиёзлар) берилади.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектлар бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганида тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловларни маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкни сотиш (харид) қийматиغا ҳисоблаб ёзмайди ва киритмайди.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганида эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектлар ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек, қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғидан ташқари) ва бюджетга мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкни сотиш (харид) қийматиغا киритади.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектларда бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг ҳисоби 8840 - "Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағида, берилган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг турлари бўйича юритилади. Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни ҳисоблаб ёзаётганда батафсил ҳисобга олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларининг иш режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилади:

а) бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4400) гуруҳида "Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

б) (4500) гуруҳида "Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

в) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6400) гуруҳида "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

г) суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳида "Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи.[6]

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектларда мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қуйидаги тартибда ҳисобга акс эттирилади:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ товар-моддий захиралар, асосий воситалар, номоддий активлар ва ўрнатиладиган ускуналарни, шу жумладан импорт қилинадиганлари харид қилинаётганда харид қийматиغا киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган солиқ, мажбурий тўловлар ва божхона тўловлари суммасига:

Дебет 0800 - "Капитал қўйилмалар", 0700 - "Ўрнатиладиган ускуналар", 1000 - 2900 - "Товар-моддий захиралар ҳисобварақлари";

Кредит 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(турлари бўйича)" ҳисобварағи;

б) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда ҳисоблаб ёзилган ҚҚС, акциз солиғи суммасига:

Дебет 4010 - "Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган ҳисобварақлар", 4120 - "Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олиннадиган ҳисобварақлар" ҳисобварағи;

Кредит 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

в) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҚҚС ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

Дебет 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

Кредит 8840 - "Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи;

г) асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишида ҚҚС суммасига:

Дебети 9200 - "Асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари";

Кредит 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ давр харажатларига киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммасига:

Дебет 9430 - "Бошқа операция харажатлар" ҳисобварағи;

Кредит 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

Кредит 6500 - "Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

е) хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси

хисобига киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммасига:

Дебет 9800 - "Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш" ҳисобварағи;

Кредит 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

ж) бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

Дебет 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

Дебет 6500 - "Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

Кредит 8840 - "Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектларда **солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни бериш натижасида бўшаган** ҳамда 8840 - "Мақсадли фойдаланидиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар қуйидаги тартибда ҳисобдан **чиқарилади:**

а) асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликларни харид қилишга, кредит ва қарзларни сўндиришга, асосий воситаларни реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришга йўналтирилганда, агар имтиёзли давр кўрсатилган бўлса - муддатларнинг энг ками бўйича; имтиёзли давр ёки ҳақиқатда ишлатиш тугаганда, имтиёзли давр кўрсатилмаган ҳолларда эса - ҳар йили:

Дебет 8840 - "Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи;

Кредит 8530 - "Текинга олинган мол-мулк" ҳисобварағи;

б) жорий мажбуриятларнинг ҳосил бўлишига (масалан: иш ҳақининг ҳисоблаб ёзилиши, ижара, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар ва ҳоказо) олиб келадиган жорий харажатларни қоплашга йўналтирилганда:

Дебет 8840 - "Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи;

Кредит 6010 - "Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар", 6120 - "Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар", 6710 - "Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар", 6900 - "Турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш" ҳисобварағи ва бошқа тегишли ҳисобварақлар.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритув-

чи субъектларда **солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганда бўшаётган маблағлар суммалари, агар улардан мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса**, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот(2-сон шакл)да акс эттирилмайди ва тегишлича, молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир қилмайди.

Вақтинчалик солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар чоғида бўшаётган маблағларнинг лозим даражадаги бухгалтерия ҳисобини таъминлаш мақсадида, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, мажбурий тўловлар ва божхона тўловлари бўйича "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" алоҳида баланسدан ташқари ҳисобварағи очилади.

Бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, мажбурий тўловлар ва божхона тўловлари бўйича ҳисоблаб ёзилган, бўшаган маблағлар суммаси умумбелгиланган тартибда мазкур ҳисобварақ дебети бўйича акс эттирилади.

Имтиёз берилган давр тугаганидан сўнг "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" баланسدан ташқари ҳисобварақлари дебитида ҳисобга олинадиган бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобварақлар кредитига ҳисобдан чиқарилади. Доимий солиқлар, мажбурий тўловлар ва божхона имтиёзлари чоғида бўшаётган маблағлар, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, мажбурий тўлов ва божхона тўлови бўйича молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилади.

Эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ушбу ҳудудга инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни ва иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш учун белгиланган экан, ушбу имтиёзлар ва улар натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланишни тўғрилигини таъминлаш учун уларнинг ҳисобини юритиш ва мунтазам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисоби ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда ушбу ҳудуддан тажриба сифатида фойдаланиш ўринли бўлар эди.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиши тўғрисида" 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони;*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиши тўғрисида 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сон Фармони;*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиши тўғрисида 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сон Фармони;*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони;*
5. *Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни(Янги тахрирда 2016 йил 13 апрелдаги 404-сон);*
6. *"Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли 21-сон БҲМС (Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 09.09.2002 йил тасдиқланган 103-сон).*

## КРЕДИТ ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Турдыева Гулайда Омирбаевна

Тошкент давлат аграр университети, катта илмий ходим изланувчиси

**Аннотация.** Мақола кредит қобилиятини баҳолаш учун қўшимча маълумот манбаларини шакллантириш масалаларига бағишланган. Кредит қобилияти таҳлил қилиш жараёнида фойдаланиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига оид бўлмаган маълумот манбалари тавсия этилган ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Кредит бюрolari хизматларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталган. Жумладан, бу борадаги халқаро тажриба ва мамлакатимиз амалиётидаги ютуқлар баён этилган. Кредит бюроси фаолиятининг асосий мақсади ва принциплари ёритилган. Хулосада, муаллиф томонидан кредит қобилиятини баҳолаш учун қўшимча ахборот манбалари гуруҳланган, тавсифланган ва тавсия қилинган.

**Таянч тушунчалар:** кредит, кредит қобилияти, бизнес-режа, солиқ ҳисоботи, бошқарув ҳисоботи, кредит бюро, принциплар, қўшимча ахборот манбалари, гуруҳлар.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам формирования дополнительных источников информации для оценки кредитоспособности. Рекомендованы небухгалтерские источники информации и показаны основные направления их использования в оценке кредитоспособности. В частности, изложены международный опыт и достижение отечественной практики в этом направлении. Освещены основная цель и принципы деятельности кредитного бюро. В заключении автором сформированы, охарактеризованы и рекомендованы дополнительные источники информации для оценки кредитоспособности.

**Ключевые слова:** кредит, кредитоспособность, бизнес-план, налоговая отчетность, управленческая отчетность, кредитное бюро, принципы, дополнительные источники информации, группы.

Эркин бозор иқтисодиёти мақонида фаолият кўрсатаётган корхоналар кредит қобилиятини таҳлил қилиш услубиятининг муҳим элементларидан бири унинг ахборотлар базаси ҳисобланади. Шундай экан, тижорат банклар ва кредит ташкилотларида кредит қобилиятини сифатли таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлган сифатли ахборот таъминоти зарур. Кредит қобилиятининг таҳлили бўйича хулосалар ишончилиги, объективлиги ва сифати ҳўжалик юритувчи субъект томонидан турли манбалардан олинган маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш натижасида таъминланади. Ш. Абдуллаеванинг «Банк иши» дарслигида «Банклар орқали қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси маълум бир андозага туширилган молиявий коэффицентлардан фойдаланадилар» деб изоҳлаган [1]. Ушбу коэффицентлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосланиб ҳисобланади.

Амалиётда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини таҳлил қилиш учун ахборот манбалари сифатида асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда бошқа молиявий ахборот манбаларидан фойдаланилмоқда. Кўпчилик тижорат банкларининг методикаларига мувофиқ «кредитни қайтара олиш қобилиятини баҳолаш ҳўжалик юритувчи субъектларнинг баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади» [2,3]. Лекин, ҳўжалик юритувчи субъектнинг кредит қобилияти тўғрисида асосланган хулоса чиқариш учун фақат молиявий ҳисобот маълумотлари етарли бўлмайди, маълумотлар манбаи сифатида бошқалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ички бошқарув ҳисоботлари корxonанинг молиявий аҳволи, унинг йил мобайнида ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ўзгариши ҳақида янада ишончлироқ хулосалар чиқариш имкониятини беради. Солиқ ҳисоботлари эса корxonанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан ҳисоб – китоблар ҳолати ҳамда уларнинг кредит қобилиятига таъсирини баҳолашга ёрдам беради.

Янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадлари ва методлари тўғрисидаги маълумотлар асосан бизнес-режа ва техник – иқтисодий асосномалардан олинади. Улар махсулотлар ёки хизматлар таърифи, тармоқ ва бозор прогнози, маркетинг режаси, ишлаб чиқариш режаси, менежмент режаси, молиявий режа ҳамда бошқа норматив ҳисоб – китоблардан иборат. Кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши корхона томонидан банкка тақдим этилган бизнес-режанинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки, бизнес-режа маълумотлари корхона фаолиятининг барча томонларини режалаштириш, кўзда тутиш ҳамда лойиҳанинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш қобилиятини кўрсатади. Бизнес-режа корхонага кредит ресурслари бериладиган шартларни олдиндан белгилайди, негаки бизнес-режага киритилган маълумотлар лойиҳани амалга оширишнинг риск даражасини, корxonанинг кредит ва у бўйича фоизларни тўлаш учун етарли даромад олиш имкониятини акс эттиради.

Шундай қилиб, банк нуқтаи назаридан, бизнес-режадаги тафсилотларга асосланиб корхонага кредитлар берилиши маъқул деб ҳам, хатарли деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун бизнес-режанинг сифатли тузилиши банк таҳлилчисида лойиҳага нисбатан қизиқиш уйғотиши, сармояларнинг мақсадга мувофиқлиги ва корxonанинг керакли молиявий ресурсларни олиш имкониятлари мавжудлиги тўғрисида дастлабки тасаввур шакллантирилади. Шу жумладан, корxonанинг лойиҳани муваффиқиятли амалга ошириши ва банкнинг ўз маблағларини қайтариб олиши ва шартномада кўзда тутилган муддатларда фоиз кўринишидаги даромадларни ҳам олишдан иборат бўлган мафаатларини ҳисобга олиш имкониятини баҳолаш учун зарур шартлардан ҳисобланади.

Кредит қобилиятини таҳлил қилиш учун ахборот манбаи сифатида бизнес-режани ўрганишнинг яқунловчи босқичи тарафларнинг кредит шартномасини имзолашидан иборат. Хусусан, бу босқичда банк ходимини қизиқтираётган саволларга, биринчи навбатда, лойиҳага қандай маблағларни ва қандай миқдорда сармоя қилиш керак, бундан қандай фойда олинади, лойиҳани амалга ошириш рисклари кат-

тами деган саволларга жавоблар топилади. Шунинг учун кредит таҳлилчилари корхона лойиҳани амалга ошириш босқичлари ҳақида қандай тасаввурга эга эканлигини ва унинг муваффақиятли амалга оширилиши эҳтимолини баҳолайди. Чунки, агар зарур тадбирларнинг ташкилий ва технологик босқичларида номувофиқликлар бўлса, бу корхона лойиҳани амалга ошириш йўллари пухта ўйламаганлигини кўрсатади. Демак, бундай лойиҳани молиялаштириш учун кредит ажратилиши риск даражасининг ортишига олиб келиши мумкин.

Кейинчалик бизнес-режанинг инвестициялаш шарт - шароитларини таърифловчи бўлими таҳлил қилиниши керак. Чунки бу лойиҳани амалга оширишда вазиятнинг ривожланиши истиқболларини прогнозлаштириш ва натижада, сармояларнинг хатарлигини баҳолаш имкониятини беради. Корхона ва маҳаллий ҳокимият органлари қандай муносабатда бўлиши, минтақада иқтисодий ўсиш суръати, минтақа (мамлакат ва ҳ.к.) даражасидаги рақобат муҳити қандайлигига қараб, кўп жиҳатдан кредит ресурсларини бериш рисклари даражаси боғлиқ. Бундан ташқари, кредитор- банк томонидан корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам таҳлил қилиниши керак, негаки, асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан кадрлар салоҳияти ва умуман менежментининг самарадорлиги билан белгиланади. Демак, бу корхонанинг даромад олиш даражасига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)лар сифатига ва молия-хўжалик фаолиятнинг бошқа тарафларига ҳам таъсир кўрсатади.

Банк таҳлилчилари эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири – кредитор - банк билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли фойда олинишини ва менежмент даражасини таъминловчи маҳсулотларнинг зарур даражадаги сифати ва харажатларни тежашга эришишдир. Барча қайд этилган жиҳатларни ҳисобга олиш кредиторга лойиҳани амалга ошириш учун пул маблағларини бериш рискларини баҳолаш имкониятини беради.

Иқтисодий адабиётларда, шу жумладан О.В.Ефимованинг «Финансовый анализ» ўқув қўлланмасида бизнес-режанинг қуйидаги тахминий таркиби ва мазмуни келтирилган:

- фаолият мақсадлари;
- бизнеснинг қисқачи тавсифи;
- бозор таҳлили;
- корхонанинг рақобат устунлиги;
- маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) тавсифлари;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- инвестицион муҳит ва рисклар;
- маҳсулотларнинг етарли сифатига эришиш;
- маҳсулотларни сотиш қўламлари;
- бошқариш ва кадрлар;
- корхона фаолиятини молиялаштириш хусусиятлари;
- бизнес самарадорлиги ва унинг истиқболларини баҳолаш;
- иловалар[3].

Ушбу ҳужжат аниқ таркибга эга бўлиши, ундаги маълумотлар аниқ ва асосланган, материаллари кўргазмалар бўлиши (яъни схемалар, графиклар, диаграммалар, жадваллар келтирилиши) ва сифатли расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Кредит қобилиятини таҳлил қилишда кредит таъминотига доир маълумотлар манбаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мол –мулкни гаровга қўйиш кредитнинг қайтарилишини таъминлаш шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикаси Гаров тўғрисида Қонуннинг 5 - моддасига мувофиқ «ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулк хуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно» деб кўрсатилган[4].

Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, кредит таъминоти сифатида кўпинча ҳар хил активлар тақдим этилади. Шунинг учун банк ходимлари қуйидаги жиҳатларни аниқлаши зарур: активларга эгаллик ҳуқуқи, уларнинг хизмат муддати, қолдиқ қиймати, маънавий эскириш эҳтимоли, узок муддат сақланиш қобилияти, хатлаш ҳуқуқи, қарзлар ва чеклашлар. Хусусан, таъминот сифатида тақдим этилган асосий воситалар бўйича объект номи, чиқарилган (қурилган) йили, дастлабки қиймати, инвентарь рақами, фойдали хизмат муддати, ҳисобланган амортизация суммаси, фойдаланишга топшириш санаси тўғрисидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай маълумот манбаи «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатномага (юк хати)» (№ АВ-1 шакл) бўлиши мумкин. Шу билан бирга, далолатномага ушбу объектга тааллуқли техник ҳужжатлар (паспорт, чизмалар ва ҳ.к.) илова қилинади. Таъмирланган, тикланган ва замонавийлаштирилган объектларни баҳолаш учун зарур маълумотлар «Таъмирланган, тикланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома»га киритилган бўлиши лозим. Ушбу далолатномада тиклаш ва замонавийлаштириш натижасида объектнинг техник тавсифлари ва дастлабки қийматнинг ўзгариши, ҳисобланган амортизация суммаси, шартнома бўйича ва ҳақиқатдан бажарилган ишлар қиймати, таъмирлаш (замонавийлаштириш) муддати кўрсатилади.

Корхонанинг кредит бўйича мажбуриятлари мол-мулкни гаровга қўйиш ҳисобига таъминласа, банк олдида гаров таъминотини баҳолаш зарурати вужудга келади. Баҳолашнинг асосий методлари деб қуйидагилар ҳисобланади: харажатлар методи, сотиш аналоглари методи ва даромадлилик методи. Бундай маълумотлар манбаи сифатида қуйидагилар хизмат қилиши мумкин: ҳар хил ресурсларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги турли норматив ва технологик қайдномалар (смета ҳужжатлари); норма ва норматив тўпламлар; технологик жараёнлар схемалари; ускуналарнинг техник тавсифлари; турли вақт оралиғи ва турли минтақалар бўйича товар(иш, хизмат)ларга белгиланган нархлар тўғрисида тўпламлар ва ахборотномалар; инфляция суръатлари ва турли вақтдаги нархлар индекслари; таъминотни баҳолаш имкониятини берадиган бошқа ҳужжатлар. Бундан ташқари, тегишли лицензияларга эга баҳоловчи ташкилотларнинг мутахассислари ёрдамига мурожаат қилиш ҳам мумкин.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида кредит олувчилар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда кредит бюрларининг роли катта аҳамиятга эга. Бундай кредит бюрлари кўплаб Европа мамлакатларида мавжуд. Жумладан, Д.А.Ендовицкий ва И.В. Бочаровалар маълумотларига кўра: «Франция банки томонидан махсус ахборот картотекаси-FIBEN[5] таъсис этилган. Картотекада тўпланган маълумотлар таҳлил қилинади ва умумий баҳолаш (резюме) берилади, у корхонанинг қисқа муддатли

(бир-икки йил) истиқболга турғунлиги даражаси котировкадан иборатдир. Франция Банкининг котировка бериш тўғрисидаги қарори ҳар доим асосланган бўлади ва корхона ҳамда унинг банки ўртасида узок муддатли барқарор муносабатлар ўрнатилишига ва бу билан кредитларнинг оқилона берилишига кўмаклашади. Корхоналарга бериладиган котировка уларни иш фаоллиги даражасига, молиявий аҳволи ва иқтисодий муҳит ҳолатига қараб, шунингдек тўловларнинг мунтазамлигига қараб, таснифлаш имкониятини беради. Кредит ташкилотлари маълумотлар босқичларини олиш учун FIBEN маълумотлар банкига мурожаат қилиши мумкин. FIBENнинг маълумотлар банкидан фойдаланиш битим асосида амалга оширилиб, унга мувофиқ қатнашчилар ўз зиммасига махфийликни сақлаш мажбуриятини олади.

Польшада 1997 йилда Кредит ахборотлар бюроси (Biuro Informacji Kredytowej S.A.) яратилган эди. Унинг асосий мақсади - миқозларнинг кредит тарихлари бўйича комплекс ахборотлар базасини яратиш ва банклар кредит операцияларини амалга оширганда уларга кредит рискларини камайтиришга кўмаклашишдан иборат бўлган»[6].

Шундай қилиб, ахборотларни очиб беришнинг юзага келган тизими ва уларни тўплаш жараёнининг сермехнатлиги корхонанинг кредит қобилиятини таҳлил қилишда инвесторларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмас. Ушбу шароитларда корхона тўғрисида маълумотларни тақдим этишга ихтисослаштирилган компаниялар - кредит бюрolari фаолиятини тақомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Кредит ахборотларининг алмашинуви тўғрисида» қонунининг 7-моддасига мувофиқ «Кредит бюроси – қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилган ва кредит ахборотлари алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахс»[7].

Кредит бюроси фаолиятининг асосий мақсади - миқозларнинг кредит тарихлари бўйича комплекс ахборотлар базасини яратиш ва банклар кредит операцияларини амалга оширганда уларга кредит рискларини камайтиришга кўмаклашишдан иборат бўлган. Кредит бюрolari ўз фаолиятида қуйидаги асосий принципларга таянади: ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ахборот алмашинув принципи; ишонччилик ва аниқлик принципи; бетарафлик принципи; юқори даражадаги хавфсизлик ва ҳимояланиш принципи.

Ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ахборот алмашинув принципи. Ушбу принципнинг мазмуни шундан иборатки, кредит бюросининг ахборотлари ўз миқозлари тўғрисида кредит бюросига кредит ахборотларини тақдим этган кредит жараёни иштирокчиларига берилади. Тузилган шартномага мувофиқ кредит бюросига мунтазам равишда ахборотларни тўлиқ тақдим этадиган иштирокчилар кредит бюросининг маълумотлар базасида сақланаётган ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ишонччилик ва аниқлик принципи мувофиқ кредит бюросига ахборотларни тақдим этган ташкилотлар уларнинг туғрилиги ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Кредит бюроси эса фақат маълумотларга тўғри ишлов бериш ва ахборотларни маълумотлар базасига хатосиз жойлаштириш учун маъсuldир.

Бетарафлик принцип тижорат сири ҳисобланган ахборотларнинг ва уларни тақдим этган банк номи ошқор этилмаслигини билдиради.

Юқори даражадаги хавфсизлик ва ҳимояланиш принципи тўпланган ва кредит бюроси билан

ўртасида тарқатиладиган барча ахборотларнинг махфий эканлиги ҳамда банк сири ҳисобланишини билдиради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.04.2004 йилдаги «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотларни ҳисобга олиш тизимини шакллантиришга доир чора – тадбирлар тўғрисида» ги 197 – сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда кредит ахборотлари алмашинувининг икки поғонали тизими яратилди. Бу тизим Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотлари миллий институти (КАМИ) ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси(БКБ)дан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.03.2012 йилдаги «Кредит ахборотларининг алмашинуви тўғрисида қонунини амалга оширишга доир чора – тадбирлари тўғрисида» ги 74 – сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси (БКБ) негизида «Кредит ахборот таҳлил маркази» кредит бюроси маъсулият чекланган жамияти ташкил этилди. «Кредит ахборотларининг алмашинуви тўғрисида» қонуннинг 8-моддасига мувофиқ «Кредит бюросини давлат рўйхатида ўтказиш, кредит бюроси фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш (бундан кейин - лицензия) Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан амалга оширилади»[8].

Ўзбекистонда 2012 йилдан бошлаб, яъни «Кредит ахборотларининг алмашинуви тўғрисида» қонун қабул қилинганидан сўнг кредит бюрolari фаолияти маълум даражада ривожланмоқда. Лекин ушбу ҳаракатлар нафақат меъёрий ва ташкилий-услубий таъминотдаги муаммоларга, балки тижорат банкларининг ўзаро рақобатлашуви билан боғлиқ тўсиқларга ҳам дуч келмоқда. Корхонанинг ҳақиқий кредит қобилияти тўғрисида ҳаққоний маълумотларнинг етишмаслиги кредит рискларини ошириши ва инвесторлар томонидан кредит ресурсларидан фойдаланишга маълум даражада тўсқинлик қилиши мумкин. Ҳозирги пайтда кредит бюрolari тизими тижорат банкларининг ва бошқа таҳлил ахборотларидан фойдаланувчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири жойларда ихтисослашган кредит бюрolarининг етишмаслигидир. Ушбу мақсадларда кредит олувчи тўғрисида маълумотлар олишга ёрдам бераётган банкнинг ички хизматлари билан бирга янги махсус кредит бюрolari яратиш зарурати вужудга келмоқда. Бу банкнинг кредит бўлинмалари муайян вақт оралиғида баҳолаши мумкин бўлган миқозлар сонини чекловчи арзон чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

Фикримизча, бундай кредит бюрolarининг асосий вазифаларини қуйидаги йўналишларда ривожлантириш зарур: кредитни бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун кредиторга керакли бўлган маълумотларни тўплаш ва ишлаб чиқиш; манфаатдор шахсларга кредит олувчи тўғрисида тўлиқ, аниқ ва фойдаланиш мақсадларига мувофиқ бўлган маълумотларни тақдим этиш; маълумотлар базасини руҳсатсиз фойдаланишдан ва бюрони ташкил этиш мақсадларига мувофиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш имкониятидан муҳофаза қилиш.

Кредит бюрolari қуйидаги муаммоларни ҳал қилиши мумкин:

- кредитларни қайтариш эҳтимолини янада аниқроқ прогнозлаштириш учун банкларнинг потенциал кредит олувчилар тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш;

- ўзаро ҳамкорликдаги тарафлар бир-бири ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўладиган очик ривожланган капитал бозорини шакллантириш ҳамда уни кенгайтириш;

- олинандиган ахборотлар қийматини камайтириш ва натижада, кредит ресурслари қийматини камайтириш ва кредитлаш жараёнини тезлаштириш;

- кредит олувчилар интизомини мустаҳкамлашнинг таъсирчан механизмни яратиш.

Демак, кредит бюрolari фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсади – кредит олувчининг кредит қобилиятини таҳлил қилиш харажатларини, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш рискларини камайтиришдан иборат. Шунингдек, кредитлаш тартибни анча соддалаштириш ва тезлаштириш имкониятини берувчи кредит жараёни катнашчилари ўртасидаги ахборотларни тезкор тўплаш ва алмашишнинг самарали тизимини яратишдир.

Шу билан бирга, кредит бюрolari фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий ва ташкилий таъминотини такомиллаштириш кредит олувчининг кредит қобилиятини таҳлил қилиш харажатларини, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш рискларини камайтириш таъминлайди. Кредит жараёни катнашчилари ўртасида ахборотларни тезкор тўплаш ва алмашишнинг самарали тизимини яратиш, бу кредитлаш тартибни соддалаштириш ва тезлаштириш имкониятини беради. Шунингдек, кредит операциялари самардорлигини ошириш мақсадида маълумотларни муайян технология бўйича олиш ва алмашиш жараёнини стандартлаштиради.

Баён қилинган фикр–мулоҳазаларни умумлаштириб, кредит қобилиятини баҳолашда фойдаланиладиган қўшимча (номолиявий) ахборот манбаларини қуйидагича шакллантиришимиз мумкин (жадвал).

Жадвал

## Кредит қобилиятини баҳолашда фойдаланиладиган қўшимча (номолиявий) ахборотлар манбалари\*

№	Маълумот манбалари	Тавсифи
1.	Бизнес – режа: - маҳсулот ёки хизматлар тарифи; - тармок ва бозор прогнози; - маркетинг режаси; - ишлаб чиқариш режаси; - менежмент режаси; - молиявий режа; - бошқа норматив ҳисоб - китоблар	Бизнеснинг истиқбо-лини, молиявий барқарор ривожланиши, менежментнинг компетентлиги кабиларни ўрганиш учун
2.	Кредит таъминотига доир ахборотлар манбалари: - гаров шартномаси; - гаровларни рўйхатга олиш дафтари; - кафиллик шартномаси; - гаров таъминотини баҳолаш далолатномаси; - гаров мулкни суғурталаш полиси; - маркетинг ва бошқа агентликларнинг маълумотлари - ички ишлар идораси, ер кадастри, мулкни бошқариш бўлимида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома	Гаров таъминотининг мавжудлиги, ҳуқуқий таъминланганлиги, гаров мулкнинг ликвидлигини ва кредит таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни ўрганиш учун
3.	Кредит бюрolarидан олинандиган маълумотлар:	Кредитларни қайтариш эҳтимолини ўрганиш
4.	Ички бошқарув ҳисоботлари маълумотлари	Ишлаб чиқаришнинг ҳолатини ўрганиш
5.	Солиқ ҳисоботлари маълумотлари	Солиқ билан боғлиқ мажбуриятлар ҳолати
6.	Интернет тармоғидан олинандиган ахборотлар:	Қўшимча ахборот

\* Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Шундай қилиб, кредит қобилияти таҳлилида анъанавий маълумот манбалари, яъни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари билан бирга бошқа қўшимча манбалари маълумотларидан

ҳам фойдаланиш кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши ҳамда ундан самарали фойдаланишнинг ишончлилигини таъминлашга ёрдам беради.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Abdullaeva Sh. Z. *Bank ishi. O`quv qo`llanma.* // -T: «IQTISOD-MOLIYA», 2012, -B.153.
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитни қайтара олиш қобилиятини ҳисоб-китоб қилиш усули. «Микрокредитбанк» ОАТБ Қўзатув Кенгаши 1-сонли қарори, 20.01.2011 й.
3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш усули. «Агробанк» ОАТБ Кенгаши, 3/2-сонли қарори, 24.01.2012 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Гаров тўғрисида қонуни (янги таҳрири), Тошкент, 1май 1998й. www.lex.uz.
5. FIBEN (Fichierbancaire des entreprises) – Хўжалик юритувчи субъектларнинг марказлашган маълумотлар базаси
6. О.В. Ефимова. Финансовый анализ / О.В. Ефимова. М.: Бухгалтерский учет, 2002. –с.149.
7. Д.А.Ендовицкий., И.В. Бочарова. Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Москва: КНОРУС, 2008г. –С. 135-136.
8. Ўзбекистон Республикаси «Кредит ахборотларининг алмашинуви тўғрисида» қонуни, 8-модда.(Қонунчилик Палатаси томонидан 11.08.2011й.да қабул қилинган, Сенат томонидан 26.08.2011й.да маъқулланган)

Оқиллов Собир Қосимович

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги "Ўқув маркази", Таълим хизматлари прогнозилаштириш ва ижроси назоратини олиб бориш бўйича координатор

**Аннотация.** информация характердаги мазкур мақолада молиявий институтлар, хусусан, молиявий воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

**Таянч тушунчалар:** бозор, бозор муносабатлари, молиявий институтлар, молиявий воситачилар, брокерлар, депозит молиявий ташкилотлар, недепозит молиявий ташкилотлар.

**Аннотация.** в данной информационной статье даётся краткий обзор системы посредничества как особого рода финансовых институтов.

**Ключевые слова:** рынок, рыночные отношения, финансовые институты, финансовые посредники, брокеры, депозитные финансовые организации, недепозитные финансовые организации.

Молиявий воситачи(даллол)лар мавзуси иқтисодий йўналишдаги жуда кўп фан соҳалари томонидан ўрганилади, чунки бозор муносабатларининг ўзига хос характерли хусусиятлари туфайли биронта ҳам соҳада воситачи(даллол)лар сиз фаолият юритишнинг иложи йўқ.

Бозор иқтисодиёти яхши ривожланган жамиятлардаги молия бозорларида молиявий воситачи(даллол)лар муҳим роль уйнайди. Зотан улар, молия бозорининг барча сегментларидаги жараёнларда фаол қатнашиб муҳим вазифаларни бажаради.

Иқтисодиётга тааллуқли масалаларга бағишланган илмий адабиётларда молиявий воситачи(даллол)лик тизимининг ўрни ва роли иқтисодий молиявий даражаларда ўрганилади.

Амалий нуқтаи назардан олганда, молиявий воситачи(даллол)ларнинг фаолияти пировард натижада янги молиявий инструментларни яратиш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида воситачилик функцияларини бажарувчи молиявий институтлар ихтиёрида буш сармояларга эга бўлган шахсларга муайян турдаги хизматларни кўрсатиб, потенциал кредитдорларнинг қарзга маблағлар бериш салоҳиятини таҳлил қилиш, кредит маблағларини ажратиш ва қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартибларини ишлаб чиқиш, воситачилик операцияларининг масштабини кенгайтириш ҳисобига сезиларли даражада тежамкорликка эришиш, турли рискларни туғри тақсимлаш (диверсификациялаш) эвазига соф фойда олиш имкониятини қўлга киритишади.

Моҳият негизига кўра алоҳида йўналишларга ихтисослашган молиявий воситачи(даллол)лар тизими сармоядорларга бўш маблағларини омонат сақлашга қўйиб фойда тўловлари кўринишида фойда олишдан кўра нисбатан кўпроқ ва кенгроқ кўламларда наф кўриш учун шарт-шароит яратиш мумкин. Мақола муаллифи айнан шу масалада ёрдам бериш учун зарур маълумотларни жамлаб уларни диққатингизга мухтасар ҳолда ифода этишга ҳаракат қилган.

Материални ўқиб ушлаштириш қулай бўлиши учун биз уни алоҳида қисмларга ажратиб баён қилмоқчимиз.

Молиявий воситачи(даллол)лар ким ва улар қандай вазифаларни бажаришади?

Россиялик олим С.С.Сулакшиннинг таъбирига кўра "молиявий воситачилар" деганда, молия бозорида молиявий капитални етказиб берувчи

ҳамда ушбу капиталдан фойдаланувчи субъектлар ўртасида воситачи(даллол)лик вазифасини бажаришга ихтисослашган институтлар тушунилади [1]. Икки қарра айирбошлаш уларнинг функционал фаолияти учун характерли жиҳатлардан ҳисобланади. Молиявий воситачи(даллол)лар бозорда фаолият юритиши давомида аввал муомалага шахсий қарз мажбуриятлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган қимматли қоғозларни чиқаришади. Ўз навбатида ушбу қимматли қоғозлар молия бозорида иштирок этаётган бошқа субъектларнинг қарз мажбуриятлари учун гаров бўладиган бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш учун восита бўлиб хизмат қиладди. Айнан шу хусусияти билан молиявий воситачи(даллол)лар брокер ва дилерлардан фарқ қилишади.

Молиявий воситачи(даллол)ларнинг пайдо бўлишига қуйидаги шарт-шароитлар сабаб бўлади:

- қарзга пул берувчи ҳамда кредит олувчи субъектлар ўртасида бевосита савдо шартномасини тузиш билан боғлиқ трансакцион харажатлар ҳажмининг ниҳоятда катталиги;

- информация ассиметрия ҳолатининг мавжудлиги (яъни, молия бозорининг барча иштирокчилари учун зарур информация маконнинг ҳамма учун бирдек очик эмаслиги);

Молия бозорларида воситачилар бир қанча функционал вазифаларни бажаришади. Қуйида биз уларга қисқача таъриф ва тавсиф бериб кетамиз.

Брокерлик функциясининг мазмун-моҳияти бозорда молиявий ресурсларнинг эгаси ҳамда ушбу ресурсларга муҳтожлиги бор бўлган хўжалик субъектларини излаб топиб уларни бир-бирига рубаро қилишда намоён бўлади. А.В.Параничнинг таъкидлашича, молиявий воситачилар томонидан мазкур функционал вазифанинг бажарилиши эвазига бутун иқтисодий тизим самарали ишлаб туради (2). Брокерлик вазифасини бажарувчи молиявий воситачилар турли ҳилдаги операция хизматларни (масалан, консалтинг хизмати, танлаб олиш (саралаш) ва сертификатлаш, рейтинг тизимини олиб бориш, кредит ажратилишининг ёки эмиссиянинг ташаббусқори сифатида майдонга чиқиб ресурсларни таклиф этиш ва ҳоказо операциялар) кўрсатиши мумкин.

Молиявий воситачилар брокерлик хизматидан ташқари активларни трансформациялаш билан шуғулланишади. Шунинг айтишимиз лозимки, молиявий воситачи(даллол)лар активларни транс-

формациялаш жараёнини жуда самарали бажара олишади. Мазкур жараён давомида улар пулга муҳтож бўлган иқтисодий агентларнинг эркин молиявий ресурслар билан таъминланишини енгиллаштиради. Айни вақтнинг ўзида улар эркин сармояларга эга бўлган иқтисодий агентларни инвестициялар қилишга рағбатлантиришади. Бозор муносабатларини тартибга солиш давомида молиявий воситачилар эркин сармоялар соҳибини ҳамда пулга муҳтож иқтисодий агентнинг узаро топишишига ёрдам қилар экан вужудга келадиган рискларнинг маълум қисмини ўз зиммасига олишади. Бу операциялар турли хил молиявий инструментлар (масалан, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, рискларни диверсификациялаштириш ва ҳоказо) ёрдамида амалга оширилади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, молиявий воситачилар мавжуд рискларни консолидациялаштириш (бирлаштириш) ҳисобига уларнинг аксарият қисмини (шу жумладан, инвестор (кредитор) томонидан қарзга берилган пулларнинг қайтарилмаслиги ҳамда қарз мажбуриятларига қўра туланиши лозим бўлган фоиз туловларининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги хавфи (дефолт) билан боғлиқ рискларни) ўз зиммасига олишади.

Бундан ташқари, молиявий воситачилар (даллол) лар банклардаги жамғармаларнинг деноминациясини таъминлашади. Молиявий воситачилар ихтиёри (оператив бошқаруви)да аста-секин майда ссудалар жамланиб боради. Вақти келганида жамланган майда ссудалардан фойдаланиб даллоллар молия бозорида қатта ҳажмдаги савдо битимлари тузиши мумкин. Гап шундаки, тузилдиган савдо шартномасининг суммаси қанчалик қатта бўлса, мазкур жараёнлар давомида ҳисобга олиниши лозим бўлган маъмурий, консалтинг, юридик ва бошқа хилдаги хизматлар учун сарфланадиган харажатлар қўлами шунчалик пасайиб боради. Муҳими, молиявий воситачилар қимматли қоғозлар бозорида муваффақиятли (самарали) фаолият юритиш учун зарур бўладиган информацияларни тўплаш ва уларни чуқур таҳлил қилиш учун нисбатан қулайроқ шарт-шароитларга эга бўлишади.

Молиявий воситачилар (даллол)лар юқорида айтиб утилган асосий функцияларидан ташқари яна қуйидаги хизматларни ҳам кўрсатиб даромад топишади:

- молиявий активлар эмиссияси ҳамда уларнинг иккиламчи бозорлардаги ҳаракатланишини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш;
- корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга ошириши ва кредит бозорида фаолият юритиши жараёнида иқтисодиётнинг турли тармоқларига буш сармояларни инвестициялаштиришга ёрдам қилиш;
- давлат қарз мажбуриятлари билан боғлиқ эмиссия ва давлат кредитлари бозоридаги фаолият жараёнлари давомида давлат бюджетини зарур маблағлар билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш;
- потенциал кредиторларнинг тўлов лаёқатини таҳлил қилиш, қарзга берилдиган маблағларни ажратиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибларини ишлаб чиқиш жараёнлари негизидаги операциялар куламининг кескин оширилиши ҳисобига тежамкорлик туфайли фойда олиш;
- буш сармоялари бор бўлган хусусий шахсларга маблағларини диверсификациялаш (ўз капита-

лини турли лойиха/корхоналарга жойлаштириш) га ёрдам бериш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини турли молиявий активларга жойлаштириш ва сегментланган бозорларда уларни оборотдан чиқариб олишга ёрдамлашади;
- юксак даражада ривожланган, самарали бозорларда иштирок этмоли бўлаётган инвесторларга бўш маблағларини конкрет молиявий активларга жойлаштириш масаласида маслаҳатлар бериш ва қабул қилинган қарорларни рўёбга оширишга ёрдам қилиш;
- оператив тарзда инвестициялаштириш ва зарур пайтда оборотдаги капиталларни муомаладан чиқариб олиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши ҳисобига молия бозорининг ликвидлигини таъминлашга хизмат қилишади.

Энди қисқача қилиб молиявий воситачиларнинг афзал томонлари ҳақида гапириб кетмоқчимиз. Даллолларнинг функционал фаолиятдан бир вақтнинг ўзида ихтиёрида бўш маблағлари бор бўлган (кредитор) ҳамда айни вақтда йўлга муҳтож бўлган иқтисодий фаолият субъектлари (қарз олувчи) манфаатдор бўлишади. Чунки уларнинг ҳар бири жараёнда иштирок этиши давомида ўз манфаатларини қондириб фойда кўришади.

Кредиторларнинг манфаатдорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- молиявий воситачилар потенциал инвесторларнинг жалб этилган активларини турли хилдаги молиявий инструментларга жойлаштириб реал мавжуд рискларни диверсификациялашади;
- молиявий воситачилар ўз хизматларини тақдим этиш тизимини ташкил этиш вақтида қарзга пул олувчи хўжалик субъектларининг тўлов лаёқатини текшириб кўриш учун хизмат қиладиган тизимни ишлаб чиқишади ва шу йўл билан кредитлаштириш билан боғлиқ рисклар даражаси пасайтирилади ҳамда сарф- харажатлар ҳажми камайтиради;
- молиявий институтлар, хусусан воситачилар ўз миқдорлари учун барқарор ликвидлик ҳолатини яъни, исталган вақтида муомалага тикилган нақд пулларини қайтариб олиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришади. Бундай вазиятнинг шаклланиши хусусида олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган албатта. Жумладан, россиялик мутахассис С.С.Сулакшиннинг таъбири билан айтганда, бир томондан, жараён давомида молиявий институтлар ўзига тегишли бўлган активларни ҳамиша нақд пул кўринишида сақлаб туриш имкониятига эга бўлишади (3). Бошқа томондан олинса, мутасадди давлат органлари айрим турдаги молиявий институтлар (масалан, тижорат банклари)нинг фаолиятини (шу жумладан, ликвидлик ҳолатини) тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий тартибларни жорий этиб қуйишади. Шуларнинг ҳисобига молиявий воситачилар ҳамма вақт ликвидлики кафолатлай олишади.

Ўз навбатида, билвосита молиялаштириш схемаси бўйича қарзга пул олувчилар қуйидаги манфаатдорликка эга бўлишади:

- молиявий воситачилар қарз олувчига унинг учун мақбул бўлган шартларда молиявий ёрдам бериши мумкин бўлган кредиторларни топишга ёрдам қилиб шу тариқа потенциал кредиторларни излаб топишга сарфланадиган вақтни ва маблағларни тежаб қолишга имкон яратиша-

ди;

- нормал иқтисодий шарт-шароитлар қарор топган жамиятларда аксарият ҳолларда молиявий воситачилар ёрдами билан тузиладиган шартнома бўйича кредит ставкалари, биринчи қарашда пародоксал бўлиб кўринишига қарамай, молиявий воситачилар иштироки туфайли бирламчи кредиторлар учун юзага келадиган реал рискларни нисбатан пасайтириш имконияти яратилгани сабабли, нисбатан арзон гаров бўлади;

- молиявий воситачилар бир томондан, қарзга пул олувчининг имкони борича олинган пулларни кечроқ қайтариш истагини, иккинчи томондан, кредиторнинг имкони борича юқори даражадаги ликвидликнинг кафолатлигини истагини эътиборга олган ҳолда кредит мажбуриятлари бўйича муддатларни трансформациялашга шароит яратиб

беришади. Бундай имконият ҳамма кредиторлар ҳам бирданига ўз сармояларини қайтариб берилишини талаб этмаслиги туфайли, шунингдек молиявий воситачиларга инвестициялаштириш учун ажратиладиган пуллар график бўйича келиб туриши ҳисобига пайдо бўлади;

- молиявий институтлар лозим бўлса, бир вақтнинг ўзида жуда кўп сонли мижозлардан келадиган сармояларни агрегирлаш эвазига жамлай олиши туфайли, йирик ҳажмдаги маблағларга эҳтиёжи бўлган хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларга нисбатан талабини қондира оладилар.

Эндиги навбатда биз молиявий воситачиларнинг асосий турларига қисқача таъриф берамиз. Бунинг учун қуйидаги расмга диққатингизни қаратмоқчимиз.



Замонавий иқтисодий назария намоёндалари орасида молиявий воситачиларни молиялаштириш усулларига қараб таснифлаш принципи кенг тарқалган. Ушбу ёндашувга мувофиқ молиявий воситачиларни таснифлаш вақтида барча даллоларни депозит операцияларини бажарувчи ва бундан операцияларни бажармайдиган молиявий ташкилотларга ажратишади.

Депозитли операцияларни бажарувчи молиявий ташкилотлар деганда, пассив активлари тузилишида суммалари фиксацияланган (белгилаб қуйилган; қайд этилган) молиявий мажбуриятлари мавжуд бўлган ташкилотлар назарда тутилади. Бу хилдаги типик (кенг тарқалган) молиявий ташкилотлар жумласига тижорий банкларни киритиш мумкин.

Тарихий нуқтаи назардан олганда тижорий банклар молиявий воситачиликнинг муайян турини ифодаловчи ташкилий тузилма сифатида шаклланган бўлиб, уларнинг функционал фаолияти асосан депозит ҳисоб (омонат касса)ларга қуйилган жамғармалар ҳисобига амалга оширилади. Одатда тижорий банклар депозитларда жамғарилган маблағларни иқтисодий агентларга қарзга бериб бунинг эвазига фоиз ставкалари

кўринишида фойда олишади.

Айтишимиз лозимки, банк фаолияти билан боғлиқ бизнеснинг асосини айнан трансформацион (яъни, кредитлаштириш соҳасида қийматни қисқа тасимлаш принциплари йўналтирилган) функциялар ташкил этади. Бундан ташқари тижорий банклар яна қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- тўлов воситаларининг ликвидлиги учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Тижорий банклар қарз мажбуриятлари кўринишидаги юқори даражали ликвидлик хусусиятига эга бўлган қимматли қоғозларни муомалага чиқаришади. Улар марказий банкнинг банкноталари билан бир қаторда тўлов воситаси сифатида муомалада юради;

- тижорий банклар банк операцияларини амалга ошириш учун марказий банк томонидан белгиладиган ставкалар, банкларнинг молиявий операциялари бўйича ставкалари ҳамда иқтисодий фаоллик даражасига таъсир кўрсатувчи нақд пул ҳажмини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларга мувофиқ иш юритиб иқтисодий тизимга марказий банкнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсатининг тегишли импульсларини етказиб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Миллий тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлашда банкларнинг алоҳида ўрни уларнинг функционал фаолияти марказий банк томонидан қатъий равишда тартибга солиниши билан изоҳланади.

Депозитли операцияларни бажарувчи молиявий ташкилотлар орасида тижорий банклар билан қаторда бошқа хилдаги ташкилотлар ҳам бўлиши мумкинки, уларнинг функционал фаолияти тор йўналишдаги ихтисосликка мослаштирилган бўлади. Масалан, АҚШда бу турдаги молиявий институтлар жумласига жамғармаларни омонат сақлашга ихтисослашган кассалар ва кредит уюшмалари киради. Бу турдаги ташкилотларнинг активлари махсус ихтисослашган тузилишга эга бўлади. Жамғармаларни омонат сақлашга ихтисослашган кассаларнинг активлари кучмас мулкка бериладиган гаров хатларига, кредит уюшмалариники эса истеъмолчиларга бериладиган кредитларга асосланган бўлади. Тижорий банклардан фарқли уларок жамғармаларни омонат сақлашга ихтисослашган кассалар ва кредит уюшмаларининг капиталлари ҳар икки томонга қарашли бўлади.

Шу ўринда эътироф этмоқчимизки, сўнгги йилларда жаҳон молия бозорларида туб ўзгаришлар руй бермоқдаки, уларнинг таъсир самараси улар реал банклар (айниқса, Ғарбий Европа давлатларидаги банклар)нинг функционал фаолияти депозитли операцияларни амалга оширишга ихтисослашган молиявий институтлардан кескин фарқланиб бормоқда. Гап шундаки, айни замонда Ғарбий Европа давлатларидаги банклар жуда кенг қуламли молиявий операцияларни бажармоқда. Замонавий банклар суғурталаш, андеррайтинг хизматини тақдим этиши, иккиламчи молия бозорларида корпоратив қимматли қоғозлар савдоси билан шуғулланишидан ташқари биржаларнинг азбоси бўлиб, ушбу мақом соҳиби сифатида фонд биржаларида савдо-сотик операцияларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Бугунги кунда молиявий институтларнинг ривожланишида кузатилиши мумкин бўлган муҳим тенденциялардан бири шуки, жаҳон миқёсида турли давлатларнинг банк тизимлари ўртасидаги фарқлар аста-секин йўқолиб, банк тизимлари тобора универсаллашиб бормоқда. Шу билан бирга, банклар функционал жиҳатдан молиявий воситачилар институтлари учун хос бўлган барча операцияларни ҳам бажаришади.

Депозитли операцияларни бажармайдиган молиявий ташкилотлар замонавий молиявий тизимнинг фаолиятида муҳим роль уйнашади. Шу билан бирга айтмоқчимизки, бундай молиявий ташкилотлар жуда хилма хил ташкилий шаклларга эга бўлиши мумкин. Депозитли операцияларни бажармайдиган молиявий ташкилотларнинг ҳар бир тури миллий иқтисодиёт негизида ўзига хос функционал вазифаларни бажаришади. Шунинг эътиборга олиб биз, уларнинг ҳар бирига қисқача таъриф ва тавсиф бериб кетмоқчимиз.

Суғурталовчи компаниялар. Бундай ташкилотлар инвесторларга турли хилдаги рисклардан ҳимояланишга имконият яратиб бериб молиявий бозорларда жуда катта аҳамиятга молик ишни бажаришади. Суғурталовчи компаниялари ҳамда потенциал инвесторлар ўртасида тузиладиган суғурта шартномаси келгусида конкрет инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун асос (кафолат, гаров) бўлиб хизмат қилади. Суғурталовчи

компаниялар узоқ муддатларга мулжалланган суғурта маблағларидан ташкил топадиган қатта ҳажмдаги резервларга эга бўлгани боис Ғарбий Европа минтақасида молиявий ресурсларнинг миллий бозорларида узоқ муддатларга қарзга бериладиган капиталларнинг асосий таъминотчисига айланишган.

Суғурталовчи компанияларнинг активлари қўп жиҳатдан тижорий банкларнинг активларига ухшайди, бироқ суғурта компанияларининг активлари "шартли қарз мажбуриятлари" принципига мувофиқ молиялаштирилади. Гап шундаки, тузилган шартнома хусусиятига кўра суғурталовчи компанияларнинг мажбуриятлари фақатгина шартномада аниқ белгиланган воқеа (суғурта ходисаси) юз берсагина юридик хусусият касб этади ва мажбурият бажарилиши шарт бўлади. Аксарият ҳолларда суғурта шартномасининг асосий шarti, яъни суғурта ходисасининг қачон ва қаерда руй беришини ҳеч ким олдиндан аниқ айта олмайди. Шунинг учун шартномада белгиланган юридик мажбурият кучга киргунича суғурталовчи компаниянинг активлари ҳисобига қушилган маблағлар вақтинча бўш ҳисобланади ва компания уларни қарзга бериб туриши мумкин.

Тижорий банклар билан суғурталовчи компаниялар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг пасивларида ифода бўлади. Гап шундаки, тижорий банкларнинг қарз мажбуриятлари жамғармаларга ўз омонатларини қуйган мижозларнинг талабига кўра бирданга ўзгариши мумкин. Суғурталовчи компанияларнинг пасивлари эса фақатгина суғурта шартномасида аниқ кўрсатилган суғурта ходисаси юз берсагина ўзгаради. Бундан ташқари, суғурталовчи компаниялар (айниқса ҳаётни суғурталашга ихтисослашган компаниялар)нинг пасивлари тижорий банкларникидан фарқли уларок узоқ муддатли ҳисобланади. Шунинг учун суғурталовчи компаниялар тижорий банклардан фарқли равишда нисбатан узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларга пул тикиши мумкин.

Суғурталовчи компаниялар қуйидаги воситачилик хизматларини кўрсатишади: танлаб олиш, сертификациялаш, ижодий ташаббус кўрсатиш, қарзга маблағларни тақдим этиш, мониторинг, кафолатлаш, талабларни трансформациялаш.

Пенсия фондлари. Суғурталовчи компаниялар билан бирга молиявий воситачиларнинг яна бир тури мавжуд. Бу пенсия фондларидир. Улар ҳам узоқ муддатли қарз мажбуриятлари асосида капиталларни аккумуляция қилади. Ҳозирги замонда пенсия фондларининг функционал фаолияти турли хил схемалар асосида амалга оширилиши мумкин. Шунга қарамай, уларнинг функционал фаолияти негизида умумий иш принципи ётади - пенсия фондлари аккумуляция қилинган маблағларни турли хил активларга жойлаштириб фойда олишга интилишади. Шубҳасиз, пенсия фондларининг инвестицион сиёсати қатъий равишда белгиланган бўлади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчимизки, сўнгги ўн йиллар давомида молиявий бозор тизимлари яхши ривожланган хорижий давлатларнинг пенсия фондлари ўз капиталларини бир неча қаррагача ошириб узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш потенциалига кўра жамиятнинг иқтисодий ривожланиши учун жуда муҳим ҳисобланадиган институционал инвесторлардан бирига айланган. Пенсия фондларининг функционал фаолияти пировард натижада иқтисодиётнинг хусусий секторидан капитал

жамғармаларининг ҳажми мунтазам равишда ошиб боришига туртки бермоқда. Пенсия фондлари молиявий воситачилик соҳасида асосан қарз мажбуриятларини кафолатлаш ҳамда трансформациялаш билан шуғулланишади.

Инвестицион фондлар молиявий воситачилик билан шуғулланувчи яна бир ташкилот. Худди пенсия фондлари каби бу турдаги молиявий воситачилар ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида шахсий активлари ҳажмини сезиларли даражада ошириб молия бозорларининг жуда салмоқли қисмини эгаллаб олишган. Инвестицион фондлар икки категорияга - очик ва ёпиқ фондларга ажратилади. Очик турдаги инвестицион фондлар жамғарилган активларни бошқаришга ихтисослашган жуда кўп сонли ташкилий тузилмаларни тузишган. Уларнинг ташкилий-функционал фаолияти турлича мақсадларга буйсундирилади. Фондлар уларни ташкил этган инвесторларга қарашли бўлиб, бошқарувчи компанияларга хизматлари учун комисион ҳақ тулашади.

Сўнгги йилларда иқтисодиёти яхши ривожланган аксарият хорижий давлатларда турли инвестицион фондларнинг кўпайиб боришини куйидаги шарт-шароитлар таъсири билан боғлаш мумкин:

- банк депозитлари бўйича тўланадиган фоиз ставкалари ҳамда бозор нархлари ўртасидаги тафовут (шу сабабдан потенциал инвесторлар ўз капиталларини омонатлар сақланиши давлат томонидан кафолатланадиган банк депозитларидан кўра кўпроқ риск даражаси кўпроқ бўлган инвестицияларга ишонимомқда);

- “самарадор бозор” назариясининг пайдо бўлиши. Ушбу назарий қарашларга кўра, юқори ликвидли молия бозорларида қатнашувчи инвесторлар ўз капиталларини қимматли қоғозларга жойлаштирар экан. оқибатда ўртача бозор нархлари даражасидан юқори бўлмайдиган фойданигина олиши мумкин холос. Бундай ҳулосадан кейин чегараланган ҳажмдаги ресурсларга эга бўлган айрим инвесторлар шахсий маблағларини инвестицияларга ишониб топширишга мажбур бўлишган;

- молия бозорларининг глобаллашуви. Бунинг оқибатида инвесторлар шахсий капиталларини саноатнинг турли тармоқлари ҳамда турли компаниялардан ташқари, турли мамлакатларга ҳам жойлаштира бошлашди. Хорижий давлатларда айнан қандай объект ёки лойиҳаларга сармоя тикиши мумкинлиги ҳақидаги ишончли информацияларни излаб топиш мушкул ва қимматга тушадиган иш бўлгани боис потенциал инвесторлар малакали воситачи - айна вазиятда инвестицияларга мурожаат этишга мажбур бўлишади;

Инвестицион фондлар асосан куйидаги воситачилик хизматларини таклиф этишади: операциялар хизматлар, керакли маълумотларни излаш, саралаш, таҳлил қилиш, сертификатлаштириш.

Молиявий воситачилик билан шуғулланувчи яна бир турдаги ташкилот бу венчур фирмаларидир. Ишбилармонлик (бизнес юритиш) фаолиятини эндигина бошлаган аксарият тадбиркорлар тижорий банкларнинг ишончини қозониши учун етарлича ижтимоий ва иқтисодий мавқиега эга бўлишмайди, бундан ташқари, уларнинг амалга оширмоқчи бўлаётган бизнес лойиҳалари жуда юқори даражада рискли бўлади. Шунинг учун уларнинг тижорий банклардан қулай шартлар асосида кредит олиши жуда қийин. Бундай вазиятларда янги иш бошловчи бизнесменлар-

га венчур фирмалари ёрдамга келишади. Венчур фирмаларининг ташкилотчилари, малакали мутахассислари заруриятга қараб янги иш бошловчи бизнесменларнинг лойиҳаларига инвестициялар жойлаштириши, малакали консалтинг хизматларини тақдим этиши ва ниҳоят, инновацион ғояларини реал, иқтисодий жиҳатдан пухта асосланган лойиҳаларга трансформацияланишига ёрдам беришади. Албатта, бундай молиявий ёрдам ва консалтинг хизматлари ҳамма вақт юқори даражадаги рискли лойиҳалар билан боғлиқ бўлгани боис тадбиркорлар манфаатларига тўлиқ жавоб бермайдиган шартлар асосида берилади. Масалан, янги иш бошловчи бизнесмен(лар) ўзининг лойиҳасини рубга чиқаришга киришиш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларни олганидан кейин келгуси ҳатти-харакатларини венчур фирмаси билан мувофиқлаштириб туриши шарт. Бундан ташқари, венчур фирмаси янги иш бошловчи бизнесмен(лар)га иш фаолиятининг муайян сифат даражасини белгиловчи минимал талабларни илгари суради. Ушбу талабларга риоя қилмаслик охир оқибатда иқтисодий фаолиятнинг батамом венчур фирмасининг назоратига ўтказилишига сабаб (асос) бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам янги иш бошловчи бизнесменлар “оёққа туриб олиши” билан венчур фирмаларининг молиявий ёрдамидан кўра банк кредитларидан фойдаланишни афзал билишади.

Венчур фирмалари куйидаги воситачилик функцияларини бажаришади: керакли маълумотларни излаш саралаш, таҳлил қилиш, сертифицикатлаштириш, иш фаолияти учун зарур воситалар билан таъминлаш, мониторинг уюштириш, иш (компания) фаолиятини бошқаришда иштирок этиш, ликвидликни таъминлаш, қарз мажбуриятларини трансформациялаш.

Молиявий компаниялар воситачиликни ўзига касб қилиб олган яна бир ташкилот туридир. Одатда бундай компаниялар юқори даражали рисклар билан боғлиқ бўлган кредитларни ажратишга ихтисослашган бўлади. Юқори даражали рисклар билан боғлиқ кредитларни ажратиш билан шуғулланса-да, молиявий компания, тижорий банклардан фарқли улароқ, деярли ҳамма вақт шартноманинг бажарилишини таъминловчи кафолатларни талаб қилиб олади. Молиявий компаниялар турли хил харидларни молиялаштиришга, жисмоний шахсларга қатта бўлмаган ҳажмларда кредит беришга, тижорий кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатишга ихтисослашган бўлиши мумкин. Молиявий компанияларни тижорий банклардан ажратиб турувчи асосий хусусият бу ўтказиладиган операцияларни молиялаштириш манбаидир. Молиявий компаниялар капитал жамғариш мақсадида кафолати таъминланмайдиган қисқа муддатли қарз мажбуриятлари шаклидаги тижорий қоғозларни муомалага чиқариб сотишади. Шу сабабдан ҳам молиявий компанияларнинг функционал фаолияти тижорий банкларникидан фарқли равишда марказий банк томонидан қатъий равишда тартибга солинмайди.

Аксарият ҳолларда молиявий компаниялар номолиявий корпорацияларнинг тижорий асосда кредит ажратишга ихтисослашган филиаллари сифатида шакллантирилган бўлади. Вақт ўтиши билан бу ташкилотлар молия бозоридан ишлашга мослашиб, тажриба орттириб алоҳида молиявий манбаларга эга бўлиб олишади. Эътироф этмоқчимизки, ҳозирги вақтда замонавий молия-

вий компаниялар тижорий банклар билан бемалол рақобатлашмоқда.

Молиявий компаниялар қуйидаги воситачилик функцияларини бажаришади: керакли маълумотларни излаш, саралаш, таҳлил қилиш, капитал маблағлар ажратиш, ижодий ташаббус кўрсатиш қарз мажбуриятларини трансформациялаш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни мухтасар қилиб қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- молиявий воситачи(даллол)лар - молиявий ресурслар бозорида капитални таклиф этувчи (таъминотчи) ҳамда уни кредитга олувчи (истеъмолчи) иқтисодий агентлар ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи институтлардир. Молиявий воситачилар пайдо бўлишининг асосий сабаби шуки, улар молиявий ресурслар бозорида битимларни тузиш вақтидаги трансакцион харажатлар кўламини анчагина пасайтиришга, шунингдек иқтисодий тизим доирасида информация ассиметрия муаммосини ҳал этишга имкон беради;

- молиявий воситачилар брокерлик (даллоллик) ҳамда активларни сифат жиҳатидан транс-

формациялаш функцияларини бажаришади;

- молиявий воситачиларнинг функционал фаолиятдан ихтиёрида бўш маблағлар бор бўлган (кредитор) ва молиявий ресурсларга муҳтожлик (эҳтиёж) сезаётган (қарз олувчи) иқтисодий агентлар бирдек манфаатдор бўладилар;

- молиявий воситачиларни депозит операцияларини бажарувчи ва бундай операцияларни бажармайдиган молиявий ташкилотларга ажратишади. Депозит операцияларини бажарувчи молиявий ташкилотлар жумласига тижорий банкларни киритиш мумкин. Депозит операцияларини бажармайдиган молиявий ташкилотлар қаторига суғурта компанияларини, пенсия фондларини, инвестицион фондларни, венчур фирмаларини, молиявий компанияларни қушамиз;

- миллий бозорлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ҳоллари тобора кучайиб, шу билан бирга молия бозорларининг иштирокчилари томонидан турли хилдаги молиявий воситачилик хизматларига нисбатан объектив эҳтиёж кескин ошиб бораётган ҳозирги вақтда воситачилик тобора универсал характер касб этмоқда.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Паранич А.В. Путеводитель по финансовому рынку России.: Издательство: Smart Book, И-Трейд, 2010 г.
2. Сулакшин С.С. Финансовые рынки и экономическая политика России. : - Издательство: Научный эксперт, 2008 г.
3. Чеботарь Ю.М. Финансы и финансовые рынки. Полный курс МВА.: - Издательство: Рид Групп, Серия: Российское бизнес-образование, 2011 г.
4. Ширяев В.И. Финансовые рынки.: - Издательство: Либроком, 2009 г.
5. Долан Э.Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика / Пер с англ. В. Лукашевича и др.; Под общ. ред. В. Лукашевича, М. Ярцева. — СПб., 1994.

## СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Умарова Диляром Махмудовна

Доцент кафедры «Экономика» Ташкентского государственного технического университета, к.т.н.

Ибрагимова Саодат Абдумуниновна

Доцент кафедры «Экономика» Ташкентского государственного технического университета, к.э.н.

**Аннотация.** Мақолада нефтьгаз саноати корхоналари бошқарув тизими ривожланишини такомиллиштиришда сифат менежменти тизимининг роли кўриб чиқилган. Нефтьгаз саноат корхоналарига сифат менежмент тизими, рақобатбардошлиги ва татбиқ этиш стратегиялари таҳлил этилган

**Таянч тушунчалар:** самарали бошқарув тизими, сифат, рақобатбардошлик, сифат менежменти тизими, сифатни бошқаришнинг умумий тизими, халқаро стандартлар, стратегия.

**Аннотация.** В статье рассмотрена роль системы менеджмента качества в совершенствовании развития управлением предприятий нефтегазовой отрасли. Проанализированы стратегии развития системы менеджмента качества и конкурентоспособности и вопросы внедрения их на предприятиях нефтегазовой промышленности

**Ключевые слова:** эффективная система управления, качество, конкурентоспособность, система менеджмента качества, всеобщее управление качеством, международные стандарты, стратегия.

Одним из важнейших факторов повышения уровня жизни, экономической, социальной и экологической безопасности является проблема качества. На сегодняшний день проблема управления качеством становится особенно актуальной для предприятий нефтегазовой отрасли Узбекистана, и в связи с этим Правительством было принято стратегическое решение о необходимости внедрения систем управления качеством по стандарту ИСО 9001. В целях повышения конкурентоспособности отечественной продукции и услуг на внешнем и внутреннем рынках, увеличения экспортного потенциала республики Кабинетом Министров РУз принято постановление №173 от 19 июня 2009 года «О дополнительных мерах по расширению внедрения на предприятиях республики систем управления качеством, соответствующих мировым стандартам».

Система управления качеством продукции представляет собой совокупность управленческих органов и объектов управления, мероприятий, методов и средств, направленных на установление, обеспечение и поддержание высокого уровня качества продукции.

В этой связи, можно выделить следующие подходы и методы их решения - это:

- сосредоточение усилий широкого круга компаний на налаживание производства продукции конкурентоспособной по своим характеристикам;

- изучение опыта западных компаний, которые поставляют на мировой рынок продукцию, превосходящую по своим параметрам отечественную, с целью возможного его использования на своем предприятии;

- активизация деятельности по разработке и внедрению системы менеджмента качества продукции, отвечающих требованиям международных стандартов (в экономически развитых стра-

нах эти системы являются не только источником получения конкурентных преимуществ, но и обязательной инфраструктурной основой для эффективного взаимодействия компаний в условиях стремительно углубляющегося разделения труда);

- постепенное осознание отечественными менеджерами необходимости освоения новой философии качества и на ее основе формирование в компаниях принципиально новой практики организационной культуры.

Следует особо подчеркнуть, что решение проблемы качества – неотъемлемый элемент стратегии развития современных компаний, поэтому начинать внедрение системы менеджмента качества продукции следует с определения места этой системы в общей стратегии компании.

Поскольку деятельность по формированию системы менеджмента качества продукции путем реализации международных стандартов и принципов TQM (всеобщего управления качеством) ориентируется на повышение качества и конкурентоспособности продукции (услуг) компании, то все процессы, связанные с этой деятельностью, следует начинать с анализа потребностей и ожиданий потребителей этой продукции (услуг). Поэтому, компания, прежде всего, должна определить маркетинговую стратегию, которая будет отражать интересы и особенности потребителей и характер конкурентных преимуществ ее продукции (услуг), за счет которых она рассчитывает добиться успеха.

В соответствии с маркетинговой стратегией должны развиваться активы компании, и ее технологический потенциал, из чего следует необходимость стратегия технического развития.

Качество продукции и ее конкурентоспособность существенно зависят от качества и режима поставок материалов и комплектующих, следо-

вательно, необходима стратегия взаимодействия компании с их поставщиками.

Создание и практическое использование системы менеджмента качества продукции зависит от людей, их квалификации и способности постоянно учиться и совершенствовать свои знания и умение, от их реального вовлечения в деятельность для решения проблемы качества. Это обуславливает необходимость стратегии эффективно управления персоналом.

Для планирования мероприятий по улучшению качества и устранению причин производства некачественных продуктов (услуг), выделение средств и людей для осуществления улучшений необходимы анализ и оценка затрат, связанных с качеством, и эффекта от улучшений, поэтому неотъемлемой составляющей стратегии компании является система прозрачного бухгалтерского и управленческого учета в рамках системы менеджмента качества продукции.

При формировании стратегии компании особое внимание следует уделять определению и развитию стержневой компетентности, т.е. тому комплексу взаимосвязанных ресурсов и внутренних возможностей компании, которые обеспечивают ее стратегическую конкурентоспособность, достижение устойчивых конкурентных преимуществ перед соперниками на рынке.

Формирование общей стратегии и комплекса функциональных стратегий компании предполагает не только разработку системных стратегических планов, но и формирование у руководителей и ведущих специалистов общего стратегического мышления – скоординированного подхода к долгосрочным перспективам холдинга и принятию оперативных решений с ориентацией на них. Этого можно добиться, вовлекая в формирование стратегии более широкий круг людей, т.е. формируя соответствующую организационную культуру.

Стратегия качества (СК) должна рассматриваться как одна из важнейших функциональных стратегий и разрабатываться в виде неотъемлемой части общей стратегии холдинга, поэтому руководство холдинга, принимая решение о разработке и внедрении СК, должно задумываться о формировании всего комплекса стратегических компонентов [5].

Ситуация, с которой сталкиваются предприятия нефтегазовой отрасли, ставшие на путь системного решения проблемы качества, радикально отличается от той, которая характерна для американских и западноевропейских компаний, когда они начали осваивать стандарты ИСО серии 9000 и принципы TQM. Главная проблема, с которой сталкиваются отечественные компании, разрабатывающие систему менеджмента качества продукции, — это необходимость перестройки различных аспектов деятельности компании и связанное с этим изменение организационной культуры компании, психологии менеджеров и исполнителей.

Сертификация в определенном смысле аналогична экзамену на аттестат зрелости, сдать который можно только предварительно поучившись (и немалое время) в начальной и средней школе, не говоря уже о высшей.

Система менеджмента качества продукции должна обеспечивать как соответствие продукции спросу на нее, так и гарантированное выявление и устранение недостатков процессов, которые влияют на ее качество, т. е. обеспечивать наибольшую

вероятность качества выпускаемой продукции.

Предприятия НХК «Узбекнефтегаз» одними из первых получили сертификаты соответствия Международной системы качества, поскольку нефтепродукты полностью соответствуют международным стандартам.

Сертификаты были выданы от Авторитетного Германского Органа по Сертификации "TUV CERT" и Национального Органа по Сертификации "SERT Management" по результатам проведения сертификационного аудита. Процесс внедрения системы менеджмента качества на услуги и на управленческие компании достаточно сложный, однако АК "Узнефтегазодобыча" и АК "Узнефтегазстройинвест" удалось достичь соответствия по всем требованиям ISO 9001. АО НХК «Узбекнефтегаз» ставят перед собой цели поддерживать системы по ISO 9001 и постоянно повышать уровень и качество управления.

В начале 2005 года с помощью сертификационного органа RW-TUV – мирового лидера в области сертификации – на Шуртанском ГХК успешно внедрена система менеджмента качества ISO-9001 версии 2000 года, и получен соответствующий сертификат.

Для нашей республики строительство Шуртанского ГХК стало объективным требованием развивающегося рынка, до начала проекта Узбекистан импортировал полиэтилен из России, Китая и Кореи, что было связано с затратами значительных валютных средств. Заводы, работающие на этом сырье, сельское хозяйство и другие потребители целиком зависели от этих поставок. Вместе с тем исходное сырье для производства полиэтилена - природный газ с высоким содержанием этана, добывалось на газовых месторождениях республики, однако предприятия по его дальнейшей переработке не было.

Шуртанский ГХК сооружался на базе мало-сернистого месторождения Шуртан, которое дает более тридцати процентов газа, добываемого в Республике, в северо-западной части Гузарского района, вблизи границы с Нишанским районом (Кашкадарьинская область), в пустынно-степной необжитой зоне. За короткий срок эта территория превратилась в современный заводской комплекс, с благоустроенным городком для работников предприятия.

На сегодняшний день в составе ШГХК успешно функционируют два завода. На первом заводе после очистки природного газа и разделения его на основные компоненты (метан, этан, пропан, бутан, C5+ и газоконденсат), производятся высококачественный этилен, сжиженный газ, газоконденсат и гранулированная сера.

Второй завод, используя новейшую технологию «SCLAIRTECH» компании «NOVA Chemicals» (Канада) мирового лидера в производстве полиэтилена, специализируется на производстве различных видов линейного полиэтилена (LLDPE, MDPE, HDPE). Преимущества использования технологии Sclairtech заключаются в следующем:

- гибкость и многофункциональность;
- переход от одной марки к другой исходя из системы реакторов от нескольких минут до трёх-четырёх часов в случае останова и пуска;
- безопасный контроль, останов и пуск в аварийных ситуациях исходя из быстроты реакции при маленьких габаритах системы реакторов;
- качество продуктов – высоко пластичный,

консистентный продукт;

- стабильный реактор – безопасная работа с контролируемым отключением и повторным включением за короткое время;

- большое производство при малых габаритах.

Вся продукция Шуртанского ГХК имеет экологические и гигиенические сертификаты, гарантирующие безопасность использования Шуртанского полиэтилена для производства изделий бытового назначения, и изделий, контактирующих с пищевыми продуктами. Кроме того для достижения более полного удовлетворения требований наших потребителей совместно с специалистами Института Химии Полимеров АНРУз и Ташкентским Химико-технологическим институтом на базе центральной заводской лаборатории ведутся работы по углублённому изучению физико-механических показателей полиэтилена и внесения из-

менений исходя из реологических особенностей нашей продукции.

Данные свидетельствуют о том, что более 70% полиэтилена, производства Шуртанского ГХК идет на экспорт, в страны Европы (Польша, Венгрия, Литва, Латвия, Италия, Голландия, Турция), Азии (Иран, Пакистан, Китай), СНГ (Украина, Россия, Азербайджан, Казахстан, Грузия, Таджикистан) и другие.

Продукция этого комплекса будет использоваться для развития новых производств, удовлетворения потребностей существующих мощностей заводов по выпуску пленок, кабельной промышленности, а также обеспечения производства по выпуску тканых мешков из ориентированных лент, упаковке пищевых и промышленных товаров и др. (рис.1)




Рис. 2. Схема производства выпускаемой продукции ШГХК [6]

Широкая гамма Шуртанского газохимического комплекса обеспечит стабильное и эффективное развитие многих отраслей экономики Узбекистана, является своеобразным катализатором совершенно новых производств и разработки новых технологий, позволит активно развивать малый и средний бизнес, даст возможность повысить экспортный потенциал республики.

С вводом в эксплуатацию Шуртанского газохимического комплекса обеспечивается выполнение одной из стратегических задач, определенных Первым Президентом Республики Узбекистан И.Каримовым – углубленная переработка сырьевых ресурсов республики и продвижения на внутренний и мировой рынок качественной продукцией, соответствующим Международной системе

качества.

В заключении можно сделать следующие выводы:

- в условиях рыночных отношений актуальное значение приобретает проблема повышения качества производимой продукции, так как качество выпускаемой продукции должно отвечать современным требованиям и являться конкурентоспособной на рынке;
- стратегия развития управления и качество производимой продукции взаимосвязаны между собой;
- повышение качества производимой продукции обеспечит рост объема экспорта;
- улучшение качества продукции способствует эффективной работе предприятий.

#### Источники и литература:

1. Закон Республики Узбекистан 07.12.01 № 312-П. О соглашениях о разделе продукции.
2. Закон Республики Узбекистан от 23.09.1994 г. О недрах.
3. Закон Республики Узбекистан от 13.12.2002 г. N 444-П. О недрах (Новая редакция).
4. Ивонина И.Э. Механизм поэтапного итерационного процесса управления устойчивым развитием нефтегазовой промышленности Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа - Ташкент, - 2011 - № 3 С.53-55.
5. Ивонина И.Э. Модернизация предприятий и особенности развития нефтегазовой отрасли Узбекистана в условиях реформирования экономики страны // Азербайджанское нефтяное хозяйство - Баку, - 2011 - № 8 С.28-31.
6. www.ung.uz

## МАМЛАКАТИМИЗ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИКОТ ВА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Аюбжонов Аббос Ҳосилович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Статистика" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

Сайфуллаев Сиддик Носирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Статистика" кафедраси мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақола 2009-2011 ва 2012-2014 йиллар давомида соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг статистик таҳлиliga бағишланган. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот марказлари молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни статистик усуллар ёрдамида статистик таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** статистик кўрсаткичлар, статистик гуруҳлаш, ўртача миқдорлар, вариация, молиялаштириш, лойиҳа, соғлиқни сақлаш.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам статистического анализа финансирования научных и инновационных исследований в сфере здравоохранения за 2009-2011 годы и за 2012-2014 годы. При помощи статистических методов проведён статистический анализ эффективного использования финансовых ресурсов в вузах и в научно-исследовательских центрах системы здравоохранения Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** статистические показатели, статистическая группировка, средние величины, вариации, финансирование, проект, здравоохранение.

Мамлакатимиз мутақилликка эришган илк кунлардан бошлаб соғлиқни сақлаш тизими ривожлантириш бўйича бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги бир неча баробар яхшиланди. Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар мустақилликка эришган кунимиздан буён доимо давлатимиз раҳбарияти диққат марказида бўлиб келмоқда.

Юқоридаги фикрларимизни исботи сифатида бир қанча статистик рақамларни келтириб ўтамыз. Масалан биргина ўтган 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта қақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, қақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Республикаимизда 2016-йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджети харажатларининг 14 фоизи йўналтирилиши мўлжалланган.

Мухтарам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши

ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Кишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди”[1].

Мамлакатимизда ҳар бир йилни Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустақкам оила йили номлари билан аталиши бежизга эмас. Ушбу йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча ютуқларга эришилди. Мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги сезиларли даражада ўзгарди. Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг манتيқий давоми ҳисобланган жорий Соғлом бола йилида бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жуда катта куч ва маблағ сарф этилаяпти. Биргина тиббиёт соҳасининг ўзида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар кўлами буни яққол тасдиқлайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди: “Албатта, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди”[2].

Шундай экан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган илмий текшириш

институтлари, тиббиёт институтлари ва тиббиёт марказлари томонидан амалга оширилаётган илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш маблағларини қулай статистик усуллар ёрдамида статистик таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган 25 та турли хил тиббиёт обь-

ектларини ҳар бирини ўртача бир кишига тўғри келадиган молиялаштириш суммаси, лойиҳада иштирок этаётганлар сони ва ушбу лойиҳаларни бажариш жараёнида қилинган илмий ишларига берилган балларини маълумот сифатида олдик. Статистик маълумотларни таққослаш мақсадида лойиҳаларни икки даврга (1-давр 2009-2011 йиллар ва 2-давр 2012-2014 йилларни) олдик.

**1-жадвал**

**2009-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш лойиҳаларида иштирок этаётган ташкилотлар ҳамда ходимлар тўғрисида маълумот [3]**

№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар		2009-2011 йилларда оlingан баллари, балл	2012-2014 йилларда оlingан баллари, балл
		Ўртача бир ходимга молиялаштирилган сумма, млн.сўм	Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши	Ўртача бир кишига молиялаштирилган сумма, млн.сўм	Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши		
1	Тошкент тиббиёт Академияси	18,6	130	27,9	118	5900	6940
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	13,9	76	26,0	75	3740	4410
3	Тошкент фармацевтика институти	14,7	33	28,6	35	2410	1800
4	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	15,7	59	26,6	53	3740	4010
5	Анджон тиббиёт институти	12,8	8	16,6	14	540	620
6	Самарқанд тиббиёт институти	10,4	22	23,1	11	960	590
7	Бухоро тиббиёт институти	9,7	6	8,8	15	200	720
8	Республика онкология илмий маркази	19,7	52	46,6	42	4800	4080
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология ИТИ	4,5	35	10,2	27	1090	1720
10	Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ИТИ	18,9	57	39,9	56	3230	2820
11	Вирусология ИТИ	18,2	42	39,3	35	2480	2100
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	16,1	76	35,4	60	3290	4140
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	25,7	38	50,8	38	3850	4440
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	26,8	58	53,6	55	1850	3380
15	Педиатрия РИИАТМ	17,8	86	29,3	92	10630	11880
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	19,0	55	45,3	47	4900	5330
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	25,1	39	38,5	45	5760	7980
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	17,0	45	43,6	35	3430	1650
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	11,9	63	27,2	62	7220	8130
20	Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий Маркази	18,8	40	51,7	25	4470	3720
21	Республика ихтисослашган хирургия Маркази	24,6	77	52,0	65	10010	9890
22	Республика ихтисослашган кардиология Маркази	20,1	64	46,6	62	7380	14750
23	Республика ихтисослашган урология Маркази	14,0	6	30,2	5	520	1200
24	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази	18,7	86	33,4	83	9300	5273
25	Республика неврохирургия Маркази	10,9	33	20,4	27	2450	2430
	<b>Жами:</b>	-	<b>1286</b>	-	<b>1182</b>	<b>104150</b>	<b>114003</b>

1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 25 та тиббиёт муассасаларини гуруҳлашимиз керак бўлади. Гуруҳлашни амалга оширишда бир муҳим белгиси орқали гуруҳларга ажратишимиз керак. Бизнинг тадқиқотимизда муҳим белги дебсоғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштириш миқдори ҳисобланади. Шундай экан гуруҳлашни молиялаштирилган сумма орқали 5 та гуруҳга ажратамиз.

Гуруҳлар оралиғи чегараси аниқлашда икки шаклда ечиш мумкин: бири - ҳамма гуруҳлар учун оралиқни тенг миқдорда белгилаш, иккинчиси - уни тенгмас шаклда, кўпайиб ёки озайиб келувчи миқдорларда ифодалаш. Бизнинг тадқиқотимизда эса биринчи ҳолдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун гуруҳ оралиғи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [4]:

$$i = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{K}$$

Буерда:  
 $X_{\max}$  - гуруҳлаш белгисининг энг катта қиймати;

$X_{\min}$  - унинг энг кичик қиймати;

$K$  - тузиладиган гуруҳлар сони.

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштириш суммаларини тенг оралиққа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратиб оламиз.

$$i = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{k} = \frac{26,8 - 4,5}{5} = 4,46$$

1-гуруҳ 4,5 – 8,96 млн. сўм  
2-гуруҳ 8,96 – 13,42 млн. сўм  
3-гуруҳ 13,42 – 17,88 млн. сўм  
4-гуруҳ 17,88 – 22,34 млн. сўм  
5-гуруҳ 22,34 – 26,8 млн. сўм

Ушбу гуруҳланган оралиқларга кирувчи тиббиёт муассасаларини танлаб олиб қуйидаги гуруҳланган жадвални тузамиз (2-жадвал).

Бизнинг таҳлилларимизда соғлиқни сақлаш соҳасидан танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларини бажарган илмий ишларига берилган балларни ўргандик. Энг юқори 101,3 балли 5-гуруҳга кирувчи 4 та тиббиёт муассасалари киритилди. Яъни, Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти, Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти, Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ ва Республика ихтисослашган хирургия марказлари қиради. Кейинги ўринда 86,1 балли билан 2-гуруҳ ҳисобланиб, ушбу гуруҳда 5 та тиббиёт муассасалари қиради. Яъни, Андижон давлат тиббиёт институти, Самарқанд тиббиёт институти, Бухоро тиббиёт институти, Дерматология ва венерология РИИАТМ, Республика неврохирургия марказлари қиради. Энг паст 31,1 балли 1-гуруҳга тўғри келди. Яъни, Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти ҳисобланади (2-жадвал).

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштирилиши бўйича гуруҳларга ажратиб, уларнинг илмий ишларига берилган балларни таҳлил қилиб чиқдик.

## 2-жадвал

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш жадвал

Бир ходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Ижрочи ташкилот сони	Молиялаштирилган сумма, млн. сўм		Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши	Олган баллари, балл		Ўртача бир иштирокчига тўғри келган балл
		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши	
1	2	3	4=3/2	5	6	7=6/2	8=6/5
1-гуруҳ 4,5-8,96	1 (9)	4,5	4,50	35	1090	1090	31,1
2-гуруҳ 8,96-13,42	5 (5, 6, 7, 19, 25)	55,7	11,14	132	11370	2274	86,1
3-гуруҳ 13,42-17,88	7 (2, 3, 4, 13, 15, 18, 23)	109,2	15,60	381	27760	3965,71	72,9
4-гуруҳ 17,88-22,34	8 (1, 8, 10, 11, 16, 20, 22, 24)	152	19,00	526	42460	5307,5	80,7
5-гуруҳ 22,34-26,8	4 (13, 14, 17, 21)	102,2	25,55	212	21470	5367,5	101,3
<b>Жами</b>	<b>25</b>	<b>423,6</b>	<b>16,94</b>	<b>1286</b>	<b>104150</b>	<b>4166</b>	<b>80,99</b>

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига

молиялаштириш суммаларини тенг оралиққа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратиб оламиз.

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштириш суммаларини тенг ораликқа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратиб оламиз.

$$i = \frac{X_{max} - X_{min}}{k} = \frac{53,6 - 8,8}{5} = 8,96$$

1-гуруҳ 8,8 – 17,76 млн. сўм  
 2-гуруҳ 17,76 – 26,72 млн. сўм  
 3-гуруҳ 26,72 – 35,68 млн. сўм  
 4-гуруҳ 35,68 – 44,64 млн. сўм  
 5-гуруҳ 44,64 – 53,6 млн. сўм  
 Ушбу гуруҳланган ораликларга кирувчи тиббиёт муассасаларини танлаб олиб қуйидаги гуруҳланган жадвални тузамиз:

3-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш жадвали

Бир ходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Ижрочи ташкилотлар сони	Молиялаштирилган сумма, млн. сўм		Лойихада иштирок этувчи ходимлар сони, киши	Олган баллари, балл		Ўртача бир иштирокчига тўғри келган балл
		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши	
1	2	3	4=3/2	5	6	7=6/2	8=6/5
1-гуруҳ 8,8 – 17,76	3 (5, 7, 9)	35,6	11,87	56	3060	1020	54,6
2-гуруҳ 17,76 – 26,72	4 (2, 4, 6, 25)	96,1	24,03	166	11440	2860	68,9
3-гуруҳ 26,72 – 35,68	7 (1, 3, 12, 15, 19, 23, 24)	212	30,29	455	39 363	5623,29	86,5
4-гуруҳ 35,68 – 44,64	4 (10, 11, 17, 18)	161,3	40,33	171	14550	3637,5	85,1
5-гуруҳ 44,64 – 53,6	7 (8, 13, 14, 16, 20, 21, 22)	346,6	49,51	334	45590	6512,86	136,5
<b>Жами</b>	<b>25</b>	<b>851,6</b>	<b>34,06</b>	<b>1182</b>	<b>114003</b>	<b>4560,12</b>	<b>96,45</b>

Соғлиқни сақлаш соҳасидан танлаб олинган 2012-2014 йилларда фаолият олиб борган 25 та тиббиёт муассасаларини бажарган илмий ишларига берилган балларни ўргандик. Ушбу даврда ўтган (2009-2011 йиллар) даврга нисбатан сезиларли даражада ўсганини кўришимиз мумкин. Энг юқори 136,5 балга эга бўлган гуруҳга 7 та тиббиёт муассасалари киритилди. Яъни, Республика онкология илмий маркази, Травматология ва ортопедия ИТИ, Гематология ва қон қуйиш ИТИ, Акушерлик ва гинекология РИИАТМ, Республика ихтисослашган эндокринология илмий -амалий маркази, Республика ихтисослашган хирургия маркази ва Республика ихтисослашган кардиология марказлари киради. Кейинги ўринда 86,5 балл билан 3-гуруҳ хисобланиб, ушбу гуруҳга 7 та тиббиёт муассаса-

лари киради. Яъни, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти, Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ, Педиатрия РИ-ИАТМ, Дерматология ва венерология РИИАТМ, Республика ихтисослашган урология маркази ва Республика Шошилинч Тиббий Ёрдм илмий марказлари киради. Энг паст 54,6 балл 1-гуруҳга тўғри келди. Яъни, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро тиббиёт институти ва Л.М.Исаева номидаги паразитология ИТИлари хисобланади.

Умуман олганда биринчи (2009-2011 йиллар) даврга караганда иккинчи (2012-2014 йиллар) даврда тиббиёт муассасалари томонидан илмий грантлар бўйича амалга оширилган илмий ишлар бирмунча ўсганини кўришимиз мумкин.

4-жадвал

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир ходимга нисбатан молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш жадвали

Бир ходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Лойихада иштирок этувчилар сони, киши (f)	Интервал ўртаси (x)	x*f	(x - $\bar{x}$ )	(x - $\bar{x}$ ) <sup>2</sup>	(x - $\bar{x}$ ) <sup>2</sup> · f
4,5-8,96	35	6,73	235,6	-11,47	131,56	4604,6
8,96-13,42	132	11,19	1477,1	-7,01	49,14	6486,5
13,42-17,88	381	15,65	5962,7	-2,55	6,50	2477,5
17,88-22,34	526	20,11	10577,9	1,91	3,65	1918,9
22,34-26,8	212	24,57	5208,8	6,37	40,58	8602,3
<b>Жами</b>	<b>1286</b>	-	<b>23461,98</b>	-	-	<b>24089,8</b>

$$\bar{x} = \frac{\sum x \cdot f}{\sum f} = \frac{23461,98}{1286} = 18,2 \text{ млн. сўм}$$

$$\sigma^2 = \frac{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot f}{\sum f} = \frac{24089,8}{1286} = 18,732 \text{ млн. сўм}$$

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий текшириш ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштириш суммаси 18,2 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Агар ушбу суммани (18,2:36=0,5056 млн. сўм) 36 ойга бўлсак ўртача ҳар бир ходимга бир ойда молиялаштириш суммаси келиб чиқади. Яъни ҳар ойга ўртача 505,6 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Демак, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда фақатгина умумлаштирувчи кўрсаткич – ўртача миқдорни ҳисоблаш билан чекланмасдан, балки шу ўртачадан алоҳида миқдорларнинг қанчалик тофовутда эканини таҳлил қилиш ҳам лозим.

Ўртача арифметик миқдорнинг математик ҳусусиятларидан бири шундан иборатки, алоҳида миқдорлар билан уларнинг ўртачаси ўртасидаги фарқ йиғиндиси нолга тенг. Шунинг учун ҳам ўртача мутлақ тафовутни ҳисоблашда фарқлаш ишорасига эътибор берилмайди, улар модуль бўйича ҳисобга олинади. Натижада умумий олинган йиғинди иқтисодий, реал маънога эга бўлмайди, шу сабабли статистика амалиётида бу кўрсаткич деярли қўлланилмайди. Унинг ўрнига дисперсия, яъни ўртача квадрат тафовутни ҳисоблашимиз керак бўлади. Яъни:

Олинган натижа тортилган ўртача квадрат тафовутни (дисперсияни) беради.

$\sigma^2$  квадрат илдиздан чиқарилиб, тортилган ўртача квадратик тафовут аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{18,732} = 4,328 \text{ млн. сўм}$$

Ниҳоят, ўртача квадратик тафовут билан ўртача миқдорнинг нисбати, яъни вариация коэффицентини аниқланади:

$$v = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}} = \frac{4,328 \cdot 100}{18,2} = 23,78 \%$$

Бу коэффицент қиймати фоизда ифодаланган бўлиб, 0 билан 100 орасида ётади. У 0 га қанча яқин турса, ўзгарувчанлик шунча кучсиз ва қанча 100 га яқинлашса, шунчалик ўзгарувчанликнинг кучлигидан далолат беради. Демак, бизнинг юқорида олиб борган таҳлилларимиз бўйича ўртача миқдор ва белги қийматлари ўртасидаги ўзгарувчанлик (тафовут) кучли бўлмай 23,78 % ни ташкил этмоқда.

#### 5-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир ходимга нисбатан молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш жадвали

Бирҳодимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Лойиҳаларда иштирок этувчилар сони, киши (f)	Интервал ўртаси (x)	x*f	(x - $\bar{x}$ )	(x - $\bar{x}$ ) <sup>2</sup>	(x - $\bar{x}$ ) <sup>2</sup> · f
8,8 – 17,76	56	13,28	743,7	-28,02	785,12	43966,7
17,76 – 26,72	166	22,24	3691,8	-19,06	363,28	60305,1
26,72 – 35,68	455	31,2	14196,0	-10,1	102,01	46414,6
35,68 – 44,64	171	80,32	13734,7	39,02	1522,56	260357,8
44,64 – 53,6	334	49,12	16406,1	7,82	61,15	20424,9
<b>Жами</b>	<b>1182</b>	-	<b>48772,32</b>	-	-	<b>431469,1</b>

$$\bar{x} = \frac{\sum x \cdot f}{\sum f} = \frac{48772,32}{1182} = 41,3 \text{ млн. сўм}$$

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштириш суммаси 41,3 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Агар ушбу суммани (41,3:36=1,1472 млн. сўм) 36 ойга бўлсак ўртача ҳар бир ходимга бир ойда молиялаштириш суммаси келиб чиқади. Яъни ҳар ойга ўртача 1147,2 минг сўмни ташкил қилмоқда.

$$\sigma^2 = \frac{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot f}{\sum f} = \frac{431469,1}{1182} = 365,033 \text{ млн. сўм}$$

Олинган натижа тортилган ўртача квадрат тафовутни (дисперсияни) беради.

$\sigma^2$  квадрат илдиздан чиқарилиб, тортилган ўртача квадратик тафовут аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{365,033} = 19,106 \text{ млн. сўм}$$

Ниҳоят, ўртача квадратик тафовут билан ўртача миқдорнинг нисбати, яъни вариация коэффицентини аниқлаймиз:

$$v = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}} = \frac{19,106 \cdot 100}{41,3} = 46,3 \%$$

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 2009-2011 йилларда вариация коэффиценти 23,78 %ни ташкил қилган бўлса, 2012-2014 йилларда ушбу кўрсаткич 46,3 %ни ташкил қилмоқда. Демак, 2009-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда ўзгарувчанлик кучлироқ

бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ўрганилаётган 2009-2011 ва 2012-2014 йилларни икки даврга бўлиб ўргандик. Биринчи даврга нисбатан иккинчи давр кўрсаткичлари бирмунча ўсганилигини кўрсатмоқда.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришидир” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси \ UzA.uz.
2. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси \ UzA.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари 2009-2014 йиллар.
4. Соатов Н.М., Аюбжонов А.Ҳ., Мухиддинова Н.Н. Статистика. Дарслик. – Т.: ТДИУ2011. 61-64-бетлар.

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Саттаров Баходур Казакбаевич

Тошкент молия институти катта ўқитувчиси, и.ф.н.

**Аннотация.** Илмий мақолада акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг назарий масалалари ўрганилган, «Ўздонмахсулот» АК таркибидаги корхоналар мисолида республикада акциялар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган ва илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган. Мазкур таклиф ва тавсиялар республикада акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими жорий этиш орқали фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Таянч тушунчалар:** Акция, акциядорлик жамияти, молиявий ресурс, ўз маблағлари, қарз маблағлари, қўшимча акция эмиссияси, ички ва ташқи молиялаштириш, инвестиция, фонд биржаси.

**Аннотация.** В научной статье изучены теоретические вопросы формирования финансовых ресурсов акционерных обществ, проанализирована текущая ситуация в сфере финансирования за счёт акций в республике и сформированы соответствующие выводы на основе АК "Ўздонмахсулот", а также научные предложения и практические рекомендации. Применение предложений и рекомендаций в данной статье позволяют увеличить эффективность системы корпоративного управления в республике.

Ключевые слова. Акция, акционерных обществ, финансовые ресурсы, собственные средства, заемные средства, эмиссия дополнительных акций, внутреннего и внешнего финансирования, инвестиций, фондовой биржи.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш, бунинг учун эса уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, самарадорлик кўрсаткичларини мунтазам ошириб бориш масалалари республикамизда устувор даражада эътибор қаратилаётган масалалардан биридир. Шунингдек, "Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, «олтин» акцияларни давлат ихтиёрида саклаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур"[1] бўлиб қолмоқда. Умумий ҳолда келтирилаётган масалалар акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни шакллантиришга бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида акциядорлик жамиятларида молиявий ресурслар шаклланиши, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ўз мабалағларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати хусусида фикр юритамиз.

Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурслар шаклланиши бўйича амалга оширилган тадқиқот ишлари ўрганилганда бир-биридан фарқ қилувчи ёндашувлар мавжудлигига гувоҳ бўлдиқ.

Хусусан, Стефен Росс бошчилигидаги муаллифлар корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини ўз маблағлари ва қарз маблағларига ажратган [2]. Шунингдек, Брейли Майерс бошчилигидаги муаллифлар томонидан ҳам ҳар қандай корпоратив тузилма ўз фаолиятини икки манба ўз маблағлари ҳамда қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши келтирилган [3]. Бунда акциялар муомаласи орқали молиялаштириш, улушларга эгаллик қилиш, корпоратив облигациялар жойлаштириш орқали молиявий таъминотни ташкил этиш, банк кредитлари, лизинг ва ҳокозоларга алоҳида эътибор қаратилган.

О.В.Борисова бошчилигидаги муаллифлар жамоаси тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг барча манбаларини корпорацияларнинг ўз маблағлари, қарз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва давлат бюджети маблағларига ажратади [4]. И.Я.Лукаевич корхоналарни молиялаштиришнинг ташкилий шакллари сифатида ўз-ўзини молиялаштириш, акциядорлик ёки улушли молиялаштириш, қарзли молиялаштириш, бюджетдан молиялаштириш, молиялаштиришнинг алоҳида шакллари, хорижий капитал жалб қилиш каби келтирилади [5]. Бунда бюджетдан молиялашти-

риш қайтариш шарти билан бюджетдан кредитлар, текинлик асосидаги бюджетдан ажратмалар, мақсадли давлат инвестицион дастурлари, инвестицион солиқ кредити, грантлар ва бошқалар назарда тутилади.

Маҳаллий тадқиқотчилардан С.Элмирзаев корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштириш ўз ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкинлиги, улар ўз навбатида ички ва ташқи молиялаштириш манбаларига бўлинишини таъкидлайди [6].

Юқорида келтирилган муаллифлар тадқиқот натижалари бу борадаги ёндашувнинг ўзаро фарқ қилишини кўрсатиб турибди. Лекин уларнинг ҳар бири асослаб берилганлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим.

Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг корпоратив тузилмалар фаолиятидаги иштироки маълум бир улуш (ҳисса)га ёки қарз беришга асосланиши ўз навбатида корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларининг ўз ва қарз маблағлари шаклланишини ўзида акс эттиради. Натижада молиялаштиришнинг икки гуруҳга бўлиниши ўз тасдиғини топади.

Энди бевосита россиялик иқтисодчи олимлар фикр юритган жалб қилинган маблағларнинг ҳам қарз шаклида ёки ўз маблағи сифатида шаклланишига олиб келади. Давлат бюджетидан молиялаштиришга тўхталадиган бўлсак, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида корпоратив тузилмалар фаолиятида давлатнинг сезиларли даражада юқори иштироки билан бевосита боғлиқ. Чунки бунда бевосита ёки билвосита давлат томонидан корпоратив тузилмалар, хусусан акциядорлик жамияти фаолиятини молиялаштириш амалиёти кузатилади. Шундай бўлсада, давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳам акциядорлик жамиятининг мустақил юридик шахс эканлигидан келиб чиққан ҳолда бевосита қарз ёки ўз маблағи шаклланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан акциядорлик жамиятлари молиявий ресурслари ўз ва қарз маблағлари ҳисобига шаклланади, деган фикрга биз ҳам қўшилаемиз.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг ташкилий асосларига тўхталадиган бўлсак ўзига хос жиҳатларни кўришимиз мумкин. Бунда охириги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятига хорижий инвесторларни жалб қилиш, давлат улушини стратегик инвесторларга сотиш, давлат унитар корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлан-

тириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулк улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2340-сонли Қарорига асосан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг улушлари стратегик хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган акциядорлик жамиятлари, ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулотлар чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида ошқора савдоларда хусусий мулк эгаллиги шарти билан

хўжалик бошқаруви органларининг давлат активлари ва улушлари, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган корхона ва хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат улушини хўжалик бошқаруви органларига ўтказиш масалалари қўйилган. Бунда давлат ва хўжалик бошқарув органлари улушини тўғридан-тўғри сотиш ҳамда қўшимча акциялар ҳисобига улушни камайтириш амалиётлари назарда тутилган.

Қарорда “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги корпоратив тузилмалар юзасидан қуйидаги талаблар белгиланган (1-жадвал).

**1-жадвал**  
**«Ўздонмахсулот» АК таркибидаги жамиятлар устав капиталда давлат ва хўжалик органлари улуши ўзгариши**

№	Жамиятнинг номи (АЖ кўрсатилмаган ҳамда МЧЖ ёзувда)	Жойлашган жойи (республика, вилоят)	Қўшимча акция (улуш) чиқарилгунга қадар давлат ва хўжалик бошқаруви органи улуши	Шу жумладан улуш:		Қўшимча акция (улуш) чиқарилгандан сўнг улуш	
				Давлат	Хўжалик бошқаруви органи	Давлат	Хўжалик бошқаруви органи
1.	Тахиаташ дон маҳсулотлари	Қорақалпоғистон	91,07	66,6	24,47	—	51,0
2.	Кўнғирот ун заводи	Қорақалпоғистон	95,66	67,03	28,63	—	51,0
3.	Жиззахдон-маҳсулотлари	Жиззах	94,49	54,33	40,16	—	51,0
4.	Зарбдор элеватори	Жиззах	94,86	43,86	51,0	—	51,0
5.	Қашқадарёдон-маҳсулотлари	Қашқадарё	92,52	61,7	30,82	—	51,0
6.	Когон дон маҳсулотлари	Бухоро	93,0	42,0	51,0	—	51,0
7.	Қизилтепа ун заводи	Навоий	93,5	42,5	51,0	—	51,0
8.	Попдонмах-сулотлари	Наманган	92,82	40,03	52,79	—	51,0
9.	«Чимбойдон» МЧЖ	Қорақалпоғистон	91,75	80,75	11,0	—	51,0
10.	Қорақалпоқ дон маҳсулотлари	Қорақалпоғистон	80,21	41,18	39,03	—	51,0
11.	«Тўрткўл дон маҳсулоти» МЧЖ	Қорақалпоғистон	61,22	10,22	51,0	—	51,0
12.	Кўрғонтепа дон маҳсулотлари	Андижон	83,78	32,78	51,0	—	51,0
13.	Асака дон маҳсулотлари	Андижон	65,86	30,32	35,54	—	51,0
14.	Дўстлик дон маҳсулотлари	Жиззах	90,2	52,11	38,09	—	51,0
15.	Дон халқ ризки	Қашқадарё	88,46	41,78	46,68	—	51,0
16.	Қамаши дон қабул қилиш	Қашқадарё	99,96	48,96	51,0	—	51,0
17.	Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш» МЧЖ	Қашқадарё	79,2	28,2	51,0	—	51,0
18.	Навоий дон маҳсулотлари	Навоий	61,14	20,67	40,47	—	51,0
19.	Учкўрғондонмахсулот	Наманган	74,1	25,77	48,33	—	51,0
20.	Жума элеватори	Самарқанд	63,88	26,3	37,58	—	51,0
21.	Оқтош дон	Самарқанд	57,49	13,24	44,25	—	51,0
22.	Шўрчи дон маҳсулотлари	Сурхондарё	64,48	27,51	36,97	—	51,0
23.	Сурхондарёдонмахсулотлари	Сурхондарё	67,55	16,55	51,0	—	51,0
24.	«Сариосиё дон» МЧЖ	Сурхондарё	71,7	20,7	51,0	—	51,0
25.	Ховос дон маҳсулотлари	Сирдарё	82,51	37,43	45,08	—	51,0
26.	Оқ олтин дон маҳсулотлари	Сирдарё	80,22	29,22	51,0	—	51,0
27.	Хоразмдонмахсулотлари	Хоразм	92,61	65,1	27,51	—	51,0
28.	Боғот дон	Хоразм	54,86	14,52	40,34	—	51,0
29.	Шовот донмахсулотлари	Хоразм	64,34	23,54	40,8	—	51,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасидан олинди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги 25 та акциядорлик жамиятида кўшимча акция чиқариш орқали ва тўртта масъулияти чекланган жамиятда эса кўшимча улуш жалб қилиш хисобига давлат улуши тўлиқлигича тугатилиб,

хўжалик бошқаруви органи улуши 51 фоизга пайсайтирилиши белгиланган. Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотиш учун кўшимча чиқарилган акциялар миқдори қуйидагича (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарорига асосан Ўздонмахсулот АК таркибидаги акциядорлик жамиятлари томонидан кўшимча чиқарилган акциялар тўғрисида маълумот**

Т/р	Акциядорлик жамият номи	Устав фонди миқдори (сўм)	Акция номинал қиймати, сўм	Кўшимча чиқарилган акциялар сони, дона	Кўшимча чиқарилган акциялар номинал қийматидаги баҳоси, минг сўм
1.	Қорақалпоқ дон маҳсулотлари	1490518500	750	723682	542761,5
2.	Кўнғирот ун заводи	2428180300	1300	871938	1133519,4
3.	Тахияташ дон маҳсулотлари	1504858000	1000	1182244	1182244
4.	Асака дон маҳсулотлари	977516100	2700	81667	220500,9
5.	Кўрғонтепадонмаҳсулотлари	1067812	1000	417812	417812
6.	Когондонмаҳсулотлари	1310995400	2600	227716	592061,6
7.	Жиззахдонмаҳсулотлари	1647087700	100	7580744	758074,4
8.	Зарбдорэлеватори	1302059600	200	3010298	602059,6
9.	Дўстлик дон маҳсулотлари	1716328000	1000	745953	745953
10.	Қашкадарёдонмаҳсулотлари	1933034161	643,9	1347242	867489,1238
11.	Дон халқ ризки	2005992000	2160	682104	1473344,64
12.	Қамаши дон қабул қилиш	595482000	610	937552	571906,72
13.	Навоий дон маҳсулотлари	898440000	800	185894	148715,2
14.	Қизилтепа ун заводи	1137176000	2000	258451	516902
15.	Попдонмаҳсулотлари	1183039	1000	533029	533029
16.	Учкўрғондонмаҳсулот	685907000	500	762139	381069,5
17.	Оқтош дон	936299760	660	180513	119138,58
18.	Жума элеватори	826814000	1975	105822	208998,45
19.	Сурхондарёдонмаҳсулотлари	3084802000	1000	1308744	1308744
20.	Шўрчи дон маҳсулотлари	1068386000	1000	223365	223365
21.	Ховос дон маҳсулотлари	1315489800	300	4384966	1315489,8
22.	Оқ олтин дон маҳсулотлари	2303135000	1000	988083	988083
23.	Хоразмдонмаҳсулотлари	2104929000	100	9409838	940983,8
24.	Шовот донмаҳсулотлари	969956600	100	2011078	201107,8
25.	Боғот дон	1312248000	800	2436900	1949520
	<b>Жами</b>	<b>33557885772</b>		<b>40597774</b>	<b>17942873,01</b>

Манба: “Ўздонмахсулот” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.


Юқоридаги жадвал маълумотларидан “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги акциядорлик жамиятлари томонидан устав капиталидаги хўжалик бошқаруви органи улуши 51 фоизни ташкил этиши учун кўшимча равишда жами 17942873,01 минг сўмлик акциялар муомаллага чиқарилганлигини кўришимиз мумкин. Кўшимча чиқарилган акциялари биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотишнинг белгилаб қўйилганлигини инобатга оладиган бўлсак, “Ўздонмахсулот” АКнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги улуши 51 фоизни ташкил этган ҳолатда бу амалиётнинг ўзини оқлаши нисбатан мураккаброк. Чунки, қарор

қабул қилиш ҳуқуқи хўжалик бошқаруви органида сақланиб қолмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2454-сонли Қарорига асосан эса акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторлар улуши камида 15 фоизни ташкил этиши масаласи белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий

инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 33-сонли Қарори қабул қилинди. Унда кўшимча эмиссиялар ҳисобига хорижий инвесторларни жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Келтириб ўтилаётган қарорларнинг амалиётга жорий этилиши хорижий

инвесторларнинг миллий фонд бозоримиздаги фаоллиги ошишига хизмат қилмоқда. Чунки «Тошкент» Республикаси фонд биржасининг 2016 йилдаги умумий савдо айланмаси ҳажми 299,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, унда 161,9 млрд сўми хорижий инвесторлар инвестицияларига тўғри келади, бу эса умумий кўрсаткичнинг 54 фоизини ташкил қилади (1-расм).



Манба: <https://uzse.uz/boards/157> - “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1-расм. “Тошкент” республика фонд биржасининг 2016 йилги савдо айланмасида юридик ва жисмоний шахслар инвестициялари миқдори, млрд. сўмда

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 299,8 миллиардлик савдо айланмасининг 150,2 миллиард сўми юридик шахс ҳисобланган хорижий инвесторларга, 11,7 миллиард сўми эса жисмоний шахс ҳисобланган хорижий инвесторларга тегишлидир. Шу ўринда маҳаллий жисмоний шахс ҳисобланган инвесторларни ҳам фонд бозоридаги операцияларга кенгрок жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашимиз лозим. Чунки маҳаллий аҳолининг ўз маблағларини фонд бозорига йўналтириши мулкдорлар синфининг шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги “Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув” 2635-сонли Қарорига асосан Узавтойўл унитар корхонаси, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Бунда асосий эътибор рўйхатдаги стратегик аҳамиятга эга давлат корхоналарида ҳам корпоратив бошқарув тизимини самарали жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Умумий ҳолда юқоридагилар асосида акциядорлик жамиятлари молиявий ресурслари биринчи навбатда акциялар ҳисобига шаклланишини таъкидлашимиз мумкин. Амалга оширган тадқиқот

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 52.
2. Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfi eld, Bradford D. Jordan. *Fundamentals of corporate finance*. 10th edition. – USA, McGraw-Hill/Irwin, 2013. – P. 449.
3. Richard A Brealey, Stewart C Myers, Franklin Allen. *Principles of corporate finance*. – USA, McGraw-Hill Education, 2014. – P. 345-346.
4. Борисова О.В. и др. *Корпоративные финансы. Учебник и практикум*. – М.: «Юрайт», 2015. – С. 75.
5. Лукасевич И.Я. *Финансовый менеджмент. Учебник*. – М. «Эксмо», 2010. – С. 561-562.
6. Элмирзаев С. *Корпоратив молия. Ўқув қўлланма*. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 65-б.

## ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АДАПТАЦИОН МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Исаджанов Абдували Абдурахимович

ТДИУ хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими, и.ф.д.

**Аннотация.** Мақолада глобал иқлим ўзгариши ва адаптацион механизмини шакллантириш муаммолари кўриб чиқилган. Яқин ўн йилликларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган йўқотишлар баҳоси таҳлил қилинган. Иқлим ўзгаришининг асосий омиллари ва кўрсаткичлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи фикри ўрганилган. Глобал иқлим ўзгариши шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун саноат тармоқлари учун эко-инновацион фаолиятнинг институтлари ва механизмлари, "яшил" илмий-техник маҳсулотларнинг бозорини шаклланишига қаратилган тизимли ҳуқуқий базани яратиш таклиф этилган.

**Таянч тушунчалар:** Глобал иқлим ўзгариши, адаптацион механизми, барқарор ривожланиш, эко-инновациялар, Марказий Осиё мамлакатлари

**Аннотация.** В статье рассмотрены глобальные климатические изменения и проблемы формирования адаптационного механизма. Оценены потери в связи с изменением климата ближайшие десять лет. Изучены мнения межгосударственных экспертных групп по основным показателям и факторам изменения климата. Для достижения стабильно экономического роста в период глобального изменения климата предложено создать институты и механизмы эко-инновационной деятельности, системную правовую базу, направленную на формирование рынка «зеленой» научно-технической продукции промышленного сектора.

**Ключевые слова:** Глобальное изменение климата, адаптационный механизм, устойчивое развитие, эко-инновации, страны Центральной Азии.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) Минг йиллик ривожланиш мақсадлари дастури (2000-2015 йиллар) ва 2016-2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари [1] доирасида янги ривожланиш моделини шаклланиши «яшил» иқтисодиёт концепциясини яратилишига сабабчи бўлди ва жамият ҳамда иқтисодиёт табиат тизимлари билан бирга ҳам оҳанг тарзда бўлиши қайд этила бошланди [2].

Замонавий экологик таҳдидлар қаторида иқлим ўзгаришлари алоҳида ўрин эгаллайди ва унинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб улар экотизимни мослашиш тезлигидан юқори эканлиги билан ажралиб турмоқда. Айнан шунинг остида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги ёндашувларини ривожланишига эҳтиёж орта бошлади. Натижада иқтисодиёт ва жамиятнинг салбий ўзгаришларга бардош турадиган ҳамда уларнинг оқибатларидан тезда тиклана оладиган барқарор ривожланиш концепциясини, барча турдаги ресурслардан (сув, энергетика ва ва х.к.) самарали фойдаланиш масалаларини биринчи ўринга чиқарди.

Натижада 1987 йилда жаҳон ҳамжамияти томонидан «Бизнинг умумий келажагимиз» [3]. «21 аср учун кун тартиби» [4] ҳужжатлари қабул қилинди ва БМТнинг Рио-де-Жанейрода «Атроф - муҳит ва ривожланиш» мавзусида конференция (1992 йил) ва Барқарор ривожланиш бўйича Умумжаҳон саммити (2002 йил) бўлиб ўтди.

Кейинчалик БМТнинг «Глобал яшил янги курс» концепцияси (2009 йил) таклиф этилди [5]. Унинг асосий мазмуни инвестицияларни кам углеродли иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш ва рағбарлантиришга, экологик тоза технологияларни жорий этишга, ва экологик талабларга жавоб берадиган транспорт воситаларини яратишга ва қўллашга, энергосамарадорликни таъминлашга ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Маълумки, иқлим ўзгариши жаҳоннинг жиддий муаммолар сифатида тан олинмоқда ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда [6].

Метеорологиккузатишларшуниқўрсатмоқдаки, ўргача ҳарорат ер қуррасида ўсиб бормоқда,

XX асрда у 0,7° С кўтарилди ва тобора ошиб бормоқда. Ҳароратни ошиши ҳозирга келиб яққол сезилмоқда, мисол учун хаддан ташқари иссиқ ёз мавсуми бир қатор мамлакатларда кузатилмоқда, экстремал табиий воқеалар сони кўпайиб бормоқда, музликларнинг эриши тезлашмоқда. Ҳароратни кейинчалик ҳам кўтарилиши бир қатор жиддий оқибатларга олиб келишини мутахассислар башорат қилмоқдалар [7].

Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотларига кўра, ҳароратни индустриал даврдан олдинги даражасидан 2°С ошиб кетиши жуда жиддий салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқори ҳисобланмоқда [8].

Бу борада иқлим ўзгаришига адаптация қилиш (мослашиш) масалалари замонавий иқлим сиёсатининг муҳим бўлаги деб ҳисобланмоқда ва бир қатор молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида институционал чора-тадбирлар амалга оширилган, шу жумладан: Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ-GEF) фаолият юрита бошлади, унинг Траст фонди (GEF Trust Fund) ҳар йили иқлим ўзгариши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш учун 50 млн. АҚШ долларини ажратиб келмоқда; ташкил этилган паст даражада ривожланган мамлакатлар Фонди (Least Developed Countries Fund) иқлим ўзгаришига мослашиш миллий дастурларини (National Adaptation Programs of Action) яратиш ва жорий этиш мақсадида 115 млн.доллар миқдоридида молиявий ресурсларга эга [9].

Яқин ўн йилликларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг ялпи баҳоси Николас Стерн (Nicholas Stern) маълумотларига кўра жиддий экологик таҳдидларга (турли экстремал воқеалар, туфонлар, музликларнинг эриши, қирғоқ бўйидаги сув тошқинлари ва денгиз сатҳининг кўтарилиши) сабабчи бўлиши мумкин (1-жадвал).

2005 йилдаги иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган йўқотишлар (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %) бутун дунё бўйича 0,1 % ни ташкил қилган бўлса, яқин ўн йилликлар ичида кутилаётган ушбу кўрсаткич 0,5 – 1 % ни ташкил этиши мумкин, шу жумладан АҚШда, тегишли ҳолда, 0,6 % дан 1,3 % гача, Буюк Британияда - 0,13 % дан 0,2-0,4 % гача ошиши мумкин.

## Яқин ўн йилликларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг ялпи баҳоси

Минтақа	Йўқотишларнинг сабаблари	2005 йилдаги юқотишлар (Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %)	Ўртача глобал ҳароратни ўсиши ёки Денгиз сатҳининг кўтарилиши	Ўртача глобал ҳароратни ўсиши натижасида Қутилаётган йўқотишлар (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %)
Бутун дунё	Турли экстремал воқеалар	0,1 %	2 °C	0,5 – 1 %
АҚШ	Туфонлар	0,6 %	3°C	1,3 %
АҚШ	Қирғоқ бўйидаги сув тошқинлари	-	1 метр	0,01-0,03 %
Буюк Британия	Сув тошқинлари	0,13 %	3-4 C	0,2-0,4 %
Европа	Қирғоқ бўйидаги сув тошқинлари	-	1 метр	0,01-0,02 %

Манба: Кокорин А. О., Кураев С. Н. Nicholas Stern. The Economics of Climate Change. The Stern Review. Cabinet Office – HM. Treasury, 2006, UK WWF, GOF. – М.: WWF Россия, 2007. – С. 20.

Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотларига кўра, 2100 йилга келиб содир бўлиши мумкин бўлган вазият 2-жадвалда келтирилган.

## Иқлим ўзгаришининг асосий омиллари ва кўрсаткичлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг (IS92a) баҳорати

	Аҳоли, млрд. киши	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, АҚШ долл.	Энергосамарадорлик, МДж/\$	Жадаллашиш даражаси, CO <sub>2</sub> , кг CO <sub>2</sub> /ГДж	CO <sub>2</sub> , Гт CO <sub>2</sub> Чикиндилар ҳажми
2005 йил маълумотлари	6,4	6541	12,1	54,3	27,5
2100 йил баҳорати	11,3	29730	4,5	49,2	75,4
450 ppm CO <sub>2</sub> даражадаги кўрсаткичга эришиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак.	Аҳоли сони 9-11 млрд. кишига етиши мумкин.	Юқори даражадаги даромад мақсадга мувофиқдир, аммо иқтисодий ўсиш сифати ошиши керак бўлади.	Якуний рақамлар прогноз кўрсаткичлардан 5 % фарқ қилиши мумкин.		~ 4,0

Манба: <http://sedac.ciesin.org/ddc/is92/>; Банури Т., Ошироп Х. Изменение климата и устойчивое развитие. Рабочий документ № 56 Департамента ООН по экономическим и социальным вопросам (DESA). ST/ESA/2007/DWP/56. Октябрь 2007 г. С. 9.

Иқлим ўзгаришининг нафақат глобал жиҳатлари, балки минтавий хусусиятлари ҳам диққат - эътиборда турмоқда, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига таъсири ҳам эътироф этилмоқда. Мисол учун, 1936 йилдан бери исиб бориш суръатини кузатиш шундан далолат берадики, Қозоғистоннинг иқлими борган сари исиб бориши, бунинг устига ҳароратнинг кўтарилиши амалда ҳамма жойда йилнинг турли пайтида рўйхатга олинган. 1936 йилдан 2005 йилгача ҳавонинг ўртача ҳарорати ҳар 10 йилда 0,31°C га кўтарилган.

Башорагларга қараганда, Қозоғистонда бундан кейин ҳароратнинг кўтарилиши кутилмоқда, бунда ўртача ҳисоб-китобларга кўра йиллик ўртача ҳароратнинг 2030 йилга келиб 1,4°C га, 2050 йилда 2,7°C ва 2085 йилда 4,6°C га кўтарилиши ҳақида прогноз берилмоқда [10].

Қирғизистон Республикасида ҳам метеорологик маълумотларга биноан ўтган аср бошидан йиллик ўртача ҳарорат тахминан 0,8 °C га кўтарилиб борганидан далолат беради [11].

Энг муҳим сув манбаларидан бири ҳисобланган Тянь-Шань тоғларидаги музликлар майдони сўнгги 50 йил ичида кескин қисқариб кетди. Айниқса, охириги 20 йил мобайнида ушбу жараён жадал суръатлар билан кечди [12].

Маълумки, Қирғизистон иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири энергетикадир. У ички ҳамда айрим экспорт бозорларига электр энергиясини етказиб берувчи сифатида мамлакатни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг 87% га яқини ички бозорда сарфланади, қолган 13 % и эса экспортга чиқарилади [13]. Мамлакатнинг электр қуввати ишлаб чиқариш имкониятининг катта ҳиссаси (тахминан 90%) гидроэнергетикага тўғри келади.

Тожикистонда ҳам 1940-2000 йиллар мобайнида ҳавонинг ҳарорати кўпгина туманлари ва баланд тоғли зоналарда 0,5 дан 1° C гача кўтарилди [14].

Ушбу мамлакат Марказий Осиёнинг асосий музлик марказидир. Музликлар мамлакат умумий майдонининг 6% га яқинини эгаллайди ва улар нафақат сув ресурсларини ўзида тутиб туради, балки дарё оқимлари ва иқлимни ҳам тартибга солади, қолаверса, Марказий Осиёнинг энг катта сув артерияси деб ҳисобланган Амударёни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Агар музликларнинг ҳозирги кундаги таназзули суръати давом этаверса, дейиладди 2014 йилда чоп этилган Жаҳон банкининг ҳисоботида, Марказий Осиёнинг ва шу жумладан Тожикистоннинг кўпгина кичик музликлари 30-40 йилдан кейин батамом йўқ

бўлиб кетиши юқори деб ҳисобланмоқда [15].

Бунинг натижасида иқлим ўзгаришлари гидроэлектр қуввати ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, эҳтиёжнинг ва мавжуд инфратузилмага таҳдиднинг ортиши ҳисобига мамлакатда энергетика соҳасидаги аҳволнинг келгусида ёмонлашишига олиб келиши кутилади.

Модомики, музликлар Марказий Осиёнинг асосий дарёларига сув оқиб келишини таъминлар экан, бу йўқотишлар барча минтақа мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Туркменистон иклими кескин континентал, ҳаддан ташқари қуруқ ва иссиқдир. Метеорология маълумотлари таҳлили 1950-йилдан буён ҳароратнинг ўртача ўлчами барқарор равишда 1,4°C га кўтарилаётганини кўрсатмоқда. Охириги йилларда, айниқса, баҳор ойларида ёгинлар микдори бирмунча ортиб, ёзда эса камайиб бормоқда.

Метеорология маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, 1950-йилдан бери ҳарорат 1,4°Cга оғишмай кўтарилган [16]. 2040-йилга келиб, атмосфера ҳавоси ҳароратининг бутун Туркменистон худуди бўйлаб 2°C га кўтарилиши эҳтимоли бор. 2100-йилга келиб, ҳарорат кўтарилиши суръати янада ошиши мумкин [17].

2012 йилда Туркменистон иклими ўзгариши бўйича нашр қилинган Миллий стратегиясига мувофиқ, иқлим ўзгариши ҳаво ҳароратининг ортиши, ёгин микдорининг камайиши, шунингдек, табиий гидрометеорологик ҳодисаларнинг такрорланиши ва қўламнинг ошиб боришига олиб келиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам иқлим ўзгариши жараёнлари ҳам кузатилмоқда. Башоратларга кўра, 2050-йилга келиб, дарё оқими Сирдарё сув ҳавзасида 2-5% га, Амударё сув ҳавзасида эса 10-15 % га мос равишда қисқариши мумкин. Натижада, иқлим ўзгариши етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг маълум даражада камайиб кетишига олиб келиши эҳтимоли бор, бу эса мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин [18].

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсири иқтисодиётнинг бир қанча соҳаларига, айниқса, қишлоқ хўжалигига зарар етказиши мумкин (Жаҳон банкининг башоратларига кўра, 2050-йилга келиб, экин ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги деярли 10-25% камайиши мумкин) [19].

Ҳарорат кўтарилишининг иситиш ва совутиш учун энергияга бўлган талабга таъсири ҳам ўзгариши мумкин. 2030-йилга келиб, ҳарорат кўтарилиши иситиш мавсумининг ўртача муддати 1971-2000- йилларга нисбатан 8-9%га қисқаришига олиб келиши мумкин. Совутиш мавсуми муддати эса 2030-йилга келиб 16% га узаяди, бу ўз навбатида ҳаво кондиционерларидан фойдаланишнинг ортиши ҳисобига энергия сарфлашга таъсир қилади [20].

Ушбу вазиятда, миллий энергетика сиёсати ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ чоралар минтақа мамлакатларининг диққат-марказида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш масаласи турибди. Шу туфайли энергия самарадорлигини оширишни рағбатлантириш ва унинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш асосий вазифалардан ҳисобланмоқда [21].

Иқлим ўзгариши, қутилганидек, кўпроқ экстремал об-ҳаво ҳодисалари ва иқлим билан боғлиқ таҳдидлар (масалан, сув тошқинларининг кўпайиши, қуруқ киш боис давомли қурғоқчилик, сув танқислиги) га олиб келади.

Натижада, иқлим ўзгариши суғориш

мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмининг қисқариши ва, ўз навбатида, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар микдорининг чекланишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгариши ва ҳарорат ошиши нафақат экологик вазиятга салбий таъсир ўтказди, балки озик-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади: ҳосилдор ерлар ҳолати ўзгаради, биодиверсификация аста-секин камайиб боради, экинларнинг табиий ўсиш ва чорва молларнинг яшаш жойлари ўзгаради, натижада ҳосилдорлик пасайиши, озик-овқат экспортининг камайиши ва импортнинг ортиши, об-ҳаво билан боғлиқ суғуртанинг ортиши, айрим ҳудудларнинг янги ирригация соҳасидаги инвестицияларга талаб кўпайиши, озик-овқат таклифи ва нархлари ҳамда озик-овқатдан келадиган даромаднинг беқарорлиги кузатилиши мумкин бўлади.

Минтақада ҳароратнинг кўтарилиши ва сув таъминотининг камайиши сув орқали юқадиган касалликлар тарқалишининг кучайиб кетишига, шунингдек, чанг бўронлар, саҳролашиш, экстремал метеорологик ҳодисалар туфайли келиб чиқадиган сихат-саломатликка оид муаммолар юзага келиши кутилиши мумкин.

19. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л.Брю. Таллин: Экономикс. Таллин: Пер. с англ. 1993. С.399.
20. Лёш А. Географическое размещение хозяйства. Пер. с англ. М.: Иностранной литературы, 1959. 455 с.

## ХУДУДИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич

ТДИУ хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодий ва илмий ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази, илмий котиби, и.ф.н.

**Аннотация.** Мақолада худуднинг инновацион салоҳияти очиб берилди, худудда инновацион тизимни ривожлантиришнинг институционал асослари иккита асосий омилларга ажратилди, худудий инновацион тизимнинг ижтимоий-иқтисодий инновацион инфратузилмаси тақлиф этилди, инновацион иқтисодийнинг иерархия тузулмаси шакллантирилди ва инновацион фаолликга таъсир қилувчи институционал омиллар очиб берилди.

**Таянч тушунчалар:** худуд, инновация, тизим, салоҳият, иқтисодий, институт, омил, инфратузилма, инновацион фаоллик.

**Аннотация.** В статье раскрыты инновационный потенциал территорий, институциональные основы развития инновационной системы в регионах разделены на две основные факторы, предложена социально-экономическая инфраструктура региональной инновационной системы, сформирована иерархическая структура инновационной экономики и раскрыты институциональные факторы влияющие на инновационную активность.

**Ключевые слова:** регион, инновация, система, потенциал, экономика, институт, фактор, инфраструктура, инновационная активность.


Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда худудларнинг инновацион ривожланиш салоҳиятини баҳолаш ёки аксинча инновацион ривожланмаслик муаммоларининг аниқланиши ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг тизимлаштирилиши долзарб ва тўлиқлигича ўрганилмаган илмий масалалардан бири ҳисобланади. Бунда омил дейганда, худуднинг инновацион ривожланишига таъсир этувчи сабаб, кўрсаткичлар ва шартлар йиғиндисини тушуниш мумкин.

Худуднинг инновацион салоҳиятининг шакллантирилиши инновацион жараёнларни тезлаштирувчи омиллар ва шартларнинг ўзаро алоқадорлик тизими комплексига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларидан то маҳсулотнинг серияли ишлаб чиқарилиши ёки инновацион технологияларнинг қўлланилиши каби жараёнларни тезлаштиради.

Худуднинг инновацион салоҳиятига эса, худудда мувоффақиятли инновацион жараёнларни амалга ошириш учун, мавжуд ресурслар йиғиндисини, яширинган имкониятлар ҳамда шароитлардан тўлиқ фойдаланишига тушуниш мумкин.

Д.Нортнинг “Институционал ўзгаришлар назарияси”га[1] таяниладиган бўлса, институционал-меъёрларга, қоидалар, қонунлар ва худудий инновацион тизим (ХИТ) фаолияти билан боғлиқ бўлган алоқадорликларга тушуниш мумкин. Институтлар-ташқилотлар билан уйғунликда улар институционал муҳитни шакллантиради[2].

Фикримизча, худудда инновацион тизимни ривожлантиришнинг институционал асосларини иккита асосий омилларга: инновацион муҳит ва инновацион салоҳиятга ажратга холда тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир (1-расм).



Манба: Иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан ишланган.

1-расм. ХИТни ривожлантиришнинг институционал омиллари

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин, инновацион муҳит ўз навбатида ХИТнинг ривожланишини бошқарувчи институтлар ва инновацион инфратузилмага асосланган бўлса, инновацион салоҳият эса, ижтимоий-иқтисодий

муҳит ва инновацион муҳитга асосланган бўлади, пировард натижада уларнинг барчаси худудда ХИТни ривожлантиришда яширин имкониятларни очиб беришга хизмат қилади.

Хорижлик олимлар, А.И.Татаркин ва

Ю.В.Яковлевларнинг тадқиқотларига кўра, инновацион муҳит дейилганда ХИТсини ривожлантиришни бошқарувчи алоқадор институтлар тушунилади[3].

Бизнинг фикримизча худуднинг инновацион инфратузилмаси бу – худудда инновацион фаолликни таъминлашнинг шартлари йиғиндиси бўлиб ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг уйғунликда жалб қилинишидир.

Демак, ХИТни шакллантиришда бошқарув институтларнинг бевосита иштироки худудда мавжуд ижтимоий-иқтисодий омилларга таянади ва буларга, кадрлар, ахборот ресурслари, билим,

интеллектуал мулк, молиявий ресурслар, техника ва технологиялар ва бошқалар бўлса, ўз навбатида ресурсларнинг манбааларини эса, таълим тизими, консалтинг хизматлари, илмий-тадқиқот натижалари, технологик ишлаб чиқаришлар ҳамда сотиш тизимлари ташкил этиши мумкин.

Инновацион инфратузилма субъектлари ХИТнинг ҳолати бўйича доимий равишда прогноз, режалаштириш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, назорат қилиш ва мониторинг фаолиятларини амалга оширувчи давлат органлари ва мутассади давлат ташкилотлари билан алоқадорликларни амалга оширади (1-жадвал).

1-жадвал

**ХИТнинг ижтимоий-иқтисодий инновацион инфратузилмаси[4]**

Ижтимоий-иқтисодий тизим	Вазифалар	Институтлар-ташкilotлар
Таълим ва меҳнат бозори	Бошқарув ва технологиялар соҳасидаги мутахасисларни тайёрлаш ва иш билан таъминлаш. Инновацион фикрлашни шакллантириш	Илмий тадқиқот институтлари, марказлари, Олий таълим муассасалари, бандлик марказлари, меҳнат биржалари, кадр агентликлари, инновациялар соҳасида малакани ошириш
Ахборот ва консалтинг тизими	Умумий ва технологиялар тўғрисида ахборотларнинг эркинлигини таъминлаш. Иқтисодиёт, молия, маркетинг консалтингларини ташкил қилиш	Патент ташкilotлари, интеллектуал мулк марказлари, консалтинг, инжиниринг, лизинг фирмалар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, илмий-техник марказлар, технологиялар трансферти марказлари, инжинирингнинг худудий бўлинмалари ва бошқалар
Илмий-тадқиқот фаолияти	Лойиҳаларнинг генерацияси, амалий ва назарий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш	Илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари, шу жумладан тармоқли, инновацион кластерлар
Молиявий	Инновацион ишланмаларни яратувчиларнинг молиявий таъминланганлиги	Банклар, фонд бозорлари, хусусий инвесторлар, давлат ҳукумати органлари
Ишлаб чиқариш ва технологик тизим	Инновацион корхоналарни ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминлаш, намунавий шаклларни қабул қилиш, апробация, кўп ҳажмда ишлаб чиқариш. Хизмат кўрсатиш.	Саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва сервис компаниялари
Бозор ва сотув тизимлари	Худудий, мамлакат ва жаҳон миқёсида инновацион маҳсулотларни бозорда силжитиш ва сотиш	Ташки савдо вазирлиги, воситачи компаниялар, савдо-саноат палатаси, савдо уйлари ва шу каби турдаги уюшмалар

1-жадвал маълумотларидан келиб чиқилса, муҳим аҳамиятга эга бўлган элементлардан бири шуки, фан, бизнес, таълим ва ҳукумат ўртасида ўзаро алоқадор ва тенг манфаатли фаолият кўрсатиш механизмининг яратилиши муҳимлиги бўйича хулоса қилиш мумкин.

Албатта ушбу масала бугунги кунда кўплаб олимлар ва мутахасислар томонидан уйғунликда кенг тадқиқ этилмоқда ва таҳлиллар шундан далолат берадики, деярли барча мамлакатларда ва хаттоки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган бўгинларнинг ўзаро алоқадорлиги жараёнининг ҳар бирида етарлича муаммолар мавжуд. Бу эса, мазкур уйғунликни таъминлайдиган ягона, илмий асосланган назарий-методологик база, методик ёндашув ва амалий ишланмаларнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Ушбу муносабатда белгилаш мумкинки, худуд иқтисодиётида инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун барча шароитлар уйғунликда яратилиши мақсадга мувофиқдир, чунки улар кўп ҳолларда ҳукумат ва инновацион фаолият субъект-

лари ўртасида воситачилик фаолиятини ташкил этишади.

Албатта институционал омилларнинг долзарблиги ва уларнинг муҳимлиги аввало ресурсларни тўғри тақсимлаш ва худудни ривожлантириш учун стратегик мақсадларга эришиш керак. Фикримизча, ХИТларни ривожлантиришда институционал омилларининг таҳлили куйидаги тартибда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Худуд доирасида шакллантирилган институционал режимнинг умумий таҳлилинини амалга ошириш, яъни, давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги иштирокининг даражаси ва характери;

2. Молиявий тизимнинг турини тадқиқ қилиш – бозор ёки кредитли ва инвестицион ресурсларни асосий тарқатувчиларини аниқлаш;

3. Кадрларни тайёрлашнинг тизими ва меҳнат бозорининг муҳим ҳолатларини ўрганиш, жумладан, кадрларни тайёрлашнинг давлат муассасалари, хусусий сектор ва компаниялар ўртасидаги ҳаракатларини аниқлаш ва бошқалар.

ХИТларни ривожлантиришда институционал

омилларини тўлдирган ҳолда ХИТ субъектларининг турли иерархик даражада ўзаро алоқадорлигини баҳолашни мақсадга мувофиқдир.

ХИТни ривожланиш тизими мега (халқаро миқёсда), миллий (макро-), худудий (мезо-), локал (микро-) ҳамда индивидуал (нано-) даражаларда бўлиши мумкин. Иерархик тизимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бошқарув тизимнинг ўзи бошқарув объект билан иерархиянинг турли даражаларида бўлиши мумкин, ёки бошқарув тизимнинг ўзи бошқарилув тизим сифатида намоён бўлиши мумкин[5].

ХИТга таълуқли бўлган ҳолда, мегаиктисодиёт даражасини дунё мамлакатларининг ўзаро алоқадорлигида кўриш мумкин. Масалан, фан соҳасида иерархиянинг энг юқори қатламида халқаро илмий-тадқиқот ташкилотлари ва институтлар жойлашган бўлади ва уларнинг асосий мақсадлари эса молиявий ресурслар, интеллектуал ресурслар ва инсон капиталини бир мақсад йўлида бирлаштиришга қаратилган, чунки ушбу ташкилотлар томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган фундаментал илмий тадқиқотлар бир мамлакатнинг имкониятлари ва қизиқишлари доирасидан юқори келмакда.

Халқаро миқёсда молия институтлари фаолият кўрсатади, буларга Халқаро тикланиш ва тараккиёт банки, Жаҳон банки ва бошқалар, интеллектуал мулкни химоя қилиш, Жаҳон интеллектуал мулкни химоя қилиш ташкилоти (WIPO), Евроосиё патент ташкилоти ва бошқалар томонидан назорат қилинади, Жаҳон савдо ташкилотининг бу борада ўзига хос функциялари ҳам мавжуд[6]. Бундан Ю.К.Перский ва Ю.В. Дубровскаяларнинг хулосаларига кўра, мегаиктисодиёт даражасидаги ташкилотлар фаолияти бирон бир худудий даражада таъ-

сир қилиши мураккаб ва худудлар иқтисодиётига бир томонлама таъсир кўрсатиши мумкин.

Макроиктисодиёт миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини ҳамда шу доирадаги субъектлар ва уларнинг фаолиятлари доирасини қамраб олади. Уларга ҳукумат органларига бўйсинувчи, давлат ташкилотлари ва муассасалари қиради ва худуднинг инновацион ривожланишидаги уларнинг мақсади асосан инновацион соҳаларга ресурсларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва худудий инновацион иқтисодиётнинг барча субъектларини қўллаб-қувватлаш учун давлатнинг кўмагини амалга оширишдан иборат.

Ушбу алоқадорликда мазкур даража ўзига хос хусусиятларга эга, чунки у макро ва микродаражадаги алоқадорликда воситачи вазифасини бажаради. Ушбу даражага алоқадорликлар Ю.К.Перский ва Д.Н.Шульц каби олимлар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, уларнинг тадқиқотларига кўра, мезодаража макроиктисодий даражанинг турли элементларига таъсир кўрсатиб, шу билан бирга микроиктисодий даражадаги субъектлари ҳам таъсир кўрсатиши қайд қилинган[6].

**Микродаража.** Микродаражага худуд иқтисодиётида корхоналар, хусусий тадбиркорлар, таълим ва ижтимоий ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектларини тушуниш мумкин.

**Нанодаража.** Кўп тадқиқотчилар ушбу даражада шахсий фикрга эга бўлган индивидуумларга таълуқли деб билишади.

Ушбу муносабатда Ю.К.Перский ва Д.Н.Шульц тадқиқотларида инновацион иқтисодиётнинг иерархия тузулмасини шакллантириш ва унда объекти ва субъектларининг алоқадорлиги ўрганилган (2-жадвал).

2-жадвал

Инновацион иқтисодиётнинг иерархия тузулмаси[7]

Иерархия даражаси	Даражанинг объекти	Даражанинг предмети
Мегаиктисодиёт	Жаҳондаги мамлакатларнинг макроиктисодий тизими ва уларнинг алоқадорлиги	Халқаро давлатларaro ташкилотлар ва нодавлат ташкилотлар
Макроиктисодиёт	Миллий иқтисодиёт	Давлат бошқаруви ҳукумати, республика миқёсидаги ассоциациялар ва бирлашмалар, давлат университетлари ва институтлари
Мезоиктисодиёт	Мамлакат худудлари	Давлатнинг худудий ҳокимиятлари, маҳаллий бошқарув органлари, инновацион кластерлар, махсус иқтисодий зоналар, молия-саноат гуруҳлари, миллий университетлар
Микроиктисодиёт	Корхоналар, уй хўжаликлари	Корхона раҳбарлари, уй хўжалик бошликлари
Наноиктисодиёт	Индивидуумларнинг йиғиндиси	Индивидуумлар

Умуман олганда бугунги кунда олимлар томонидан, маълум бир худудда инновацияларнинг ривожланишига аввало тўсқинлик қилаётган тўсиқларни аниқлашга ҳаракат қилинади. Жумладан, Е.С.Макарова ўзининг “Худуднинг инновацион салоҳияти омилларини классификациялаш” номли тадқиқотида бугунги кунда Россия худудларида инновацион фаолиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаган, жумладан[8]:

- ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими ривожланмаганлиги ва айрим худудларда мавжуд эмаслиги;

- илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни молиялаштириш тизими яхши ривожланма-

ганлиги;

- кичик корхоналарнинг химоя қилишнинг ҳуқуқий базаси тўлиқ амал қилмаслиги.

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш ва шаклланаётган инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида худудларда инновацион иштирокчиларнинг ўзаро алоқадорликларини таъминлаш учун инновацион инфратузулмаларни шакллантириш таклиф этилган.

Худудда инновацион фаолликни таъминловчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлашда А.Ю.Жильников тадқиқотида маркетингнинг PEST-таҳлили инструментидан фойдаланишни таклиф этади[9].

Мазкур таҳлилга кўра, компаниянинг фаоли-

ятига таъсир қилувчи ташқи муҳитнинг сиёсий (P-Political), иқтисодий (E-Economic), ижтимоий (S-Social) ва технологик (T-Technological) жиҳатларини ўрганишга қаратилган.

Ушбу таҳлилни мамлакат миқёсида ундаги рўй бераётган ҳолатларни инobatга олган ҳолда амалга оширилиши, инновацион ривожланишнинг йўналишини мамлакат ва ҳудудлар миқёсида аниқлашда кўмаклашади.

Унинг фикрига кўра, мазкур таҳлилни инновацион фаолликга тўсқинлик қилувчи ва аксинча кўмаклашувчи омилларни аниқлаш мақсадида PEST технологияси бўйича тизимлаштириш талаб қилинади. Унда PEST қуйидагича таркибда бўлади:

**Р** – Political – ҳудуднинг ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион ривожланишига ва инновацион салоҳиятига тўсқинлик қилувчи сиёсий омиллар, бунда асосан:

- давлат ва ҳудудлардаги тadbиркорлик фаолияти ўртасида ўзаро самарали фаолият кўрсатувчи


механизмнинг мавжуд эмаслиги;

- инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасининг ривожланмаганлиги;

- давлат томонидан инновацион фаолликни рағбатлантириш ва қўллаб қувватлаш мақсадида, зарур ҳолларда ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширилмаслиги;


- инновацион фаолиятга турли хилдаги инвестицияларнинг (тўғридан-тўғри, портфелли ва бошқалар) кириб келиши учун шароитларни яратиш.

**Е** - Economic – инновацион фаолликка таъсир қилувчи иккинчи омил сифатида намоён бўлиб, унда инновацион фаолликка тўсқинлик қилувчи омиллар қаторида, корхона томонидан инновацион фаолиятни молиялаштириш учун ўз маблағларининг етишмаслиги, янги маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг унга талабнинг пастлиги, янги ишланмаларнинг тан нархининг юқорилиги, корхонанинг ички молиявий ҳолати ва бошқа қатор омиллар кўрсатилган (2-расм).



Манба: Жильников А.Ю. “Определение стимулирующих и сдерживающих факторов инновационной активности регионов” // Журнала «Экономика и управление». Москва. 2013. С.80.

2-расм. Инновацион фаолликка таъсир қилувчи иқтисодий омиллар.



Манба: Жильников А.Ю. “Определение стимулирующих и сдерживающих факторов инновационной активности регионов” // Журнала «Экономика и управление». Москва. 2013. С.81.

3-расм. Инновацион фаолликка таъсир қилувчи ижтимоий омиллар


Мазкур омилларга кўра корхона ўз маблағлари, давлатнинг кўмаги ва яратилаётган инфратузил-

масига таянган ҳолда инновацион ривожланишига эришиши мумкин.

**S** - Social – ижтимоий омил. Инновацияларнинг дастлабки аввал жорий қилиниши барча соҳаларда ва тармоқларда мураккаблик ва кундалик иш фаолият тизимига таъсир қиладиган бўлса, маълум давр ўтгандан сўнг жорий қилинган инновацияларнинг иш фаолиятининг қанчалик самарадорлигига таъсирини кузатиш мумкин бўлади. Аммо ушбу натижаларга эришишдан аввал ижтимоий омиллар ўз таркибига бир қатор мураккаб жараёнларни қамраб олади ва улар, мамлакатнинг демографик ҳолати, таълим тизими ва ундаги ислохотлар ёки малака оширишнинг йўлга қўйилганлиги, вақт омили ҳамда экологик ва психологик каби тўққинлик қилувчи омилларни

қамраб олади (3-расм).

**T** – Technological – технологик. Инновацион фаолликга тўққинлик қиладиган технологик омилларни компаниянинг менеджменти билан боғлиқ бўлган муаммоларга киритилади. Чунки, бевосита ишлаб чиқаришда технологик янгиланишларни амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш йўналишларни йўлга қўйиш, компанияда модернизация сиёсатини амалга ошириш бевосита компаниянинг бошқарувчи менеджерлари билан боғлиқ муаммолардир. Шунингдек бу янги технологиялар тўғрисида ахборотлар мавжуд эмаслиги билан ҳам боғлиқ (4-расм).




Манба: Жильников А.Ю. “Определение стимулирующих и сдерживающих факторов инновационной активности регионов” // Журнала «Экономика и управление». Москва. 2013. С.81.

4-расм. Инновацион фаолликка таъсир қилувчи технологик омиллар

Юқорида келтирилган маълумотларнинг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, бизнинг фикримизча сиёсий омилларнинг ўрнига

институционал омиллар сифатида қўрилиши мақсадга мувофиқдир ва институционал омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин (5-расм).



Манба: Иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

5-расм. Инновацион фаолликка таъсир қилувчи институционал омиллар.

Бизнинг фикримизча, мазкур юқорида келтирилган омилларга, ҳудудларда инновацион фаолликни рағбатлантириш учун мамлакатнинг ихтидорли ёшларини фаол жалб қилиш механизмини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу механизм замон талаблари даражасида бўлиши унинг жозибadorлигини оширишга хизмат қилади.

Юқорида таҳлил қилинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки:

1. Ҳудуднинг инновацион салоҳиятининг шакллантирилиши инновацион жараёнларни тезлаштирувчи омиллар ва шартларнинг ўзаро алоқадорлик тизими комплексига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларидан то маҳсулотнинг серияли ишлаб чиқарилиши ёки инновацион технологияларнинг қўлланилиши каби жараёнларни тезлаштиради.

Бунинг учун, ҳудудда инновацион тизимни ривожлантиришни институционал асосларини шакллантириш ва уларни иккита асосий омилларга: инновацион муҳит ва инновацион салоҳиятга ажратга ҳолда тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Инновацион муҳит ўз навбатида ҲИТнинг ривожланишини бошқарувчи институтлар ва инновацион инфратузилмага асосланган бўлса, инновацион салоҳият эса, ижтимоий-иқтисодий муҳит ва инновацион муҳитга асосланган бўлади, пировард натижада уларнинг барчаси ҳудудда ҲИТни ривожлантиришда яширин имкониятларни очиб беришга хизмат қилади.

2. Ҳудуднинг инновацион инфратузилмаси бу – ҳудудда инновацион фаолликни таъминлашнинг шартлари йиғиндиси бўлиб ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг уйғунликда жалб қилинишидир. Ҳудуд иқтисодиётида инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун барча шароитлар уйғунликда яратилиши мақсадга мувофиқдир, чунки улар кўп ҳолларда ҳукумат ва инновацион

фаолият субъектлари ўртасида воситачилик фаолиятини ташкил этишади.

Албатта институционал омилларнинг долзарблиги ва уларнинг муҳимлиги аввало ресурсларни тўғри тақсимлаш ва ҳудудни ривожлантириш учун стратегик мақсадларга эришиш керак. Фикримизча, ҲИТларни ривожлантиришда институционал омилларнинг таҳлили куйидаги тартибда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади: 1. Ҳудуд доирасида шакллантирилган институционал режимнинг умумий таҳлилин амалга ошириш; 2. Молиявий тизимнинг турини тадқиқ қилиш – бозор ёки кредитли ва инвестицион ресурсларни асосий тарқатувчиларини аниқлаш; 3. Кадрларни тайёрлашнинг тизими ва меҳнат бозорининг муҳим холатларини ўрганиш.

3. Ҳудудда инновацион фаолликни таъминловчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлашда маркетингнинг PEST-таҳлили инструментдан фойдаланиш мумкин. Яъни, мазкур таҳлилни инновацион фаолликга тўсқинлик қилувчи ва аксинча кўмаклашувчи омилларни аниқлаш мақсадида PEST технологияси бўйича тизимлаштириш мумкин. Бунда PEST: **P** – Political – сиёсий, **E** – Economic – иқтисодий, **S** – Social – ижтимоий омил, **T** – Technological – технологик омиллар. Бизнинг фикримизча сиёсий омилларнинг ўрнига институционал омиллар сифатида кўрилиши мақсадга мувофиқдир ва уларни инновацион фаолликга тўсқинлик қилувчи омиллар ва инновацион фаолликни ўсишига кўмаклашувчи омилларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, институционал омилда, ҳудудларда инновацион фаолликни рағбатлантириш учун мамлакатнинг ихтидорли ёшларини фаол жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва ушбу механизм замон талаблари даражасида бўлиши унинг жозибadorлигини оширишга хизмат қилади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Норт Д. “Институты, институциональные изменения и функционирование экономики” / пер. с англ. А.Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера / Фонд экономической книги «Начала». – М., 1997. – 180 с.
2. Силова Е.С. Качество институциональной среды и его влияние на экономический рост: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Челябинск, 2007. – 23 с.
3. Татаркин А.И., Яковлев Ю.В. “Стратегические приоритеты экономики региона” / под общ. ред. А.И. Татаркина; Ин-т экономики УрО РАН. – Екатеринбург, 2008. – 956 с.
4. Ахметова М.И. «Механизм управления развитием инновационной системы региона на основе оценки взаимовлияния социально-экономической и инновационной среды». Диссертация на соис. уч. степени канд. эк. наук. Пермь. 2015. С.45-46.
5. Перский Ю.К., Шульц Д.Н. “Взаимодействие микро- и макроэкономики: иерархический подход”. – Екатеринбург: Изд-во Ин-та экономики УрО РАН, 2005. – 33 с.
6. Перский Ю.К., Дубровская Ю.В. “Гармонизация интересов экономических субъектов в системе иерархических взаимосвязей экономики” // Журнал экономической теории. – 2011. – № 1. – С. 24–37.
7. Перский Ю.К., Шульц Д.Н. “Взаимодействие микро- и макроэкономики: иерархический подход”. – Екатеринбург: Изд-во Ин-та экономики УрО РАН, 2005. – 33 с.
8. Макарова Е.С. “Классификация факторов инновационного потенциала региона” // <http://ekonomika.snauka.ru/2012/01/319>
9. Жильников А.Ю. “Определение стимулирующих и сдерживающих факторов инновационной активности регионов” // Журнала «Экономика и управление». Москва. 2013. С.77.

ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОН

Юлдашев Нурбек Нормурадович

ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази кичик илмий ходими

**Аннотация.** Ушбу мақола демографик сиёсат олиб боришнинг жаҳон тажрибаси, биринчи навбатда Хитой ва Ҳиндистон демографик сиёсатига бағишланган. Бу давлатларда демографик сиёсат олиб бориш босқичлари ва йўналишлари таҳлил этилган.

**Таянч тушунчалар:** Демографик сиёсат, аҳоли ўсиши, демографик “портлаш”, демографик сиёсат олиб бориш босқичлари, “Битта оилага — битта бола”, “Кичик оила — бахтли оила”, никоҳ ёши, контрацептив воситалар.

**Аннотация.** Данная статья посвящена мировому опыту осуществления демографической политики, в том числе политике Китая и Индии, в частности рассмотрены особенности и этапы проведения демографических мероприятий в этих государствах.

**Ключевые слова:** Демографическая политика, рост населения, демографический «взрыв», этапы демографической политики, «Одна семья — один ребенок», «Маленькая семья — счастливая семья», брачный возраст, контрацептивы.


Хар бир соҳада, йўналишда ўзига хос ривожланган ва кенг миқёсда тадқиқ этилган объектлар бўлганидек, демография фанлари тизимида фаолият юритувчи олимлар, соҳадан хабардор инсонлар билишади, демографияда Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси бу — икки йирик мавзудир. Бу икки давлат, дарҳақиқат, демографияда энг йирик масштабда таҳлил қилинадиган, ўзига хос “гигант” давлатлардир. Уларда турли хил демографик чора-тадбирлар, биринчи навбатда, регрессив характердаги сиёсат олиб бориш йўли билан аҳоли сони ва туғилишни чегаралашга интиломда [1]. Ушбу мақолада ушбу мамлакатларнинг демографик сиёсати ва бу йўналишда рўй берган ўзгаришлар таққосланган ҳолда таҳлил этилади.

БМТ Аҳолишунослик фонди маълумотларига кўра, Хитой аҳолисининг сони 1380000 кишига етди [6]. Барчага аёнки бу мамлакат аҳоли сони

бўйича биринчи ўринда турибди. Ҳиндистонда эса 1300000 дан ортиқ киши истикомат қилмоқда. Уларда ўтган 50-60 йил давомида аҳоли сонининг ўсиш суръатларида бирмунча фарқлар мавжуд. Ҳозирги даврда Ҳиндистон аҳолиси Хитой аҳолисидан кам бўлсада, кўпайиш тезлиги бўйича у шимолий қўшнисини яқин 20 йилда “қувиб” ўтиб кетишини тахмин қилиш мумкин (диаграмма қаранг).

Юқоридаги кўрсаткичлар, яъни аҳолининг кўпайиш тезлиги туфайли бу мамлакатларда давлат томонидан ўзига хос, режалаштирилган демографик сиёсат олиб борилади. Уларнинг иккисидан ҳам аҳоли ўсиш суръатининг пасайишига, оилаларнинг режалаштирилишига эътибор қаратилади.

Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси сонининг ўсиши динамикаси\*  
(1950-2030 йиллар якунига кўра, миллион киши ҳисобида\*\*)



\* Диаграмма www.prb.org сайтининг World Population Data Sheet маълумотлари асосида тузилди.

\*\* 2030 йилги аҳоли прогнози ҳам ушбу маълумотлар базасидан олинди

Хитойда фаол демографик сиёсат олиб бориш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. Бу сиёсат бир неча босқичлардан иборат. Барчага маълумки, Хитой демографик сиёсати моҳияти “битта оилага — битта бола” принциpidан иборат эди. 1956 йилда мамлакатда илк марта туғилишни режалаштириш тадбирлари бошланди. Бу жараён икки йил давом этиб, асосий мақсад, аҳоли кўпайиш тезлигини мамлакат иқтисодиёти учун меҳнат салоҳиятининг шаклланишига ҳамоҳанг бўлишига эришиш кўзланганди. Бирок бу тадбирлар мамлакатнинг асосан аҳоли зич яшайдиган шарқий денгиз соҳиллари аҳолиси ўртасида нисбатан муваффақиятли олиб борилган.

Демографик сиёсатнинг иккинчи босқичи 1962 йилда бошланиб, 1966 йилгача давом этган. Асосий эътибор кечроқ никоҳ қуриш, оилада болалар сонини қисқартириш, оилада болаларнинг туғилиш интервалини узайтириш масалаларига қаратилган. Бунда кўпроқ аҳоли зич яшайдиган қатта шаҳарлар аҳолисида аҳамиятга молик натижалар кўлга киритилган.

Учинчи босқич 1971 йилда бошланиб 70-йилларнинг охирига қадар давом этган. Бу даврда демографик сиёсатнинг ўзига хос шиори ҳам мавжуд бўлган. У хитойчада “ван, си, шао”, яъни “кечроқ, баъзида, камроқ” маъносини англатган. Бу шiorда асосан кечроқ оила қуриш ва нисбатан камроқ фарзанд кўриш тарғиб қилинган. Шу йўл билан оила ва туғилишни режалаштиришда жиддий ишлар олиб борилганини кўриш мумкин. Олиб борилган тарғибот ва тадбирлар маълум бир натижаларга эришилишига олиб келган. Босқич давомида оилаларда болалар сонини ўртача 3 нафардан 1 нафаргача туширишга эришилган. Фақат провинциялар ички манфаатидан келиб чиқиб баъзи мустасно ҳолатлар ҳам бўлган.

Кейинги босқич 1979 йилда бошланиб, ҳукумат томонидан қаттиқ тартибга солинган “Битта оилага — битта бола” дастури қабул қилинди [5]. Оилалар учун битта бола кўриш чегара этиб белганди. Давлат томонидан қатор жарима ва чекловлар тизими ишлаб чиқилди. Масалан, иккинчи фарзандни дунёга келтирганлик учун минтақаларнинг жойлашувига қараб битта оила йиллик даромадининг 4 дан 8 баробаригача жарима жорий этилган. Бу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — 2000 йилда аҳоли сонини 1.2 миллиард кишидан оширмастик бўлган. Онанинг эгизак фарзанд кўриши, қишлоқ жойларда биринчи фарзанд қиз бўлса, ёки жами сони 100000 нафарга етмайдиган кам сонли миллатлар учун (миллий озчиликни ташкил этувчи) иккинчи ва ҳатто, учинчи фарзандларга рухсат бериш каби истисно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган.

1980 йиллар ўрталаридаги демографик сиёсат босқичида олдинги даврдаги тадбирларга нисбатан бироз мўътадиллашув жараёни кўзга ташланади. Аҳоли ўртасида асосли, аниқ мақсад асосида иккинчи фарзанд учун рухсат бериш ҳолатлари кўпая бошлади. Фақатгина қисқа муддатгагина ана шундай чекиниш чоралари кўрилган.

1980 йиллар охирида, тўғрироғи 1989 йилга келиб мамлакатда навбатдаги демографик сиёсатнинг фаоллашуви кўзатилди. Бу босқич ўзининг қатъий назоратга олинган тадбирлари билан ажралиб турган. Оилада битта бола меъёри давлат томонидан жиддий назоратга олина бошлади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Хитойда давлат томонидан аҳолининг кўпайиш даражаси жиддий тарзда назорат қилинган. Мам-

лакатда олиб борилган демографик сиёсат маълум даврлар ўтиб ўз натижасини, аниқроғи “демографик акс-садо”ни бера бошлади. 2000 йиллардан бошлаб Хитойда аҳоли таркибида меҳнатга салоҳиятлилар улушининг қисқариши, ўзаро келишиб оила қуриш натижасида турли келишмовчиликлар, аҳоли ўртасида аёллар улушининг камлиги каби қатор демографик муаммолар юзага келди. Бундан ташқари, камчиликни ташкил этувчи миллатларда болалар сонини кўпайтириш зарур эди. Бу мамлакат ҳукуматининг олдига қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. 2015 йилнинг октябрида узоқ давом этган битта болалик принциpidан воз кечилди. 2016 йил 1 январдан мамлакатда иккинчи фарзандни дунёга келтиришга батамом рухсат этилди. Бу ўзгариш туфайли яқин йилларда туғилаётган болалар сони йилига 3 миллион кишига ортиши мумкин. Лекин шундай бўлсада, ўтган йиллар давомида амалга оширилган демографик сиёсат натижасида мамлакат аҳолиси таркибида битта аёлга тўғри келадиган болалар сони 5.8 нафардан 1.8 нафаргача камайди. Шунингдек, аҳолининг турмуш қуриш ёши ҳам салмоқли даражада ортганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўтган аср ўрталарида эркакларда ўйланаётганларнинг ўртача ёши 22.4 ёш, аёлларда турмушга чиқаётганларнинг ўртача ёши 16га тенг бўлган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 25.1 ва 22.4 га тенг. Бу албатта қутилган натижа ва мамлакат ҳукумати учун мақсад бўлган демографик сиёсат эди.

Мақоланинг иккинчи қисмида навбатдаги йirik “демографик” давлат — Ҳиндистон ҳақида сўз юритилади. Ҳиндистон дунёдаги энг кўп миллатли, аҳоли сони бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда турувчи мамлакатдир. Бу давлатда аҳолини рўйхатга олиш ҳар 10 йилда бир марта олиб борилади. Бу тадбир 1881 йилдан бери давом этиб келмоқда. Бирок Хитойдан фарқли ўларок, ҳинд диёрида давлат томонидан қаттиқ тартибга солинган, қатъий чоралар кўрилган демографик сиёсат олиб борилмаган. Бу ҳолат балки, мамлакат аҳолиси сонининг кўпайиши тезлигига жиддий таъсир этаётгандир.

Ҳиндистон бир йилда ўрта ҳисобда 25-26 миллион киши дунёга келади. 10-11 миллион инсон вафот этади ва йилига ўрта ҳисобда 16-17 миллион кишига кўпаяди. Бу рақам тахминан Қозоғистон, Нидерландия ёки Руминия аҳолиси сонига тенг. Мамлакат аҳолиси йилига 1.3 фоизга кўпайиб бормоқда. Ҳиндистон аҳоли сонининг “портлаш эффекти” иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келади. Ҳозирги кунда ер шари аҳолисининг ҳар еттинчиси ҳинд фуқароси ҳисобланади. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, мамлакат яқин йиллар орасида Хитойни аҳоли сони бўйича қувиб ўтиши башорат қилинмоқда. Ҳиндистонда аҳоли кўпайишининг энг юқори нуқтаси 1981-1991 йиллар оралиғига тўғри келган. Бу 10 йилликда аҳоли сони 161 миллион кишига кўпайган. Олимларнинг таъкидлашича, ўша даврдаги аҳоли кўпайиши суръати сақланиб қолганида Ҳиндистон аҳолиси ҳар 30 йилда икки баробарга кўпайиб борган бўларди. Бирок бутун дунёда кузатилганидек, бу мамлакатда ҳам охириги 10-20 йилларда бу суръатда пасайиш кузатилмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатда аниқ бир тизимга солинган, мамлакат миллий сиёсатининг бир қисми бўлган демографик сиёсат олиб боришга мажбур бўлган. Бу давлат ривож-

ланаётган мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб мана шундай йўналишдаги тадбирлар олиб борган мамлакатлар сирасига киради.

Ҳиндистонда оилани режалаштириш ва туғилиш кўрсаткичларини назорат қилиш каби миллий демографик сиёсат тадбирлари ўтган асрнинг 60 йилларининг ўрталарида бошланди. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 5 йилга мўлжалланган режасида алоҳида бўлим бўлиб, унда оила ва демографик йўналишдаги дастурлар мавжуд бўлган [4]. Бироқ бунда асосий эътибор оилада болалар сонини чеклаш эмас, балки оила иқтисодий фаровонлигини мустаҳкамлаган ҳолда, жамиятда муҳим ўрин эгаллашига қаратилган. Мана шу йўл билан нисбатан кечроқ турмуш қуриш ва оилада фарзандлар сонини қисқартириш мўлжалланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ҳиндистон турфа хил миллатлар, тиллар ва динлар вакиллари биргаликда истиқомат қиладиган мамлакатдир, бу ерда ҳар бирида 50 миллиондан ортиқ аҳоли мавжуд бўлган миллатларни ўзи 10 тадан ошқани ташкил этади [2]. Бу эса, ўша даврларда ҳукумат томонидан оилани режалаштириш ва туғилаётган болалар сонини чеклашга қаратилган қатъий чоралар кўриш анча қийинчиликлар ва тўсиқларга сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Шундоқ ҳам мамлакат томонидан қабул қилинган дастурларга тез-тез ўзгартириш киритишга мажбур бўлинган. Масалан, 1977 йилда демографик сиёсатнинг барча чора-тадбирларидан туғилишни чеклашга, ёки фарзанд кўрмасликка ундовчи қатор бандлар олиб ташланган, бунинг ўрнига асосий эътибор она ва бола соғлиғи, тўғри овқатланиш, аёлларга кенг ҳуқуқ ва имкониятлар беришга қаратилди.

Ҳиндистонда демографик сиёсат олиб бориш маълум бир даврларга бўлинмаган бўлса-да, ҳар бир аҳоли рўйхатидан кейин соҳада маълум даражада ўзгаришлар ва ўзига хос чора-тадбирлар кўришга ҳаракат қилинган. Масалан, 1981 йилги аҳоли рўйхати натижаларидан кейин мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий кўп болали оилалардан 2-3 нафар болали оилага ўтишга тарғиб қилувчи тадбирлар ўтказила бошлади. Бу чора-тадбирларда асосий шиорлар: “Икки ёки уч нафар фарзанд етарли”, “Кичик оила — бахтли оила” каби кўринишда бўлган. Бироқ бу даврдаги демографик сиёсат йўналишлари аҳоли сонининг кўпайишига жиддий таъсир қилмагани, аксинча кўпайиш тезлиги ортгани сабабли, янада жиддий чора-тадбирлар кўрилишига, давлат дастурларини амалга оширишнинг фаоллашувига эътибор қилинди. Мамлакатда икки болали оила ташаббусини қўллаб-қувватлаш,

оилада туғилишни чеклаш ва бу орқали болалар соғломлигига эътибор қаратувчи ҳаракат дастурлари олиб борила бошланди. Бундай тарғибот натижасида 20 аср охирига келиб мамлакатда аҳоли тақрор барпо бўлишининг оддий кўринишига ўтиш, янги асрнинг биринчи ўн йиллигида эса табиий ўсишни деярли нолга тушириш кутилганди.

Ҳиндистон демографик сиёсатида Хитойникидан фарқли ўлароқ, тарғибот-ташвиқот, тиббий, маъмурий-ҳуқуқий чора-тадбирлари устун даражада бўлган. Бироқ бу дастурлар тўлиқ кутилган самарани бермади, дейиш мумкин. Гарчи мамлакатда икки болали оилалар улуши кўпайган бўлсада, туғилиш даражасида пасайиш кузатилаётган бўлса-да, ҳамон мамлакатда ялпи аҳоли сони ортиши муаммолигича қолмоқда.

1990 йиллардан бошлаб, мамлакат бўйича оилани режалаштириш ва демографик сиёсат олиб боришга йўналтирилган минглаб марказлар ташкил этилди. Уларнинг фаолияти асосан, маҳаллий аҳоли ўртасида замонавий контрацептив воситалардан фойдаланишни тарғиб қилиш каби тадбирлардан иборат. Шунингдек, Мумбаи шаҳрида йиррик Аҳолишунослик билимлари институти соҳага хизмат кўрсатувчи юзлаб мутахассислар етказиб беради. Ҳозирги даврга келиб мамлакатда 60-70 миллион нафаргача аёллар эрта туғруқни олдини олиш ва болалар сонини чеклаш мақсадида контрацептив воситалардан фойдаланади. Олиб борилаётган тадбирлар натижасида аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичлари 20 % атрофида сақланиб қолинмоқда.

Фаол демографик сиёсат натижасида мамлакатда турмуш қуриш ёши бирмунча ортганини кўриш мумкин. БМТ Аҳолишунослик фонди маълумотларига кўра, ҳозирги даврда мамлакатда эркаклар оила қуриш ёши 23,4 га тенг бўлса, аёлларда 18,7 ёшга тенг. Бу рақамлар ўтган аср ўрталарида 22 га 15 ни ташкил этган. Мана шу ҳолат ҳам олиб борилган демографик сиёсат натижасидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, бу икки мамлакат демографик сиёсати ушбу йўналишда олиб бориладиган кўплаб тадқиқотларда асосий манба бўлиши мумкин. Чунки уларда оилани режалаштириш, фарзандлар туғилишини назорат қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар гарчи ўз миллий хусусиятидан келиб чиқиб олиб борилган бўлса-да, баъзи мамлакатлар демографик сиёсати учун намуна бўлиши мумкин. Чунки сайёрамизда қатор давлатларда аҳоли сонининг ўсиш тезлиги юқори суръатини сақлаб қолмоқда. Ривожланиши паст бундай давлатларда режали демографик сиёсат олиб бориш ривожланиш истикболида муҳим ўрин тутиши мумкин. Бунинг эса юқоридаги икки мамлакат аллақачон ўз бошидан ўзказди.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахмонов Қ.Х ва бошқ. Демография. Дарслик. – Тошкент.: 2014.
2. Бўриева М. Эгамова Д. Дунё аҳолиси: ривожланиш жараёнлари. Т., “Фан”. 2008
3. Волгин Н.А ва бошқ. Демография. Учебник для Вузов. Москва “РАГС”, 2003.
4. Демографическая Энциклопедия. Москва. ООО “Издательство “Энциклопедия”. 2015.
5. “Демоскоп weekly” журнал, №639-640. 2015.
6. Population Reference Bureau. World Population Data Sheet new for 2015. March, 2016.

## ЖАҲОН ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ (АҚШ ВА ЕВРОПА ЛИЗИНГ БОЗОРЛАРИ МИСОЛИДА)

Исмайлова Сулухан Сарсенбаевна

Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти, и.ф.н.

**Аннотация.** Мақолада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг жаҳон лизинг бозорига таъсири ва инқироздан кейинги ҳолати ўрганилган, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви лизинг бозорига таъсири назарий таҳлил қилинган, дунёда янги лизинг бизнеси ҳажмининг ўзгариш динамикаси ўрганилган, ҳудудлар бўйича лизинг бозорларининг ҳажми ва лизинг бозорлари таркиби таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** Лизинг, иқтисодиёт, молия, бозор, жаҳон, инқироз, тенденция, ҳажм, ўсиш, пасайиш.

**Аннотация.** В статье исследовано влияние мирового финансово-экономического кризиса и после кризисный период на мировой рынок лизинга, теоретически анализировано влияние глобализации мировой экономики на рынок лизинга, изучена динамика изменения нового лизингового бизнеса, анализирован объем и структура лизингового рынка по регионам.

**Ключевые слова:** Лизинг, экономика, финансы, рынок, мировой, кризис, тенденция, объем, повышение, понижение.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларидан лизинг муносабатлари ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилди. Чунки жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва унда рўй бераётган ўзгаришлардан маълум эдики, лизинг муносабатларининг ривожлантирилиши миллий иқтисодиётни ривожлантиришда барча жабҳаларга ижобий таъсир кўрсатади. Нагжада, бугунги кунда лизинг ва лизинг муносабатлари билан боғлиқ бўлган операциялар Ўзбекистонлик олимлар А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, А.Вахабов, Д.Ғозибеков, Т.Маликов, О.Собировлар илмий тадқиқотларида лизинг муносабатларини Ўзбекистон иқтисодиётига тадбиқ қилиш, унинг устуворликлари, мавжуд камчиликлари ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир даражалари чуқур тадқиқ қилинган.

Маълумки, жаҳон лизинг бозорининг эволюцияси ва ривожланиши нафақат жадал равишда ишлаб чиқариш билан боғлиқ балки, халқаро иқтисодий муносабатларда рўй бераётган ўзгаришлар, молиявий бозорларнинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг ўзгариши. Ушбу ҳолат мунтазам равишда жаҳон лизинг бозори иштирокчиларининг ўсишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мутахасисларнинг таҳлилларига кўра лизинг битимлари 100дан ортиқ мамлакатларда амалга оширилади ва уларнинг аксариятини иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Ушбу мамлакатларда лизинг муносабатларининг асосини транспорт воситалари ва sanoat ускуналари ташкил қилади. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётининг лизинг бозорининг тобора ўсиб бориши ишлаб чиқариш ва молия сектори соҳаларида ўсиш тенденцияси билан бевосита боғлаш мумкин.

Жумладан, Т.Г.Философовнинг тадқиқотларига кўра, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида лизинг муносабатларига ижобий таъсир кўрсатган ва сўнгги йилларда халқаро лизинг муносабатлари жадал суръатларда ривожланган [8].

Албатта ушбу фикрга қўшилган ҳолда фикримизча, жаҳон иқтисодиётининг лизинг муноса-

батларининг ривожланишини жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан олдинги ва ундан кейинги ҳолатларни инобатга олган ҳолда белгилаш лозим. Чунки, тадқиқотларга кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан олдинги даврда хар йиллик жаҳон лизинг ҳажми 15-20 млрд. АҚШ долларни ташкил этган, бу эса, машина ва ускуналарнинг жаҳон экспортининг 2-3%ни ташкил этган. Аммо жаҳон иқтисодиётининг сўнгги йилларда рўй бераётган инқироз ҳолатларга қарамадан жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига лизингнинг улуши юқорилиги сақланиб қолган.

Белгилаш лозимки айрим мамлакатларда лизинг муносабатларини ривожлантирилиши мамлакатнинг инновацион ривожланиш ва sanoatни ривожлантириш сиёсати даражасида қўрилади. Ушбу ҳолат аксарият ҳолларда иқтисодиёти ривожланган, иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кузатиш мумкин. Масалан, Германияда sanoat сиёсатини амалга оширишда лизинг муносабатларининг роли юқорилиги қайд қилинган. Албатта Германия учун лизинг муносабатларининг ривожлантирилиши аксарият ҳолларда автомобильсозлик sanoatини ривожлантириш билан боғланганлиги қайид қилиш мумкин, жумладан, Daimler, BMW, Volkswagen ва бошқалар, ўз навбатида ушбу компаниялар лизинг компанияларни ташкил қилинишида таъсирчи сифатида ҳам кўп ҳолларда иштироклари кузатилган [5].


Шунингдек, дунёда энг машхур бўлган White Clark Group консалтинг компанияси мутахасислари томонидан белгиланган кўра, лизинг тармоғи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга энг яхши бардош берган тармоқлардан бири сифатида белгиланган [18]. Аммо инқироз даврида янги лизинг бизнесларининг ўсишида пасайиш тенденцияси кузатилса ҳам, ундан кейинги даврларда жадал ўсиш суръатлари кузатилган ва натижада ушбу кўрсаткич 2014 йилда 944 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 970 млрд. АҚШ долларни ташкил этган (1-расм).

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2008 йилга нисбатан кескин пасайиш тенденциясидан сўнг, жаҳон лизинг бозорига ва-

зият ижобий кўринишда ўзгаришни бошлаган ва ундан кейинги қисқа икки йил ичида (2011 йилга келиб) мазкур кўрсаткич 2007 йилга нисбатан юқорини ташкил этган. Ундан кейинги даврларда ижобий ўсиш тенденцияси кузатилган.

Таҳлилларга кўра, жаҳон лизинг бозорининг 82% улуши дунёнинг ўн та йирик мамлакатларга тўғри келади (уларга АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Буюк Британия, Канада, Франция, Россия, Швеция, Италия киради). Аммо ушбу мамлакат-

ларда лизинг бозорининг ривожланиш кўрсаткичи бир хил эмас. Масалан, 2013 йил натижаларига кўра, лизинг бозорининг ривожланиши бўйича Хитой етакчилик қилган (бир йиллик ўсиш кўрсаткичи 42%ни ташкил қилган), ундан кейинги ўринни АҚШ эгаллаган (9,5%), Япония (6%), ушбу бозорда стагнация ҳолатлари Италияда (22% пасайиш), Германияда (1% ўсиш) кузатилган[13].



1-расм. Дунёда янги лизинг бизнеси ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд. АҚШ долларида)[16]

Мутахасисларнинг белгилашича, жаҳон лизинг бозорининг ривожланганлик кўрсаткичлари қаторида муҳим кўрсаткични “лизингнинг кириб бориш даражаси” ҳисобланади (ингл. – leasing penetration rate), яъни, мамлакатда асосий капиталга киритилган инвестиция нисбатан лизингнинг улуши ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич, келтирилган мамлакатлар гуруҳидан Швецияда юқори (25%), Германияда (18,5%) ва энг куйи Хитойда (4,8%)[10]. Аммо белгилаш лозимки Хитойнинг лизинг бозори бошқа мамлакатлар лизинг бозорларига нисбатан энг тез ривожланаётган бозорларга киради. Чунки, 2006-2013 йй. мазкур бозор ҳажми 263 маротабага ўсган бўлса, “лизингнинг кириб бориш даражаси” 24 маротабага ўсган,

0,7%дан 4,8%гача. Жумладан, 2010-2015 йилларда Хитойда лизинг компанияларнинг сони 210тадан 36,5 минггача кўпайган[17]. Аммо мутахасисларнинг белгилашича Хитойнинг лизинг бозори, бундай ўсиш тенденцияларга қармасдан, ханузгача хорижий лизинг компанияларга боғлиқлиги сақланиб қолган.

Аммо, “White Clarke Group”нинг таҳлилларига кўра дунё бўйича ягона лизинг бозори тўғрисида фикрлар билдириш хали эрта. Чунки, “White Clarke Group” томонидан лизинг бозорлари тадқиқ қилиш методологиясида, лизинг операциялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда лизинг бозорлари бта ҳудудларга бўлинган (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудлар бўйича лизинг бозорларининг ҳажми[16]

Ҳудудлар	2014 йилда янги бизнеснинг йиллик айланма ҳажми	2013 йилга нисбатан янги бизнеснинг ўзгариш ҳажми %	2014 йилда жаҳон лизинг бозорида улуши, %	2013 йилга нисбатан жаҳон лизинг бозорида улушининг ўзгариши, %
Фарбий Америка	368,4	9,9	39,0	1,1
Европа	327,8	-1,7	37,7	-3,0
Осиё	195,0	10,0	20,1	0,6
Жанубий Америка	10,7	-40,5	2,0	-0,9
Австралия ва Янги Зеландия	35,6	185,1	1,4	2,4
Африка	6,8	-10,0	0,8	-0,1

Фарбий Америкага АҚШ, Канада ва Мексика лизинг бозорлари киради. Ушбу ҳудуд дунё бўйича энг йирик бўлиб, жаҳондаги жами янги тузулган лизингларнинг 37,9% тўғри келади.

В.Кондратьевнинг таъкидлашича АҚШ иқтисодиётининг инновацион модернизациялашувида лизингнинг ҳиссаси юқори бўлган, чун-

ки, лизинг иқтисодий ва саноат ривожланишининг муҳим инструментиға айлантирилган[6]. АҚШнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 18%ни ташкил қилгани ҳолатда, унинг жаҳон лизинг хизматлари ҳажми 35%ни ташкил қилади ва ўзининг ҳажми бўйича АҚШнинг лизинг хизматлари бозори Европа Иттифоқи мамлакатлари лизинг бозоридан

устун келади. Чунки, АҚШнинг 70%дан ортиқ компаниялари ускуналар харидида лизинг хизматларига мурожаат қилишади. Масалан, 1978-2013 йиллар оралиғида транспорт ва саноат ускуналарига киритилган инвестицияларга нисбатан лизингларнинг улуши икки ва ундан ортиқ маротабага ўсган[9].

Мутахасисларнинг белгилашича, айнан АҚШда лизинг бозорининг ривожланиш тажрибаси, иқтисодий ривожланишнинг самарали инструменти бўла олади. АҚШда лизинг операцияларини куйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

- микро даражадаги келишувлар (уларнинг ҳажми 25 минг АҚШ долларидан юқори бўлмайди);

- кичик ҳажмдаги келишувлар (25-250 минг АҚШ доллари);

- ўрта даражадаги келишувлар (250 мингдан 5 млн. АҚШ долларигача);

- йирик келишувлар (5 млн. АҚШ долларидан юқори).

Масалан, 2013 йилда мазкур келишувлар ичида энг юқори ўсиш суръатига микро даражадаги келишувларга (14,3% ўсиш) тўғри келди. Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, лизинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирувчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади. АҚШнинг мисолида шунингдек, хулоса қилиш мумкинки, лизинг саноатни инқироз ҳолатидан чиқарувчи муҳим инструмент вазифасини ўтайди, чунки маълумотларга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ҳолатидан кейин саноат ускуналари лизингининг ўсиш тенденцияси кузатилган, бунда эътиборли томони шундаки, лизингнинг ўсиши турли бизнес соҳаси вакиллари бўйича кузатилган (саноат корхоналари, банклар ва бошқа хизмат кўрсатувчи компаниялар мисол бўла олади). 2013 йилда транспорт (26%), компьютерлар (22%) ва қишлоқ хўжалиги ускуналари (12%) бўйича лизинг операцияларининг салмоқли ўсиши кузатилган.

Европа Иттифоқи лизинг бозори. Leaseurope Европа Иттифоқида лизинг операциялари бўйича статистика маълумотларига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози лизинг бозорига салбий таъсир кўрсатган. Шунда лизинг бозорида энг мураккаб давр 2008 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келган. Ўз навбатида лизинг бозорида-

ги нобарқарорлик саноат ва молия соҳаларидаги барқарорсизликлар билан боғланганлиги кузатилган. Жумладан, Европада автомобиль лизинг бозори энг кам талофат кўрган сегменти бўлса ҳам 4,5%га пасайиши кузатилган, ускуналар лизингида эса 3,1% пасайиш кузатилган. Аммо лизинг бозорида мазкур даврда салбий ҳолатлар кузатилган бўлса ҳам, лизинг аксарият корхоналарни молиялаштиришдаги муҳим манбаи бўлиб қолган. Умумий ҳисобда сарҳисоб қилинса, 2013 йилда аксарият Европа Иттифоқи мамлакатлари рецессия ҳолатида бўлган бўлса, лизинг тармоғида 6,3% ўсиш кузатилган, хаттоки, 2012 йилда Италия, Испания, Португалия ва Греция мазкур кўрсаткичининг микдорий жиҳатдан 20%га пасайганини қайд қилган ҳолатида ҳам. Аммо 2014 йилга келиб Португалияда 2,26%га ва Грецияда 10,63% ўсиш кўрсаткичи кузатилган, Италия ва Испанияда эса нисбатан пасайиш кузатилган[4].

Европа Иттифоқида лизинг бозорининг салмоқли улуши Германия ва Буюк Британияга тўғри келади. Ушбу мамлакатларнинг жами йиллик янги бизнесининг улуши жаҳон бўйича 16%ни ташкил қилган, умуман олганда Европанинг тўртта мамлакатлари – Германия, Франция, Буюк Британия ва Италиянинг ускуналар ва кўчмас мулк объектлари лизинги Европа лизинг бозорининг 70%ни ташкил этади. Юқорида кўрсатилган кўрсаткич бўйича 2013 йилда Японияни ортда қолдирган ҳолда Германия дунё бўйича учинчи ўринни эгаллаган, АҚШ ва Хитойдан кейин.

Европанинг мазкур тўртта мамлакатларида лизинг операцияларининг юқори кўрсаткичларга эришишда бир қатор омиллар сабаб бўлади, булар: лизинг муносабатларининг дастлабки эволюцияси мазкур мамлакатларда яхши ривожланганлиги; мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик асосининг яхши ривожланганлиги.

Мунтазам равишда Европада фаолият кўрсатаётган энг йирик лизинг компанияларнинг рейтинги шакллантириб борилади. Рейтинг кўрсаткичлардан бирини янги лизинг бизнесининг ҳажми ташкил этади. Жумладан, 2014 йилнинг маълумотларига кўра Европа Иттифоқида энг йирик лизинг компанияларнинг бешлигидан Франция, Германия, Нидерландия мамлакатлари компаниялари ўрин эгаллаган (2-жадвал).

2-жадвал

2014 йилда Европанинг энг йирик лизинг компаниялари[11]

№	Компаниялар	Мамлакатлар	Европа ҳудудида янги лизинг бизнесининг ҳажми (млн. АҚШ доллар)
1	Société Générale Leasing Solutions	Франция	13961,1
2	BNP Paribas Leasing Solutions	Франция	13402,3
3	Volkswagen Leasing GmbH	Германия	12205,7
4	De Lage Landen International B.V.	Нидерландия	10036,5
5	Deutsche Leasing	Германия	7436,4

“Leaseurope” маълумотларига кўра Европада 2013 йилда жами тузилган лизинг битимларнинг 63%ни йўловчи автомобиль ва тижорат транспортининг улушига тўғри келса, ускуналарнинг лизинги 2012 йилга нисбатан пасайиши кузатилган

ва 32%ни ташкил қилган. “Leaseurope”нинг маълумотларига кўра эса, бинолар ва иншоотларнинг лизинг келишуви ҳажми тўрт йилдан буён пасайиб бориш тенденцияга эга ва 2013 йилда 5%ни ташкил қилган (2-расм).



2-расм. 2013 йилда Европа лизинг бозорлари таркиби[15]

“Leaseurope”нинг маълумотларига кўра тижорат транспортга темир йўл ва ҳаво йўл транспортлари киритилган. Ускуналар лизингида шунингдек алоҳида компьютер ва телекоммуникация ускуналари (7%) лизинги келтирилган. Ушбу йўналиш бугунги кунда Ғарбий Европада тобора ривожланаётган йўналиш турига кирмоқда, чунки CSI Leasing маълумотларига кўра капитализацияси бўйича 100та энг йирик компанияларнинг 90%и керакли IT-ускуналарни лизингга харид қилишади.

Жаҳон лизинг бозорининг ривожланиш тенденцияси таҳлилини амалга оширишда бир қатор муҳим жараёнларни кузатиш мумкин, жумладан, лизинг бозорида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг жаҳон лизинг бозори ривожланишининг жадаллашуви кузатилган ва шу билан бирга лизинг хизматини кўрсатувчи йирик лизинг компаниялари ўртасида рақобат кураши фаоллашган ва рақобат кураши айнан янги бозор сифимини излашга, янги хизмат турларини яратишга қаратилган. Ушбу муносабатда жаҳон лизинг бозорининг ривожланишини таҳлил қилишда қуйидаги жиҳатларини алоҳида белгилаш лозим, жумладан:

1. Ихтисослашув, бунда, ускуналар лизинг билан шуғулланувчи компанияларнинг маълум турдаги саноат ускуналари бўйича тобора ихтисослашиб бормоқдалар яъни, ушбу ускуналарнинг бозорини янада чуқур билишга ва ускунанинг ўзини яхши билиб олишга қаратилган. Ушбу ҳолат лизингга берилаётган ускунанинг ликвидлилик кийматини аниқ баҳолашда ёрдам беради.

2. Консолидация, яъни бир нечта ўрта ҳажмдаги фирмаларнинг битта йирик компанияга айланиш мақсадидаги бирлашиши. Бундай ҳолатларнинг тобора ривожланишини АҚШда кузатиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад миллий бозорларни эгаллаш ва хорижий бозорларга фаол чиқиш. Шунингдек аксарият йирик бўлмаган банкларда ҳам лизинг компанияларнинг харид қилиши ёки очиши кузатилмоқда, мақсад бизнес муносабатларини ривожлантириш. Банклардаги ушбу жараённинг фаоллашувини АҚШда кузатиш мумкин, чунки у ерда банклар ўртасидаги рақобат ўта кескин хусусиятларга эга.

3. Лизинг активларининг секьюритизацияси. В.Д.Газманнинг фикрига кўра, секьюритизацияга бўлган қизиқишнинг тобора ортиши, лизинг бозо-

рида ярагиладиган кўшимча ликвидлилик билан боғланган[3].

Умуман олганда, жаҳон лизинг бозорининг ривожланиш тенденцияларини иккита асосий мезонларга ажратиш мумкин:

1. Янги бозорларга чиқиш – бизнеснинг кенгайиши;

2. Бизнеснинг самарадорлигини таъминлаш – операцион рискларни камайитириш.

“White Clark Global Leasing Report 2016” ҳисоботи маълумотларидан келиб чиқилса, жаҳон лизинг бозори олтига ҳудудларга бўлинган ва ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос омиллари мавжуд бўлиб ушбу ҳудудда лизинг бозорининг ривожланиш тенденциясини белгилаб беради. Бу омилларга қуйидагилар киради: мамлакатнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тизимидаги сиёсати, молия бозори конъюнктураси, юқори технологик ускуналарга ҳамда транспортга бўлган талаб ва таклиф.

Жаҳон лизинг бозорининг ривожланиш тенденциясини асословчи маълумотлар ва манбаалар таҳлили ҳамда юқорида амалга оширилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкинки:

1. Жаҳон лизинг бозорида халқаро лизинг операцияларининг жадал ривожланишига турли мамлакатларнинг экспортни қўллаб-қувватлаш дастурлари қўмаклашади. Бунда махсус Агентликларнинг роли каттадир, уларга, Берн иттифоқини (Кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш халқаро иттифоқи) киритиш мумкин, унинг 41 та аъзолари ва 39та мамлакатлардан 5та кузатувчилари мавжуд. Шунингдек, Инвестицияларни кафолатлаш халқаро ташкилоти (MIGA).

2. Жаҳон лизинг бозорининг ривожланиш истиқболларига баҳо бериш учун аввало, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини чуқур билиш, хорижий мамлакатларда амалга оширилаётган солиқ сиёсатини ўрганиб бориш ҳамда АҚШ долларига нисбатан хорижий мамлакатларнинг валюта курсининг ўзгариб боришини ўрганиш талаб қилинади. Масалан, бугунги кунда халқаро лизинг операциялари ривожланишининг устуворликларидан бири бу, лизинг берувчи мамлакатнинг қулай солиқ режимидан фойдаланиш имкониятидир (яъни, “солиқ имтиёзлари экспорти” тўғрисида фикр билдирилган)[2].

3. Айрим мамлакатларда лизинг операциялари давлат органлари томонидан миллий хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш мақсадида ҳам фойдаланилган.

4. Айрим мутахасисларнинг белгилашига кўра,

асосий капиталга лизинг инвестицияларининг кiritилиш кўрсаткичининг ўсиши иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг бозорига боғлиқ бўлади (Хитой, Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва бошқалар).

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Абольянина, Т.А. Международный лизинг как способ привлечения иностранных инвестиций // Материалы VII Международной студенческой электронной научной конференции «Студенческий научный форум 2015» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.scienceforum.ru/2015/pdf/10354.pdf>.
3. Газман В.Д. Лизинг. Финансирование и секьюритизация : учеб. пособие для вузов / В. Д. Газман. – М.: ВШЭ; 2011. С.38.
4. Европа Лизинг компаниялари расмий сайти [www.leaseurope.org/uploads/documents/stats/European%20Leasing%20Market%202015.pdf](http://www.leaseurope.org/uploads/documents/stats/European%20Leasing%20Market%202015.pdf)
5. Калашикова И.В. Инновационная составляющая промышленной политики в странах Европейского союза // Экономика и предпринимательство. 2012. №5. С.153.
6. Кондратьев В. Зарубежный опыт модернизации: уроки для России / В. Кондратьев // Мировая экономика и международные отношения. – 2013. – №10. – С. 33–44.
7. Солдатова, А. Секьюритизация лизинговых активов: марш-бросок в России / А.О. Солдатова//Лизинг-ревью. – 2006. – № 4. – С. 12.
8. Философова Т.Г. Мировой финансовый лизинг: особенности современного развития. // Экономические науки. 2009. №8. С.364.
9. Equipment Leasing and Finance Association [Electronic resource]. – Mode of access: <http://www.elfaonline.org>.
10. Facts and Figures on the German Leasing Market 2014. – BDL Annual Report, 2015. – P. 3.
11. South China – Asia Business Report // China ASEAN Research & Advisory Department, September 2015. – P. 2.
11. Ranking of Top European Leasing Companies 2014 [Electronic resource]. – Mode of access: [http://www.leaseurope.org/uploads/documents/ranking/Leaseurope%20Ranking%20Survey%202014\\_Public.pdf](http://www.leaseurope.org/uploads/documents/ranking/Leaseurope%20Ranking%20Survey%202014_Public.pdf)
12. Global Leasing Report 2016. – White Clark Group 2016. – P. 5.; 2015 г. – авторская оценка.
13. Tsang, C., Leung, C. Asset Finance & Leasing in China and Hong Kong. – PwC, May 2014. – P. 7.
15. “Leasing Facts and Figures 2013” эл. манбаа: <http://www.leaseurope.org/index.php?page=key-facts-figures>.
16. White Clark Global Leasing Report 2015 [Электронный ресурс] <http://www.whiteclarkgroup.com/knowledge-centre>.
17. South China – Asia Business Report // China ASEAN Research & Advisory Department, September 2015. – P. 2.
18. White Clark Global Leasing Report 2015 [Электронный ресурс] <http://www.whiteclarkgroup.com/knowledge-centre>.

## САНОАТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)

Мирсаидова Шахноза Ареслонбековна

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходим-изланувчи

**Аннотация.** Мақолада ўсиб бораётган иқтисодий талабларга кўра инновация асосида рақобат таъсирида пўлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўрилган. Охириги технологик ютуқлардан тезкор фойдаланиш ва жаҳон бозорида пўлат ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш учун ягона имконият беради. Мақолада қора металлургия корхоналари реструктуризация асосида уларни самарадорлигини ошириш йўллари тавсия этилган.

**Таянч тушунчалар:** барқарор ривожланиш, қора металлургия, инновацион ривожланиш, пўлат бозорларининг таҳлили, инвестициялар, қайта тузиш.

**Аннотация.** В статье рассматривается сталеплавильное производство, которое быстро развивается под воздействием конкуренции на основе инноваций и возрастающих экономических требований. Подчеркивается единственная возможность удержать свои позиции на мировом рынке стали в создании и скорейшем использовании последних технологических достижений. В статье авторами предложены пути повышения эффективности предприятия черной металлургии на основе реструктуризации.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, черная металлургия, инновационное развитие, анализ рынков стали, инвестиции, реструктуризации

Жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш жараёнлари кучайишининг ҳозирги шарт-шароитларида айрим мамлакатлардаги иқтисодий танқислик, ижтимоий можаролар, экологик ҳалокатлар умумжаҳон ривожланишнинг барқарорлиги учун хавф туғдириш билан бир қаторда глобал ва минтақавий микёсда ҳам, умумий ишлаб чиқаришнинг, мисол учун, саноат каби йирик бўлимлари микёсида ҳам барқарор ривожланишнинг монанд механизмлари ишлаб чиқилишини талаб қилмоқда.

Иқтисодий юксалиш аҳоли турмушининг сифати ошишига, экологик мувозанат сақланишига йўналган, энг янги ишлаб чиқариш кучлари ва янги технологик тартиблар ривожланиши таъминланган тақдирдагина барқарор ривожланиш ҳақида далолат бериши мумкин.

Иқтисодий юксалиш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг энг муҳим захираси ва омили ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёни чуқурлаштирилиши ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан 25 йил давомида олиб борилаётган стратегия кенг микёсда замонавий юқори технологик корхоналар қурилиши, фаолият кўрсатилаётган ишлаб чиқаришларни замонавонлаштириш ва янгилаш ишлари олиб борилиши учун замин яратди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузасида таъкидлашича: «Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти ривожланишини чуқур таҳлил қилиш, захираларимиз ва имкониятларимизни реал баҳолашдан келиб чиққан ҳолда ўз олдимизга 2030 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини камида 2 баробарга кўпайтириш мақсадини қўйиш учун барча асосларимиз бор. Тубдан таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ҳисобига саноат жадал ўсишини таъминлаш ва унинг ЯИМ таркибидаги улушини

2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизгача етказиш, қишлоқ хўжалик улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизгача камайтириш, замонавий энергия тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш ҳисобига ЯИМ учун талаб қилинадиган энергия сарфини чамаси 2 баробарга қискартириш имкониятига эгамиз.» [1].

Сўнгги 10 йил ичида саноат етарлича тез ривожланганлиги натижасида Ўзбекистон саноати тараққий этган мамлакатлар орасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мустақиллик йиллари давомида мутлақо янги бўлган, жумладан автомобилсозлик, моторсозлик ва ушбу соҳалар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш каби тармоқлар, нефт ва газ қайта ишлаш тармоқлари, фармацевтика тармоқлари, шунингдек, замонавий телевизор ва компьютерларни ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди [2].

Саноатнинг миллий иқтисодиётда тутадиган ўрни ва аҳамияти кундан кунга ўсиб бормоқда ва биз ЯИМ таркибида саноатнинг улуши қанчалик ошгани ва 2000 йилда 14,2 фоиз бўлса, 2015 йилда 24,3 фоиздан юқорини ташкил этганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ўсиб бораётган бўлсада, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида унинг улуши 2000 йилдаги 30,1 фоиздан 2015 йилдаги 16,7 фоизгача пасайиши мойиллигини кузатмоқдамиз. 2015 йил якунлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсди, уларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 2000 йилдаги 37 фоизга нисбатан 50,2 фоизни ташкил этди (1-Расм).

Мамлакатда саноатнинг ривожланиш савияси миллий иқтисодиёт, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, илм-фан ва таълим ва бошқа шу каби соҳаларга узвий боғлиқдир. Иқтисодиётнинг ривожланиш имкониятлари қанчалик юқори бўлса, давлатнинг юқорида қайд этилган тармоқлари

ва соҳалари ҳам шунчалик ривожланган бўлади. Шунингдек, саноатнинг ривожланиш савияси аҳолининг фаровонлиги ва ушбу мамлакатда турмуш даражасида ўз аксини топади.

Саноат тез суръатлар ва туғри ривожланишини таъминлаш учун қуйидаги устувор йўналишлар ишлаб чиқилди:

- экспорт диверсификациясини таъминлайдиган ва таркибий ўзгаришлар юз беришига олиб келадиган устувор тармоқда ишлаб чиқаришни тезлаштириш;

- ташқи бозорларда рақобатбардош саноат товарларини ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;


- ички ва ташқи бозорлар учун рақобатбардош

товарларни ишлаб чиқарувчи мавжуд корхоналарни юқори технологиялар асосида замонаблаштириш;

- энергия сарфини камайтириш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш орқали ички ҳамда ташқи бозорда саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- янги ва фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари учун керакли бўлган инфратузилмани, биринчи навбатда, электроэнергия, газ ва сув таъминотини ривожлантириш;

- юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш.



Манба. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

1-Расм. 2000-2015 й. даврида ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар (фоиз ҳисобида).

Кўпгина мамлакатларда металлургия соҳаси етарлича юқори суръатлар билан ривожланиб келмоқда. Бунда таъкидлаш ўринли-ки, сўнгги йилларда замонавий пўлат қуйиш саноатининг маркази тобора Осиё мамлакатларига ўтиб қолмоқда, негаки ҳозирги вақтда бутунжаҳон пўлат маҳсулотларининг ярмидан кўпи шу ерда ишлаб чиқарилмоқда.

Темир рудаси қони 98 мамлакатда аниқланган, жаҳон истиқболлий захиралар эса 790,9 млрд.т.га баҳоланади. Дунё бўйича темир рудасининг умумий захиралари 464.24 млрд.т, тасдиқланган захиралари -206,9 млрд.т ташкил этади. Бутун жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг 60 фоизгачаси энг йирик ишлаб чиқарувчи мамлакатлар улушига туғри келади. Ўзбекистонда темир рудаси конларининг истиқболлаштирилаётган захиралари 4708,0 млн. тонна миқдорида баҳоланади, тасдиқланган захиралари - 604,3 млн.тоннани ташкил этади.

Металлофонд (металл жамғармаси) – давлат ҳудудида мавжуд бўлган металлнинг умумий (жамланган) ҳажмидир. Ҳар йили мамлакатнинг металлофонд ҳажми кўринган истеъмол қилинган

металл миқдорига кўпаяди. Пўлат парчаларининг (ломининг) энг йирик экспортчилари 20-40 йил аввал пўлат истеъмоли етарлича юқори бўлган мамлакатлар, ушбу даврда ўз металлофондини жадал ўстирган мамлакатлар ҳисобланади. Ҳозирги кунда металл парчаларини (ломини) йиғиш учун база айнан ўза вақтда шаклланиб борган. Металл парчаларининг (металлоломининг) энг йирик экспортчилари рўйхати «Катта саккизлик» билан бир хил эканлиги, яъни АҚШ, ЕИ йирик мамлакатлари, Япония, Канада ва яқиндан бери Россия ҳисобланиши бежиз эмас. Яқин келажакда (15-20 йилдан кейин) металл парчалари (ломининг) йирик манбаси ва уни етказиб берувчиси ҳозирги вақтда металл истеъмоли етарлича юқори бўлган Хитой бўлиб қолади.

2008 йил иккинчи ярмида кузатилган кескин тушиб кетишдан кейин пўлат маҳсулотининг истеъмоли 2009 й. баҳордан бошлаб барқарорлаша бошлаган. Барқарорлашув, биринчи навбатда, Хитой пешқадамлик қилаётган Осиё мамлакатларидаги талаб ижобий томонга ўзгариши туфайли юз берди.

Бекобод шахридаги ўзбек металлургия комбинати 1944 йилда, собиқ Совет Иттифоқи Ўрта Осиё республикаларидан қабул қилинадиган таркибида темир бўлган чиқиндилар ва металл парчаларини (ломни) қайта ишлаш учун қурилди ва республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз хом-ашёсида ишлаш бошлади.

1994 йилда бу корхона Ширин машинасозлик заводи ва «Иккиламчикорамет» («Вторчермет») корхоналарининг хўжалик ҳисобидаги бошқармаси билан бирлашиш натижасида «Ўзбек металлургия комбинати» ОАЖ очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди.

«Ўзметкомбинат» ОАЖ – Ўрта Осиё ҳудудидаги ягона қора металлургия корхонасидир. Комбинат асосий (негиз) тармоқ ҳисобланади ва барча бошқа тармоқлар билан узвий боғлиқликда фаолият кўрсатади, негаки республикада қора металлургия соҳасининг ривожланиши иқтисодийнинг замонавий ривожланиш босқичининг устувор умумдавлат вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республиканинг қора металлургия маҳсулотининг 90% «Ўзбек металлургия комбинати» ОАЖ («Ўзметкомбинат») улушини ташкил этади.

2007 йилда комбинат 2011 йил охирига қадар ишлаб чиқаришни замонбоблаштириш дастурини қабул қилди ва бу дастурнинг умумий қиймати \$49 млн ташкил этади. Комбинат маълумотларига кўра, ҳозирги кунда ушбу дастур деярли тўлиқ бажарилди. Замонбоблаштириш дастурини маблағ билан таъминлаш (молиялаштириш) «Ўзметкомбинат»нинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

Бугунги босқичда металлургия мажмуасининг инновацион ривожланишини рағбатлантирувчи объектив шарт-шароитлар мавжуд, шу жумладан улар қаторида:

- ўз минерал-хом ашё базасининг мавжудлиги;
- хом ашёни чуқур ва мажмуавий қайта ишлаш бўйича маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши;
- истеъмоли кам бўлган тармоқларнинг (машинасозлик, қурилиш, темирйўл транспорти ва б.) ривожланиши;
- жаҳон бўйича сифатли металл маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг ўсишига мойиллик;
- жаҳон бозорида металл қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича етакчи компаниялар мавжудлиги;
- сифатли металлни олиш ва қайта ишлаш бўйича мамлакатда янги тармоқларни ривожлантириш имкониятини берадиган замонавий юқори технологик чизмалар жорий қилиниши.

Жаҳоннинг пўлат эритиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиш тамойиллари ва бу маҳсулотларни сотиш бозорлари бўйича ўтказилган таҳлиллар маҳсулот рақобатбардошлиги таъминланиши, биринчи навбатда пўлат чиқариш ва унга ишлов беришнинг янги илмий ёндошувни талаб қиладиган усуллари ўзлаштирилиши билан белгиланади. Бунинг учун маҳаллий корхоналар асосий фондларини зудлик билан янгилаши, агрегатлар, қурилмалар ва технологияларни замонавийлаштириши, пўлат маҳсулотлари рўйхатини асбоббоп, коррозиябардош, қувурбоп ва бошқа тур пўлат маркалари улушини кўпайтириш томонига кенгайтириши, тайёрлилик даражаси имкон қадар юқори бўлган

ярим маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўйиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қора металлургия соҳасини ривожлантиришга қаратилган юқоридаги вазифаларни бажариш учун салмоқли инвестициялар зарур бўлиб, уларни «Ўзметкомбинат» ОАЖ «Ўзметкомбинат» ХК холдинг компаниясига қайта тузиш орқали қўлга киритиш мумкин. Қайта тузиш тартиби 2-Расмда кўрсатилган.

«Халқ истеъмоли моллари» АК ўз таркибига қурилиш ва маиший мақсадлар учун мўлжалланган товарларни ишлаб чиқарувчи бўлинмаларни олади, шу жумладан:

1. Сирланган пўлат идиш-товоқларни ишлаб чиқариш цехи.
2. Метизлар ишлаб чиқариш участкаси.
3. Пайвандлаш электродларини ишлаб чиқариш участкаси.
4. Иссиқлик ҳимоя қилувчи (изоляция) материалларини ишлаб чиқариш участкаси.
5. Ностандарт асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш участкаси.
6. Жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, уй-жой, коммунал қурилишини олиб бориш.

Олиб борилган таҳлиллар давомида сўнгги вақтларда металлургия соҳасидаги фаолиятнинг даромаддорлиги, ушбу тармоққа ва, айниқса, хом ашё ишлаб чиқариш соҳасига инвестициялар оқими кучайишига сабаб бўлди. Пўлат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзининг темирруда, коксимёвий ва домна ишлаб чиқаришларига эга бўлган вертикал-интегралланган (бирлаштирилган) тўлиқ босқичли корхоналар айниқса юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришдилар.

«Иккиламчикорамет» АК таркибига металл парчаларини йиғиш ва ишлов бериш бўйича минтақавий бўлинмалар қиради ва уларга инвестициялар келиб тушган тақдирда технологик асбоб-ускуналарни янгилаш зарур бўлади.

«Пўлат» АК таркибига мавжуд «Ўзметкомбинат» ОАЖ пўлат қуйиш ишлаб чиқариш корхонасининг бўлинмалари қиради. Бу ерда ҳам технологик ускуналарни янгилаш ва замонбоблаштириш учун инвестициялар зарур.

«Махсуспўлат» АК таркибига ташкил этилиши лозим бўлган пўлат қуйиш бўйича ишлаб чиқариш корхонасининг янги бўлинмалари қиради, шунингдек, қуввати суткасига 12 минг тонна бўлган замонавий домна печини қуриш мумкин. Домна печидан фойдаланмаган ҳолда рудадан темир олишнинг янада замонавий ва прогрессив усулини қўллаш зарур.


Ишлаб чиқаришда, шунингдек, кокс қўлланмаган ҳолда юқори даражада тоза темир метали олинмоқда. Бунинг учун, темир рудаларини чуқур бойитишда сульфат ва фосфордан деярли тўлиқ тозаланган, темир микдори юқори бўлган концентратлар тайёрланади. Бундан сўнг қаттиқ ёки газсимон тикловчи билан таъсир этган ҳолда металлалаштирилган бўлақлар (оқатишлар) ҳосил қилинади. Қаттиқ тикловчи - углевод қўлланаётган бўлса, жараён шахтали ёки қувурли печда ҳамда реторда пишириш билан биргаликда ўтказилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкин-ки, пўлат эритиш (чиқариш) соҳаси рақобат таъсирида инновациялар ва ўсиб бораётган иқтисодий тала-

блар асосида жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Жаҳон пўлат бозорида ўз эгаллаган ўрнини сақлаб қолиш ягона йўли энг сўнгги технологик ютуқларни қўллаш ва янгиларини яратишдан иборат.

Жаҳон иқтисодиётини, шу жумладан, маҳаллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қўриладиган инновация муаммолари янги эмас. Биз томонимиздан ўтказилган жаҳон пўлат эритиш (чиқариш) бўйича ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш

омилларининг ва уларнинг маҳсулотларини сотиш бозорларининг таҳлили биринчи навбатда пўлат чиқариш ва унга ишлов беришнинг янги илмий ёндошувни талаб қиладиган усуллари ўзлаштирилиши билан белгиланигини кўрсатди. Жаҳон пўлат бозорида ўз эгаллаган ўрнини сақлаб қолиш ягона йўли пўлат эритувчиларнинг инновацион пойгасида биринчилар қаторида бўлиш учун энг сўнгги технологик ютуқларни қўллаш ва янгиларини яратишдан иборат.



2-Расм «Ўзметкомбинат».

Манба. Муаллиф томонидан «Ўзметкомбинат» маълумотлари асосида тузилди

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг маърузаси «Итоги экономического и социального развития страны за истекший 2015 год и утверждение важнейших приоритетов развития экономики страны на 2016 год.» Газета « Народное слово». Тошкент. 2016.

2. Абдуфаттаева Н. А., Шадманов Э. Ш. Промышленность в экономике Узбекистана и пути ее развития // Молодой ученый. — 2015. — №6. — 360-364-б.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Юсупов Шоҳжаҳон Баҳодир ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юзага келиши, соҳа фаолиятини ташкил этиш шакллари ва усуллари билан боғлиқ долзарб масалалар атрофида кўриб чиқилган. Шунингдек, бугун кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар тўғрисида илмий-амалий фикр юритилган ҳолда тадқиқот натижалари бўйича бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

**Таянч тушунчалар:** кичик бизнес, тадбиркорлик фаолияти, хусусий тадбиркорлик субъектлари, иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик категориялари, корхона ҳажми, ўсиш мезонлари.

**Аннотация.** В статье рассмотрены важнейшие вопросы связанные с организацией деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях Узбекистана. А также представлены некоторые предложения и практические рекомендации по их организации.

**Ключевые слова:** малый бизнес, деловая активность, частные предприятия, экономический рост, бизнес-категории, размер предприятия, критерии роста.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг эксклюзив тажрибаси миллий иқтисодиёт тизими барпо этилишининг нафақат ўзига хослиги, балки уни воқеликка татбиқ этган ҳолда бошқа мамлакат ва халқлар ижобий тарихий тажрибасига мослашув қобилиятини ҳам акс эттиради. Бизнес ва тадбиркорлик категориялари моҳиятининг рестроспектив таҳлили ҳозирги воқеликда нафақат маълум далиллар, балки ўтиш иқтисодиётга эга мамлакатларда шаклланувчи ҳуқуқий асос, алломаларнинг ғоя ва қарашлари умумий йўналишини белгилайди.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик Ўзбекистонда оммавий кўринишга эга ва республикадаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилади, бироқ кичик корхоналар ва кичик бизнесга давлат бошқарув идоралари томонидан асосий эътибор қаратилади. Кичик бизнеснинг ривожланиш миқёслари ташкилий шакллари таснифлаш ва уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий тавсифларини аниқлашга мувофиқ ёндашувларни талаб этади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов ўз маърузаларида алоҳида тўхталиб ўтиб, “ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улushi 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан”, – деб таъкидлади.[1] мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий ўсиш

Республикадаги ҳамма корхоналар ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси даражасига кўра, кичик ва йирик корхоналарга бўлинади. Уларни бу гуруҳлардан бирига киритиш қуйидаги белгиларга кўра амалга оширилади:

- персонал сони;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қиймат ҳажми;
- ишлаб чиқариш воситалари қиймати.

Кичик бизнесга кўзда тутилгандан камроқ киши банд бўлган ва тижорат айланмаси катта бўлмаган корхоналар қиради. Гарчи ёлланма меҳнат ман этилмаган бўлса-да, мулкдорлар, қоидага биноан, ўзлари фаолият юритадилар. Персоналнинг сон кўрсаткичларидан ташқари, номенклатура, технология жараёнининг бирор-бир турига мансублик сингари мезонлардан фойдаланилади.

Корхона ҳажмининг мезонини тўғри аниқлаш масаласини ҳал этиш иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади, чунки турли белгилардан келиб чиққан ҳолда корхоналарни ўлчам бўйича тақсимлаш корxonанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси, маҳсулот сифати ва таннарх ҳамда фойда ҳажмига таъсир кўрсатади. Бироқ капитал талаб усқуналар, масалан, атом электр станцияларидан фойдаланувчи жуда йирик фирмалар сезиларсиз персонал сонига эга бўлиши мумкин. Шу сабабли иш билан бандлар сони бўйича фирма ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотлар фойдаланилувчи капитал қиймати ва савдо ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади. Ўзбекистонда кичик sanoat корхоналари сектори ривожланишига муҳим эътибор туфайли корxonани шу секторга киритиш мезонларини белгилаш қатъий аҳамиятга эга, чунки ҳукумат тузилмалари томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш унга боғлиқ.

Хизматчиларнинг ўртача йиллик сонига кўра қуйидагилар фарқланади:

- 1) ходимларнинг ўртача йиллик сонига эга микрофирмалар:
- ишлаб чиқариш тармоқларида, 20 кишидан

ортиқ бўлмаган;

- хизматлар соҳаси ва ноишлаб чиқариш тармоқларида, 10 дан ортиқ бўлмаган;

- улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланишда, 5 дан ортиқ киши;

2) қуйидаги тармоқларда банд ходимларнинг ўртача йиллик сонига эга корхоналар:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати қурилиш материаллари саноати – 100 кишидан ортиқ бўлмаган;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаси – 50 дан ортиқ бўлмаган киши;


- фан, илмий хизмат, транспорт, алоқа, хизмат соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси – 25 дан ортиқ киши.

Кичик тадбиркорлик субъектлари хизматчиларнинг ўртача йиллик сони қонунчиликда белгиланган тартибда белгиланади. Бунда жумладан, унитар (шубба) корхоналар, филиал ва ваколатхоналарда фаолият юритувчи хизматчилар сони. Улар микрофирма ва кичик корхонада белгиланган сон-

дан ортиганда, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз, қафолат ва ҳуқуқлардан унга йўл қўйилган даврда ҳамда келгуси уч ойга маҳрум қилинади.

Мамлакатимизда кичик корхоналарни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор далолат беришича, улар бозор иқтисодиётининг барпо бўлиш асоси ва республика миллий хўжалиги жадал ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга, кичик корхоналар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида ўз индивидуал хусусиятларига эга, улар юзага келиш ва амал қилиш жараёнида намоён бўлади.

Кичик корхоналар хўжалик фаолиятининг бошқа субъектлари сингари технология жараёни турига кўра фарқланиб, улар ўзи амал қилувчи тармоққа боғлиқ. Ишлаб чиқариш тури номенклатура кенглиги, мунтазамлик, барқарорлик ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг техник, ташкилий ва иқтисодий хусусиятларининг комплекс тавсифлари орқали аниқланади. Ишлаб чиқаришнинг кичик корхоналарда фойдаланилувчи қуйидаги: ягона, серияли, оммавий турлари мавжуд. Кичик (хусусий) корхоналарни ташкил этиш жуда меҳнатталаб жараён, шу билан бирга улар қайси манбалар ҳисобига ва қандай яратилганлигига муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



**1-расм. Кичик (хусусий) корхоналарни ташкил этишининг асосий усуллари.**

Кичик (хусусий) корхоналарни ташкил этиш бўйича муҳим вазифаларга қуйидагилар тааллуқли:

- корхона эгасининг харажатларни қоплаши ва даромад олиши;

- корхона фаолиятида тўхтаб қолишларни (шу жумладан, таъминотдаги узилишлар ва сифатсиз брак маҳсулотларни ишлаб чиқариш, корхона даромади ва ҳажмининг қисқариши);

- истеъмолчиларни маҳсулотлар билан шартнома ва бозор талабига мувофиқ таъминлаш;

- корхона персоналига иш ҳақи тўлаш, ходимларнинг профессионал ўсиши учун имкониятлар ва нормал шароитлар яратиш;

- корхона атрофида яшовчи аҳолига иш ўринлари яратиш;

- атроф-муҳитни (ер, ҳаво ва сув ҳавзаларини) муҳофаза қилиш (2-расм).


Таъкидлаш жоизки, амалиётда хўжалик субъектининг вазифалари мулкдорлар ёки мулкдор манфаатлари, капитал миқдори, корхонадаги вазиятлар, ташқи муҳит ва ҳоказоларга кўра белгиланади. Лекин бунда кичик бизнес субъектлари учун мажбурий вазифалар рўйхати мавжуд.

Таъсисчилар ўзаро келишувга кўра янги корхонани ташкил этиш бўйича техник-иқтисодий асослов ишлаб чиқувчи мустақил консалтинг фирмасини ёллайди. Техник-иқтисодий асословнинг асосий вазифаси – таъсисчилар учун лойиҳанинг қопланишини аниқлаш, яъни соф даромадга эришишнинг тахминий муддати.

Иккинчи босқичда таъсис мажлиси ўтказилиб, унда таъсис шартномаси ва корхона низоми тасдиқланади. Корхона низоми корхонанинг ташкил этилишини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда корхонанинг юридик маъқеи, таъсисчилар ва уларнинг манзиллари ҳамда (моддий ва пул шаклидаги) хиссалари кўрсатилиб, ташкил этиш вазифалари, асослов ва принциплари баён этилади, корхона фаолиятининг муддат ва шаклла-

ри, юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Низомда низом жамғармасининг миқдори ва уни ташкил этиш манбалари белгиланади, фаолият тури ва соҳаси кўрсатилади, кишилар саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун кафолатлар берилади, корхона бошқаруви шакли (бошқарув идоралари имзолайди), корхона манзили ва номи белгиланади.



2-расм. Кичик (хусусий) корхонанинг муҳим вазифалари.

Корхона Низоми таъсис мажлисида тасдиқлангач, маҳаллий ҳокимият идорасида (ҳокимиятда) рўйхатга олинади. Маҳаллий ҳокимиятда рўйхатга олиш учун белгиланган шаклдаги ариза, шунингдек, давлат божи тўлови, муҳр эскизи, низомнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, таъсисчилар мажлиси баённомаси, банкдаги вақтинча жамғарув счёти зарур. Низом маҳаллий статистика идорасида рўйхатга олингунга қадар кичик бизнес субъекти номи тасдиқланади.

Рўйхатга олиш гувоҳномаси олингач, корхона шахсий муҳр ҳуқуқига эришади ва банкда ҳисоб рақами очади. Маҳаллий солиқ идорасида белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Шундай қилиб, янги корхонанинг расмий юридик шаклланиши якунланади ва унинг тўлақонли тижорат фаолияти бошланади. Корхона юридик шахс сифатида рўйхатга олинишида низом капитали (яъни низом жамғармаси)га эга бўлиши керак.

Низом жамғармаси –қийматда ифодаланган моддий ва номоддий қимматликлар суммаси бўлиб, у корхонага қимматликлар эгаларидан доимий фойдаланиш учун ўтказилади. Низом жамғармаси корхона низоми билан бирга шаклланади ва тасдиқланади. Рўйхатга олиш вақтида унинг миқдори корхона низомида белгиланган суммадан 30% дан кўпроқ бўлиши керак.

Учинчи босқичда корхона дислокация жойига жойлаштирилади, корхона зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланади, ташкилий бошқарув таркиби ишлаб чиқилади, штат жадвали тасдиқланади.

Тўртинчи босқичда ишлаб чиқариш персонали йиғилиб, ишлаб чиқариш бошланади.

Бешинчи босқичда корхона лойиҳа кувватига мувофиқ фаолият юритади.

Хўжалик фаолиятининг бу янги субъекти кичик

корхона сифатида таъсис қилинган, аниқ ва муфассал ташкил этилиши керак. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика корхоналари (шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари) бизнес-режаларни ишлаб чиқишга киришиб, улар корхона фаолиятининг техник-иқтисодий асоси ва уларни бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режада стратегик вазифалар белгиланади, корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш шароитлари таҳлил қилинади, фирмадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш усуллари аниқланади. Шу жиҳатдан бизнес-режа совет даврида (техник саноат молия режалари сингари) тузилган режалардан фарқ қилади.

Бизнес-режа – фирма фаолиятининг ҳозирги ва келгуси ҳолати, бизнесни оптимал амалга ошириш тўғрисида яхлит тасаввурни таъминловчи, муайян кўрсаткичлар ва муҳим жиҳатларни ўз ичига олувчи комплекс ҳужжат.

Бизнес-режанинг асосий мақсади бозор эҳтиёжлари ва фойда олишга кўра фирма фаолиятини белгилаш ҳисобланади. Бу мақсадни ҳал этишда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- фирма фаолиятининг муайян йўналишлари, истикболли сотув бозорлари ва фирманинг бу бозорлардаги ўрнини белгилаш;

- харажатларни баҳолаш, кўзланаётган лойиҳанинг фойда келтиришини аниқлаш учун уларни нархлар билан қиёслаш;

- молиявий имкониятлар ва уларга эришиш манбаларитаҳлили;

- мақсадга эришиш йўлида юзага келиш эҳтимоли бўлган хатар ва қийинчиликларни аниқлаш.

Бизнес-режани тузиш фирманинг барқарор фа-

олияти, рақобат курашида тактика, банк кредити ва инвестицияларни олиш имкониятини белгилаш, ҳамкорликдаги фаолият учун шерикларни жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Кичик корхоналар хўжалик фаолияти субъекти сифатида давлатга ҳисобот топширишнинг ўз шаклига эга, у мамлакатимизда кичик бизнеснинг реал ҳолатини аниқлаш, тегишли хулосалар чиқариш ва келгуси давр истиқболларини белгилаш имконини беради.

Статистика ҳисоботи кичик корхоналарда, аввало, молиявий кўринишдаги муаммоларни аниқлаш ва нейтраллаштириш имконини беради, натижада корхона мулкдорлари (ўз бизнесини сақлаб қолиш учун) уни ёпишлари ёки амалдаги ишлаб чиқаришни тўлиқ қайта тузишга мажбур бўладилар. Корхона фаолиятини яқунлаш қарори корхона мулкдори томонидан қуйидаги свабабларга кўра қабул қилинади:

- молиявий ночорлик;
- барқарор фойданинг мавжуд эмаслиги;
- мулкдорларнинг манфаатлари ўзгариши;
- суд тартибида банкрот деб эълон қилиш.

Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти таҳлили жараёнида таъсисчилар (аудиторлар ёки маҳсус ёлланган консалтинг фирмаси) томонидан аниқлаган корхонанинг молиявий ночорлиги зарарларни камайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилишни кўзда тутди. Агар банкротлик муқаррар бўлса, у ҳолда корхона фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу иш беш босқичда амалга оширилади:

**1-босқич.** Корхона таъсисчилари (акционерлар) Умумий мажлиси қарори асосида корхона ижроия органи (идора, дирекция) тугатиш комиссияси тузилади.

**2-босқич.** Тугатиш комиссияси оммавий ахборот воситалари, телевидениеда корхонани тугатиш тўғрисида эълон жойлаштиради.

**3-босқич.** Икки ой мобайнида корхона ҳамкорларининг норозиликлари қабул қилинади. Бу даврда тугатиш комиссияси тугатилаётган корхона мулкчини сотади ва кредиторларга қарзларни тўлайди (навбатма-навбат – бу меҳнат жамоаси,

солиқ идоралари, бошқа кредиторлар, таъсисчи ёки акционерлар).

**4-босқич.** Тугатиш комиссияси икки ойдан сўнг ўз фаолиятини яқунлайди ва тугатиш бўйича ҳужжатларни маҳаллий рўйхатга олиш идораларига тақдим этади.

**5-босқич.** Маҳаллий рўйхатга олиш идоралари тугатилган корхонани минтақа хўжалик субъектлари реестридан чиқаради.

Кичик бизнес тузилмаларини яратишдаги янги йўналиш – харажатли тайёрлов ва механик қайта ишлаш ишлаб чиқаришлари йирик, стратегик жиҳатдан муҳим корхоналар таркибидан ажратиш (қисмларга бўлиш).

Мураккаб молиявий ҳолат ёки банкротолди ҳолат туфайли – йирик корхона маълум даражада тўловга ноқобил бўлиб қолса, кўпчилик муассаса бўлимларини нафақат кенгайтириш, балки таъминлаш имкониятига эга бўлмаса, унинг таркибидан ўзини-ўзи қоплай олувчи бўлинма ёки кичик корхона сифатида фаолият юрита олувчи, ўз номи билан “бизнес бирликни” ажратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу янги тузилма (кичик корхона)га нафақат йирик корхонанинг камайган эҳтиёжларини таъминлаш, балки маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқариш ёки миллий ҳамда халқаро бозорга қўшимча хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз қувватини ошириш имконини беради.

Бу вазият, ўз навбатида, бош корхона – таъсисчи учун малакали ишчи кадрларни сақлаб қолиш, корхонанинг аввалги тартибда фаолият юритиши имконини беради, бу қўшимча даромад манбаига эришишда муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда йирик корпоратив тузилмалар ва кичик корхоналар субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва такомиллаштириш масалалари долзарбликка эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини самарали ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш, янги имкониятлар яратиш иқтисодий-иқтисодийнинг жадар равишда ўсишига муҳим туртки бўлади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 16 январь, 2016 йил.
2. Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. –Т.: Иқтисодийёт, 2014.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т., Бакиева И.А., Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2016.

---

---

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

---

---

Босишга рухсат этилди 25.02.2017 й.  
Бичими 60x90 1/16.  
Шартли босма табағи 10,75  
Адади 100 нусха

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида офсет қоғози ва усулида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги, 6

---

**Таҳририят манзили:**  
100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49,  
Телефонлар (99871)239-29-65, 239-28-97